

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК ИНСТИТУТИ

Ф.М.ОТАХЎЖАЕВ, Ш.Р.ЮЛДАШЕВА

ОИЛА ҲУҚУҚИ

ТОШКЕНТ – 2007

Тақризчилар: Ҳожиакбар РАҲМОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор;
Икром ЗОКИРОВ, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Отахўжаев Фозил Мақсадович, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Юлдашева Шоира Раҳматовна, юридик фанлари номзоди. Оила ҳуқуқи: Дарслик; Мирзаюсуф Ҳакимович Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида.-Т.; 2007. 331-бет.

Сарлавҳада : Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти.

ББК 67.404.4 (5У) я 73

Ушбу дарслик таниқли ҳуқуқшунос олим – юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, профессор Ф.М. Отахўжаев қаламига мансуб бўлган 2005 йилда чоп этилган дарсликнинг тўлдирилган ва қайта ишланган нашри бўлиб, уни марҳум устознинг шогирди Ш.Р.Юлдашева ишладилар. Унда оила ҳуқуқининг умумий қисмига оид назарий муаммолар, оила, оила ҳуқуқи тушунчаси, предмети, манбалари, оила қонунчилиги тарихи, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оила ва фуқаролик ҳуқуқининг нисбати ёритиб берилган. Оила ҳуқуқининг маҳсус қисмига оид асосий масалалар: никоҳ, эр ва хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари, ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бўлган болаларни жойлаштириш шакллари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштироқидаги оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ жиҳатлар таҳлил этилган. Бундан ташқари, дарслиқда оила ҳуқуқининг янги институтлари, хусусан, никоҳ шартномаси, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув, сунъий боланинг вужудга келиши туфайли оталик ва оналикни белгилаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Оила ҳуқуқи фани бўйича бу дарслик ўзбек тилида илк бор нашр этилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлиdir.

Мазкур дарслик олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар, аспирантлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, шунингдек суд, прокуратура, ФХДЁ, нотариатлар, адвокатлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига, қолаверса, республика аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга мўлжалланган.

№ 463-2007

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Муаллифлар, 2007 й.

Тошкент Давлат юридик институти, 2007 й.

Сўзбоши ўрнида

ҚАЛБИМНИНГ АРДОФИ

Қалбимнинг ардоғи-оилам менинг,
Ҳаётнинг сабоғи-оилам менинг,
Бу дунё чорбоғи-оилам менинг,
Кўзимнинг қароғи-оилам менинг.

Умрим баҳорида ғунчадек туғиб,
Юракда ардоқлаб, қалбимда тутиб,
Гоҳида шод бўлиб, гоҳи қон ютиб,
Асраган гавҳарим, оилам менинг.

Тантана, тўйлардан сенга чопаман,
Саёҳат, сойлардан сенга чопаман,
Тенгсиз саройлардан сенга чопаман
Ватанда ватаним, оилам менинг.

Сенинг аъзоларинг танда жонимдир,
Бириси шаҳзода, бири хонимдир,
Шодуман ўтмагай сенсиз онимдир
Аллоҳим асрасин, оилам менинг

Тошкент шаҳри, Муаттар Ҳамроева

Мазкур Оила ҳуқуқи дарслиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2007 йилда тасдиқланган дастур асосида ёзилди. Дарслик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила

кодекси ва улар асосида қабул қилинган норматив актлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек раҳбарий ва илмий адабиётлар асосида ёзилди.

Оиласа оид ислом ҳуқуқида ифода этилган қоидаларга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Китобда оила ҳуқуқининг умумий қисмига оид назарий муаммолар, оила, оила ҳуқуқи тушунчаси ва предмети, методи, оила қонунчилиги тарихи, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оила ва фуқаролик ҳуқуқининг нисбати, шунингдек оила ҳуқуқининг маҳсус қисмига оид асосий масалалар: никоҳ, эр ва хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари, ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш каби масалалар ёритилади.

Оила ҳуқуқининг янги институтлари, хусусан, никоҳ шартномаси, алимент келишуви, сунъий болани вужудга келиши туфайли оталик ва оналикни белгилаш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Умуман, дарслик олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар, аспирантлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, шунингдек суд, прокуратура, ФҲДЁ, адвокатлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига, республика аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга мўлжалланган.

I Мавзу. Оила тушунчаси ва унинг асосий вазифалари

1-§. Оила тушунчаси

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 май кунини Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилди.

1993 йилдан буён Венада, Қоҳирада, Копенгагенда ва Пекинда ҳамда қатор бошқа Халқаро анжуманлар кун тартибиға оила масаласи атайлаб киритилишида ҳам маъно бор.

Ҳар йили белгиланаётган ва амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчасида оила ва унинг мустаҳкамлиги муаммоси умуминсоний вазифа эканлиги эътироф этилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 16-моддасида шундай дейилади:

«1. Балоғатга етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ва динига қараб бирор бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтда ҳам ва никоҳ бекор қилинаётганида ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

2. Никоҳ, никоҳдан ўтаётган иккала томоннинг хоҳиши ва батамом розилиги билангина тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир»¹.

Ҳозир ер юзида 6,6 миллиард киши истиқомат қилмоқда. Уларнинг 43 фоизи шаҳарда, қолганлари қишлоқларда яшайдилар.

Ўзбекистон Республикасида 27 миллиондан ортиқ аҳоли яшаса, улар 5,5 миллион атрофидаги оиладан иборат.

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл. –Т.: Адолат, 1992, 14-бет.

Аҳолининг 98 фоизи оилаларда, қолганлари эса ёлғизлиқда яшайдилар.

Ҳар йили мамлакатимизда 400-450 минг бола туғилмоқда. Йилига ўрта ҳисобда 200 минг атрофида ёш оилалар вужудга келмоқда.

Мамлакатимизда 6 миллиондан ортиқ репродуктив (бола туғиши ёшидаги) аёллар мавжуд.

Аҳолининг ўрта ёши – 70. Аёллар – 72 ёш, эркаклар – 68 ёш.

Бугун оиланинг беназир нуфузи, улкан ижтимоий аҳамиятга молик воқелик эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Оила жамиятнинг асосий ҳужайраси ва ижтимоий таянчидир. Ҳар бир оиланинг баҳтиёрлиги ва фаровонлиги пировард натижада жамиятнинг барқарорлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлиги шартидир. Оила нафақат инсон наслини давом эттириш омили сифатида, балки жамият аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш маскани сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Инсон шахсини шакллантиришда оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифасини ўтайди, яъни оилада одамларнинг бир-бири билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади.

Шу муносабат билан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий олам» мавзуида сўров ўтказди. Тадқиқотдан қўзланган мақсад – Ўзбекистон фуқароларининг оила ва оилавий муносабатларга қараши, миллий қадриятлар ва маҳалланинг оила ҳаётидаги ўрни, бу борада барқарор анъаналарни тиклаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини аниқлаш ва ўрганишдан иборат эди. Сўровда 10 вилоят, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри қамраб олинди. Унда эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

«Замонавий оила жамият ҳаётида қандай асосий вазифани ўтайди?» - деган саволга сўралганларнинг 47,5 фоизи оила жамият ва давлат асосий, деб жавоб берди. Сўров иштирокчиларининг 21,2 фоизи оила ёш авлодни тарбиялаш вазифасини бажаради, - деган фикр билдириди. 11,2 фоиз сўров иштирокчиларининг фикрича, оила мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашади. 7,9 фоиз одамлар эса оила вазифасини насл қолдиришда, деб билади.

Оиланинг ҳар бир инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўралганлар қуидаги фикрларни билдириди: «у наслни давом эттириш, болалар туғилиши ва тарбияси учун зарур» (63,2 фоиз), «оила – инсон қўрғони, унга ҳаётда ишонч бағишлайди» (28,8 фоиз), «оила одам қариганда уни таъминлаш учун зарур» (4,9 фоиз). Айни пайтда пойтахтликлар-сўралганларнинг 52,6 фоизи-оила улар учун, авваломбор, ҳаётда ишонч бағишловчи қўрғон эканлигини кўпроқ таъкидлашди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланган қуидаги сўзлар ниҳоятда рамзий ва теран маънодадир: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».

Жамият ва давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги авваломбор, давлат юритаётган кучли ижтимоий сиёsatда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигига амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборатdir. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1997 йил - «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил - «Оила йили», 1999

¹ //Халқ сўзи, 2002 йил 26 сентябр.

йил - «Аёллар йили», 2000 йил - «Соғлом авлод йили», 2001 йил - «Она ва болалар йили», 2002 йил - «Қарияларни қадрлаш йили», шунингдек бошқа бир қатор йиллар бевосита оила билан боғлиқ ҳолда эълон қилинди. Ҳукумат томонидан ҳар йили тегишли Давлат дастурлари қабул қилиниб, событқадамлик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Мазкур ташаббусларнинг ўзига хос рамзий маъноси ва сабаблари бор.

Аввало, бу Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йили деб эълон қилиниб, кўпдан-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараён бўлди. Чунки Инсон, Оила, Аёл, Соғлом авлод, Она ва бола тушунчаларини бир-биридан ажralган ҳолда тасаввур этиш қийин.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган ижтимоий-сиёсий соҳа муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар халқаро ҳуқуқий стандартларга тўла-тўқис мос бўлиб, улар руҳини ҳаётимизга сингдириш ишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Шарқ мамлакатлари сирасига кирувчи давлатдир. Маълумки, Шарқда қадимдан оила муқаддас маскан саналган. Унга бундай эъзозли муносабат бугунги кунда ҳам ўзгаргани йўқ.

«Оила, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳаётнинг агадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчофи...»¹

Оилани эъзозлаш, унинг қадр-қимматини юксакка кўтариш бизнинг онгимизда мустаҳкам жо бўлган.

¹ 1998 йил - Оила йили.-1998 - год Семьи., -Т.: Ўзбекистон, 1998, 9-10-бетлар.

Мамлакатимиз аҳолисини тарбиялашда миллий истиқлол ғоясини ўрни алоҳидадир. «Оила-мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила-жамият негизи бўлиб, қўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит-соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш-миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади»¹.

2-Ҷ. Ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари

Республикамизда бир юз ўттизга яқин миллат вакиллари ҳамжиҳат яшаб, Ўзбекистон мустақиллиги равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳар бир миллатнинг оиласини ўзига хос хусусиятлари бор. Мамлакатимизда аҳолини қўпчилигини 85 фоизини ўзбек миллати тишкил этилганлиги учун, дарслик биринчи маротаба ўзбек тилида чоп этилаётганлигини инобатга олиб асосий эътиборни ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятларига қаратишни лозим деб ҳисобладик.

Узоқ йиллик тарихига эга бўлган ўзбек халқи оилага жуда катта эътибор бериб келган.

Ер куррасида яшовчи турли халқлар ва миллатларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бўлгани каби уларнинг оилавий ҳаётида ҳам ўзига хос хусусиятлари бор.

Ўзбек оиласи серфарзандлик, болажонлик, оилапарварлик каби ижобий хусусиятлари билан ажralиб туради.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 66-6.

Оилага шарқона, ўзбекона содиқлик, ўтган етти пуштини билиш, ота-она, қариндош уруғ, кексаларга ҳурмат, ёшларга меҳрибонлик, оила аъзолари, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлиги унинг ўзига хос хусусиятларидир. Оилалар жуда катта бўлиб жамоа асосида яшаб келганлар.

Ўзбек оиласи ор-номусли, кучли оиладир. Шунинг учун у ўзининг миллий қиёфасини йўқотмаган ҳолда бутун оиланинг шаъни, обрўсини сақлаш учун масъулият билан иш тутади. Эр оила посбони, унинг боқувчиси ҳисобланса, хотин эса унинг кўрки, файзи барокатидир. Уларнинг умр гулшанлари қобил фарзандларидир.

Президентимиз И.Каримов ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятларини эътироф этиб шундай дейди: «Оила-жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушунишимиз мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждан қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир¹.

Серфарзандлик ўзбек оиласининг алоҳида белгисидир. Бизда кўп болалик оналар сони бошқа минтақалардагига нисбатан анча зиёд.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1993 йил, 47-б.

Ўзбек оиласидаги болажонлик, фарзандлар томонидан ота-оналарни хурмат қилишлиги, оилаларни асосан кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакилларини бирга яшашлиги ва бирга хўжалик юритишлари, меҳнатсеварлик, саҳий ва меҳмондўстлик яхши хусусиятлар сақланиб қолинмоқда.

Ўзбек оиласининг ўзига хос этнографик хусусиятлари: кўп болалик, кўп табақалик (бир неча авлод вакилларининг бирга яшаш), авлодлар ўртасидаги боғлиқликнинг бошқа мамлакатлардагина нисбатан кучлилиги ва шу каби қатор хусусиятлари унда психологик аҳамиятини янада орттириб юборади.

Ватанимиз 130 йилдан зиёд қоронғулик қаърида яшади, шунча муддат фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари топталди, қонунсизлик авж нуқтага етди. Мустамлакачилик сиёсатининг «советча» маданий шакли вужудга келди: фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари қоғозда қайд этиларди-ю, амалда унинг тескариси қилинарди.

Кейинги етмиш йил ичida «совет даврида» ўзбек оиласининг обрўси бир оз пасайди, мавқеи тушди. Миллий анъаналаримизда ифодаланган. «Оила мажлиси», «Оила ўчоғи», «Оилавий қонунлар», «Оилавий самимият» деган ифодалар йўқолиб, турмушимиздан чиқиб кетди. Шу даврда эркаклар хурмати, хусусан оила раҳбари ота шаъни ва обрўси бироз пасайиб қолди.

Мамлакатда бошқа йўналиш ҳам сезилмоқда. Ўзбек оилалари ҳам жуда кўп сонли болалар туғилишини хоҳламай қолмоқдалар. Қишлоқ жойларда 5-6, шаҳар жойларда эса 3-4 бола тўғри келади.

Эндилиқда мустақиллик асосида, миллий истиқлол мафкураси асосида ўзбек оиласини обрўсини, унинг нуфузини юқори кўтариш лозим.

3-§. Оиланинг асосий вазифалари

Оиланинг жамият олдидаги асосий вазифаларидан бири-фарзанд кўриш ва тарбиялаш ғоят муҳимдир. Статистик маълумотларга қараганда аҳоли сони маълум муайян кўрсаткичда бўлиб туриши учун ҳар 100 оиласга 260 та бола тўғри келиши керак. Аникроғи, 100 оиладан 60 таси 3 тадан 40 тасида 2 тадан бола бўлиши лозим. Демографик олимлар ҳисобларига кўра, агар ҳар бир оила биттадан фарзанд кўрса, саккизинчи авлодга келиб, яъни 200 йилдан кейин бу халқ миллат тариқасида йўқ бўлиб кетиши мумкин экан.

Ўзбекистон дунёда аҳолисининг сони жуда тез кўпайиб бораётган мамлакатлар қаторига киради.

Оила эркак ва аёлнинг никоҳдан ўтиб, бир ёстиқقا бош қўйган кунидан бошланади. Унинг энг муҳим вазифаси наслни давом эттириш, шунингдек ота-боболарининг энг яхши анъана ва удумларини давом эттириш, турмушни мустаҳкамлашдан иборатdir.

Оила жамиятнинг бошланғич ҳужайрасини ташкил этиб, унда аҳолини кўпайиши ва ёш авлодни тарбиялаш вазифалари бажарилади.

Унинг муҳим ижтимоий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, у жамиятнинг демократик ҳужайрасини ташкил этиб одамлар шу муқаддас кошонада туғилиб ўсиб жамият таркибини ташкил этади.

Иккинчидан, оила муҳим бўғин бўлиб унда биз меҳнат жараёнида сарф қилган кучларимизни тиклаймиз.

Учинчидан, оила муҳим тарбия ўчоги.

Ва охири **тўртинчидан**, нодир руҳий муҳитдир.

Олимларнинг фикрича, одамлар ҳаётининг бирдан-бир тўғри йўли оилавий ҳаёт экан. Ёлғиз бўлиб яшаш ҳар хил палакатларга ва фожиаларга олиб келар экан.

Шунинг учун Америка Қўшма Штатларида қариялар ёлғиз уйда қолдирилмасдан уларни болалари бўлатуриб қариялар уйларига жойлаштирилади.

Италиялик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирги пайтда ҳар беш овруполикнинг бири уйқусизликдан азоб чекаркан. Бунинг асосий сабаби ёлғизлиқdir.

Кўпчилик одамлар оилавий ҳаётда яшайдилар, оила-оила бўлиб яшашликни ўзларига маъқул деб ҳисоблайдилар.

Буюк Британияда ёлғиз оналар ва ёлғиз қариялар сони эса йилдан йилга кўпаймоқда. Айни пайтда мамлакатнинг 15 фоиз аҳолиси ёлғизлиқда умр кечиради¹.

Ислом яккаликни, беваликни ёқтирмас. Бу ҳам ўз йўлида биз билиб-билмаган бир донолик ва донишмандликдир².

Ислом динидан ташқари бошқа динларга эътиқод қилувчи олимларнинг эътироф этишича дунёда энг мустаҳкам оила бу ислом динига эътиқод қилувчиларнинг оиласидир.

Санъат ва илм-фан оламида сўқقا бошлар жуда кўп. Оилавий ҳаётга қаратилган тарбиявий ишлар кўпайтрилиши лозим, чунки бу аҳолини айrim қатламлари бизга четдан кириб келган «бўйдоқ» бўлиб яшашликни хоҳловчиларни кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўзбек халқининг ҳаёт тарзида, мусулмончиликка мутлақо тўғри келмайдиган ҳолдир.

4-§. Оила жамият ва давлат муҳофазасида а) оила жамият ҳимоясида.

Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасини ташкил этади. Жамият катта-кичик оилалардан иборат. Бу оилалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

¹ //Оила ва жамият, 1996 йил, 15-сон.

² //Оила ва жамият, 1997 йил, 39-сон.

Биз қураётган адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти биринчи галда унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлигига ҳамда ижтимоий вазифаларда ифодаланган.

Мамлакатда ҳар бир оила ва ҳар инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб иш олиб борилмоқда.

Президент И.Каримов бу борадаги вазифалар ҳақида гапириб: «Энг муҳим вазифа-халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қудрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади»¹-деганди.

Бу адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нотижорат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти, оилани муҳофазаси ошиб бораверади.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини ҳаётга жорий этиш демакдир.

Расмий маълумотларга қараганда, айни пайтда мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд жамоат бирлашмалари, нотижорат ва нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. 40 га яқин фондлар бор.

Бугунги кунда республикамиизда ўн мингтага яқин маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари оилалар билан жамоатчилик асосида катта ташкилий ва оммавий ишларни олиб бормоқдалар, оилаларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга, вояга етмаган болалар манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1993 йил, 14-6.

Б) оила давлат муҳофазасида.

Давлат томонидан оилага кун сайн ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-моддасини 2-қисми ва Оила кодексини 4-моддасини 1-қисмига биноан Оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида.

Мамлакатимизда оилани давлат муҳофазасида бўлишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти олиб боради.

Ўтган вақт давомида республикамиизда аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида соғлом оилани шакллантириш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишлари ўзининг ижобий самарасини берди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси кун тартибида «Оила ва аёллар муаммолари комиссияси» ташкил этилди.

Ушбу комиссия оила ва аёллар муаммолари бўйича давр талабларига жавоб берадиган оилани сақлаш ва мустаҳкамлашга, янги авлодни тарбиялашга қаратилган янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш вазифаларини ўз олдига қўяди.

Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикализ Президентининг фармонларида ўз аксини топмоқда. Президентнинг биринчи фармони 1990 йил 3 майда қабул қилинган бўлиб, «Кўп

болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида» деб номланган¹.

Унда кўп болали оналарнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида оналарга тўланадиган ойлик нафақа икки мартаға кўпайтирилди. Мазкур Фармон ўзбек халқининг болажонлик табиатини кўрсатади.

Фақат кейинги йилларда Республика Президентининг оиласага алоқадор бир қатор фармонлари қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкалари олдилар ва ўз ер участкаларини кенгайтирдилар. Томорқа участкаларнинг ўртача ҳажми 20 сотихдан ошди. Шахсий томорқалар ҳажмини янада кенгайтириш ва уларни 0,25 гектарга етказиш назарда тутилмоқда.

Президент И.Каримов ташаббуси билан 1998 йили «Оила йили» деб эълон қилиниши билан шу йили оила манфаатлари учун барча манбалар бўйича 144,8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, уларнинг деярли ярми давлат бюджетидан қопланди.

Оила иши бу оила аъзоларининг шахсий иши деб уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Айниқса, бозор механизмларини жорий этишдан олдин серфарзанд, кам таъминланган оилаларни, болалар, болали ёлғиз аёлларга давлат ва жамоат ёрдамини кўрсатиш лозим.

Мамлакатимизда алоҳида эътибор ёшлар оиласига қаратилинган.

Президент Ислом Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гурухи йиғилишида сўзлаган нутқида шундай деди: «Ҳаракат... ёш оилаларга ёрдам беришни ўзининг асосий бурчи деб

¹ //Совет Ўзбекистони, 1990 йил 4 май.

билиши, шу мақсадда «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

...Ҳаракат эндиғина турмуш қурган ёш оилаларга маълум бир имтиёзлар берилиши, айтайлик, уларга кейин бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳақида ўз таклифларини илгари суриши ва уларни амалга ошириши учун ҳаракат қилиш ўринли, деб биламан. Ишончим комилки, бу ёш оилаларга моддий ёрдамгина бўлиб қолмай, айни пайтда уларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши муқаррар¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»²ги 2007 йил 18 май ПФ-3878-сонли Фармонига биноан, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, ҳуқуқий ахборот, маслаҳат ва бошқа, жумладан, болалар соғлишини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш, ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун ғурур ва маъсулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор, меҳнат қилиш ва халқимизнинг маънавий қадриятлари руҳида болаларда тартиб-интизом туйғусини шакллантириш мақсадида, 2007 йилда 50,0 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланди.

Ҳозирча оила ҳақида алоҳида фан йўқ, оиланинг турли қирраларини ўрганиш билан эса, ўндан ортиқ фанлар шуғулланади, булар: *этнография, аҳолишунослик, демография, ижтимоий география, социология, иқтисодиёт фанлари билан статистика,*

¹ //Халқ сўзи, 2001 йил 25 январ

² Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил, №19-20, -7 б.

психология, оила педагогикаси, тиббиёт, ҳуқуқшунослик ҳамда бошқалардан иборат.

Этнография – никоҳ-оила муносабатларини халқлар турмуш тарзининг бир табақаси сифатида ўрганади.

Аҳолишунослик – демокрафия аҳолининг ҳамда унинг асосий бўғини бўлмиш оиланинг турли хил муаммолари, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва тарихий жараёнлар асосида ўрганади.

Ижтимоий география – тадқиқотларида аҳоли ва оиланинг ҳудудий тафовутлари комплекс таҳлил қилинади.

Социология – инсон ҳаётининг ижтимоий жиҳатларини, кишилиқ жамиятининг барча ижтимоий муносабатларни ўрганади.

Иқтисодиёт фани билан статистика оила бюджетини, оила ишлаб чиқариш (агар у мавжуд бўлса) ва оилавий истеъмолни, меҳнат тақсимотини ҳамда оиладаги хўжалик-иқтисодий муносабатларни тўдқиқ этиш билан шуғулланади.

Психологиянинг вазифаси асосан никоҳ-оила муносабатларида намоён бўладиган ҳиссиёт, тасаввур, урф-одатларни, шунингдек бу психологик (руҳий) ҳодисаларнинг ижтимоий ва табиат манбаларини ўрганишдан иборат.

Оила педагогикасининг мақсади – оиланинг болаларга кўрсатадиган таъсирини, оиладаги тарбия қонуниятлари ва воситаларини, ота ёки онанинг болага таъсирини, оила билан бошқа хил тарбия муассасаларининг ўзаро муносабатларини аниқлашдир.

Тиббиёт фани – никоҳнинг физиологик жиҳатларини ва унинг оқибатларини, шунингдек оиланинг оила аъзолари соғлиғига таъсирини татбиқ этади.

Хуқуқшунослик оила тўғрисидаги қонунларни ва оиланинг ижтимоий ҳаётга муносабатини ўрганиб, мавжуд ёки жамият учун мақсадга мувофиқ бўлган ҳуқуқий қоидаларни асослаб беради.

Ҳозирги даврда оилани турли фанлар томонидан ҳар томонлама илмий тадқиқ қилиш лозим. Фикримизча, оиланинг ўзига хос хусусиятларини айниқса оилапарварлик, серфарзандлик, фарзандлар томонидан ота-оналарни ҳурмат қилишлик, оила аъзолари ўртасидаги иноқликка катта эътибор бериш лозим. Бу борада дастлабки ишлар қилинмоқда. Мустақиллик йилларида бунга асос солинди. 1991 йилдан бошлаб, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун», Халқаро хайрия жамғармаси органи «Оила ва жамият» ҳафталик рўзномаси чиқа бошлади. Ҳафтанома оила, бува ва буви, ота ва она, ўғил-қиз, невара-эвара, чевара, дубора масалаларига жуда катта аҳамият бермоқда. Унинг асосий вазифаси тузилган никоҳни сақлаб қолиш, оилани мустаҳкамлаш, оталик-оналик ва болаликни муҳофаза қилишдан, унинг келажак тақдирига, оила аъзолари обрўсини оширишга қаратилган муҳим тадбир ва чораларни ишлаб чиқишдан иборат.

Оила масалаларига тўғри муносабатда бўлиб, уни мустаҳкамлаш учун илмий асосланган таклифлар бериш лозим.

Эндиликда бу вазифани «Республика Оила илмий-амалий Маркази» бажаради.

Дарвоҷе, АҚШда оила масалаларини ўрганувчи институтларнинг ўзигина йигирмадан зиёд экан¹.

Ҳуқуқ фани тизимида оила ҳуқуқини ўрни алоҳидадир. Чунки оила ҳуқуқини талабалар томонидан ўрганиш фақат билиш-билдириш аҳамиятга эга бўлмай табиий ва ҳаётий муҳим ахлоқий-тарбиявий

¹ "Оила ва жамият", 1992 йил, 49-сон.

аҳамиятга ҳам молик бўлиб, баркамол шахсни ва оқилона ижтимоий муносабатларни шакллантириш воситаларидан бири ҳамдир.

II Мавзу. Оила ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллари ва тизими

1-§. Оила ҳуқуқи тушунчаси

Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайрасидир. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам ва тез ривожланади. Жамиятимиз асоси-оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар аҳлоқ-одоб ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади.

Оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, никоҳ, қонқариндошлиқ, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Оила ҳуқуқини предмети бўлиб, оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатлар ҳисобланади.

Шахсий муносабатларга, эр-хотиннинг фамилияси, болалар тарбияси, оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, машғулот тури, касб ва турар-жой танлаш ҳуқуқлари киради.

Мулкий муносабатларга эса, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган умумий мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган молмулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалиқдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ота-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари киради.

Ҳуқуқий-демократик давлат, эркин адолатли фуқаролик жамиятида мулкий бўлмаган номулкий шахсий муносабатлар асосий

белгиловчи, мулкий муносабатлар эса бўйсунувчи ҳосила характерга эга. Оилавий муносабатлар йиғиндисида мулкий бўлмаган шахсий муносабатларни устун бўлишлигининг сабаби, аввало наслни давом эттириш ва болаларни тарбиялаш билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, оила ҳуқуқи никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, оилада эр ва хотин ўртасида, ота-она билан болалар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келиб чиқадиган шахсий ва мулкий муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оиласа тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатларни, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

2-§.Оила ҳуқуқининг тамойиллари (принциплари)

Оила ҳуқуқи моҳиятини очиб беришда фақат унинг тушунчаси, предметини ўзига хос хусусияти ва шу билан бирга унинг энг мухим тамойилларини ҳам инобатга олиш лозим, чунки унинг тамойиллари бу ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Оила ҳуқуқи тамойиллари деганда, ушбу ҳуқуқ соҳасининг моҳиятини аниқлаб берадиган ҳамда ҳуқуқий мустаҳкамланганлиги сабабли умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган асосий негиз, раҳбарий қоидалар тушунилади.

Оила ҳуқуқи тамойилларини ҳисобга олмасдан унинг нормаларини тўғри шарҳлаб ва қўллаб бўлмайди. Оила ҳуқуқи тамойиллари нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун, балки шу билан бирга амалдаги оила қонунчилигининг моҳиятини англаш ҳамда унинг кейинги такомиллаштирилиши учун ҳам мухим аҳамиятга эга.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

1) Оилани жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи.

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-модда).

A) Оила давлат ҳимоясида.

Оила давлат ҳимоясида дейилганда аввало вужудга келган оиласларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга қаратилинган давлат томонидан кўрилган тадбир чораларни тушунилади.

Давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги авваломбор ҳукумат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигига амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборат.

Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикаимиз Президентининг фармонларида ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳоннинг бир груҳ тадқиқотчи олимлари томонидан республикада оиласи, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Натижалар чет эллардаги аҳвол билан таққослаганда, бирор бир мамлакат Президенти элни, оиласларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бизнинг Юртбошимиз каби кўп қарор ва фармонлар қабул қилинганлиги маълум бўлди.

B) Оила жамият муҳофазасида.

Жамият томонидан оила муҳофаза қилинади дейилганда, мамлакатда мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни оиласга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришлари тушунилади. Бу қоида мустақил Республикаининг Конституциясида белгиланган янги қоидадир.

Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари ҳар хил жамғармалар ҳисобидан оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатдаги жамоат ташкилотлар таркибига касаба уюшмалари, жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаракатлари, касбий ассоциациялар, клублар ва бошқалар киради. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда республика ва халқаро аҳамиятга молик 220дан ошиқ жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 4 та сиёсий партия, 2 та ҳаракат, 46 жамият, 5 та қўмита, 24 ассоциация, 18 та тармоқ касаба уюшмалари, 35 та жамғарма, 15 уцюшма, 32 та федерация, 31 та бошқа ташкилотлар мавжуд. Шунингдек, республикамизда ҳисоб рўйхатига олинган 1500 вилоят, 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг жамоат ташкилотлари мавжуд¹.

Жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ равища республикада ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиб оилаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Масалан, экология ва саломатлик соҳасида «Экосан», эҳтиёжманд кишиларга ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда «Наврўз» жамғармалари, ногиронлар жамиятлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда Хотин-қизлар қўмиталари, меҳнаткашларнинг касбий ва бошқа қонуний манфаатларини ифода этишда касаба уюшмалари, истеъододли ёшларни қўллаб-қувватлашда «Улуғбек», «Истеъодод» жамғармалари фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Нима учун мамлакатимизда оиласа жамият томонидан бу қадар катта эътибор берилмоқда? Чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, узвий

¹ //Халқ сўзи, 1998 йил 20 август.

қисми бўлиб, унинг бош бўғинини ташкил этади. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Оила айни вақтда жамиятнинг, аввало, унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигига ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади.

2) Барча фуқаролар – жинси , ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглиги.

Оила ҳуқуқида барча фуқаролар миллати, ирқидан қатъий назар тенг эканлиги ифодаланган «...барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 18-модда). Бу халқлар дўстлигидан келиб чиқадиган ўзгармас қоида бўлиб оила ҳуқуқида ўз ифодасини топиб одамларни ҳар хил миллатга тегишли эканлиги ёки ирқига мансублиги оиласвий муносабатларда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англаради.

Никоҳ тузиш учун фуқароларни ҳар хил миллатга, динга эътиқод этишлиги тўсиқ бўлолмайди.

Болаларни фарзандликка олишда фарзандликка олишда фарзандликка оловчиларни болалардан бошқа миллатга тегишли эканлиги ҳам монелик қилолмайди.

Ҳаётимизда никоҳ, фарзандликка олиш туфайли фуқароларнинг бир оиласга бирлашганлигини кўплаб учратиш мумкин.

3) Ҳамма оиласвий муносабатларда аёл билан эркак тенг ҳуқуқлидирлар.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига биноан, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Бу тамойил конституцион қоидага айланди.

Жамиятда аёл билан эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимизда эришилган жинсидан қатъий назар фуқароларни сиёсий тенглигига асосланид.

Бу тамойил Оила кодексининг 2-моддасида қўйидагича ифодаланган: оила муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

4) Оилавий муносабатларда иштирок этувчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирига ғамхўрлик қилиши.

Бу тамойил оилавий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб улар моддий ҳисоб-китоблардан ҳоли бўлган бир-бирига муҳаббат, ҳурмат каби ҳиссиётларга асосланади.

Эр ва хотин, ота-она ва болалар, бобо-буви ва набиралар, ака-укалар ва опа-сингиллар, фарзандликка олганлар ва фарзандликка олинганлар ва ҳоказолар ўртасидаги муносабатлар-аввало никоҳ, қон-қариндошлиқ ёки оилавий ришталар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги шахсий муносабатлардир.

Оилавий муносабат иштирокчиларининг бир-бирига муносабати умум ахлоқий тамойилга ва маънавий меъёрлар билан тартибга

солинади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатни муваффақият билан қураётган жамият аъзоларига хосдир.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши мана шу тамойилларга таянади ва уларга тўла мос келади. Баъзи ҳолларда қонун оила аъзоларининг ўз яқинларига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди. Оила кодексининг 109-моддасига биноан вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Амалдаги қонунда оила аъзоларининг алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тартиби эътироф этилади ва ушбу тартиб жамиятда ўрнатилган фуқароларнинг ўзаро муносабатлари қурилишига оид аҳлоқий мезонларга мос келади.

Зарур ҳолларда оила аъзоси моддий таъминотни суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади.

Кўп ҳолларда оила аъзоларининг бир-бирига алимент таъминоти давлат ва ижтимоий фондлардан олинадиган маблағларга қўшимчадир. Бу фондларнинг кўпайиши ва улар орқали фуқаролар эҳтиёжларининг янада кўпроқ қондирилиши билан алимент мажбуриятлари жамиятда ўз аҳамиятини йўқота боради.

5) Давлат томонидан оналик, оталик ва болаликни муҳофаза этиш ва уларнинг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси 2-қисми ва Оила кодексининг 4-моддаси 1-қисмига биноан оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Инсонни дунёга келишлиги жуда катта баҳтдир. У муомала лаёқатига тўлиб мустақил равишда ўз хохиши билан никоҳ

муносабатига кириб оиласида болалар туғилса унга берилган энг улуғ ном, унвон бу оналик, оталик ва болалиқдир.

Оналик. Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оналикни ҳимоя этишга алоҳида аҳамият берилади. Чунки аёлнинг асосий вазифаси инсоният занжирини бардавом эттириш, оналик ҳам жамият ҳаётидаги муҳим бир иш бўлиб қолади. Оналикни бошқа ҳеч бир вазифа билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Аёл киши учун дунёда оналик баҳтидан буюкроқ баҳт йўқ.

Она бўлиш, фарзанд қўриш, алла айтиш аёл учун баҳтдир.

Оталик. Оила ҳуқуқининг тамойили бўлган «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиниши» жумласи ёнига амалдаги Оила кодексига «Оталик» деган сўз ҳам қўшилди. Бу мустақиллик шарофати туфайли бўлди. Чунки тўлиқ маънода «Оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши» билан белгиланади.

Хотинни ҳомиладорлик даври бўлажак ота учун ҳам жиддий синовдир. Бу даврда эр бўлажак она ва бола тўғрисида ғамхўрлик қилиши, хотиннинг эсон-омон қутулиб олишга тайёрланиб бориши учун яхши шарт-шароит яратиб беришда қўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Унга тегишлича руҳий-иқтисодий мұхитнинг яратилиши ҳомиладорликнинг соғлом кечишини таъминлайди.

Оталикнинг давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолати сифатида оиласида ҳар бир бола туғилганда эркакларга иш ҳақи сақланган ҳолда бир ҳафталик таътил берилса мақсадга мувофиқ бўлади, чунки оиласида болани дунёга келишида эркак ҳам аёл билан тенг иштирок этиб у ҳам имтёзли ҳуқуққа эга бўлиши белгиланса тўғри бўлади.

Болалик. Бола, ота-онанинг қувончи, фахри, баҳти, эр-хотинни бир-бирига пайванд қиласиган ҳам фарзанддир.

Болага мөхр-муҳаббат түйғуси оналарда жуда кучли бўлади. Она ўз боласини туғилмасидан анча аввал севишга ва унга жонини ҳам беришга қодир зот. Бола пайдо бўлганидан туғилгунга қадар онаси ҳисобига озиқланади, ривожланади. «Она ўз жонидан жон, ўз танидан тан адо этади», деб бежиз айтишмаган.

Аҳолисининг ярмидан кўпроғини 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар ташкил этадиган республикада болалар хуқуқларини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

6) Ихтиёрий ва эркин никоҳ.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир.

Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади (Оила коедксининг 14-моддаси).

Жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ ва аҳднома бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзандларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва эркин иттифоқидир.

Никоҳга киришнинг ўзаро розилик шарти бузилиши фақат унинг ҳақиқий эмас, деб танилишигагина эмас, балки ғайриқонуний ҳатти-ҳаракат содир этиб никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

7) Фақат якка никоҳликни тан олиш ва уни мустаҳкамлаш учун ёрдам бериш.

Очиқ адолатли ҳуқуқий жамиятда фуқаро фақат бир никоҳда бўлиши мумкин. Якка никоҳлик тамойили бизнинг мамлакатда мавжуд бўлган юксак истиқлол мафкураси меъёрларидан келиб чиқади.

Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичидаги оила муносабатларининг талабларига тўла жавоб беради.

Амалдаги қонунда белгиланган якка никоҳлик ҳаётда мавжуд бўлган ҳақиқат билан мувофиқ бўлиб одамлар хулқ-атворидаги қоидаларга мос келади.

Бу қоиданинг бузилиши фақат никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашдан ташқари қонунни бузган шахсларни жиной жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

8) Давлат тартиби асосида никоҳдан эркин ажралиш.

Давлат назорати асосида никоҳдан эркин ажралиш (Оила кодексининг 37-моддаси).

Никоҳдан ажралиш эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқи, аммо никоҳдан ажралиш ижтимоий манфаатга таъсир этишлигини, оилани бузилишлигини ҳисобга олиб давлат никоҳдан ажралиш тартиби ва асосларини белгилайди, бунда эр-хотинларга ёрдам бериб, ўйламасдан қабул қилинган қарорни олдини олишни назарда тутади.

Амалдаги қонунчилик никоҳдан эркин ажралиш давлат тартибини белгилаб етарли даражада шахсий ва ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилишни таъминлайди.

9) Болаларни мустақиллик ва миллий истиқлол мафкураси ғояси асосида тарбиялаш.

Мустақиллик ва миллий истиқлол мафкураси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз мақсадларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойdevor бўлиб келган.

Чунки, мафкура-жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради.

Болалар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилишлари лозим.

«Оила – мафкуравий тарбиянинг энг мухим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила мұхитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом мұхит-соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш-миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади»¹.

3-§. Оила ҳуқуқи тизими

Ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солувчи оила ҳуқуқи қоидалари бетартиб жойлаштирилмасдан, маълум тизимга келтирилган.

Оила ҳуқуқи – бу оила ҳуқуқи тузилиши, унинг муайян кетма-кетлиқдаги алоҳида институтлари ва меъёрлари таркибидир. Оила ҳуқуқи тизими объектив равишда тузилиб, оила ҳуқуқи предметига кирадиган ижтимоий муносабатларни ўзига хослигини акс эттиради, ҳамда ўзаро боғланган оилавий-ҳуқуқий институтларнинг бирлиги ва фарқланишида намоён бўлади.

Ҳуқуқий институт деганда турдош ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатлар гуруҳларини комплекс тартибга солинишини таъминловчи алоҳидалашган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000, -66 б.

тушунилади. Ҳуқуқий институтларга мазмун жиҳатдан турдошлилик, тартибга солиниши бўйича комплекслилик, шунингдек ҳуқуқий алоҳидалилик хосдир.

Оила ҳуқуқи тизими қонунчиликда, аввало Оила кодекси каби кодификацион характердаги актларда, шунингдек оила ҳуқуқи фанида ва «Оила ҳуқуқи» ўқув курсида ўз ифодасини топади.

Оила ҳуқуқи тизими ўз ичига **умумий** ва **махсус** қисмларни олади.

Умумий қисм оила ҳуқуқининг маҳсус қисмидаги барча институтлар учун аҳамиятга эга бўлган меъёрлардан иборат, жумладан оила ҳуқуқининг асосий қоидалари ва вазифалари, оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатлар доираси ва ушбу муносабатлар субъектлари ва объектлари, оила ҳуқуқи манбалари; оилавий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланилиши, шунингдек оила тўғрисидаги ва фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхашашлик бўйича қўлланилиши; оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши (масалан, Оила кодекси 1-9-моддалар).

Умумий қисмга оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва оилавий мажбуриятларни бажариш шартларини, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тартиби ва муддатларини ўрнатувчи меъёрлар киради (масалан, Оила кодекси 10-11-моддалар).

Махсус қисм бир неча институтлардан ташкил топган бўлиб, бу институтларнинг ҳар бири ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Улар қўйидагилардан иборат:

- никоҳ (никоҳ тузиш шартлари ва тартиби, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги);

- эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотин мулкининг қонуний тартиби, эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби, эр ва хотиннинг мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги);
- ота-она ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (боланинг насл-насабини белгилаш, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари);
- оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари (ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув, алимент тўлаш ва ундириш тартиби);
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш шакллари (ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш, болаларни фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оиласга тарбияга олиш (патронат);
- оила қонунчилигини чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштироқидаги оиласий муносабатларга нисбатан қўллаш.

Ҳуқуқ тизимида оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан турли туташда бўлади. Оила ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаларининг шундай грухида жойлашганки, у ҳуқуқнинг тартибга солувчи тизимости грухларидан бири ҳисобланади. Бу грухнинг барча соҳаларига муайян муносабатларни ижодий ташкил этиши учун қўлланилиши хосдир. Ушбу хусусияти билан улар ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи ва шу сабабли ман этиш орқали тартибга солувчи жиноят ҳуқуқидан фарқ қиласди. Шу билан бирга, тартибга солувчи соҳалар орасида оила ҳуқуқи рухсат бериш орқали тартибга солувчи соҳалар грухига мансуб (фуқаролик, меҳнат

ҳуқуқлари каби). Бу гурухнинг барча соҳалари сингари, оила ҳуқуқи мажбурлаш орқали тартибга соладиган (масалан, маъмурий, молия ҳуқуқлари) соҳалардан фарқланади, чунки бу соҳалар асосан бир субъектнинг иккинчисига бўйсуниши ва бошқарув органлари далолатномалар асосида шаклланади. Рухсат бериш орқали тартибга соловчи ҳуқуқ соҳалари гуруҳида эса оила ҳуқуқи ўз предмети ва методи бўйича фуқаролик ҳуқуқига яқинdir.

Оилавий муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Шу сабабли оила ҳуқуқи у ёки бу даражада деярли барча ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро боғлиқ. Бироқ бу боғлиқликнинг даража ва шакллари турлича намоён бўлади.

Конституцион ва оила ҳуқуқи ўртасида ўзаро боғлиқликнинг ўзига хос шакли мавжуддир. Конституцион ҳуқуқ жамиятда оилавий муносабатлар қурилишининг бош ва асосий қоидаларини ўз ичига олади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 46, 63-66 моддалар). Оила ҳуқуқида ушбу қоидалар қайта ишланади, кенгайтирилади, ривожлантирилади, аниқлаштирилади.

Ўзаро боғлиқлик аксарият ҳолларда оила ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг соҳалари меъёрларининг биргаликда қўлланилишида ифодаланади.

Маъмурий ҳуқуқ билан оила ҳуқуқи юридик фактлар соҳасида қалин алоқадорликда, чунки оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши ва тугатилиши асослари сифатида кўп ҳолларда бошқарув органлари актлари хизмат қиласи (фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик белгилаш ва бошқалар). Фуқаролик жараёни ва оила ҳуқуқи меъёрлари низоларни ҳал қилиш, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланилади. Жиноят ҳуқуқи оилавий муносабатларни муҳофаза қилишда татбиқ этилади. Шу сабабли, оила ҳуқуқида жиноят ҳуқуқига ҳавола қилишлар мавжуд бўлиб, улар никоҳ тузишга

тўсқинлик қилувчи ҳолатларни яширганлик учун, фарзандликка олиш сири ва ҳоказолар учун жиноий жавобгарликка тортилишини назарда тутади.

Оила ва фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нисбати юқори даражададир. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда ўзаро боғлиқлик бир соҳа нормаларини иккинчи соҳа муносабатларида қўлланилишида ифодаланади.

Оила ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари меъёрларининг ўзаро боғлиқлиги уларнинг бирлашиб кетишига олиб келмайди. Лекин бу ҳолат оила қонунчилигига фақат оила ҳуқуқи нормалари эмас, балки у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ соҳалари нормаларининг мавжуд бўлишида ҳам ифодаланади. Айниқса бунда фуқаролик, маъмурий, фуқаролик жараёни ҳуқуқи нормаларининг кўплиги кўзга ташланади. Бу нормалар оилавий муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда санаб ўтилган ҳуқуқ соҳаларининг оилавий муносабатларни тартибга солишдаги хусусиятларини акс эттиради.

III Мавзу. Ўзбекистон Оила ҳуқуқининг тарихи

1-§. Туркистонда ислом дини ёйилгунга қадар никоҳ ва оила ҳуқуқий масалалари

Ўзбек халқи Туркистоннинг қадимий халқлариданdir. Бу жумҳурият худудларида ўтказилган қадимшунослик (археологик) тадқиқотларида исботланган ва тасдиқланган¹.

Ўзбек халқининг вужудга келиши, ривожланиши ва унинг кўпайишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Халқлар кўпайишининг бирдан-бир асоси уларнинг никоҳ ва оила муносабатларида бўлишидир.

Жуда қадим вақтларда ҳозирги тушунчадаги никоҳ ва оила муносабатлари бўлмаган. Дастребаки вақтларда гурӯҳий никоҳ, яъни бир гурӯҳ аёллар билан бир гурӯҳ эркаклар ўртасида умумий эрхотинлик, яқин қариндошлар ўртасида жинсий алоқалар бўлган.

Зардуштийлик динининг асосчиси ва Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ҳамда яқин ва Ўрта Шарқ, айниқса, Хоразм халқлари кўп асрлик ижодининг маҳсули, бир қанча элатларнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-нафосат ва ахлоқий-таълимий қарашларининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ўрганишда қимматли манба бўлган «Авесто» китобининг муаллифи Спитама Зарадуштра оиласи турмуш масалаларида жуда қизиқ маълумотларни беради².

“Авесто”да инсоний бурч фақат ахлоқий йўл-йўриқларни ўзлаштиришдан иборат бўлибгина қолмай, балки инсон оиласи турмуш, яхши ёр ва фарзанд тўғрисида ҳам ўйлаши зарурлиги таъкидланади. Ўша даврда эркаклар роппа-роса 16 ёшидан уйланиб, бир нечта хотин олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳамма вақт биринчи хотин

¹ Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992, 121-бет.

² Йўлдошев Ж. Ҳасанов С. Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар. Т., “Ўқитувчи”, 1992, 21-бет

бошқаларига бош бўлган”¹ “Авесто”да қайд этилишича, эркак киши аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва жисмонан бақувват бўлиши лозим. Бунинг учун ўз вақтида овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва ахлоқий бурчларини бажара олмайди. “Еб ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, бола туғдира олмайди” (“Ясна”, 33,3-боб).

Умуман, зардуштийлиқда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутади. Бу ўринда “Авесто” тадқиқотчиси Ҳ.Ҳомидовнинг фикрини келтириб ўтиш ўринлидир: “Эркак зурёд қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солиб калтаклашган. “Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2-3 та туқсан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади”².

Патриархал оила Марказий Осиё халқларида оиланинг энг дастлабки тарихий шакли ҳисобланган. Бу оила айни замонда жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш жамоаси ҳам бўлган. Шунинг учун оилавий муносабатларга, ҳар бир оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор берилган. Марказий Осиёда патриархал оила эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларда вужудга келган. Унинг энг ривожланган даври эрамизнинг биринчи асрларига тўғри келади. Оиланинг бўлинниб кетиши, ўрнига кичик-

¹ Маковельский А.О. Авесто. Изд-во АН Азербайджанской ССР, Баку, 1960, 80-81-бетлар.

² Ҳомидов Ҳ. “Шоҳнома”нинг шухрати. Т., “Ўзбекистон”, 1991, 93-94-бетлар.

кичик оиласарнинг таркиб топиши эрамизнинг биринчи минг йиллиги ўрталаридан бошланади ва деярли XX асрларгача давом этди¹.

Кичик оиласарнинг вужудга келиши билан бирга никоҳнинг шарт-шароитлари ҳам ўзгариб боради. Патриархал оила мавжуд шароитларда никоҳ шартлари анча қатъий ва чекланган эди.

Никоҳ-бу эркак билан аёл ўртасидаги муайян иттифоқнинг ва бу иттифоқнинг жамият, давлат томонидан тан олиниши ва маъқулланишининг тарихий шаклидир.

Буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, биронта ҳам халқ никоҳдан ҳоли эмасдир.

Жамият никоҳ воситаси билан эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасида ахлоқий, ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнатади. Никоҳ жинсий эҳтиросни маҳфийлик пардасига ўрайди, эр-хотин орасидаги табиий муносабатга ахлоқий, маънавий гўзаллик, андиша бахш этади.

Никоҳ (арабча – қўшилиш) сўзи ўзбек тилига араблардан кириб келган. Араб истилочилари ислом дини қоидаларини ўрнатиш мақсадида Марказий Осиё халқларининг исломдан олдинги дини билан боғлиқ битикларни, маълумотларни йўқ қилиб юборганлар. Бу билан маданиятимиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлар. Буюк бобокалонимиз Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида берган хабарига қараганда, Марказий Осиёни фатқ этган араб лашкарбошиси Қутайбанинг буйруғиға кўра Хоразм ёзувини яхши биладиган ва уни бошқаларга ўргатадиган кишилар ўлдирилган²¹.

¹ Кисляков Н.А. Очерки по истории брака у народов средней Азии и Казахстана. Ленинград, 1969, 16-бет.

² Беруний. Танланган асарлар., I том, Т., “Фан”, 1968. 72-бет.

Шунинг учун бўлса керак, айрим тадқиқотлар исломгача бизда эркак ва аёл ўртасида никоҳ деган тушунча бўлмаган, деб эътироф этадилар. Бу фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Қадимги грек тарихчиси Страбоннинг (милоддан ав. 64-63-мил. 23-24 йиллар) ёзишича, ҳар бир массагетнинг ўз хотини бўлган¹. Ана шу тарихчининг фикрига қараганда, эркаклар ва аёллар жинсий ҳаётда муайян эркинликларга ҳам эга бўлганлар.

Умуман олганда, Марказий Осиёда аёлларга қадимдан катта ҳурмат билан қаралган. Улар жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланишган. Геродотнинг “Тарих” номли асарида ватанпарвар аёл Тўмарис ҳақида келтирилган тарихий маълумот бунга ёрқин мисол бўла олади. Бунга кўра, Турон аҳолиси Тўмарис бошчилигида босқинчи Кайхусрав армиясига қақшатқич зарба беради.

Бошқа бир қадимги грек тарихчиси – Элион қолдирган маълумотга кўра, Марказий Осиёдаги йирик қабилалардан бири бўлган сакларнинг одатлари бўйича уйланишни истаган ҳар бир йигит ўзи уйланмоқчи бўлган қиз билан ер ости уйида кураш тушиши шарт бўлган. Йигит курашда ғалаба қилган тақдирдагина уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Акс ҳолда ўнинг ўзи қизнинг асирига айланган. Демак, бу ерда кураш ўзига хос тарзда никоҳ вазифасини бажарган¹.

Марказий Осиё халқарининг машҳур достонлари - “ЎҒЎЗНОМА”, “Алпомиш” ва “Манас”ларда никоҳ билан боғлиқ одатларда йигитнинг жисмоний қобилиятларига ва уни синаб кўришга алоҳида аҳамият берилган. Йигитнинг қизга муносиб ёки муносиб эмаслигини аниқлаш учун талабгорларнинг ўзаро от пойгаси, камонда нишонни уриши, узоққа ўқ ўзиши, кураш тушиши каби рақобатчилик шаклларидан ҳам фойдаланилган. Шунингдек, бу танлов “Қиз қувлаш”, “Тортишмачоқ”

¹ Беруний. Танланган асарлар., I том, Т., “Фан”, 1968. 72-бет.

¹ История народов Узбекистана. Т., “Фан”, 1950, 56-бет.

сингари кўринишда ҳам ўз ифодасини топган, уларнинг қолдиқлари ҳозиргача етиб келган. Лекин ана шу курашлар, қиз қувлашлар чоғида қандай сўзлар, дуолар ишлатилганлиги ҳақидаги хабарлар бизгача етиб келмаган ёки тарихчилар бунга эътибор беришмаган. Лекин суғд ёзма ёдгарликларидан бу хусусда анча маълумотлар топиш мумкин.

Эрамиз бошларидан то X-XI асарларга қадар ёзилган ана шундай ноёб суғд ёзма ёдгорликлари бизгача етиб келган. Панжикент яқинидаги Муғ тоги тепасидаги қадимги қаср ҳаробасидан 80 га яқин суғд ҳужжатлари топилган. YII аср охири -YIII аср бошларига оид бу ҳужжатлар Суғд архиви деб юритилади. Улар орасида тадқиқотчилар томонидан шартли равища “Nov.3” (Навекат номли шаҳарда тузилган ҳужжат бўлгани учун) деб белгиланган суғдча никоҳ гувоҳномаси, “Nov.4” деб белгиланган куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари баён этилган икки ҳужжат бор.² Мазкур ҳужжатлар қадим ва илк ўрта асрлардаги Ўзбекистон халқларининг никоҳ-оила ва у билан боғлиқ мулкчилик ва бошқа ижтимоий муносабатлари тўғрисида ҳикоя қилувчи муҳим ёдгорликдир.

2-§. Туркистонда ислом дини ёйилгандан сўнг никоҳ ва оила муносабатларининг одат ва шариат қоидалари билан тартибга солиниши

Ислом дини Туркистон ўлкасида ёйилгандан кейин никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатлари Қуръони Карим¹, Шариат² ва Одат³ қоидалари,

¹

² Бу ҳақда батафсил маълумотни М.Исҳоқовнинг “Унтуилган подшоликдаги хатлар” номли китобидан олиш мумкин. Т. “Фан”, 1992

¹ Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур), Т., «Чўлпон», 1992й.

² Шариат-арабча “Шаръа”-йўналтироқ, қонунчилик, тўғри йўл маъносини англатади. Унга Қуръон ва сунна асос қилиб олинган бўлиб, мусулмонларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга солувчи диний ҳуқуқ тизимини ташкил этади. Шариатдаги қоидаларда никоҳ оила ва майший масалаларга алоҳида ўрин берилади.

³ Одат-одат ҳуқуқи ёзилмаган қоидалар.

шунингдек Мұхаммад пайгамбаримиз (САВ)нинг ҳадислари билан тартибга солинган.

Шариат – бу кишилар амал қилиши учун Ислом дини тарафидан буюрилган ҳукмлар ва низомлардир. Шариат ҳукмларини билиб олиш ҳар бир мүмин мусулмон учун фарз ҳисобланади.⁴

Одат қоидалари асосан кўчманчи халқларга татбиқ этилган.

Одат Туркистон ўлкасида кўчманчи халқлар (қозоқлар, қирғизлар)да никоҳ-оила муносабатларининг асоси ҳисобланган. Қозоқларда бир хил ҳуқуқий масалалар мазмунига кўра ҳар хил асосда ҳал қилиниши бўйича одат шариат нормаларидан ажралиб турган. Одат ҳуқуқида турли тушунчалар бўлган. Масалан, “Баранта”. Бу келиннинг ота-онасига тегишли бўлган чорва молларни зўровонлик билан ҳайдаб кетишидир. “Аленгерлик” – қозоқ ҳалқининг одат ҳуқуқига асосан жуда оғир амал. Аленгерлик – бу бева қолган хотиннинг эрининг ака-укаларидан бирига, қариндошларига ёки уруғига эрга чиқиши мажбурияти. Бевалик бошлангандан кейин бир йил ўтгач, мазкур бевага уйланиш ҳуқуқига эга бўлган номзод ўз ҳуқуқидан фойдаланишга киришиши мумкин бўлган. Аленгерлик одатини бажаришдан бош тортган бева болаларидан, чорвасидан, мол-мулкидан маҳрум этилиб, шундан сўнггина у ўз хоҳиши бўйича эрга тегиши мумкин бўлган. Бу қоидалар ўтроқ аҳоли ўртасида кенг тарқалмаган.

Шариат қоидаларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда ислом дини қоидалари давлат ҳуқуқий нормаларида мужассамланади.

Мусулмон ҳуқуқининг ҳамма соҳалари шу билан бирга никоҳ, қон-қариндошлик, талоқ масалаларини қамраб олган манбалардан

⁴ Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Шаръий ҳукмлар тўплами. Т., 1990, 2-бет.

бири “Ҳидоя”¹. (Тўлиқ номи “Ҳидоя фи-фуруъил-фиқҳ” – “Фиқҳ соҳалари бўйича шариат қўлланмаси”) дир.

Бу қўлланма тўрт жилдли 53 китобдан иборат бўлиб, унинг муаллифи марғилонлик Али ибн Абу Бакр ал-Фаргоний ал-Риштоний Бурҳониддин Марғинонийдир. У зот 1197 йилда вафот этган бўлиб, унинг мазкур асарида исломнинг қатор масалалари билан ҳуқуқий ва ахлоқий меъёrlар, никоҳ ва оила масалалари билан боғлиқ бўлган қоидалар ҳамда жиноят ва жазога оид татбиқ этиш лозим бўладиган чоралар батафсил ёритилган. Булардан ташқари, бу қонун-қоидалар мажмуасида мулкий ва молиявий муносабатлар, фуқаролик ҳуқуқига, фуқаролик жараёни ҳуқуқига ва бошқа масалаларга ўрин берилган.

Ҳанафия мазҳаби хulosаларига асосланган бу асардаги қоидалар ҳам шу мазҳаб қонунлари каби нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, ҳалқларнинг маҳаллий анъаналари эътиборга олинганлиги сабабли, у аксарият мусулмон давлатларида кенг ёйилган, чунончи қози (судья)лар, муомала муносабатларидан келиб чиқадиган (фуқаролик, никоҳ, оила) ва бошқа низоли ишларни кўриб ҳал этишда бошқа манбаълар билан бир қаторда “Ҳидоя”дан ҳам унумли фойдаланишган¹. Шариат изоҳларининг тўплами “Мухтасар-ул Виқоя”² ҳам катта эътиборга эга бўлган. “Мухтасарнинг шарҳи” деб шухрат топган бу фиқҳий асар юртдошимиз Мансурхўжа ўғли Мақсудхўжа қаламига мансуб бўлиб, қарийб юз йил илгари ёзилган. Бу асар

¹ Қаралсин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. 1893. Т., I- IV. Бу асар 400 нусхада Туркистан ўлкаси маъмурий полиция бошқарув хизматчи шахсларига мўлжаллаб чиқарилган. (Қаралсин: Туркестанские ведомости. 1893. 16(28) июнь. Ҳудди шу сабабли унинг русча таржимаси ҳам инглизча таржимасига ўхшаб тўла бўлмаган. Бу тўғрида китобнинг алоҳида бўлимларида инглиз таржимони томонидан эслатиб ўтилади. Бу асар 1994 йили “Ўзбекистон” нашриёти томонидан 10. 000 нусхада рус тилида ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор А.Х.Сайдовнинг кириш мақоласи ва таҳрири остида қайта нашр этилди.

¹ “Ҳалқ сўзи” 1993 йил 24 август.

² Мирза Козимбек томонидан 1845 йилда Қозонда нашр этилган. Унинг қоидалари Туркистан ўлкасида қозилар томонидан кенг қўлланилган.

Мовароуннаҳрнинг туркий-ўзбек тилида сўзловчи халқлари ўртасида ўзининг катта обрўси ва аҳамияти билан хизмат қилиб келмоқда. Эндиликда бу асар биринчи маротаба ўзбек тилига таржима этилди.¹

Никоҳ-оила муносабатларини тартибга солишда XII аср давомида Туркистон ҳудудида амалда бўлган диний ҳуқуқий тизим- шариат, мусулмон ҳуқуқи нормалари, ҳадисларнинг роли жуда катта бўлган. Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-Муфрад” (“Адаб дурдоналари”) номли ҳадислар тўплами шулар жумласига киради. Унда олти юзта ҳадис икки юз олтмиш етти бобга жамланган бўлиб, унда ота-онани эъзозлаш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, қўшничилик, инсонийлик ва меҳр-шафқатлилик, саҳиийлик ва баҳиллик, алдамчилик, чақимчилик ва маҳтандоқлиқ, исрофгарчилик ва жоҳиллик, шарму ҳаё ва уятчанлик каби қатор ҳусни одоб ва гўзал хулқ қоидалари ёритилган.

Маърифатчи олим Ризоуддин ибн Фахруддин ўтган асрнинг охирларидан бошлаб Шарқ тарихи ва маданияти ҳамда таълим-тарбияга оид ўнлаб асарлар ёзган. У мусулмон қонуншунослиги - фиқҳга оид асар ҳам ёзган. Бу борада унинг “Қавоиди фиқҳия” Фиқҳ қоидалалари” асарини (Қозон 1910) эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Асримизнинг бошларида ёзилган “Оила” асарида ахлок, одоб, оила масаласига кўп эътибор қиласди. Маълум бўлишича, у таълим-тарбия соҳасида анчагина бош қотирган; унинг бу асарида ота-онанинг вазифаси, муаллим бурчи, айниқса, хотинлар вазифаси кенг ёритилиб, бола тарбиясида хотинларнинг ўрни мухим эканлигига муаллиф катта аҳамият беради. Унинг мулоҳазасига кўра, яхши хотин болаларини ҳам яхши тарбиялай олади. У: “Хотинлар биринчи навбатда мураббийдирлар, хотиннинг оила тебратиши мураббийлик ҳамиридан

патир қилишу, унинг тандирида ўша патирни ёпиш деган сўз”¹, - дейди.

“Оила” асари ўз вақтида бир неча бор қайта нашр этилган ва кўпчиликнинг диққатига сазовор бўлган.

Никоҳ-оила муносабатларини тартибга солишда олим Аҳмадхожи Мақсудийнинг 1912 йилда мактаб-мадрасалар талабалари ва барча мўъмин-мусулмонлар учун қўлланма сифатида чоп этилган “Шаръий ҳукмлар тўплами” муҳим аҳамиятга эга. У татарча китобдан таржима қилинган. Ал-Ҳаким Термизий ҳам ахлоқ, никоҳ ва оила масалаларига бағишлиб бир қатор асарларни яратган. Унинг “Солнома”, “Нажот” (“Тўғри йўл”), “Наводирул усул”, “Китоб ал-фуруҳ” сингари ўлмас асарлари шулар жумласидандир.

Бу манбалар ўз даврида никоҳ-оила муносабатларини тартибга солишга қаратилган қоидалардан иборат бўлиб, диний ақидаларга асосланган эди.

3-§. Собиқ Совет ҳокимиятининг 1917 йилдаги никоҳ ва оила масалалари бўйича декретлари

Жамият тараққиётининг барча босқичларида никоҳ ва оила шакллари жамиятнинг моддий шароитига қараб белгиланиб келган. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этгани сари оила шакллари янада ривожланади, ўз мазмунини ўзгартириб боради.

Жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий муносабатларнинг меҳнат тақсимотига таъсири никоҳ-оила муносабатларида ҳам намоён бўлади. Оилада эркакнинг бош бўлиши бошқа оила азоларининг ҳуқуқий мақомига тегишли асосда таъсир этади. Эркакнинг оиладаги

¹ Ризоуддин ибн Фахриддин. Т., “Меҳнат” 1991., 5-бет.

ҳукмронлиги иқтисодий ҳукмронлик оқибатидир. Кишилик жамияти ривожланиши билан никоҳ тузиш ва оила қуриш сабаблари ҳам ўзгариб боради. Хусусан, бу ҳодисалар мулкчилик шакли билан белгиланади.

Октябрь давлат тўнтаришини содир этган ишчилар синфи тўнтаришнинг илк кунлариданоқ социалистик асосдаги никоҳ ва оила қонунчилиги масаласида ҳам маълум ўзгаришлар қилишга киришди.

Давлат тўнтаришига қадар Туркистон ўлкасида никоҳ ва оила муносабатлари шариат ва одат қоидалари билан тартибга солинган. Шариат ислом мамлакатлари учун қўлланилиши мажбурий қонун бўлган, шариат бўйича хотин-қизларнинг ҳуқуқи бирмунча чеклаб қўйилган, оиласа эр бошлиқ бўлган.

Туркистон ўлкасида никоҳ-оила муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш учун аҳоли ўтроқ жойларда ва шаҳарларда қозилик судлари, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқлари ўртасида эса бий судлари иш олиб борган. Қозилар шариат қоидаларини яхши билган кишилар орасидан номаълум муддатга тайинланган.

Шариатнинг гувоҳлик масаласидаги қоидаларидан бири эркаклар томонидан берилган гувоҳликнинг хотинлар гувоҳлигига нисбатан афзал ҳисобланишидир. Шариат бўйича эркаклар хотинларга қараганда устун турганлар, шу сабабли битта эркакнинг берган гувоҳлиги тўла далил, битта аёл томонидан берилган гувоҳлик эса ярим далил ҳисобланган. Шунинг учун шариат икки аёл томонидан берилган гувоҳликни битта эркак томонидан берилган гувоҳликка баробар деб ҳисоблайди. Бунинг ўз сабаби бўлиб, у ҳадиси шарифда келтирилган.¹

¹ Қаранг: Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис 2 жилд. Т., Қомуслар бош тахририяти, 1996, 161-162-бетлар.

Бундан ташқари жиноят ишларида, қоида бўйича, аёллар гувоҳликка чақирилмаганлар ва улар томонидан берилган гувоҳлик эътиборли ҳисобланмаган. Хотинлар фақат олди-сотди, айниқса, оиласи масалалардагина гувоҳлик беришлари мумкин эди.

Давлат тўнтаришидан сўнг аёлларни жамиятда ва оиласи гўё камситадиган бундай қоидалар асосан бекор қилиниб, никоҳ ва оила тўғрисида янги қонунлар қабул қилинди.

1917 йил декабрь ойида совет ҳукуматининг иккита декрети эълон қилинди. Булар - “Фуқаролик никоҳи, болалар ва фуқаролик ҳолатларини қайд этишни олиб бориш”¹ ва “Никоҳдан ажралиш тўғрисида”² ги декретлардир.

Совет оила ҳуқуқининг тарихи шулардан бошланади. Буларда совет давлатидаги никоҳ ва оила тамойиллари ифодаланиб, кейинчалик унча ўзгартирилмай, амалдаги ҳуқуқда тўла ифодасини топди.

Совет давлатининг никоҳ ва оила тўғрисидаги дастлабки декретларида гўё совет фуқаролари, миллати, ирқи ва динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги ўрнатилиб, кейинги қонунлар бу принципнинг бузilmай амалга оширилишини таъминлаган³.

Бу қонунларда кўпроқ Европа халқлари турмуш тарзи ҳисобга олинган бўлиб, Шарқ халқлари турмушининг ўзига хос жиҳатлари, шарқона оила тутиш қоидалари асло эътиборга олинмаган. Бироқ улар иттифоқдош республикалар қонуншунослари томонидан кўр- кўрона қабул қилиниб, шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқининг ўзига хос никоҳ-оила турмуш масалаларига тадбиқ этилаверади.

¹ СУ 1917 № 11, 160-модда

² СУ 1917 № 10, 152-модда

³ Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила кодексига шарҳлар. Т., “Ўзбекистон”, 1975, 13-бет

1917 йил 18 декабрдаги “Фуқаролик никоҳи, болалар ва фуқаролик ҳолатларини қайд этишни олиб бориш” түғрисидаги декретда: “Россия Республикаси бундан сўнг фақат фуқаролик никоҳини тан олади”, деб белгиланди. “Черков никоҳи фуқаролик мажбурий никоҳи билан никоҳга ўтувчиларнинг хусусий иши бўлиб ҳисобланади”.

Декрет никоҳни ҳам ҳар қандай чекланишлардан озод этди. Энди никоҳланувчиларнинг никоҳдан ўтиши учун ота-онанинг ёки бошлиқнинг розилиги талаб этилмайди, улар қайси динга эътиқод қилишининг ҳам аҳамияти йўқ. Декрет совет никоҳининг асоси - моногамияни, яъни якка никоҳлиликни эълон қилди. Декрет фуқаролик никоҳи мажбурий эканлигини ўрнатиб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи совет органларини никоҳда турган шахслардан ариза қабул қиласлик түғрисида огоҳлантириди.

Никоҳ түғрисидаги декрет никоҳ ва оила соҳасида эркак ва аёлнинг тўла тенг ҳуқуқقا эга эканлигини таъкидлаб, никоҳсиз туғилган болаларни ҳамма масалаларда никоҳда туғилган болаларга тенглаштириб, она ва бола, унинг васийси ёки боланинг бевосита ўзининг аризасига кўра оталикни судда исботлаш қоидасини жорий этди.

1917 йил 19 декабрда эълон қилинган “Никоҳдан ажralиш түғрисида”ги декрет давлат тўнташибига қадар ҳукм сурган никоҳдан ажralиш қоидаларини тугатиб, эр хотиндан иккаласи ёки биронтасининг талабига мувофиқ никоҳдан эркин ажralишни белгилади. Ажralиш түғрисидаги ариза суд томонидан кўрилади. Икки тарафнинг розилиги бўйича ажralиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи (ФХДЁ) томонидан расмийлаштирилади. Никоҳдан ажralиш түғрисидаги ариза иккала

томондан ёки бир томондан берилганинг тўла ишонч ҳосил қилган судъянинг ёлғиз ўзи никоҳдан ажралиш тўғрисида ажрим чиқаради. Декретда никоҳдан ажралишда болалар тақдирини ҳал қилиш масаласи ҳам мавжуд. Суд никоҳдан ажратиш жараёнида вояга етмаган болаларнинг ота-оналаридан қайси бирида қолиши, эр хотиндан қайси бири қай миқдорда болаларни таъминлаш ва тарбия қилиши каби масалаларни бир йўла ҳал этади.

Совет давлатининг никоҳ ва ажралиш тўғрисидаги декретлари Туркистонда 1918 йил январь ойида эълон қилинди. Мазкур декретларни Туркистон ҳудудида қўллаш тўғрисида маҳсус ҳужжат қабул қилингани йўқ. Бу ҳужжатлар республика газеталарида эълон қилинганинг уларни татбиқ қилиш учун асос деб ҳисобланади. РСФСР декретлари босиб чиқарилгандан сўнг Туркистон ҳукумати уларни ўлкада амалий тадбиқ этишга қаратилган маҳсус бўйруқлар чиқарди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 26 январда “Никоҳ, туғилиш ва ўлимни рўйхатга олиш бўлимларини ташкил қилиш тўғрисида” бўйруқ чиқарди. Бўйруқда Туркистон шаҳарларидаги ўзини-ўзи бошқарувчи барча органлар ҳузурида яқин келажакда никоҳ, туғилиш ва ўлимни рўйхатга олиш бўлимари тузилиши таъкидланган эди.

Айни вақтда РСФСРнинг “Никоҳдан ажралиш тўғрисида” ги декретини тўғри татбиқ қилиш мақсадида 1917 йил 19 декабрда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва Адлия Халқ Комиссарлиги бир қанча бўйруқлар, тушунтиришлар ва фармойишлар чиқариб, уларда марказий ҳокимиятнинг никоҳдан ажралиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатини батафсил изоҳлаб берди. 1918 йил 11 марта қабул қилинган маҳсус бўйруқ билан Туркистон Халқ Комиссарлари Совети Туркистон ўлкасидаги барча суд органларига “Халқ

Комиссарлари Советининг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги декретини тезда бажариш“ни топширди. Буйруқда кўрсатилишича, декретга мувофиқ судлардан ёки фуқаролик ҳолатлари далолатномаларидан ташқари кўрилган ишлар “ҳақиқий ҳисобланмайди”¹.

Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети ва Адлия Халқ Комиссарлиги ўз тушунтиришлари билан, биринчидан, янги тузилган, ҳали етарли амалий тажрибага эга бўлмаган маҳаллий Совет судларига никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни кўришда ёрдам берди, иккинчидан, маҳаллий аҳоли ўртасида никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларни тарғиб қилди.

Мазкур декретлар совет оила ҳуқуқининг вужудга келишига асос солган бўлса ҳам, оилавий муносабатларнинг ҳамма масалаларини ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш учун тўла жавоб бераолмас эди.

4-§. РСФСР (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси) Фуқаролик ҳолати далолатномалари, никоҳ, оила ва васийлик ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар кодекси (1918 йил) ва унинг ТАССР (Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси) ҳудудида татбиқ этилиши

Туркистон ўлкасининг автоном деб эълон қилиниши Туркистон Советлари V ўлка съездининг мухим ҳужжатларидан бўлди. Советларнинг V ўлка съездида ишчи ва солдат Советлари дехқон Советлари билан бирлашди.

Советларнинг V ўлка съезди “Россия федерациясидаги Туркистон Совет Республикаси тўғрисидаги Низом”ни қабул қилди. Туркистон Автоном Республика деб эълон қилинди. Низомда Туркистон Совет Республикаси автоном асосида бошқарилиб, ўз ҳаракатларида Россия

¹ Сборник декретов и приказов. СНК ТАССР 23ноября 1917. по 1 июля 1918 Т., 33-бет.

Федерацияси марказий ҳукуматини тан олиб ва у билан ўз ишларини мувофиқлаштириб олиб боради, дейилган.

Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги Конституциялари янги ижтимоий ва давлат тузумининг принципларини ифода этадиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Мазкур Конституцияга III Бутунrossия Советлари съездида қабул қилинган “Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқларнинг ҳуқуқлари Декларацияси” ва Советларнинг Y Бутунrossия съездида қабул қилинган “Россия Федератив Совет Социалистик Республикаси Конституциясининг умумий қоидалари” асос қилиб олинган.

Бу ҳужжатларда Совет ҳокимиятининг ижтимоий ва давлат тузуми, Октябрь давлат тўнташишининг моҳияти ифодаланган эди.

Туркистонда Совет жамияти ва совет органларининг ҳуқуқий шаклланишида Туркистон Советларининг YI съезди муайян роль ўйнади. 1918 йил 15 октябрда қабул қилинган Туркистон АССР Конституцияси сиёсий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

1918 йилги Туркистон АССРнинг Конституциясида Туркистон Республикасининг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топди.

Туркистон АССРнинг 1920 йилги Конституцияси 1918 йилги Конституциянинг айrim бандларига аниқлик ва тузатишлар киритди.

Туркистон АССРнинг ҳуқуқий ҳолатига тегишли асосий қоидалар Туркистон АССРнинг мазкур Конституциясида, Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг 1921 йил 11 апрелда қабул қилинган “Туркистон АССРни ташкил этиш тўғрисида декрети”да ифода этилди. У РСФСР таркибидаги Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг ҳуқуқий расмийлашувини яқунлади.

Туркистон АССРда никоҳ ва оиласа оид муҳим ҳуқуқий масалалар 1918 йил 16 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ҳолати

далолатномалари, никоҳ, оила ва васийлик ҳуқуқи ҳақидаги РСФСР қонунлар кодекси" асосида ҳал қилинади.¹

1917 йилда қабул қилинган декретларга нисбатан бу кодекс бир қатор янги ҳуқуқий қоидаларни белгилаб, никоҳ ва оила қонунчилигини маълум тизимга солди. Кодекс 246 моддадан иборат бўлиб (юқоридаги икки декретда 26 модда бор эди), фуқаролик ҳолати далолатномалари, никоҳ ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, васийлик ҳуқуқидан иборат тўрт бўлим, 17 бобни ташкил этди. Кодекс фуқаролик ҳолати далолатномалари билан бошланса ҳам, унда асосий эътибор никоҳ ва оила масаласига қаратилган бўлиб, бу масалаларга 130 модда ажратилган эди.

Кодексда 1917 йил 18 декабрдаги декретнинг фақат давлат органларида фуқаролик ҳолатлари рўйхатидан ўтган никоҳ юридик кучга эга эканлигини тан олиш тўғрисидаги қоидаси сақлаб қолиниб, никоҳга ўтиш шартлари масаласи янгидан ишлаб чиқилди. Улар никоҳ ёшига тўлиш (қизлар учун 16 ёш, йигитлар учун 18 ёш), никоҳга кирувчиларнинг руҳий соғлом бўлиши, якка никоҳлилик, никоҳга ўтувчиilar ўртасида юқорига ёки пастга қараган тўғри чизиқ бўйича қариндошлик бўлмаслиги, никоҳ тузиш учун ўзаро розиликдан иборат. Даврнинг хусусиятини назарга олиб, никоҳ ҳақиқатда ўзаро розилик асосида тузилаётганлиги ҳақида никоҳга ўтувчилардан тилхат олинган.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг келиб чиқиши асослари, ота-оналар ва болалар ўртасидаги шахсий ҳамда алимент борасидаги ҳуқуқ ва

¹ Вестник Комиссариата юстиции Туркестанской республики . 1919, 1-сон 3-20-бетлар 2-сони 40-бет.

мажбуриятлари, қариндошлиқ ҳолатида бўлган шахсларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари сингари бошқа масалалар тартибга солинган.

Кодекс оиласида эр ва хотиннинг тенглигига асосланиб, она ва бола ҳуқуқини муҳофаза этишга қаратилган.

Эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларни белгилашда эр хотиннинг мулки алоҳида бўлинган мулк деган қоида асос қилиб олинди. Бу кодекс совет васийчилиги принципларини ва шаклларини ишлаб чиқди. Юқорида баён этилган декрет ва кодекс РСФСР қонунчилиги ҳисобланса ҳам, бошқа совет республикаларининг, хусусан ТАССРнинг никоҳ-оила қонунчилигига асос бўлиб, совет оиласи шакланишида муайян роль ўйнади.

Республика Ички ишлар халқ комиссарлиги РСФСРнинг ушбу кодекси асосида ва унга амал қилган ҳолда совет ҳокимиятининг ҳамма жойдаги маҳаллий органларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимларини тузди.

1919 йил 15 ноябрда Ички ишлар халқ Комиссарлиги “Туркистон Республикасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти” тўғрисида маҳсус қўлланма қабул қилди.¹ Унда бу органларни ташкил этиш қоидлари ва уларнинг фаолияти белгилаб қўйилди.

Ички ишлар халқ комиссарлигининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказиш органининг 1919 йил 19 ноябрь буйруғи билан қўлланмага тўлдириш киритилди. Унда республика барча ижроия комитетлари (шаҳар) уезд, волость, қишлоқларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини таъсис этиши лозимлиги белгиланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий архиви Ф-Т 30, рўйхат 219, 8-дело. 10-варақ.

Буйруқда тузиладиган бўлимларнинг вазифалари батафсил белгиланиб, республика фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш билан шуғулланувчи совет органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтириб берилди.

Унда, шунингдек, Туркистонда яшовчи барча миллатлар ва диндор фуқаролар эътиборига бундан сўнг фақат фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга оловчи тегишли органларда рўйхатга олинган далолатномаларгина ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилди. Бу далолатномалар фуқароларда фақат ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Уларда кўрсатилишича, диний урф-одатлар бўйича тузилган далолатномалар мажбурий ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай, шахсларнинг хусусий иши бўлиб қолди.

Ички ишлар халқ комиссарлиги қабул қилган мазкур бу буйруғининг Туркистонда татбиқ этилиши ўлкага янги оилавий-маиший муносабатлар кириб келишига асос бўлди.¹ Шарқда совет ҳокимияти ўз олдига исломга, шариатга ва маҳаллий урф-одатларга қарши курашиш вазифасини қўймади.²

1922 йил 25 июлда Туркистон Марказий Ижроия Комитети “Туркистон Республикасининг мусулмон халқ судлари тўғрисида Низом” қабул қилди. Унга биноан фуқаролик ишлари, (асосан никоҳдан ажратиш ва мерос ишлари масалалари)ни, шунингдек маҳаллий халқларнинг урф-одатлари ва ахлоқи билан боғлиқ ишларни кўриш учун ёнма-ён равишда мусулмон халқ судлари ҳам тузилди. Уларнинг таркибига бир йил муддатта бир судья, волость ва шаҳар нормасида маҳаллий халқ томонидан сайланган халқ судьялари киради.

¹ История советского государства и права Узбекистана. 1-том, 263-бет.

² История советского государства и права Узбекистана. 1-том. 79-бет.

5-§. БХСР (Бухоро Халқ Совет Республикаси) да никоҳ ва оила муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши

1920 йил 2 сентябрда Бухоро амирлиги қулаб, Бухоро Халқ Совет Республикаси вужудга келди.

1920 йил 6 октябрда халқ вакилларининг Биринчи Бутунбухоро қурултойи чақирилди. Унинг ишида 2 мингга яқин вакил иштирок этди. 1920 йил 8 октябрда қурултой аввалги Бухоро амирлиги ўрнида Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлигини эълон қилди.

1921 йил 4 марта РСФСР ва БХСР ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида “Иттифоқ Шартномаси”ни тузиб, унга мувофиқ Совет Россияси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ўзаро бир-бирига ёрдам бериб, ҳар иккала совет республикасининг мустақиллиги ва манфаатларини жаҳон империализмидан ҳимоя қилди.

1920 йилги Бухоро инқилобининг биринчи босқичи ўз моҳиятига кўра антифеодал бўлиб, табақачиликка, зулм ўтказиш, йирик ер эгалари, крепостнойликка қарши қаратилган эди. Шундай қилиб у буржуа-демократик инқилоби вазифасини бажарди.

БХСРнинг 1921 йилда қабул қилинган Асосий Қонуни Бухоро Республикасининг биринчи Конституцияси бўлиб, у халқларнинг манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган эди. Мазкур Конституцияда Бухоронинг маҳаллий ва тарихий хусусиятлари назарга олиниб, унинг матнига “Меҳнаткаш халқ ва эксплуатация қилинувчи халқлар ҳуқуқлари Деклорацияси”даги бир қатор қоидалар киритилмади.

Асосий Қонунда республикада истиқомат қилувчи аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга эканлиги, бутун миллатларнинг тенглиги ва эркинлиги эълон қилинди.

Конституцияда белгиланишича, одил судлов халқ қози судлари томонидан амалга оширилиб, улар ўз қарорлари ва ҳукмларини совет қонунларига зид бўлмаган холда, шариат ва одат нормаларига асосланиб чиқаришлари мумкин эди. Чунки шариат ва одат нормалари инқилоб томонидан бекор қилинган эмас эди.

Суд юритиш ишларини янада демократлаштиришда 1924 йил 5 январда қабул қилинган “БХСР суд тузилиши Низоми” асосида амалга оширилди. Шу билан бирга БХСР ҳудудида РСФСРнинг 1922 йилги таҳриридаги ҳамма кодекслари татбиқ этила бошланди.

1924 йил 18 сентябрда халқ вакилларининг Ү Бутунбухоро қурултойи чақирилди. 1924 йил 19 сентябрда БХСР Социалистик Республика деб эълон қилинди.

Бухоро Халқ Совет Республикасида никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилик шариат нормаларига асосланган эди.

1924 йилга қадар БХСРда аёлларни ҳуқуқий ва амалий озод қилишга қаратилган ҳеч қандай қонун қабул қилинмади. 1924 йил 30 январда Бутунбухоро МИК мажлисida ўзбек халқининг тўй ва маъракаларини кам маблағ сарфлаб ўтказиш тўғрисида маъруза тингланди.

Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети ушбу масала бўйича қарорни муҳокама қилиб, тўй ва маърака одатларини бажариш туфайли бўладиган ортиқча ҳаражатларни камайтириш бўйича қонун чиқариш тўғрисида фикрга келди. Бу масала бўйича декрет лойиҳасининг асосий қоидаларида шариат нуқтаи назаридан қўйидагилар назарда тутилган эди; диндорларнинг қурултойи расмруслар ва одат туфайли тўйда ва дағн маросимини ўтказиш вақтида бўладиган ҳаражатлар бутунлай ошиқча, шариатга зид деб қарор чиқарди. Бундай ҳаражатларнинг оғирлиги БХСР халқи бошига

тушади, уларнинг кўпчилиги эса майда ҳунармандлар ва камбағаллардан иборат, уларнинг иқтисодий аҳволи жуда оғир бўлиб, шу туфайли кўпчилик никоҳ тузга олмай, туғилиш камайиб кетди. Никоҳ тузиш тартиби, никоҳ тузиш билан боғлиқ ҳар хил зарарли одатларни тугатиш бўйича тушунтириш олиб бориш тўғрисида шариат судларига топшириқ берилди.

1924 йил 17 апрелда Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети майший жиноятлар тўғрисида декрет қабул қилди. БХСР халқлари одати ҳисобланган никоҳ тузиш учун аёлларни олиб қочиш билан боғлиқ қуидаги ҳодисалар Марказий Ижроия Комитети томонидан ижтимоий хавфли жиноий ҳаракат деб тасниф этилди:

1. Аёлларнинг эркига қарши зўрлик қилиб ўғирлаш.
2. Жинсий жиҳатдан балоғатга етмаган қизларни никоҳга олиш мақсадида ўғирлаш.
3. Аёлларнинг хоҳишига зид равишда никоҳ расм-русумларини ўтказиш ёки никоҳни қайд этдириш.

БХСРнинг майший жиноятлар тўғрисидаги қонуни никоҳ ҳуқуқи борасида чиқарилган бирдан-бир ҳужжат ҳисобланади¹.

1924 йил октябрда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топгандан сўнг ҳам ЎзССРни ташкил қилиш Революцион Комитетининг 1924 йил 27 ноябрдаги қарорига² асосан, собиқ Бухоро Халқ Совет Республикасининг ҳудудида никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатларида татбиқ қилиниб келган шариат ва одат нормалари ЎзССРнинг қонунлари қабул қилингунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши қайд этилди. Собиқ Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳудудида 1928 йил 1 октябргача, яъни ЎзССРнинг никоҳ, оила ҳам васийлик ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий архиви Фонд-18, 1 рўйхат 275-дело 357-варак

² ЎзССР Қ. Т., 1925 й., I-сон, 2-бет.

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳақидаги қонунлар Кодекси татбиқ қилингунга қадар диний маросимлар бўйича тузилган никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат органларида қайд этилган никоҳга тенглаштирилиши белгиланган.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳудудида тузилган диний никоҳлар ёзма шаклда расмийлаштирилмаган, никоҳга кирувчиларга никоҳ муносабатини тасдиқловчи гувоҳнома ҳам берилмаган. Зарур ҳолларда никоҳ ҳуқуқий муносабатини гувоҳлар кўрсатуви билан тасдиқлаш мумкин эди. Тан олиниши лозим бўлган никоҳларни исботлайдиган ёзма далиллар ҳам бўлмаган. Шунинг учун диний одат бўйича никоҳдан ўтганлар ҳаёт бўлса, СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июль Фармонининг 19-моддасига мувофиқ никоҳга кирган вақтларини кўрсатиб, уни қайд этдиришлари мумкин. Агар улардан бири вафот этган бўлса, эр-хотинлик муносабатида бўлганлик факти суд томонидан тасдиқланиши лозим (ЎзССР ГПКнинг 274-моддаси).

6-§. XXCP (Хоразм Халқ Совет Республикаси) да никоҳ ва оила муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши

Совет ҳукумати вужудга келган илк кунлардан бошлаб Хива хонлигининг мустақиллигини ва суверенитетини тан олди, у билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш ҳақида шартнома тузди.

1920 йил 20 апрелда Бутунхоразм қурилтойи тўпланди. У янги давлатнинг шаклини белгилади. Қурилтой Хива хонлиги тугатилганлигини билдириб, Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлигини эълон қилди.

1920 йил 30 апрелда – Биринчи қурултойда қабул қилинган ХХСР Конституцияси давлат ҳокимияти меҳнаткаш халқ қўлига ўтганлигини ифода этди.

Совет Россияси ХХСРни суверен давлат сифатида биринчи бўлиб тан олди. РСФСР ва Хоразм ўртасидаги муносабатлар 1920 йил 13 сентябрда тузилган “Иттифоқ шартномаси” билан белгиланди. Бу шартнома икки давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлиги асосини ташкил этди.

Хоразм Халқ Совет Республикасининг ижтимоий ва давлат тузуми унинг халқ вакиллари Советининг Бутунхоразм I қурултойи томонидан 1920 йил 30 апрелда қабул қилинган биринчи Конституцияси (Асосий қонуни) да мустаҳкамланди. Кейинчалик II (1921 йил май) ва III (1922 йил июль) Бутунхоразм Совети қурултойи томонидан Хоразм Халқ Совет Республикаси Конституциясига айrim ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилди. Шундан сўнг ХХСР Конституцияси 6 бўлим, 15 боб ва 87 моддадан иборат бўлди.

ХХСР Конституциясига РСФСРнинг 1918 йилдаги Конституцияси ўз таъсирини кўрсатди. ХХСР Конституциясида асосан Хоразмнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ифода этилган эди.

Конституция Хоразм ҳудудида истиқомат қилувчи ҳамма фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жинсларнинг ҳамда ҳамма уруғлар ва миллатларнинг эркинлиги ва дахлсизлигини кафолатлади.

1923 йил октябрида Советларнинг IV қурултойи бўлиб ўtdи. Унда Хоразм Халқ Совет Республикаси социалистик республика деб эълон қилинди.

Қурултой Хоразм Республикасининг янги Конституциясини қабул қилди.

Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳудудида ҳам, худди Бухоро Халқ Совет Республикасига ўхшаб, никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатлари шариат ҳамда одат нормалари асосида ҳал қилинди.

1921 йил 3 июлда Хоразм Халқ Совет Республикасида Халқ Комиссарлари Советининг никоҳ тўғрисидаги 1-сонли буйруғи чиқди. Унга биноан никоҳ ёши йигитлар учун 17, қизлар учун 16 ёш деб белгиланди. Буйруқда кўрсатилган никоҳ ёшига тўлмай туриб никоҳ шартномасини тузиш, никоҳ муносабатига кириш ман этилади. Эрга хотинини озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш мажбурияти юклатилади. Агар қиз ёшлик вақтида биронтага унаштириб қўйилган бўлса-ю никоҳ ёшига тўлганда унга турмушга чиқишга рози бўлмаса, у ҳолда келиннинг ота-онаси қиз учун олинган қалинни қайтаришлари лозим эди. Буйруқни бузганлар эса 5 йилга қадар муддатга озадликдан маҳрум этилиши мумкин эди.

Хоразм Республикасида миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнг ҳам хотин-қизларнинг аҳволида унча ўзгариш бўлмади. Қозилик судлари, руҳоний диндорларнинг таъсири никоҳ-оила муносабатларини тартибга солувчи шариат нормалари барқарор бўлиб қолишини таъминлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топгандан сўнг ҳам собиқ Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳудудида шариат ва одат нормалари татбиқ этилиб, диний маросимлар бўйича тузилган никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат органларида қайд этилган никоҳга тенглаштириб келинди.

Юқорида келтирилган ҳолатларни инобатга олиб, қуйидаги хуросага келиш мумкин:

- худудимизда шариат ва одат нормаларига асосланган патриархал уруғчилик муносабатлари билан боғлиқ Шарқ оиласига хос урф-одатлар секин-аста емирила бошлади;
- Октябрь давлат тўнташидан кейинги дастлабки даврда аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилиши туфайли хотинларнинг ташаббуси билан никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволари қўпая бошлаган бўлса, кейинчалик бу кураш хотин-қизлар оммасининг қўпчилик бўлиб қалинга, қизларни зўрлаб эрга бериш, қўп хотинлиликка қарши курашидан иборат бўлди. Айни вақтда никоҳни, албатта, ФХДЕ органларида рўйхатдан ўтказиш учун астойдил кураш олиб борилди;
- Хоразм Республикасида яшовчи аёлларнинг аҳволи жуда оғир эди, чунки улар узоқ вақтгача диндорлар ва қозилар таъсирида бўлганлар. Никоҳ-оила муносабатлари шариат нормалари билан тартибга солиб келинди.

7-ѓ. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Никоҳ ва оила ҳамда Васийлик ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ҳақидаги қонунлар кодекси (1928 йил), унинг асосий қоидалари ва аҳамияти

Собиқ иттифоқ Марказий Ижроия Комитети Советларининг II Сессияси (1924 йил 27 октябрь) Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Бутунбухоро Советларининг V Қурутойи ва Бутунхоразм Советларининг V Қурутойи илтимосини қондириб, Ўрта Осиё Республикаларида миллий-давлат чегараланишини ўтказди. Натижада Собиқ иттифоқ таркибида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси вужудга келди.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнг ҳамда Ўзбекистон ССР тузилгач, бу ерда никоҳ-оила муносабатларини

“РСФСР фуқаролик ҳолатлари далолатномалари, никоҳ, оила, васийлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар кодекси” билан тартибга солиш давом этди. Бироқ РСФСРнинг 1918 йилдаги кодекси фақат Ўзбекистон ССРнинг миллий-давлат чегараланишигача бўлган қисми-Туркистон АССР ҳудудида татбиқ этилди. Чунки Туркистон Марказий Ижроия Комитети бу ҳақда маҳсус қарор қабул қилган эди¹. Шундай қилиб, бу даврда Ўзбекистон ССР ҳудудида никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатлари совет оила қонунчилиги ва диний ҳуқуқий қоидалар – шариат ва одат нормалари билан тартибга солинди.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг унинг таркибига кириши оила қонунчилиги бўйича муҳим муаммоларни кодификациялаш ва унификациялаш (бир хиллаштириш) вазифаларини қўйди. Кейинчалик совет оила ҳуқуқи нормаларини тўғри татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Никоҳдан ажralиш бўйича кенг тарқалган категориядаги ишлар асосан аёллар томонидан қўзғатилди.

Маҳаллий халқлар ўртасида никоҳдан ажralиш ҳодисаси кўпайиб кетганини никоҳ ва оила тўғрисидаги совет қонунлари никоҳдан ажralишни осон қилиб қўйганлиги туфайли оиланинг ахлоқий асосларига путур етганлигидан, деб изоҳлаш мумкин.

Никоҳдан ажralиш тўғрисида аёллар томонидан қўзғатилган ишларнинг аксарияти улар онгининг ўсганлигини, ўз инсоний қадр-қимматини англаганлигини билдиrsa-да, никоҳдан эркин ажralишни белгилаган социалистик норма аёлларни тенгсиз никоҳдан озод қилишда катта роль ўйнаган бўлса-да, умуман ажralиш статистикасини салбий томонга оғдириб юборди. Ўша йилларда никоҳдан ажralиш тўғрисида аёллар томонидан қўзғатилган

¹ История Советского государства и права Узбекистана, 1-том, Т., 259-бет.

ишларнинг судлар томонидан тўғри ҳал қилинишига алоҳида аҳамият берилган эди. Суд органлари оила ҳуқуқи нормаларини асосан тўғри ҳал қиласадилар. Бироқ фуқаролик ишларини ҳал қилишда аёллар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ никоҳдан ажралиш иши бўйича йўл қўйилган камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Халқ судлари аёлларнинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво аризаларини сабаблар етарли бўлмаганлигига қарамай қабул қилганлар, баъзан эса, ҳатто эр-хотин никоҳдан асоссиз ажратиб ҳам юборилган. Айрим ҳолатларда судлар никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни қабул қилмай, қозилик судларига юборганлар, улар эса аёлларнинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволарини рад этганлар.

Айрим совет халқ судларининг бундай иш тажрибаси республика Адлия Халқ Комиссарлиги томонидан қаттиқ қораланди. Адлия Халқ Комиссарлигининг 1926 йил 25 февралдаги “Аёлларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги маҳсус топшириғига кўра никоҳдан ажралиш ишларини қозилик судларига юбориш ман этилди.

Республика Адлия Халқ Комиссарлиги судларга никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни кўришда аёлни никоҳдан ажралишга мажбур этган ҳар бир сабабни синчиклаб ўрганишни топширди.¹ Адлия Халқ Комиссарлиги бу қўрсатмани тушунтириб, суд фақат аёл қандай шароитда яшаганлигини аниқлаши ишнинг ҳолатига ҳеч қандай таъсир этмаслигини кўрсатди. Агар ишда никоҳдан ажралиш тўғрисида аёлнинг аризаси бўлса, деб кўрсатилади Адлия Халқ Комиссарлигининг 1926 йил 4 марта ги тушунтиришида,

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий архиви 904-фонд, 1-рўйхат, 119-дело, 45-варақ.

тарафларнинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишининг келиб чиқиши сабабидан қатъи назар уларни ажратиш лозим.

Адлия Халқ Комиссарлигининг 1926 йил 4 март кўрсатмасига мувофиқ, судлар никоҳдан ажралиш тўғрисида маҳаллий халқ аёллари томонидан қўзғатилган ишларни албатта никоҳдан ажратиш билан якунлашлари лозим эди. Бу аёллар манфаатларини совет қонунларида белгиланган тарзда ҳимоя қилиш бўлиб, уларга никоҳдан эркин ажралиш бўйича ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун имконият яратган.

Никоҳни қайд этиш ҳам мухим аҳамиятга эга. Айрим ФХДЁ ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида никоҳдан ўтувчилардан уларнинг саломатлиги ва ёшлари ҳақида врач маълумотномасини талаб этганлар. Бундай маълумотнома врачлар томонидан никоҳга ўтувчи шахсларнинг баданларини текширишни талаб қиласарди. Бу ҳолат маҳаллий халқ, айниқса, аёллар ўртасида чуқур норозилик келтириб чиқарди, натижада никоҳни яшириш, уни ФХДЁ органларида қайд этишдан бош тортиш, диний расм-русумлар асосида тузиладиган никоҳнинг кўпайишига олиб келди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги ўзининг 1927 йил 15 январдаги циркулярида бундай ҳолатни ғоят но нормал ҳолат, деб ҳисоблаб, никоҳни рўйхатга олиш учун фақат никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги ва никоҳ ёшига тўлганлиги асос бўлишини кўрсатди. Врач томонидан маълумотнома эмас, балки қишлоқ кенгаши ёки маҳалла қўмитаси томонидан берилган маълумотнома никоҳ ёшига тўлганликни исботлайдиган ҳужжат ҳисобланади.

ФХДЁ органлари никоҳдан ўтувчилардан паспорт ва аризаларидан ташқари маҳалла қўмитасидан никоҳ ҳақиқатда никоҳга ўтувчиларнинг хоҳиши билан тузилаётганлиги, күёв келин учун үнинг

ота-онасига анъанавий қалинни бермаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилган.

Ушбу кўрсатма ФХДЁ органларининг ишни тўғри ташкил қилишида, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишда, ахоли кўз ўнгидаги никоҳни давлат рўйхатидан ўтказишнинг аҳамиятини пасайтиришнинг олдини олишда муҳим мавқега эга бўлди.

Мамлакат тинч қурилиш даврига, янги иқтисодий сиёсатга ўтгач, никоҳ ва оила тўғрисида дастлабки қабул қилинган қонунларга оилада аёллар ва болалар ҳуқуқини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган айрим ўзгартиришлар киритиш лозимлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган янги қонунлар ҳам қабул қилиш эҳтиёжи туғилди. Буларнинг ҳаммаси 1926 йил 19 ноябрда қабул қилиниб, 1927 йил 1 январдан амалга кирган РСФСР никоҳ, оила ва васийлик тўғрисидаги қонунлар кодексида ўзининг тўла ифодасини топди. Уни қабул қилишда никоҳ масаласи тўғрисида чуқур мулоҳазалар билдирилди ва ниҳоят, амалий никоҳ ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши тўғрисидаги қоида белгиланди. Кодексда никоҳ ёши масаласига ҳам айрим ўзгартиришлар киритилди. Аёллар учун 18 ёш никоҳ ёши деб белгиланди. Эр-хотиннинг мулкий муносабатларини тартибга солишга ҳам ўзгартиришлар киритилди. 1918 йилдаги кодексда эр ва хотин мулки тўла бўлинганлиги белгиланган эди. Шу кодекснинг 150-моддасида “Никоҳ эр-хотиннинг умумий мулкини вужудга келтирмайди” деган қоида бор эди. Бу аёлларнинг тангизлигига қаратилган эди, чунки эскича тушунчага биноан, эр-хотин мулкига эр бошлиқ бўлиши лозим, деган қоида устун бўлиб келган. РСФСРнинг 1926 йилги кодексининг 10-моддасида эса: “Никоҳга ўтгунга қадар эр-хотинга тегишли бўлган мулк уларнинг бўлинган мулки саналади. Эр-

хотиннинг никоҳдан сўнг топган мулклари эса уларнинг умумий мулклари ҳисобланади”, -деб қайд этилган.

Эр ва хотиннинг бир-бирига нафақа тўлаш тартибига ҳам ўзгартириш киритилди. 1918 йилдаги Кодекс никоҳ бекор қилингандан сўнг эр ёки хотин учун алимент ундиришни маълум муддат билан чекламай, никоҳдан ажралгандан сўнг умрбод ундиришни белгилаган эди. РСФСРнинг 1926 йилдаги Кодекси умрбод алимент ундиришни чеклаб, никоҳ бекор бўлгандан сўнг фақат бир йил давомида алимент ундиришни белгилади.

Никоҳдан ажралиш тартибига ҳам ўзгартириш киритилди. 1918 йилдаги Кодексга биноан никоҳдан ажралиш суд томонидан кўрилгач, агар ажралишни икки томон истаса, у ҳолда ФХДЁ органи орқали ҳам ажралиш мумкин эди. РСФСРнинг 1926 йилдаги Кодекси ажралишнинг суд тартибини бекор қилиб, ҳамма ҳолатларда ҳам ажралишни ФХДЁ орқали тартибга солишни белгилади.

РСФСР никоҳ ва оила қонунлари иттифоқдош республикалар қонунлари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Оила ҳуқуқининг асосий масалалари дастлабки вақтдан бошлаб РСФСР қонунларида қандай ҳал қилинган бўлса, иттифоқдош республикаларнинг қонунларида ҳам шундай асосда ҳал қилинди.

1926 йилдан бошлаб фақат РСФСРда эмас, балки барча иттифоқдош республикаларда никоҳ-оила қонунчилигини янгилаш жарёни бошланди. 1926 йили Украинада, 1927 йили Белоруссия ва Арманистонда, 1928 йили Озарбайжонда, 1929 йили Тожикистонда, 1930 йили Гуржистонда, 1935 йили Туркманистонда янги Никоҳ-оила кодекслари қабул қилинди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг “Никоҳ ва оила ҳамда васийлик ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш

ҳақидаги қонунлар кодекси асосан 1928 йил 7 марта II чақириқ Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг III сессиясида қабул қилиниб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 1928 йил 23 июнь қарори билан 1928 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилди.

Умуман иттифоқдош республикаларнинг Никоҳ-оила кодексларида муҳим тафовутлар йўқ. Бу кодексларнинг асосида эр хотиннинг никоҳ-оила муносабатларида тенглиги, болалар ва оналар манфаатларининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши тамойиллари ётади.

Иттифоқдош республикаларнинг Никоҳ-оила кодексларида миллий хусусиятлар ва маҳаллий шароитларни назарда тутиб белгиланган ҳуқуқий қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, ЎзССРнинг Никоҳ ва оила кодексида фақат фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш органларида рўйхатга олинган никоҳгина эр хотинларда ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши белгиланди. Бундай тартибининг белгиланиши ўша давр ва шароит учун тўғри эди. Бу кўп хотинлиликка ва вояга етмаган қизларнинг турмушга берилишига йўл қўймас эди. Кодекс никоҳ ёшини қизлар учун 16, йигитлар учун 18 ёш қилиб белгилади. Шунингдек, Никоҳ-оила кодекси билан юқорига ёки пастга қараган тўғри чизик бўйича бўлган яқин қариндошлар ўртасидаги, шунингдек, бирга туғилган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасидаги никоҳлар¹ ман этилган.

Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ-оила кодексининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, унда маҳаллий ўтроқ ҳалқ учун уларнинг фамилияси бўлмаса, никоҳга ўтиш вақтида никоҳга ўтувчилардан

¹ Юқорига ёки пастга қараган тўғри чизик бўйича бўлган қариндошлар деб, бобо ва буви, ўғил, қиз ва неваралар ҳисобланади, туғишган ака-ука опа-сингиллар деб, бир ота ва бир онадан туғилган болаларга ва ўгай деб, оталари бир, оналари бошқа ёки оналари бир, оталари бошқа бўлган болаларга айтилади. (СССР ИИХКнинг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартиби тўғрисида 1927 йил нашр этилган қўлланмасидан).

биттасининг ота исми бўйича никоҳни расмийлаштириш ёки уларнинг никоҳгача бўлган ота исмида қолиш ҳуқуқи берилган.

Никоҳдан ажралиш вақтида эса эр-хотиннинг ҳар бирига ўз хоҳиши бўйича фамилия танлаш ҳуқуқи берилган. Эр-хотин ўртасида ўзаро келишиш бўлмаса, у ҳолда бу масала бўйича уларнинг ҳар бирига никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилади.

ЎзССРнинг Никоҳ-оила кодексига биноан никоҳ бир тарафнинг ёки икки тарафнинг розилигига биноан тугатилиши мумкин эди. Ўзбекистон ССР Ижроия Комитетининг 1928 йил 14 январь¹ қарорига биноан никоҳдан ажралиш маъмурий тартибда амалга оширилади.

Никоҳ ҳуқуқида белгиланган шартларни ҳимоя қилишда Ўзбекистон ССРнинг 1926 йил 1 июлдан амалга киритилган Жиноят кодекси жуда катта роль ўйнади. Унда маҳаллий майший жиноятларга бағишлиланган махсус боб ажратилган эди. Кодексда қалин тўлаш (273-модда), хотин-қизларни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш билан эрга бериш (274-модда), қўшхотинлик (275-модда) ва бошқа жиноятлар таркиблари кўрсатилган.

Кейинчалик Ўзбекистон ССРнинг 1927 йил 26-27 ноябрь қарори билан Жиноят кодекси 274-а модда билан тўлдирилиб, унга вояга етмаган ёки ёш қизларни эрга берганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.²

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг 1938 йил 14 июль³ қарорига биноан республика Никоҳ-оила кодекси билан белгиланган никоҳ ёшига ўзгартириш киритилиб, у эркаклар учун ҳам, қизлар учун ҳам 18 ёш қилиб белгиланди. Республика Олий Совети Президиуми айни вақтда ҚҚАССР Олий Совети Президиумига, область

¹ СУ ЎзССР, 1928, 2-сон, 8-модда.

² СУ ЎзССР, 1927, 39-сон, 254-модда.

³ СУ ЎзССР, 1938, 20-сон, 43-модда.

ва округ ижроия комитетларига фавқулодда ҳолатларда айрим илтимосларга кўра, никоҳ ёшини аёллар учун бир йилга камайтириш ҳуқуқини берди.

Аёлларга нисбатан никоҳ ёши қўтарилишининг асосий сабаби уларга маълумот олиш учун имконият яратиб бериш, ёш қизларни, улар турмушга чиққач, эрига қарам бўлиб қолишидан ҳоли этиш эди.

Никоҳ ёшининг умум фуқаролик муомалага лаёқатли ёшга (18 ёш)¹ мос келиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иттифоқдош республикаларнинг Никоҳ-оила кодекслари қабул қилингандан сўнг орадан кўп йиллар ўтди, мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ўзгаришлар содир бўлди, хўжалик тизими ҳамда ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига нисбатан мулкчилик шакли ҳам ўзгарди. Бу ютуқлар мамлакат Асосий қонуни - СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларида ўз ифодасини топди.

Собиқ иттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1936 йил 27 июндаги қарорида² кўп болали оналарга давлат томонидан бериладиган ёрдамни белгилаш, туғруқхоналар, болалар яслилари тармоқларини кенгайтириш, алимент тўламаганлиги учун тайинланадиган жиноий жазони кучайтириш масалалари кўрилди. Бу қарор давлатнинг она ва бола тўғрисидаги ғамхўрлигини ошириш, никоҳ ва ажралиш, оилавий мажбуриятга нисбатан масъулиятни кучайтиришга қаратилган тадбирлар жумласига киради.

Ушбу қарор ҳозирги вақтда ҳам амал қилаётган болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан ундириладиган алимент ҳиссаларини белгилаб берди; тайинланган алиментни тўламаганлик учун жиноий

¹ Бошко В.И. Очерки советского семейного права, Переработ. и доп. В.А.Рясенцевым. Киев, Госполитиздат УССР, 1952. 118-119-бетлар; Свердлов Г.М. Советское семейное право, М., Госюриздан, 1958, 112-бет.

² СЗ СССР 1936 йил., 34-сон. 309-модда.

жазони кучайтириш, ажралаётган эр-хотинни албатта ФХДЁга чақириш ва уларнинг паспортлариға никоҳдан ажралганлиги тўғрисида белги қўйиш, давлат органларининг ажратиш билан боғлик ишларни бажармаганлиги учун ундириладиган тўловни оширишни белгилади.

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши даврида бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ичida СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июлдаги “Ҳомиладор аёлларга ҳамда кўп болали ва болали ёлғиз оналарга давлат нафақасини кучайтириш тўғрисида”, “Қаҳрамон она” фахрий унвонини белгилаш ва “Оналик шуҳрати” ордени ҳамда “Оналик медали”ни таъсис этиш тўғрисида” чиқарган фармонлари диққатга сазовордир.¹

Бу фармон қўйидаги маҳсус тадбирларни белгилади:

- а) давлат томонидан оналарга ва болаларга бериладиган ёрдам пули кўпайтирилди. Кўп болали оналарга бир йўла тўланадиган ёрдам пули икки боласи бўлиб ва ундан сўнг ҳар бола туғилганда, ҳар ойлик ёрдам пули эса уч боласи бўлиб, тўртинчи бола туғилганида ва ҳар бир навбатдаги бола туғилганда тўланадиган бўлди;
- б) болали ёлғиз оналарга ёрдам пули белгиланди;
- в) оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган кенг, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди;
- г) ҳомиладор аёлларга ва болали ёлғиз оналарга меҳнат имтиёзлари белгиланди;
- д) тарихда биринчи марта кўп бола туғиб, тарбиялаган оналарга давлат мукофотлари “Оналик медали”, “Оналик шуҳрати” ордени ва “Қаҳрамон она” фахрий унвони жорий қилинди.

¹ Ведомости Верховного Совета СССР. 1944 йил. 37-сон

Фармон никоҳ ва оила қонунчилигига мұхим үзгартеришлар кириди:

1) фақат фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида рўйхатга олинган никоҳгина қонуний кучга эга, деган қоида тасдиқланди: шу туфайли амалий никоҳ мұносабатлари кучга эга, деган ҳуқуқий норма бекор қилинди; шундай никоҳда турган шахсларга амалда бирга никоҳда турган вақтини кўрсатиб, никоҳни қайд этдириб олиш ҳуқуқи берилди;

2) никоҳдан ажратиш фақат суд орқали ҳал этилиши белгиланди; ҳалқ судига эр-хотинни яраштириш мажбурияти юклатилди; никоҳдан ажратишни узил-кесил ҳал этиш юқори турувчи судга тегишли эканлиги тартиби белгиланди;

3) иш ҳалқ судида кўрилгунига қадар никоҳдан ажралиш тўғрисида хабар матбуотда албатта эълон қилиниши лозимлиги белгиланди (кейинчалик, СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 10 декабрь Фармони билан бу тартиб бекор қилинди) ва ажралишни расмийлаштиришда ундириладиган (50 сўмдан 200 сўмгача бўлган) пул миқдори белгиланди;

4) қайд этилган никоҳдан ташқари туғилган болаларга оталикни белгилаш тўғрисидаги қоида ҳам бекор қилинди, бироқ бу қоида 1944 йил 8 июль Фармони қабул қилингунига қадар туғилган болаларга нисбатан татбиқ этилмайди, чунки қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Умуман бу фармондан кўзда тутилган мақсад аслида оилани мустаҳкамлаш, она ва болалар манфаатларини тенг ҳимоя қилиш, кўп болали оналарни рағбатлантириш, аҳолининг ўсишини таъминлашдан иборат эди.

СССР Олий Совети Президиуми “Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни судда кўриш тартибига баъзи ўзгаришлар киритиш тўғрисида” 1965 йил 10 декабрда фармон қабул қилди. Мазкур фармонга кўра никоҳдан ажралиш масаласи район (шаҳар) халқ суди томонидан ҳал қилиниши белгиланди.

Бу ўзгаришлар қуйидаги сабабларга кўра қилинган эди: икки босқичдан иборат бўлган тартибда никоҳдан ажралиш ишларини кўриш бир-биридан узоқ масофаларда яшовчи эр-хотинлар учун расмий қийинчилликларни келтириб чиқарди, у халққа яқин турган халқ судига тегишли фаоллик ва мустақилликни таъмин эта олмас эди; газетада эълон қилиш учун пул тўлаш ва бошқа суд ҳаражатларидан ташқари эр-хотинларни халқ судига, кейинчалик юқори судларга бориш учун маълум даражада ҳаражатлар қилишга мажбур этарди.

Юқорида келтирилган сабаблар ҳақиқатда барбод бўлган оилани никоҳдан ажралиши учун қийинчиллик туғдириб, эркаклар билан хотинлар ўртасида амалий никоҳни вужудга келтириб, никоҳсиз туғилган болалар сони кўпайишига сабаб бўлди.

Ўша даврда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) никоҳ ва оила муносабатларини тартибга соладиган асосий ҳуқуқий манба бўлди. Асосий Қонуннинг 5 ва 6-бобларида, хусусан, 33, 51, 64-моддаларида оила ҳуқуқига оид асосий принциплар белгилаб берилган. Унда хотин-қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқи (33-модда), оила давлат ҳимоясида эканлиги (51-модда) ва оиланинг асосий вазифаларидан бири болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборатлиги (64-модда) алоҳида уқтириб ўтилган.

8-§. ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош Республикаларнинг никоҳ ва оила қонуни Асослари (1968 йил)

Оила ҳуқуқининг бевосита манбаи бўлган “ССР Иттифоқи ва иттифоқдош Республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари” 1968 йил 27 июнда еттинчи чақириқ ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида қабул қилиниб, ўша йили 1 октябрдан амалга киритилган.¹

Ҳаёт шитоб билан олға силжийди. Мамлакатда рўй берган катта ижтимоий ўзгаришлар натижасида амалдаги қонунларнинг айrim қоидалари эскириб, замон талабларига жавоб бераолмай қолди.

Давр никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш, жамият тараққиётининг жорий босқичи шароитига мувофиқлаштиришни тақозо этарди. “Асослар” совет қонунларининг табиий давоми, шу қонунларнинг ривожланган шаклидир.

“Асослар” муқаддима, беш бўлим, 36 моддадан иборат. У никоҳ ва оила тўғрисидаги биринчи умумиттифоқ қонуни бўлиб, ССР Иттифоқи ва барча иттифоқдош республикалар учун умумий бўлган мухим қоидаларни ўз ичига олади.

“Асослар” оиланинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг оила ва жамият олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган. У оила ҳуқуқининг ривожланиши ва такомиллашишида ўзига хос босқич очди. Мазкур қонунда совет давлатининг никоҳ ва оила муносабатларини тартибга солиш борасидаги тажрибаси, ҳуқуқ соҳасидаги илмий муваффақиятлар, кейинги йилларнинг юридик тажрибаси ва кенг меҳнаткашлар оммасининг фикри ўз ифодасини топди.

¹ Ведомости Верховного Совета СССР, 1968, 27-сон. 241-модда.

"Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун асослари", табиийки, фақат умумий қоидаларни, шунингдек барча иттифоқдош республикаларда бир тарзда ҳал этилиши талаб қилинган масалаларга доир нормаларни белгилаб берди.

Иттифоқдош республикаларнинг "Асослар"га тўла мувофиқ ишлаб чиқилган Никоҳ ва оила кодекслари миллий, майший ва бошқа маҳаллий хусусиятларни ҳисобга оладиган ҳуқуқий қоидаларни яна ҳам батафсилроқ белгилаб берди.

9-§. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Никоҳ ва Оила кодекси (1969 йил)

1969-1970 йиллар давомида барча иттифоқдош республикалар мазкур "Асослар"га мувофиқ ўзларининг Никоҳ ва оила кодексларини ишлаб чиқиб, қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида 1969 йил 6 июнда тасдиқланиб, ўша йилнинг 1 октябридан амал қила бошлаган. Унда Иттифоқ Қонуни асосларида белгилаб қўйилган қоидалар айнан олинган. Шу билан бирга бу соҳада республика қонунлари билан ҳал қилиниши лозим бўлган қоидалар ифодаланган. Республика Никоҳ ва оила кодекси муқаддима, олти бўлим, 25 боб, 275 моддадан иборат эди.

Кодекс Муқаддимасида ёш авлодни тарбиялаш, унинг жисмоний ва маънавий кучларини ривожлантириш оиланинг энг муҳим вазифаларидан, деб таъкидланади.

Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила Кодексининг 7-моддасида "Асослар" ва кодекс нормаларидан ташқари улар асосида никоҳ ва

оила масалаларига оид бошқа қонун ҳужжатларини ҳам қабул қилиш мүмкінлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Ўзбекитон ССР нинг васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисида”ги, шунингдек болаларни тарбияга бериш (патронат) тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида 1970 йил 19 январдаги 20-сон қарори.¹ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Совети ижроия комитети хузуридаги гражданларнинг ёшини белгилаш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 1976 йил 9 июлдаги 393-сон қарори,² Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советлари ижроия комитетларининг ЗАГС бўлимлари ва посёлка, қишлоқ ҳамда овул Советлари ижроия комитетлари томонидан гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1982 йил 16 декабрдаги 803-сон қарори,³ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларининг янги фуқаролик урфодатларини жорий этишга доир ишларини янада яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 1989 йил 26 июлдаги 239-сон қарори ва шунга ўхшашибир қанча қонуний нормалар никоҳ ва оила кодекси нормалари асосида қабул қилинган ҳужжатлар ҳисобланади.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Никоҳ ва оила кодексига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президимининг 1976 йил 22 июнь,⁴ 1980 йил 29 апрель,⁵ 1984 йил 24 апрель,⁶ 1991 йил 14 июнь⁷

¹ Ўз ССР Қ.Т, 1970., 1-сон, 7-модда.

² Ўз ССР Қ.Т, 1976., 7-сон, 42-модда.

³ Ўз ССР Қ.Т, 1982., 12-сон, 46-модда.

⁴ ЎзССР Олий Советининг Ведомостлари, 1976 18-сон, 201-модда

⁵ ЎзССР Олий Советининг Ведомостлари, 1980 12-сон, 196-модда

⁶ ЎзССР Олий Советининг Ведомостлари, 1984 12-сон, 180-модда

⁷ Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ахборотномаси, 1991 8-сон, 1184, 198-модда.

фармонлари билан тегишли ўзгартиришлар киритилди. “СССР фуқароларининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги масала Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 1991 йил 3 июль қонуни билан белгиланди.¹

Оила ҳуқуқи нормаларини тўғри татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг дастурий кўргазмалари катта аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоблари, ҳуқуқшунослик фанлари докторлари, профессорлар Ф.Абдумажидов, Г.П. Саркисянц жуда тўғри таъкидлаб ўтганларидек, Пленум Никоҳ ва оила кодексининг айрим моддаларини судларга тушунтириш билан бирга, никоҳга ўтиш ва никоҳни бекор қилиш, нафақа үндириш, оталикни белгилаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва бошқа масалалар бўйича ҳам дастурий тушунтиришлар берди.² Республика Олий Суди Пленуми қарорлари ичida никоҳ-оила ишлари бўйича суд тажрибасига тааллуқли бўлган “Никоҳдан ажралиш ишлари бўйича суд тажрибаси тўғрисида”ги 42-сонли 1974 йил декабрь қарори,³ ССР Олий Суди Пленумининг 1980 йил 28 ноябрда “Никоҳни бекор қилиш ишларини кўришда судлар томонидан қонунларни қўллаш тажрибаси тўғрисида”ги, шу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми чиқарган қарорларнинг Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан бажарилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 1989 йил 14 апрелда чиқарган 5-сонли Қарори бор.⁴

¹ “Халқ сўзи”, 1991 йил 16 июль.

² Ўзбекистон Республикасининг Олий Суди. Т., “Ўзбекистон” 1994 164-бет

³ Постановления Пленума Верховного Суда Ўзбекской ССР. 1974-1977 йил. Т., 1977. 21-25-бетлар.

⁴ Ўзбекистон ССР Олий Судининг Бюллетени. Т., 1989. 2-сон

10-§. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Оила тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикаси 1990 йил 20 июнда ўзининг Мустақиллик Декларациясини қабул қилди ва унда умумхалқ мұхокамаси асосида демакратик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилингандығы эътироф этилди.

Мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равища эълон қилди.

1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни деб белгиланиб, 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Шундан бүён Республикамизда бу байрам ҳар йили катта тантана билан нишонланмоқда.

Шу кундан Республикамиз халқлари ҳаётида янги давр, янги замон бошланди.

Собиқ Совет Иттилоқи қонунларининг кўп қоидалари мустақил Республикасининг ўзига хос миллий ва маҳаллий шароитига тўғри келмай қолди. Шу боисдан ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган эски қонунларни, шу жумладан, никоҳ ва оила қонунларини янгилаш ва янада такомиллаштириш устида иш олиб бориш тақозо этилди. Мустақил давлатнинг ўзига хос, миллий, эркин ҳуқуқий тизими бўлмоғи лозим, унда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, жамиятни ривожлантиришга интилишлар янги ҳуқуқий қоидаларда ўз аксини топиши керак. Шу

сабабли уни замон талабларига жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқишига юксак масъулият билан қаралмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳали расмий равишда эълон қилинмасданоқ никоҳ ва оила қонунчилигига қоидаларни миллий-тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда белгилаш жараёни бошланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган қонуни таҳририда Республика Никоҳ ва оила кодекси 77¹-моддаси билан тўлдирилиб, унда “боланинг исми, отасининг исми ва фамилияси, ота-онанинг хоҳишига кўра ҳамда миллий-тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда, бир ёки бир неча сўзлар билан ёзилиши мумкин”лиги уқдирилди.¹

Ўзбек исмлари, ота исми ва фамилиялари бошқа тилларда ёзилганида, уларнинг асл (бирламчи) ёзилиши сақланиб қолади. Ўзбек исмлари, ота исмлари ва фамилияларини ёзиш ўзбек тилининг талаффуз мезонларига бўйсунади.

Кодекснинг 76-моддаси биринчи қисми “Ота-онасининг ихтиёри билан, миллатидан қатъи назар, болага бувасининг ёки отасининг исми фамилия қилиб берилиши мумкин”, деган сўзлар билан тўлдирилди. Шунингдек, 70-модда “Ўзбек миллий анъаналарига кўра боланинг исмига ота-онасининг хоҳиши билан “хон”, “жон”, “бек”, “бону”, “биби”, “ой”, “хўжа” ва бошқа қўшимчалар қўшиб ёзилиши, ота исми эса отасининг исмига “ўғли”, “қизи” сўзлари “ий”, “зода” қўшимчалари қўшилган ҳолда ёзилиши мумкин”, деган учинчи қисм билан тўлдирилди.

Мустақил Республикамиз Конституциясининг қабул қилиниши никоҳ ва оила қонунига ҳам аниқлик киритди. Оила қонунчилиги

¹ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил, 8-сон. (1184) 198- мода

бундан сўнг Никоҳ ва оила кодекси дейилмай, “Оила кодекси” деб аталмоқда. Чунки Конституциянинг III бўлим, XIV боби “Оила” деб номланиб, 63-66-моддалар оиласий-хуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалардир. 46-моддада эса хотин-қизлар ва эркаклар тенг хуқуқлидирлар, деган қоида белгиланди.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Оиласига маҳсус боб ажратилган. Илгариги Конституцияларда эса никоҳ ва оиласига оид қоидалар ҳар хил бобларда берилган, бўлиб ундан фойдаланишда айrim қийинчиликларни келтириб чиқарабди. Шунингдек, бу боб “Жамият ва шахс” бўлимида берилиши ҳам айни муддао, чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий бўғинидир.

Конституциянинг 63-моддасида шундай дейилади: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга”.

Бу моддани “Оила-оталик, оналик ва болалик давлат ва жамият (ҳар хил жамғармалар) ҳимоясида бўлади”, дейилган жумла билан тўлдирилса, янада катта аҳамият касб этарди. Чунки тўлиқ, кенг маънодаги “оила” сўзи илмий маънода ота, она ва болани ўз ичига олади. Эр-хотин ўртасидаги муносабатнинг асосида никоҳ ётса, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатнинг асосида қон-қариндошлик мужассамлашган. Оилани мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан унда отанинг обрўйини, аҳамиятини ошириш билан бевосита боғлиқ. Ота бўлиш муқаддас ва масъулиятли вазифадир. Чунки, ҳаётий тажрибадан маълум бўлишича, оиланинг барча маънавий ва иқтисодий ташвишлари оталарга юклатилган. Ота оила бошлиғи, ўз фарзанди униб-ўсиши, вояга етиши учун биринчи масъул шахсадир.

“Ота рози-Худо рози” деган ҳикмат эса бағрикенг халқимиз ҳаётида отанинг мавқеи қанчалик юксак эканлигини акс эттиради.

Фарзанд тарбияси учун раҳмат ҳам, лаънат ҳам, аввало, отага йўналтирилади.

Баркамол оиласа ҳамиша иродали, иймонли ота бош бўлган.

Айни шу ҳолат тили, дини, тарихи, тақдирни биз билан муштарақ бўлган ён ва жон қўшнимиз Қозогистон Республикасининг 1993 йил 28 январда қабул қилинган Конституциясининг 52-моддасида ўз ифодасини топди. У қўйидагича белгиланди: “Оила, оналик, оталик ва болалик жамият ва давлат ҳимоясидадир”. Бу айни муддаодир.

Республикамизда аҳолининг кўп қисмини болалар ва ёшлар ташкил қилгани учун ижтимоий муаммолар ҳам шунга яраша кўпdir. Бинобарин, оила келажаги алоҳида аҳамиятга эга масалаларданdir. Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикамиз Президентининг фармонларида ўз ифодасини топмоқда. Президентнинг 1990 йил 3 майда қабул қилинган биринчи фармони “Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида”¹ деб номланган. Унда кўп болали оналарнинг аҳволини, ёш авлоднинг униб-ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида оналарга тўланадиган ойлик нафақа икки баравар кўпайтирилди. Мазкур Фармон ўзбек халқининг болажонлик табиатини изҳор этади. Мустақиллик йиллари давомида Республика Президентининг оиласа алоқадор бир қатор фармонлари қабул қилинди. Жумладан, унинг 1994 йил 16 июль Фармонига² кўра бозор муносабатлари шакланаётган шароитда болали оиласарга давлат ёрдамини кучайтириш, ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 1-сон., Т., “Адолат”, 1992. 13-бет.

² “Халқ сўзи”, 1994 йил 18 июль.

1994 йил 1 сентябрдан бошлаб болали оиласарга кўрсатиладиган давлат ижтимоий ёрдамининг амалдаги тизими ўрнига нафақа турларидан иборат ягона тизим жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августда чиқарган “Кам таъминланган оиласарни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”¹ ги Фармони билан аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги тури-кам таъминланган оиласарга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1994 йил 1 октябрдан² аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги тури-кам таъминланган оиласарга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам жорий этилди.

Президентнинг 1995 йил 20 ноябрда қабул қилган “Болали оиласарга давлат ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида”³ ги³ Фармони ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашда алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 марта “Болали оналарни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” чиқарилган Фармонига⁴ биноан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш манбаатларини кўзлаб, болали оиласарга давлат томонидан ёрдамни кучайтириш, ёш авлодни камол топтириш ва тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида 1996 йил 1 апрелдан бошлаб 16 ёшгача бўлган боласи бор оиласарга ҳар ойлик нафақалар миқдорлари оширилиб, улар энг кам ойлик иш хақига нисбатан қўйидаги миқдорларда белгиланди. Бир нафар боласи бор оналарга-

¹ “Халқ сўзи”, 1994 йил 25 август.

² “Халқ сўзи”, 1994 йил 25 август.

³ “Халқ сўзи”, 1995 йил 21 ноябр.

⁴ “Халқ сўзи”, 1996 йил 6 март

40 фоиз; икки нафар боласи бор оналарга - 80 фоиз; уч нафар боласи бор оналарга - 120 фоиз; тўрт нафар ва ундан кўп боласи бор оналарга - 150 фоиз.

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойлик нафақалар миқдори кўпайтирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи миқдорда белгиланди.

Республика Президентининг 1996 йил 10 декабрда қабул қилинган “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”¹ги Фармони ҳам болали оилаларни ҳимоя қилишга қаратилди.

Жаҳоннинг бир гурӯҳ тадқиқотчи олимлари томонидан республикада оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Натижалар чет эллардаги аҳвол билан таққосланганда, бирор бир мамлакат Президенти элни, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бизнинг Юртбошимиз каби кўп қарор ва фармонлар қабул қилмаганлиги маълум бўлди.

Оила йили билан Оила кодекси ўртасида мустаҳкам уйғунлик, бор. Оила йилида янги Оила кодекси қабул қилиниши эса рамзий маънога эга. Зеро, улар бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирига кўмаклашадиган воситалардир.

Янги Оила кодекси лойиҳаси бирданига пайдо бўлгани йўқ. Уни тайёрлаш тўғрисида 1996 йил Тошкентда бўлиб ўтган “Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш” мавзусига бағишлиланган Республика юристлари конференциясида ҳам айтиб ўтилганди.

¹“Халқ сўзи”, 1996 йил 11 декабрь.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва олимларнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 июль 289-ф сонли фармойиши билан 15 аъзодан иборат комиссия тузилди. Унинг таркиби давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Комиссия ўз таркибидан 7 аъзодан иборат ишчи гурӯхини тузди. Ишчи гурӯхи раиси этиб юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, профессор Ҳ.Р.Раҳмонқулов сайланди.

Ҳукумат комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқишдан бошлади.

Концепцияни ёзиш ушбу дарслик ҳаммуаллифи Ф.М.Отахўжаевга топширилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида депутатлар Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва судхуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринbosари Ф.Мухиддинованинг Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маъruzасини тинглаб, Оила кодекси лойиҳасини муҳокама қилдилар ҳамда уни биринчи ўқишида маъқулладилар.

Лойиҳани муҳокама қилишда ўша пайтдаги Бosh вазир ўринbosари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова, “Нуроний” жамғармаси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси С.Усмонов, Самарқанд туман ҳокими Р.Ҳакимова иштирок этишди. Уни умумхалқ муҳокамасига чиқариш учун “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Лойиҳа 1998 йил 27 февралда газеталарда эълон қилинди.

Қонун қабул қилингунга қадар кенг жамоатчилик ўртасида, маҳаллий матбуотларда, телевидение ва радио орқали муҳокама этилди.

1998 йил 30 апрелда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринbosари Ф.Муҳиддинова маъруза қилди.

Кодексни муҳокама қилишда «Оила» республика илмий-амалий маркази директори О.Мусурмонова, Фарғона Давлат университети Тиббиёт маркази директори Ю.Нишонов, «Қизилқумнодирметалолтин» концерни бошқаруви раиси Н.Кучерский, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Х.Абдураимов, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги марказий шифохона туғуриқ бўлимининг бош шифокори Д. Тоғаниёзова, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими Қ.Ортиқовлар иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини (**бундан кейинги ўринларда Оила кодекси**) иккинчи ўқишда тасдиқладилар. У 1998 йил 1 сентябрдан амалга кирди.

IV Мавзу. Оила ҳуқуқининг манбалари

1-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Мамлакатимизда оиласий-ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари, Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом, Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарор, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг оила ҳуқуқи масалаларига қаратилинган дастурий кўргазмалари билан тартибга солинади.

Оила ҳуқуқининг асосий манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. У ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

Мустақил Республика Конституциясининг қабул қилиниши никоҳ ва оила қонунига ҳам аниқлик киритди. Бундан сўнг никоҳ ва оила кодекси дейилмай, «Оила кодекси», деб аталмоқда. Чунки Конституциянинг III бўлим, XIV боби «Оила» деб номланиб, 63-66-моддалар оиласий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалардир. 46-моддада эса хотин-қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқлидирлир, деган оила ҳуқуқини тамойилини асосий қонунга киритди.

Юқорида таъкидланганидек, Асосий қонунда Оилага маҳсус боб ажратилган. Бу бобни «Жамият ва шахс» бўлимида берилиши ҳам

айни муддао, чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий бўғинидир.

Конституциянинг 63-моддасида шундай дейилади: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга».

Бу моддани «Оила-оталик, оналик ва болалик давлат ва ҳар хил нодавлат жамғармалар ҳимоясида бўлади», дейилган жумла билан тўлдирилса, янада катта аҳамият касб этарди. Чунки тўлиқ, кенг маънодаги «Оила» сўзи илмий маънода ота, она ва болани ўз ичига олади. Эр хотин ўртасидаги муносабатнинг асосида никоҳ ётса, ота она ва бола ўртасидаги муносабатнинг асосида қон-қариндошлиқ ётади. Чунки, бола ота қонидан пайдо бўлади, она қорнидан туғилади. Оилани мустаҳкамлаш кўп жаҳатдан унда отанинг обрўйини, аҳамиятини ошириш билан бевосита боғлиқ. Ота бўлиш муқаддас ва масъулиятли вазифадир. Чунки, ҳаётий тажрибадан маълум бўлишича, оиланинг барча маънавий ва иқтисодий ташвишлари оталарга юклатилган. Ота оила бошлиғи, ўз фарзанди униб-ўсиши, вояга етиши учун биринчи масъул шахс.

«Ота рози-Худо рози» деган ҳикмат эса бағри кенг халқимиз ҳаётида отанинг мавқеи қанчалик юксак эканлигини акс эттиради.

Фарзанд тарбияси учун раҳмат ҳам, лаънат ҳам, аввало, отага йўналтирилади.

Баркамол оиласа ҳамиша иродали, иймонли ота бош бўлган.

Айни шу ҳолат тили, дини, тарихи, тақдиди биз билан муштарак бўлган ён ва жон қўшнимиз Қозоғистон Республикасининг 1993 йил 28 январда қабул қилинган Конституциясининг 52-моддасида ўз ифодасини топди. У қўйидагича белгиланди: «Оила, оналик, оталик ва болалик жамият ва давлат ҳимоясидадир». Бу айни муддаодир.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари Конституцияда ўз ифодасини топган. Улар жумласига оилани жамият ва давлат муҳофазасида бўлишлиги, оилада эркак ва аёлни тенг ҳуқуқлилиги, никоҳнинг ихтиёрий ва тенг бўлишлиги, ота-оналар ва болаларни асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлариdir.

2-Ҷ. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси

Оила ҳуқуқининг асосий манбаи бутун кенг қамровли оила қонунчилигининг «ўзаги» Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидир. У 1998 йил 30 апрелда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қабул қилиниб, ўша йили 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди.

Оила кодекси 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат.

Амалдаги Оила кодекси лойиҳаси бирданига пайдо бўлгани йўқ. Уни тайёрлаш тўғрисида 1996 йил Тошкентда бўлиб ўтган «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган Республика юристлари конференциясида ҳам айтиб ўтилганди.

Оилани янада мустаҳкамлаш ва унинг ижтимоий аҳамиятини ошириш учун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар мустақиллик ва миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида тайёрланди. У халқаро нормаларга ва миллий менталитетга мос равишда ишлаб чиқилди.

Оила тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш бир қанча йўналишларда олиб борилди.

Биринчидан, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва

идораларнинг меъёрий ҳужжатлари унга ҳуқуқий асос қилиб олинди. Чунки хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий ҳужайраси ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оталик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ва моддий таъминотида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46, 63-66-моддаларида, шунингдек, маҳсус қонунларда, меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Иккинчидан, амалдаги оила қонунларини такомиллаштиришда узоқ йиллар давомида синовдан ўтган, ўзининг ижобий натижаларини берган қоидалар сақлаб қолинди.

Учинчидан, алоҳида эътиборни Шарқда вужудга келган ва ривожланган мусулмон ҳуқуқини, шариат ва одоб-ахлоқ қоидаларини тиклаш истиқболларини ва унинг тамойилларини янги Оила кодексига киритишга ҳаракат қилинди.

Тўртинчидан, оиласавий муносабатлар мустаҳкам бўлган, болалар тарбияси яхши йўлга қўйилган айrim хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини яхши ўрганиб, мамлакатимизнинг янги қонунларига олиб кириш масаласи ҳам ўрганилди.

Бешинчидан, илгари мамлакатда амалда бўлган “Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси” (1969 йил 6 июнь), “ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари” (1968йил 27июнь) асосида ёзилганди. Уларда республика аҳолисининг, айниқса ўзбек ҳалқининг ўзига хос миллий ва маҳаллий хусусиятлари деярли инобатга олинмаган.

Умуман олганда, илгари амалда бўлган Кодекс мамлакатимизда вужудга келтирилаётган бозор иқтисодиёти муносабатларини чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий

ва ҳуқуқий туб ўзгаришларга жавоб берадолмай қолди. Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Фуқаролик, Фуқаролик процессуал кодексларида белгиланган қоидаларга зид келиб қолди. Шунинг учун қонунчиликда бир бутун яхлитликни сақлаш мақсадида янги Оила кодексини тайёрлаш ва уни қабул қилиш зурурияти пайдо бўлди.

Олтинчидан, оиласи ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари Оила кодексида берилиши лозим. Чунки моддий ҳуқуқда белгиланган қоидалар процессуал ҳуқуқий тартиб асосида амалга оширилади.

Умуман, Оила кодекси мамлакатимизда бунёд этилаётган чинакам ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи лозим.

Оила кодекси яна қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўйди:

- ҳалқаро ҳуқуқий қоидаларга асосланиб, тегишли миллий қонунлар ёрдамида оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш;
- умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этиш;
- мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги ғоят мураккаб даврида оилага бўлган эътиборни кучайтириш;
- хонадоннинг серфайзлиги, оила ҳаётининг равнақи, маънавиятининг юксалиши, турмушининг фаровонлиги асосан аёлларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам аёлларнинг оиладаги мавқеига, ҳуқуқий ҳолатига алоҳида эътибор бериш керак. Бунда ҳар бир оиланинг ўзига хос хусусиятини, миллатимизнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш лозим;

- соғлом авлодни вұжудға келтиришда миллий қадриятларимизга, халқимизнинг азалий анъаналарига, исломий ахлоқий-маънавий ақидаларга амал қылған ҳолда иш юритиш жоиздир;
- бүлажак оналарни тарбиялашда миллий мағкура, урф-одат ва анъаналарни кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ;
- соғлом авлод ҳақида бола туғилмасдан олдин ғамхўрлик қилиш лозим;
- оила қонунларида белгиланған никоҳга ўтиш тартиби ва шартларини, оилада эр-хотин, ота-оналар билан болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болани тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга эътиборни қаратиши;
- оила тўғрисидаги қонун ёш оилаларнинг бузилаётганлиги, тирик етимлар кўпаяётгани, айрим қиз-жувонларимизнинг ўз жонига қасд қилаётгани, нопок йўлга кираётгани сингари салбий ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилиши керак эди.

Янги кодексни тайёрлашда, унга айрим ҳуқуқий нормаларни киритиша қўйидаги назарий қоидаларга асосланилди:

- оила ҳуқуқига хос демократик асосларга тобора қатъий амал қилиш;
- аёллар ва эркакларнинг оилада тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш;
- оилавий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини янада кенгайтириш;
- оталик, оналик ва болалик ҳуқуқларининг, оилавий ҳуқуқнинг тартибга солинишини такомиллаштириш;

- оила аъзоларининг шахсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада тўла ва аниқ белгилаш;
- оила ҳуқуқий нормалари фақат катта ёшдаги шахсларгагина эмас, балки кичик ёшдаги оила аъзоларига ҳам тарбиявий таъсир кўрсатишини таъминлаш;
- оила қонунларида миллий ва маънавий қадриятларга, маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган энг яхши удум ва анъаналарга алоҳида эътибор бериш ва бошқалар.

Шунингдек, Кодексга бажариладиган иш тартиб қоидаларини соддалаштириш бўйича ўзгаришлар киритилди;

Кодексдаги ҳар бир бобдаги янги ҳуқуқий қоидалар, уларнинг қонунчиликка кириб келиш сабабларини дарсликда батафсил ёритишга ҳаракат қилинди.

Қонун қабул қилингани ҳамма масала ҳал бўлди, дегани эмас. Қонун қабул қилинишини биринчи қадам деб тушунмоқ керак. Иккинчи, яъни асосий ҳамда амалий қадам фуқароларнинг ўзларига боғлиқ: ҳар қандай қонун эҳтиёжга айлангандагина тўлиқ амал қила бошлайди. Бунинг учун, табиийки, оила аъзолари уларни ўқиб, ўрганмоқлари ва амал қилмоқлари керак.

3-§. Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисида Йўриқнома

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлганлиги муносабати билан илгариги даврда қабул этилган бир қатор норматив ҳужжатлар ўзининг долзарблигини йўқотиб, ҳозирги кун талабига жавоб бермай қолди. Шу жумладан, Республика ФХДЁ идораларида амалда бўлган Қоидалар бюрократик, қофозбозлик, сансоларлик ва

расмиятчиликнинг манбай бўлиб, аҳолининг ўринли норозиликларини туғдирди.

Янги Йўриқнома¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги коллегия қарори билан 1995 йил 2 ноябрда тасдиқланиб шу йилнинг 10 ноябридан амалга киритилинди.

У 19 бўлим 220 банддан иборат бўлиб бир қатор Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги қоидалар янгича ҳозирги замон талаблари асосларида ҳал қилинди.

4-§. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари

Янги оила кодексини амалга киритиш муносабати билан уни татбиқ этишга қаратилган бир қатор масалалар вужудга келди. Бу саволларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари», «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом», «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом»² жавоб берди.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари 18 бўлим (1.Умумий қоидалар – 1-13 бандлар), (2.Туғилганликни қайд этиш – 14-39 бандлар), (3.Оталикни белгилаш – 40-62 бандлар), (4.Фарзандликка олиш – 63-72 бандлар), (5.Никоҳни қайд этиш – 73-107 бандлар), (6.Никоҳдан ажратиш – 108-122 бандлар), (7.Ўлимни қайд этиш – 123-137 бандлар), (8.Далолатнома ёзувларини тиклаш –

¹ Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисида Йўриқнома. -Т. ^ "Адолат", 1995й.

² Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари. Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом. Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом. Т. ^ "Адолат", 1999й. 99 бет.

138-150 бандлар), (9.Хорижий давлатларнинг ваколатли муассасалари томонидан берилган ҳужжатларни алмаштириш – 151-153 бандлар), (10.Далолатнома ёзувларини ўзгартериш, тузатиш ва тўлдириш – 154-165 бандлар), (11.Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартериш – 166-184 бандлар), (12.Далолатнома ёзувларини бекор қилиш – 185-188 бандлар), (13.Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тўлдириш – 189-203 бандлар), (14.Такрорий гувоҳномалар ва бошқа маълумотлар бериш – 204-214 бандлар), (15.ФҲДЁ органлари архиви – 215-233 бандлар), (16.ФҲДЁ органларининг ҳисоботи – 234-243 бандлар), 17.Гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва уларни сақлаш – 244-249 бандлар), (18.ФҲДЁ органлари фаолиятини текшириш – 250-252 бандлар).

5-§.Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом

1-қисм. Васийлик ва ҳомийлик органлари (1.Умумий қоидалар – 1-6 бандлар). 2.Васийлик ва ҳомийлик органларининг вазифалари – 7-10 бандлар. 3.Васийлик ва ҳомийлик органларининг алоҳида вазифалари А.Судлар томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низоларни кўриб чиқиша ва ҳомийлик органларининг қатнашуви – 11-15 бандлар. Б.Туғилишни қайд қилишда васийлик ва ҳомийлик органининг ваколатлари – 16-18 бандлар. В.Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан болалар тарбияси ва улар билан кўришиб туриш тўғрисида масалаларнинг ҳал этилиши – 19-21 бандлар. Г.Васийлик ва ҳомийлик органининг болаларни фарзандликка олиш ва оиласга тарбияга бериш билан боғлиқ масалалардаги ваколатлари – 22-29 бандлар. Д.Васийлик ва ҳомийлик органининг вояга етмаганларни тўла муомалага лаёқатли деб эълон

қилиш (эмансипация) бўйича ваколатлари – 30 банд. 4.Васийлик ва ҳомийлик органининг қарори ҳамда васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш – 31-33 бандлар. 5.Васийлик ва ҳомийлик ишларини юритиш – 34-46 бандлар.

2-қисм.Васийлик ва ҳомийлик. 1.Умумий қоидалар – 1-3 бандлар. 2.Васийлик ва ҳомийларни танлаш ва васийликка ёки ҳомийликка берилиши керак бўлган шахсларни ҳисобга олиш – 4-8 бандлар. 3.Васийлик ёки ҳомийликни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар – 9-10 бандлар. 4.Васийлик ва ҳомийликни белгилаш тартиби – 11-12 бандлар. 5.Васий ва ҳомийнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари – 13-21 бандлар. 6.Васий ва ҳомийлар фаолиятини назорат қилиш – 22-23 бандлар. 7.Васий ва ҳомийликнинг тугаши – 24-26 бандлар.

6-§. Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом

Низом 2 бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим «Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш» деб номланиб, у 1.Умумий қоидалар – 1-4 бандлар. 2.Фарзандликка олиниши лозим бўлган болаларни ва уларни фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларни ҳисобга олиш – 5-11 бандлар, 3.Фарзандликка олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар – 12-14 бандлар, 4.Фарзандликка олиш ҳақида ҳокимга тақдим этадиган тавсияномаларнинг тайёрланиши – 15-банд 4 параграфдан иборат. 5.Фарзандликка олишни расмийлаштириш ва уни сир сақлаш – 16-18 бандлар. 6.Фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари – 19-20 бандлар. 7.Фарзандликка олишни бекор қилиш учун асослар ва унинг оқибатлари – 21-25 бандлар. 8.Фарзандликка олингандарнинг шахсий

ҳужжатларини сақлаш тартиби – 26 банд. 9.Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан болаларни фарзандликка олиш – 27-29 бандлар. Иккинчи бўлим «Болаларни оиласга тарбияга олиш (патронат деб номланиб, 1.Умумий қоидалар – 1-3 бандлар. 2.Оиласга тарбияга бериладиган болаларни ва тутинган ота-оналарни ҳисобга олиш – 4-7 бандлар. 3.Болаларни оиласга тарбияга олиш тўғрисидаги келишув – 8-10 бандлар. 4.Тарбияга берилган болаларнинг моддий таъминоти – 11-12 бандлар. 5.Болаларни тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг бекор қилиниши – 13-14 бандлар. 6.Оиласга тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари – 15-17 бандлар. 7.Тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари – 18-20 бандлар.

7-§. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар

тўғрисида қоидалар

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» 2000 йил 26 сентябрда қарор қабул қилди.

Унда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқубузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадидаги масалалар ўз ифодасини топди.

Ушбу қарорга биноан вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби тасдиқланди.

Бу комиссия ҳар ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқийтарбиявий ишларнинг аҳволини мухокама этиб, бу борада мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб боради.

8-§. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг оила ҳуқуқи масалалари бўйича қарорлари

Оила ҳуқуқи қоидаларини тўғри татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг дастурий кўргазмалари катта аҳамиятга эга. Чунки юридик фанлари докторлари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессорлар Ф.Абдумажидов, Г.П.Саркисянц жуда тўғри таъкидлаб ўтганлариdek, Пленум ... Оила кодексининг айрим моддаларини судларга тушунириш билан бирга, никоҳга ўтиш ва никоҳни бекор қилиш, нафақа үндириш, оталикни белгилаш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бошқа масалалар бўйича ҳам дастурий тушуниришлар берди¹.

Республика Олий суди Пленуми қарорлари ичida оила ишлари бўйича суд тажрибасига тааллуқли бўлган «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 1998 йил 11 сентябрдаги 23 сонли қарори², «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарори³, «Оталикни белгилаш ҳақидаги

¹ Ўзбекистон Республикасининг Олий суди. -Т.: "Ўзбекистон", 1994й. 164 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. икки жилдли. 2-жилд. Т.: 1999, 110-127 бетлар.

³ Юқоридаги асар. 127-148 бетлар.

ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида» 2001 йил 1 июндаги қарори бор¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди. Т.: 2001 йил, 30-37 бетлар.

V-Мавзу. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар

1-§. Оиланинг умумий (ижтимоий) ва маҳсус (юридик) тушунчалари

Оила жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муассасасидир. Оиланинг бу ҳусусияти биринчи галда унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлигига ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади.

Оиланинг умумий (ижтимоий) ва маҳсус (юридик) тушунчаси мавжуддир.

Ижтимоий маънодаги оила деганда никоҳга, қон-қариндошликка (ёки фақат қариндошликка), болаларни тарбиялаш учун оиласи қабул қилишга, умумий ҳаёт, мақсад ўзаро ғамхўрликка асосланган шахслар иттифоқи тушунилади.

Оилавий иттифоқда шахслар ўртасида аҳлоқий, руҳий, жисмоний ва хўжалик-маиший алоқалар содир бўлиб, улар ҳаёт ва мақсадларда умумийликни вужудга келтиради.

Оилавий иттифоқ маҳсус ва шу билан бирга мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборат.

Одатда оиланинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади. Шунинг учун оилада бола туғилмаган бўлса ҳам никоҳ муносабатининг ўзи оилани ташкил этади.

Ўзининг ижтимоий мазмунига қараб оила, одатда, ўзаро алоқадаги уч ижтимоий груҳдан иборат бўлиб, унинг асоси сифатида никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин муносабатлари, эр-хотин муносабатларининг оқибати сифатида фарзандлардан ташкил топади. Типик оилавий муносабатлардан ташқари болали ёлғиз она билан унинг боласи ўртасидаги, бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, айrim ҳолатларда эса туғишмаганлар (фарзандликка олганлар ва фарзандликка олинганлар, тарбияга олган ва тарбияга

олинганлар) ўртасидаги муносабатлар ҳам оилавий муносабатларни ташкил этади.

Одамлар ҳаётининг бирдан-бир тўғри йўли оилавий ҳаётдир.

Ўзбекистон аҳолисининг 98 фоизи оилада оила аъзоси бўлиб яшайди. Оила муҳити, унинг ижтимоий-иктисодий шароити ўлканинг келажак тараққиётида ҳал қилувчи омиллардандир. Шунинг учун оила атрофлича ўрганиш, оила ҳақидаги статистик маълумотларни жаҳон андозасига талаб берадиган тарзда такомиллаштириш Республикадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.¹

Оила-ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, чин инсон бўлиб шаклланишда муҳим роль ўйновчи тарбия ўчоғидир.

Неча минг йиллик тажрибалар кўрсатишича, оилавий ҳаёт одамзод турмуш тарзининг бирдан-бир тўғри йўлидир. Ёлғизлиқда яшаш-кемтик ҳаёт, руҳий-маънавий инқирозларга ҳамроҳликдир.

Дунёда кўпчилик одамлар оилавий ҳаётда яшайдилар. Бирок, масалан, ҳар беш нафар овруполикдан бири уйқусизликдан азоб чекади, бунинг асосий сабабларидан бири ёлғизлиқдир. Ёхуд Буюк Британияда ёлғиз оналар ва ёлғиз қариялар сони йилдан-йилга ортмоқда, бу юртнинг 15 фоиз аҳолиси ёлғизлиқда умр кечирмоқда.

Айрим мамлакатларда уйланмасликни афзал кўрувчи бўйдоқлар ҳам кўплаб учрайди . Сенегалда ҳар юз аёлга ўртacha 95 эркак тўғри келади. Эркакларнинг 44,4 фоизи уйланмасликни афзал кўрувчи бўйдоқлар бўлиб, айни пайтда турмушга чиқмаган хотин-қизлар атиги 19,3 фоизни ташкил этади. У ерда аҳолининг 94 фоизи ислом динига эътиқод қиласди. Шариатда тўрттагача хотин олишга рухсат этилса ҳам, сенегаллик мусулмон эркакларнинг атиги 28,3 фоизи иккита ва

¹ «Аёл-оила ҳуқуқ» давра сұхбати материаллари.-Т.:1998, 99-бет.

ундан ортиқ хотинга уйланган. Айни пайтда сенегаллик аёллардан 52,1 фоизининг кундошлари бор. Қизлар етук ёшдаги эркакларга турмушга чиқишни афзал кўрадилар, шу сабабли мазкур мамлакатда бева эркакларга нисбатан бева аёллар кўпроқ.¹

Ёлғиз яшаб ўтган буюк одамлар оддий оиласида яшайдилар, оила-оила бўлиб яшашни маъқул кўрадилар. Оила - инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойи, шунингдек, Оила, муҳим тарбиячи ҳамдир. Унда болалар тарбиясида ота-боболар, момолардан қолган, минг йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган яхши удум, одатлар мавжуд. Афсуски, ҳозир айрим оиласидан бу анъаналарга риоя қилинмаяпти. Ота-оналарнинг аксарияти шарқона одатларимизни билишмайди. Баъзан фарзандларимизда шарм-ҳаё, андиша, уят, ор-номус ҳақида тушунчанинг камлиги, айримларидан ҳаё пардаси кўтарилиб бораётганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Миллатимизга, халқимизга ёт бўлган бўйдоқлик, оиласиз яшаш юртимиз учун ҳам “бегона” эмас. Инсоннинг жамиятда ёлғизланиб қолиши яхши эмас, албатта. Ислом ҳам яккалик, беваликни маъқулламайди. Яккалик фақат Тангрига ярашади, деган гап бор. Ҳадиси шарифлардан бирида одамнинг уйда бир ўзи, ёлғиз ётиши қораланганд. Энг мустаҳкам оила ислом динига эътиқод қилувчиларнинг оиласидир, деган бошқа диндаги олимлар эътирофи

¹ “Тошкент оқшоми”, 1990 йил 30 июл.

² “Тошкент оқшоми”, 1991 йил 3 май.

биз учун қанчалик ёқимли бўлмасин, аҳоли ўртасида оилани мустаҳкамлашга оид тарбиявий ишларни янада кучайтириш лозим.

Оилавий ҳаёт бир гулшангага ўхшайди, лекин унинг ҳам иссиқ-совуқ фасллари, баҳори-қиши бор. Тақдирнинг кучли бўрону тўфонлари инсонни тушкунликка тушириб қўймаслиги лозим. Оилавий баҳтга, фаровон турмушга эришиш учун сабр-тоқатли бўлиш ҳам тақозо этилади.

Ҳаётни никоҳ ва оиласиз тасаввур қилиш жуда қийин, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Чунки у турмушнинг жуда муҳим қисмидир. Агар кўпчилик инсонлар мұхабbatли никоҳга нисбатан ёлғизликни афзал кўрсалар, улар азобда қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам атрофдагилар никоҳсизликни, бефарзандликни ҳеч маҳал маъқулламаганлар. Бироқ кейинги етмиш йил ичида оиланинг обрўси бироз йўқотилди, миллий анъаналарда ифодаланган “оила ўчоғи”, “оила кенгаши”, “оилавий қонунлар”, “оилавий самимият” деган ифодалар турмушимиздан деярли чиқиб кетди.

Жамиятда оила обрўсини, унинг нуфузини мустаҳкамлаш лозим. Оиланинг иқтисодий, ижтимоий, демографик, психологик, ҳатто жинсий ҳаёти муаммоларини кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистонда ҳар бир оилада ўртача 5,5 нафар аъзо бор. Аҳолининг табиий ўсиши - минг кишига ҳисоблаганда, 28,3 фоизни ташкил қиласди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча юқоридир. Ўзбек оиласида кўпинча бир ёки икки киши ишлайди. Қолган оила аъзолари болалар ва қариялардир. Зотан, ишловчиларга ғамхўрлик, фаолларга эътибор ўз тарихига, ўз халқи ва миллатига ҳурмат демакдир.

Республикамизнинг баъзи вилоятларида ҳомиладор аёлларнинг 70 фоизи турли касалликларга (асосан камқонлик касалига) чалинган.

Ўзбекистонда ҳар минг чақалоқдан 140 таси касал туғилмоқда. Аёллар ва болаларнинг соғлиғи кўп ҳолларда доридармоннинг бор-йўқлигига боғлиқ.

Мамлакатимизда туғилаётган болалар ва аёллар соғлиғини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча чоратадбирларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳақда 2002 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамаси «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹ маҳсус қарор қабул қилди.

Бу масалага эътибор бериб Президент И.Каримов «Гап бир қарашда жуда оддий бўлиб туюладиган, аслида эса ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган «соғлом она-соғлом фарзанд» деган ҳаётий масала хусусида бормоқда. Нафақат соғлом ва барқарор оилани шакллантириш, балки бутун жамиятимизда соғлом муҳит барпо этиш, халқимизнинг фаровон турмуши ва келажагина таъминлаш ҳам ушбу масаланинг қандай ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқдир»².

Ўзбекистонда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлиги, фуқаролик тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бу борадаги вазифалар ҳақида гапириб: “Энг муҳим вазифа – халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий

¹ "Халқ сўзи" 2002 йил 26 январ.

² Каримов И. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.: "Ўзбекистон", 1993, 14-бет.

соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади”,¹ - деганди. Республикада бозор механизмини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоялаш айниқса, ҳар бир пенсионер, барча отахон ва онахонларимизнинг яшаш шароити, саломатлиги ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатишга эришмоғимиз керак. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қилаолган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. давлат кишиларга, айниқса, ёрдамга муҳтоҷ бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак.² Ҳар бир оила, ҳар бир меҳнаткаш тинч-хотиржам ва тўкин-сочин яшаса, мамлакат озод, бой бўлади, гуллаб-яшнайди.

Зотан, Президент И.Каримов бу борада жуда катта ташкилий ва амалий иш қилмоқда.

Давлат томонидан оиласига доимий ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Оила тўғрисида давлат ғамхўрлигини ва моддий ёрдамни амалга оширишда республикадаги демографик вазият, туб аҳоли мавқеини албатта ҳисобга олиш лозим.

Ўзбекистонда яшаб турган аҳолидан 3,5 миллиондан зиёди тўғрисида ғамхўрлик қилиш – Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг вазифасидир. Булар кам даромадли, пенсионер, ногирон, боқувчисини йўқотган, бир сўз билан айтганда, давлатнинг доимий ёрдамига муҳтоҷ кишилардир. Улар бундай ёрдамни кундалик ҳаётларида ҳис қилиб турибдилар.

¹ Каримов И. Ўзбекистон миллий истиқлол ,иктисод ,сиёsat, мафкура. Т “Ўзбекистон”, 1993., 14-бет.

² Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т., “Ўзбекистон”, 1992. 47-бет.

Оилавий аҳволни ҳисобга олиб, давлат томонидан бериладиган моддий ёрдамнинг янги тизими белгиланди.

Оила иши - оила аъзоларининг шахсий иши, деб уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида серфарзанд, кам таъминланган оилаларга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига, болалар, болали ёлғиз оилаларга давлат ва жамоат ёрдамини кучайтириш лозим.

Ҳар бир корхона, ишлаб чиқариш муассасаси 7 фоиз иш ўрнини кам таъминланган оила ёки ижтимоий муҳофазадаги кишиларга сақлаб туриши қонун билан белгилаб қўйилган. Буларга армиядан янги келганлар, ишга яроқли ногиронлар, тарбия колонияларидан озод этилганлар, ёлғиз оналар киради.

Ҳуқуқий маънода оила – юридик муносабатdir. Оилавий муносабатлардаги юридик характер ҳуқуқий нормалар билан уларнинг муносабатларини тартибга солиб, давлатнинг мажбурий қоидалари билан оила аъзоларининг хулқига таъсир этиб, оилани жамият хоҳлаган асосда ривожлантиришга ёрдам беради.

Юридик факт сифатида қайд этилган никоҳ ва яқин қариндошлик оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишида мухим ҳуқуқий асос бўлади. Бу муносабатлар қайд этилган никоҳдан ташқари ҳам вужудга келиши мумкин. Турмуш қурмаган аёл ёки уйланмаган эркак томонидан болани фарзандликка олиш бунга мисол бўла олади. Ёлғиз шахс томонидан болаларни доимий тарбияга олганда ҳам оилавий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.

Махсус ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан оиласа таъриф берилган.¹ Бу таърифлар асосида ўша даврда мавжуд бўлган тузум ва сиёsat ётади.

Шу таърифлардан бирини келтирамиз. «... в советском семейном праве под семьей понимается круг лиц, связанных друг с другом указанным в законе объемом прав и обязанностей, вытекающих из брака, родства, усвоения и принятия детей на воспитание».

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатда мавжуд бўлган оиласа биз берган таъриф қўйидагича: “Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлиб, юридик маънода никоҳ, қон-қариндошлиқ, отаона қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан келиб чиқадиган тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган шахслар муносабатлардан иборат бўлган, умумисоний қадриятлар ва миллий шарқона анъаналарга асосланган фуқаролар иттифоқидир”².

2-б. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг турлари. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан фарқи

¹ Свердлов Г.М. Советское семейное право. М., Госюриздан, 1958., 17-бет; Тархов В.А. Советское семейное право, 1963, 81-бет; Юрьевич Н.Г. Советская семья. Минск, 1970, 72-бет; Ряшенцев В.А. Семейное право. М., “Юридическая литература”, 1971, 43-бет; Белякова А.М. Ворожейкин Е.М. Советское семейное право. 1974, 34-бет; Нечаева А.М. Семья и закон, М., 1980, 61-бет; Советское семейное право Под ред. Маслова В.Ф. и Пушкина А.А. Киев, 1981, 47-бет; Советское семейное право, под ред. проф. Ряшенцева В.А. М., “Юридическая литература” 1982, 43-бет; Матвеев Г.К. Советское семейное право. М.”Юридическая литература” 1985, 48-бет.

² Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., “Ўзбекистон”, 1995й., 162-бет.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар жамиятда жуда кенг тарқалган муносабатлардир. Оилавий муносабатлар муайян ҳолларда ахлоқ-одоб қоидалари билан тартибга солинади.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар никоҳ ва оила доирасидаги аниқ ижтимоий муносабатларни оила қонунчилиги нұқтаи назаридан татбиқ этишдир.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар давомли ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Бу хусусият ҳуқуқий муносабатнинг мақсадлари билан белгиланади. Никоҳ тузишдан мақсад оила қуриш бўлиб, у эр хотиннинг бутун умри давомида бирга яшашига мўлжалланади. Ота оналиқ ҳуқуқий муносабати болаларнинг тарбияси ва таъминотига қаратиласди.

Фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар кўп хусусиятлари билан бир-бирига ўхшаб кетади. Бундай ҳуқуқий муносабатларда қўйилган мақсадларга узок муддат давомида эришиш мумкин.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар муддатсиз бўлади. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан ажралиш ҳолатини ҳисобга олмаганда, бир умр давом этади. Айни пайтда шундай оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжудки, улар маълум муддат билан чекланади, бироқ белгиланган давргача албатта давом этади. Масалан, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш мажбуриятлари фарзанд 18 ёшга тўлганига қадар давом этади.

Қонунчилик оилавий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий муносабатларнинг махсус тури деб ҳисблайди. Бу фикрни исботлаш учун никоҳ-оила қонунчилигини янги давлат вужудга келиш билан мустақил равишда ривожланиб келганлигини келтириш мумкин.

Амадаги қонунчиллик оилавий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий муносабатларни махсус алоҳида тури деб ҳисоблаб уни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан фарқ қилишлигини кўрсатади.

Бу фикрни исботи сифатида мамлакатимизда никоҳ-оила қонунчилиги совет давлатини вужудга келган кунларидан бошлаб уни мустақил равишда ривожланганигини келтириш мумкин.

Иқтисодий бозор муносабатларида бўлган давлатларда оилавий-ҳуқуқий муносабатлар махсус никоҳ-оила қонунлари билан тартибга солинмасдан балки фуқаролик қонунлари билан тартибга солинган. Бозор муносабатлари мавжуд бўлган жамиятда оилавий муносабатлар мулкий муносабатлар доирасига киритиб фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинган. Бунинг асосий сабаби мулкий манфаатларни шахсий манфаатлардан устун туришлигидир.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг баъзи бир белгилари билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига ўхшаб кетади. Бироқ бу ўхашашлик фақат ташки қўринишдадир. Мазмунан оилавий ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ўртасида муҳим сифат фарқлари бор.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни асосини мулкий муносабатлар ташкил этса, оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосини эса аксинча мулкий бўлмаган номулкий шахсий муносабатлар ташкил этади. Шунга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқини ҳамма нормалари, барча институтлари ўзини белгиланган мақсади аввало мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилинган бўлса оила ҳуқуқи эса биринчи навбатда шахсий муносабатларни тартибга солишга қаратилинган.

Фуқаролик ҳуқуқида мулкий муносабатлар асосан муайян эквивалент баробарида белгиланадиган қиймат, баҳо билан

ифодаланадиган характерга эга. Бу белгилар оиласи муносабатларга тааллукли эмас.

Оила ва фуқаролик-хуқуқий муносабатлар ўртасидаги фарқлар хусусий характерга эга эмас. Улар бу муносабатларни ўз табиати билан белгилаб ижтимоий ҳаёт моддий шароитлардан келиб чиқади.

3-§. Оила ҳуқуқида ҳуқуқ ва м uomала лаёқати

Ҳуқуқ лаёқати ва м uomала лаёқати дейилганда нималарни тушунамиз.

Ҳуқуқ лаёқати дейилганда, барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлишлари тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этилиши билан тугайди (ФКнинг 17-моддаси).

М uomала лаёқати-фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлиши, уларни ўзгартириш ва бекор қилиши мумкин бўлган лаёқатидир.

Оила қонуни ҳуқуқ лаёқати ва м uomала лаёқатини очик таърифини бермайди. Бу тушунчаларни таҳлил қилиш натижасида Фуқаролик кодексида мавжуд бўлган ҳуқуқ лаёқати ва м uomала лаёқати тушунчаларидан фойдаланиш мумкин. Фуқаролик м uomала лаёқатини ўзгариши оила муносабатларига бевосита таъсир этиши мумкин. Фуқаролик м uomала лаёқатини чеклаш ёки ундан маҳрум этиш оила м uomала лаёқатини ҳам чеклаш ёки маҳрум этишга олиб келишлиги мумкин. Кўрсатилинган ҳуқуқий кўриниш фуқаролик ва оила ҳуқуқидаги боғлиқлиги шундай яқинни уларни фуқаролик ва

оила ҳуқуқидаги ҳуқуқ лаёқати ва м uomала лаёқати бирдай тушунча деб аташ ҳам мумкин.

Оила ҳуқуқидаги тўла м uomала лаёқати худди фуқаролик ҳуқуқига ўхшаб 18 ёшга тўлиш билан пайдо бўлади. Бундан шундай хulosса чиқариш мумкин, оила ҳуқуқида ҳам фуқаролик ҳуқуқига ўхшаб тўла м uomала лаёқати бир вақтда вужудга келади. Бундай тоифаларни бевосита алоқадорлиги уларни бир-бирига узвий алоқадорлигига кўринади. Ёшни камайтириши туфайли вояга етмаганни никоҳ тузишлиги оила ҳуқуқида уни тўла беихтиёр равишда тўла фуқаролик м uomала лаёқатига эга эканлигини англатади.

Фуқаролик ҳуқуқида тўла м uomала лаёқатига эга бўлишлик оила ҳуқуқида беихтиёр равишда м uomала лаёқатини вужудга келтирмайди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 28-моддасига биноан, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка оловчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла м uomалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Оила қонуни ушбу далолатнома билан тўла оилавий м uomала лаёқатига эга эканлиги билан боғламайди. Бу эса оила м uomала лаёқатини фуқаролик ҳуқуқий м uomала лаёқатидан фарқ қилишлигини англатмайди. Бу ўзбек қонунчилигига эмансипацияни жуда кенг тарғиб қилишлигини билдиради.

Фуқаролик ҳуқуқида руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатлари учун жавоб беролмайдиган ёки уларни бошқараолмайдиган м uomалага лаёқатсиз шахс беихтиёр равишда оилавий м uomала лаёқатини ҳам йўқотади.

Амалдаги оила қонунлари вояга етмаган болаларнинг розилигини олишни кенгайтириши ҳолатларини оилавий-ҳуқуқий

муносабатларни пайдо бўлиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши (фарзандликка олиш, ота-оналар ҳуқуқларини тиклаш ва бошқаларда) жиддий кенгайтириб юборди. Бундай розиликни оилавий ҳуқуқий далолатнома деб тушунмоқ лозим. Ҳамма ҳолатларда болани розилиги тўғрисида сўз кетса улар қисман мұомала лаёқати борлиги тўғрисида гап кетади.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини чеклаш оилавий ҳуқуқ лаёқатини ҳам чеклашга бевосита таъсир этади. Бундай шахслар васий, ҳомий, фарзандликка олувчи бўлаолмайдилар. Мантиқан улар никоҳ шартномасини ва алимент келишувини тузиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак, чунки фуқаролик қонунлари уларга ўз мулкларини тасарруф этишга рухсат бермайди. Бироқ никоҳ шартномалари нафақат оилани моддий ҳолатини ёмонлашуви аксинча уни мустаҳкамлашга қаратилиши мумкин. Чунки оила қонунчилиги қисман мұомалага лаёқатсизларга бундай чеклашни белгиламайди. Улар бундай шартномаларни тузишлари мумкин.

Фуқароларда оила ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиш лаёқати туғилиш Билан вужудга келса (масалан, ота-оналар ва болалар, акуя ёки опа-сингиллар ва бошқалар ўртасидаги алимент мажбуриятлари) айrim ҳолатларда эса фуқароларни маълум ёшга тўлишлари Билан вужудга келади.

Масалан, никоҳ ҳуқуқ лаёқати.

Шундай ҳолатларда ҳуқуқ лаёқати Билан бир йўли мұомала лаёқати ҳам вужудга келади.

Оила ҳуқуқида мұомала лаёқати яъни ўз ҳаракатлари Билан оилавий ҳуқуқ ва мажбуриятлари пайдо бўлишлиги маълум ёшга тўлиш Билан вужудга келади. Қоида бўйича бундай ёш вояга етиш ёши ҳисобланади. Бироқ айrim ҳуқуқларга эга бўлиш эртароқ ҳам

вужудга келишлиги мумкин. Масалан, оила қонунчилиги фарзандликка олинаётган бола ўн ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилишилигини белгилайди.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади (ФКнинг 30-моддаси). Масалан, муомалага лаёқатсиз шахс Билан тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади. Муомалага лаёқатсиз шахс васий, ҳомий ва фарзандликка бола олаолмайди. Шахсни муомалага лаёқатсиз деб топилганда оила доирасида унга тегишли бўлган шахсий ва мулкий ҳуқуқлар васий ва ҳомийлар томонидан амалга оширилади.

4-§. Оила ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари ва объектлари

Оилавий-ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари фақат фуқаролар бўлади. Бу ҳолат оила ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқидан фарқини кўрсатади, чунки фуқаролик ҳуқуқини субъекти бўлиб фақатгина фуқаролар бўлмасдан шунингдек юридик шахслар ва давлат унинг алоҳида субъекти бўлиши ҳам мумкин. Демак, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳатто улар Оила кодекси билан тартибга солинса ҳам у оилавий ҳуқуқий муносабат бўлолмайди. Масалан, фуқаролар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари билан боғлиқ (туғилганлик; никоҳ тузиш ; никоҳдан ажралиш; ўлим ва бошқалар) ФҲДЁ органлари ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар. Бу маъмурий ҳуқуқий муносабатлар турига киради.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларда объектлар бўлиб моддий бўлмаган шахсий хайр, ҳаракат ва ашёлар бўлишилиги мумкин.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларда моддий бўлмаган шахсий хайр: фамилия, исм, касб, машғулот ва бошқалар бўлади.

Болани тарбиялаш эса ҳаракат доирасига киради. У узоқ муддат давом этувчи эараён бўлиб ҳисобланади. Ҳаракат доирасига: эр хотиннинг биргалиқдаги умумий мулкини бошқариши, ота-оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга қаратилинган фаолиятни тушуниш мумкин.

Ҳуқуқий муносабатни обьекти сифатида ашё ёки мулкни предмети (масалан, эр хотинни умумий биргалиқдаги мулки доирасига кирувчи ашёлар), ёки пул суммаси турида (масалан, алимент мажбуриятларида айлмент тўловлари) сифатида қатнашади.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда обьект сифатида болалар қатнашишлиги мумкин эмас. Ўзининг ташқи кўриниши бўйича бола обьект бўлиб кўринса ҳам аммо ҳамма ҳолатда у субъект бўлиб қатнашади. Чунки ҳуқуқий муносабат болалар тарбиясига қаратилинади.

5-§. Оилавий субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар

Ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати-бу шахсларда оилавий субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келишилигининг шартшароити.

Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда субъектив оилавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг мазмунини ташкил этади.

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар доирасида субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзининг характеристи бўйича шахсий ва мулкийларга бўлинади.

Мулкийлар доирасыга алимент ҳуқуқлар ҳам киради. Шахсий ҳуқуқлар иқтисодий мазмундан мутлоқ ажратилғандыр. Мулкий субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ шахсларни шахсияти билан бевосита боғланғанлығы билан харakterланади. Масалан, әр-хотин ўзаро бир-биридан алимент талаб этиш ҳуқуқига әга. Улардан бирини ўлимни бундай ҳуқуқ ва мажбуриятни тугатади (фуқаролик ҳуқуқида әса ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсларга ўтишлиғи мүмкін, масалан ворисларга). Бундан иккінчи холоса ҳам келиб чиқади, у ҳам бўлса оиласи ҳуқуқий муносабатлар доирасида субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсларга ўтказилмайди. Масалан, ўзини алимент олиш ҳуқуқини, болаларни тарбиялаш мажбуриятини бошқа шахсларга ўтказиш мүмкін эмаслигидан бу ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш уларни ўз вакиллариға топшириш мүмкинлигини фарқини билиш лозим. Агар ота-оналар ёки фарзандликка оловчилар болалар устидан бўладиган назоратни болаларни боқувчи хотинга топширсалар, у ҳолда бошқа шахсларга ота-оналик ҳуқуқини ўтказилғанлигини англаштайды. Бу ерда гап бу шахсларга нисбатан ҳуқуқни амалга ошириш ёки ҳимоя қилиш мажбуриятини ўтганлигини англашади. Модомики, субъектив оила ҳуқуқларида қоида бўйича ҳуқуқий муносабатларда амалга оширилар экан у ўзининг юридик табиатига кўра нисбий ҳуқуқлар сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай оила ҳуқуқини субъектига қарама-қарши бошқа субъект туради. Чунки, болага нисбатан қаратилинган бошқа субъект бўлғанлиги учун ота-оналик ҳуқуқи мавжуд. Эр-хотин ўртасида қайд этилган никоҳ бўлғанлиги учун шахсий ҳуқуқдан бири мавжуд бўлади. Никоҳни тугатилиши шахсий оила ҳуқуқини ҳам тугатилғанлигини англашади. Демак, субъектив оила ҳуқуқи бу нисбий ҳуқуқдир.

Айрим ҳолатларда оила ҳуқуқи нисбий ҳуқуқ бўлса ҳам абсолют ҳуқуқ тусига эга бўлади. Масалан, Оила кодексининг 78-моддасига биноан, ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

6-§. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш асослари

Оилавий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиладиган асослар юридик фактлардир.

Ҳуқуқдаги юридик фактларга хос бўлган муҳим асосий хусусиятлар оила ҳуқуқидаги юридик фактларга ҳам тегишлидир. Хусусан, улар ўзларининг табиатлари бўйича ҳодисалар, ҳаракатлар ёки муддатлар сифатида қатнашадилар¹.

Оила ҳуқуқидаги юридик фактлар ижтимоий муносабатларга таъсири бўйича умумий ҳуқуқ назариясидаги юридик фактларга мос келиб ҳуқуқни вужудга келтириш, ўзгартериш ва бекор қилишга бўлинади. Бироқ, оила ҳуқуқига характерли бўлган бир грух юридик фактлар борки, улар орқали оила ҳуқуқидаги субъектлар йўқолган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тиклайдилар. Юридик фактларни бу грухни мустақил категорияга ажратилиниб ҳуқуқуни тиклаш юридик фактлари деб юритилади. Бу юридик фактларни ота-оналик ҳуқуқини тиклаш, фарзандликка олишни бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш, бедарак йўқолган ёки ўлган деб эълон қилинган шахсни ҳозир бўлишлигида қўлланилади.

¹ Юридик адабиётларда ҳодисалар ва ҳаракатлар қатори муддат кўпинча юридик фактларни мустақил тури сифатида кўрилади (Қаралсин, О.А.Красавчиков, Юридические факты в советском гражданском праве, Госиздат, 1958, стр.169-170; В.П.Грибанов, Сроки в гражданском праве, Изд. "Знание", 1967, стр.8-9.

Оила ҳуқуқида ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи ҳол сифатида кўпинча фактыв таркиблар, яъни, юридик фактларни йиғиндиси қўлланилади. Шу билан бирга фактыв таркиб кўпинча аралаш ҳолда рўй бериб унга ҳодиса шунингдек ҳаракат кириши мумкин. Масалан, болани туғилиши туфайли (ҳодиса) ота-оналик ҳуқуқий муносабатини вужудга келтирса, уни туғилганлиги ФҲДЁда рўйхат қилиш (ҳаракат) содир бўлади.

Оила ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи фактик йиғинди кўпинча уч ҳатто ундан ортиқ фактлар йиғиндисидан иборат бўлади (масалан, никоҳни тузиш вақтида). Бу фактлардан бирортасини йўқлиги фактик йиғиндини вужудга келтириш кучини йўқотади.

Оила ҳуқуқида юридик факт сифатида кўпинча ҳолат ҳисобланади.

Ҳолат-бу мавжуд ижтимоий алоқалардир. Уларга никоҳ, қонқариндошлиқ, қайнин-бўйинчиллик ва қуда андачилик, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) ва бошқалар киради. Аммо ҳолат ҳодиса ва ҳаракатлар қатори юридик фактларни маҳсус тури эмас. Ҳолат ҳодисани тури сифатида иштирок этади. Уларни ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар давомли характерга эгадир.

Айрим ҳолатларда ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келишлиги ҳолатни тугалиши билан белгиланади: масалан, никоҳни тугатилиши билан аввал никоҳда бўлган эр-хотинда моддий таъминот олиш ҳуқуқ ва мажбурияти вужудга келади, болаларни доимий тарбияга олишликни тугатилиши билан доимий тарбияда бўлганларга ўз тарбиячиларига таъминот бериш мажбуриятини юклатилиши мумкин.

Оила ҳуқуқида ҳолат бошқа юридик фактлардан фарқ қилиб, қисқа муддат (дархол) таъсир этмасдан аксинча давомлилиги билан характерланади. Масалан, қайд этилган никоҳда бўлишлик бошқа никоҳни тузишликка йўл қўймайди, никоҳда бўлиш туғилган болага эр хотинни фамилиясини ёзиш учун асос бўлади, никоҳда бўлиш эр ва хотиндан моддий таъминот талаб қилиш учун асос бўлади ва бошқалар.

Никоҳ ва оила доирасида ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келишлиги, ўзгариши ва бекор бўлиши учун ҳодиса ва ҳаракат қорнун томонидан ўрнатилган тартибда албатта расмийлаштирилиши ёки тегишли органларнинг қарори бўлиши лозим. Шундай, никоҳни ҳақиқий ҳисоблаш учун уни тузувчиларни ўзаро розилиги бўлишлиги, шунингдек ФХДЁ органларида қайд этилиши лозим, фарзандликка олиш тўғрисидаги далолатномани фуқароликка оловчи ва фарзандликка олинувчи ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтириш учун туман ва шаҳар ҳокимининг қарори бўлиши лозим ва бошқалар. Далолатномани қайд эттириш яна бошқа кўп ҳолатлар учун ҳам зарур.

7-§. Оила ҳуқуқида қон-қариндошлиқ, қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик тушунчаси ва уларнинг аҳамияти

Оила кодексининг учинчи бўлим 9-боби қариндошлиқ, қайин-бўйинчилик ва қуда-андачиликка бағишланиб, ўз ичига уч моддани олади. Ундаги бу боб қонунчиликка бутунлай янгилик бўлиб кирди. Унинг ҳам ўз олдига қўйган мақсади бор.

Қон-қариндошлиқ-бу шахслар ўртасидаги қон ва қорин алоқаси бўлиб, бири иккинчисидан ёки умумий аждоддан келиб чиққанлигини билдиради.

Қон-қариндошлик оила ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келишига асос бўладиган ҳоллардан бири бўлгани учун ҳам қонунчилиқда ўз ечимини топиши лозим эди. Бу вазифа ҳам бажарилди. Ундан ташқари никоҳдан ўтишда уни ман этадиган ҳолатлардан бири никоҳ тузувчиларнинг яқин қариндошликда бўлишлигидир. Шунинг учун унга тўғри илмий асосланган тушунча бериш лозим эди, чунки ҳозирга қадар бу масалада чалкашликлар мавжуд. Қонун бўйича кимларни қариндош деб атаймиз ва улар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар қандай вужудга келади, деган масалалар ўз ечимини топди. Эндиликда бу масала бўйича ҳам оила қонунчилигига аниқлик киритилди.

Яқин қон-қариндошлик ўз ичига тўғри чизик, ён, туғишган ва ўгай қариндошлар, ака-укалар билан опа-сингиллар тушунчаларини олади.

Тўғри чизик қариндош бўлиб, бири бошқасидан дунёга келган шахслар, яъни бобо-ота-ўғил-невара-эвара-чевара-дуборалар тушунилади.

Ҳар бир фуқаро етти авлодини билишлиги лозим, чунки буни билишлик ўз авлодига ҳурмат ва улар ўртасида никоҳ тузилмасликни англаатади.

Ён чизик қариндош бўлиб, ака-ука ва опа-сингиллар ҳисобланади.

Умумий ота-онага эга бўлганлар туғишган қариндош, ота бир она бошқа ёки она бир ота бошқалар ўгай қариндошлар деб тушунилади.

Ака-ука ҳамда опа-сингиллар фарзандларининг ўзаро никоҳ тузишлари, шунингдек болаларни эмизиш туфайли вужудга келган сут қариндошлар, яъни кўкалдошларнинг ҳам никоҳ тузишлари мақсадга

мувофиқ эмас. Бу ҳақда меъёрий ҳужжатларда тегишли қоидалар берилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни қонун йўли билан таъқиқлаш аҳлоқий ҳамда биологик нуқтаи назарга, тиббиёт фани ютуқлари ва хулосаларига асосланади.

Бошқа қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш қонун билан ман этилмайди. Шунинг учун ён чизик бўйича қариндош бўлган, амакивачча, тоғавачча, холаваччалар, аммаваччалар ва бошқа узок қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин. Аммо бу мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қариндошлик никоҳи туфайли одатда жисмоний ва ақлан носоғлом, яъни, нимжон, касалманд, ақли заиф, кар-соқов, ортиқ, қўшоқ, пакана ёки нуқсонли, майиб болалар туғилади. Улар ўсишда тенгдошларидан орқада қоладилар. Бундай оиласларда кўпинча юрак, буйрак хасталиги касаллигига йўлиққан гўдаклар туғилиши кузатилмоқда. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод, шунча соғлом бўлади.

Амалдаги оила қонунчилигига ака-укалар ва опа-сингиллар фарзандларининг никоҳланиши таъқиқланмаган, ваҳоланки, ҳозирги замон генетикаси ютуғи ва хулосаларига кўра, бундай никоҳ номақбулдир. Хўш, генетика нима? Ген – ирсият белгиларини наслдан-наслга ўтказувчи омилдир. Инсон аъзосининг ҳар бир белгиси, кўриниши ва хусусиятларини ген белгилайди.

Ана шу генлар, бинобарин, барча хусусиятлар ота-онадан фарзандга ўтади.

Бирор геннинг ўзгариши натижасида келиб чиқувчи ва наслдан-наслга ўтuvчи касалликлар ирсий касаллик ҳисобланади. Касал ген келгуси авлодларнинг бирида шу хасталикнинг келиб чиқишига

сабабчи бўлади. Қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларда бу хасталик генетик қонуниятлар асосида осонгина юзага чиқади. Бундан кўринадики, қариндош-урұғлар никоҳидан хаста болалар туғилиши кўп бўлади.

Айни чоғда қариндошлар ўртасидаги никоҳ аҳолининг географик яшаш шароитига ҳам боғлиқ. Тоғли ва орол жойларида яшовчи, ташқи дунё билан алоқаси бирмунча чекланган ижтимоий гуруҳларнинг барини, шубҳасиз, қон-қариндош дейиш мумкин. Бу ердаги барча аҳоли ўз хоҳишидан қатъи назар, заруратдан келиб чиқсан ҳолда, қон-қариндошга айланган. Олиб борилган кузатишлар қон-қариндошли никоҳининг келгуси авлодга таъсири оқибатларини тасдиқлади. Аввало, бундай никоҳдан туғилган болалар касалликка тез чалинади. Статистика маълумотларига кўра, АҚШда қон-қариндошлар никоҳдан туғилган болаларнинг 22,5 фоизи, қариндош бўлмаганлар никоҳидан туғилган болаларнинг эса 16 фоизи нобуд бўлган.

Қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳ ҳатто фарзандсизликка ҳам олиб келмоқда. Булар ҳаммаси тиббиёт фанининг асосли хulosаларидир.

Академик К.Н.Бочковнинг фикрига кўра, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга чек қўйилса, аҳоли ўртасида касалга чалинишни тенг ярмига камайтириш мумкин.

Умуман, қариндош-урұғлар никоҳи келгуси авлодлар саломатлигига путур етказиши шубҳасизdir.

Агар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолларга тўла риоя қилиниб, оила қурилса, у мустаҳкам бўлади, келажак авлод баркамоллигига, қолаверса, келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг соғломлигини таъминлашга катта ҳисса қўшилади.

Мусулмон ҳуқуки бўйича, ҳар хил оиласда туғилган болаларни бир она эмизиши туфайли сут қариндошлиги вужудга келади.

Туғруқхоналарда она-бала ётаётган алоҳида хоналар бўлиши лозим. Бошқа аёлдан туғилган болани эмизган аёл ўша болага иккинчи она ҳисобланади. Демак, гўдак бошқа онанинг сутини эмса, у ўша сут берган аёлнинг фарзанди билан турмуш қуриши мумкин эмас. Бу ҳам ўз туғишган укаси ё синглиси билан турмуш қургандай бир гап. Ҳозир ҳам баъзилар эмизган аёлни туқсан онаси янглиғ кўриб, уни ҳам «она» дейди. Қадимда сут эмишганлар аро ака-ука, опа-сингиллик, яъни кўкалдошлиқ бўлиб, улар ўқаро турмуш қурмаганлар. Шунинг учун бундан буён ана шундай бошқа аёлнинг манзилиги, насл-насаби ўша сути кам онага расман ёзиб берилиши, унга таништириб қўйилиши шарт. Бу маънавий жиҳатдангина эмас, балки келажак авлодимизнинг қон мусаффолигига эришиши учун ҳам жуда зарур. Бинобарин, миллий қадриятларимизни тиклаб, меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш киритиб бир онани эмган болалар ўртасида вужудга келган кўкалдошлиқ туфайли ҳам уларнинг бир-бири билан никоҳдан ўтишини ман этадиган қоида киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, бухолат ислом шариатида ҳам қайд этилган.

Оила кодексини 59-моддасига биноан, эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайнин-бўйинчилик ва қуда андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Қайнин-бўйинчилик ва қуда-андачиликни қариндошлиқдан фарқини билиш керак.

Эрнинг қариндошлари билан хотиннинг қариндошлари ўртасидаги муносабатлар қуда-андачилик ва қайнин-бўйинчилик ҳисобланади.

Эр-хотиннинг қариндошлари бўлмаса, қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик вужудга келмайди.

Қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик шахснинг насл-насабига ёки қариндошлигига асосланмасдан балки эр-хотиннинг никоҳ иттифоқи ва аҳдномасига асосланади.

Эр ва хотин қариндош ҳам эмас қайин-бўйин ҳам эмас, қуда-анда ҳам эмас. Эр ва хотин ўзаро қонуний расмийлаштирилган никоҳда бўлиб, шу асосда уларнинг ўртасида алоҳида ҳуқуқий муносабат бўлиб шахсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик аҳлоқ, одоб қоидалари билан тартибга солинади.

8-§. Фуқаролик ҳолати далолатномалари

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари¹ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларига², Йўриқномага³ ва ФХДЁ органлари фаолиятига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

ФХДЁ органлари давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, шунингдек фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади.

ФХДЁ органлари қўйидаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этади: а) туғилганлик; б) никоҳ тузиш; в) никоҳдан ажралиш; г) ўлим.

¹ Кейинги ўринларда матнда "ФХДЁ" органлари" деб юритилади.

² Кейинги ўринларда матнда "Қоидалар" деб юритилади

³ Кейинги ўринларда матнда "Йўриқнома" деб юритилади

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали акс эттирилади.

ФҲДЁ давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади ва ФҲДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади.

Бу воқеа ва фактлар амалдаги Оила кодексини 203-моддасига биноан ФҲДЁ органлари туман ва шаҳарларда қайд этилади, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда эса, туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, оталикни белгилаш-фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан ҳам қайд этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномалари консул томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайд этилади.

Амалдаги Оила кодексининг 226-моддасига мувофиқ, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги ФҲДЁ органи томонидан кўриб чиқилади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хulosачки ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишли текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

ФҲДЁ органининг фамилия, исм ва ота-оналиқ ҳуқуқини ҳар қандай бошқа шахслардан ҳимоя қилиб уларни нисбий сифатларини бартараф этмайди, чунки болаларга нисбатан ота-оналарнинг ҳуқуқлари ҳар қандай ҳолатда ҳам абсолют характерга эга бўлиб қолади. Уларни эр-хотинни умумий биргаликдаги мулкига нисбатан

татбиқ этиб бўлмайди, чунки у субъектив оила ҳуқуқи бўлганлиги учун нисбий характерга эга бир йўла ҳар қандай бошқа мулк ҳуқуқи сингари бошқа ҳар қандай шахслардан ҳимоя қилинади.

Мулкий бўлмаган шахсий ҳуқуқлар эса улар ҳамма вақт фақат нисбий бўладилар, чунки улар фақат никоҳ ва оила доирасида кўринадилар. Масалан, эр-хотиннинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари.

9-§.Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш

Оилавий субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқда амалда бўлган умумий тамойиллар (принципларни) қонунчилик, миллий истиқлол мафкураси, аҳлоқ нормалари, жамият турмуш қоидалари, ижтимоий ва давлат манфаатлари ва бошқаларга риоя қилиниши лозим. Бироқ оила ҳуқуқида ҳам субъектив ҳуқуқларни амалга оширишликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлардан бири оилавий субъектив ҳуқуқларни оила билан алоқада бўлишлигидир. Уларнинг кўринишлиги оилада ифода этилади. Амалдаги қонунчиликда оилавий ҳуқуқларни амалга оширишда субъектлар унинг ҳуқуқий оқибатларни назарда тутиши керак деган умумий қоидаларни белгиламайди. Аммо оила қонунининг бирқатор нормаларидан шундай мазмун келиб чиқади. Аввало, Оила кодексини «Умумий қоидалари»дан. Уларда оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда уларни вазифалари, оила манфаатларини давлат ва жамият томонидан таъминлаш ва бошқалар тўғрисида фикр юритилади. Қонунда оила ҳуқуқини аниқ қоидаларини амалга ошириш вақтида оила манфаатларини назарда тутиш белгиланган. Масалан, Оила кодексини 28-моддасини 2-қисмига биноан, суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойик манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин үзрсиз

сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Қонунчилик аёлларни ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида уларни манфаатларини ҳимоя қилишни қўриқлашни белгилайди. Айрим вақтларда қонун эрнинг айрим субъектив оила ҳуқуқларини амалга оширишигини чеклаб қўйишилиги ҳам мумкин. Масалан, Оила кодексининг 39-моддасига биноан хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр-хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Вояга етмаган болалар оила ҳуқуқининг алоҳида субъектлариdir. Улар руҳий ҳолатлари бўйича ўзларининг манфаатларини ҳар тарафлама қўриқлай олмайдилар. Шунинг учун уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга алоҳида эътибор берилади. Бу масала бўйича ҳар тарафлама умумий қоида Оила кодексини 75-моддасини 1-қисмида белгиланган. Унда шундай дейилади: «ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатлариغا зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Бир қатор моддалар бу қоидани аниқ қоидалар билан тўлдиради. Шундай, Оила кодексининг 82-моддасини 1-қисмига биноан ота-она (улардан бири) ўз ҳулқ-атворини турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Субъектив оила ҳуқуқи ҳаракат шунингдек, ҳаракатсизлик натижасида амалга оширишилик ва мажбуриятларни бажаришлик мумкин. Масалан, эр-хотин ўзларини шахсий ҳуқуқларини амалга оширишларида (уй-жой, касб-машғулот ва бошқаларда) иккинчи

томондан бу ҳуқуқни амалга оширишлиқда ҳаракатдан сақланишини талаб этади.

Айрим оила ҳуқуқлари фақат ҳаракат натижасида амалга оширилади. Аввало, шундай ҳуқуқлар доирасига тарбиялаш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилингандык актив ва доимий равишда олиб бориладиган бирқатор ҳаракатларни (болани мактабга юбориш, маълумотини текшириш, унга ёрдам бериш, дам олиш вақтини ташкил этиш, шу вақтда назорат қилиб туриш ва бошқалар) бажариши лозим.

Амалдаги оила қонунчилигида ҳуқуқини ҳимоя қиласидиган ва қўриқлайдиган бир қатор тадбирклар белгиланган.

Субъектив оилавий ҳуқуқий муносабатларни қўриқлашга қаратилган таъсирчан чоралардан бири ҳуқуқни бузувчиларга нисбатан жамоат таъсирини кўрсатишидир. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этаётган вояга етмаганларни, ҳомиладор аёлларни, болали оналарни ҳуқук ва манфаатларини қўриқлашда жамоат таъсири алоҳида ўрин тутади. Бундай воситаларга айбдор шахсни ҳуқуқини тиклаш ва ҳимоя этишга қаратилингандык материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга топшириш ва бошқалар.

Оилавий-ҳуқуқий тадбир-чоралар бу қонунга қарши ҳаракатларга ва айбли ҳатти-ҳаракатларга нисбатан оила қонуни билан белгиланган тадбирлардир. Уларга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ва қонун бўйича ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки уни бекор қилиш, ота-онани болалари билан учрашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин

қариндошларнинг бола билан кўришиб тuriш ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборат.

Оила-ҳуқуқий кафолати бу ҳуқуқ бузилишигининг тегишли оқибатидир. Улар фақат қонунга қарши айбли қилинган ҳулқа нисбатан татбиқ этилади.

Оила ҳуқуқини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашни бошқа қонуний услублар орқали ҳам эришилади. Шундай, оила доирасидаги мухим ҳуқуқ ва манфаатлар жиноят қонунларини тегишли нормалари яъни, оилага, ёшларга ва аҳлоқга қарши қаратилган жиноятларга, шунингдек шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини қўриқлаш билан белгиланади.

Уларга, аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда), кўп хотинли бўлиш (126-модда) жиноий равишда ҳомила тушуриш (аборт), аёлни ҳомиласини сунъий равишда тушуришга мажбуrlаш (115-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-модда), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-модда), болани алмаштириб қўйиш (124-модда), фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш (148-модда, 2-қисм).

Оила ҳуқуқлари ва манфаатлари меҳнат ва фуқаролик қонунлари билан қўриқланади. Масалан, ФКнинг 31-моддасига мувофиқ спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин.

10-§. Оила ҳуқуқида даъво муддати

Даъво муддати-шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир (ФКнинг 149-моддаси).

Даъво муддати ўтиши даврида шахс бузилган субъектив ҳуқуқини мажбурлаш тартиби билан тиклаши мумкин.

Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади (ФКнинг 153-моддасини 2-қисми).

Даъво муддати фуқаролик ҳуқуқида мулкий ҳуқуқий муносабатларда жуда кенг қўлланилади бу уларни барқарор бўлиши, шартнома интизомини мустаҳкамлаш ундан ташқари гражданлик оборотида қатнашувчиларни рағбатлантириш, ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларини ўз вақтида амалга ошириш, судларга иш бўйича объектив ҳақиқатни ўрнатишни енгиллаштириш учун ёрдам беради.

Оила ҳуқуқида даъво муддатига бундай катта аҳамият берилмайди. Оила кодексининг 12-моддасини 1-қисмида оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди, ушбу кодекс билан белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир, деган умумий қоида белгиланган оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддатини жорий қилмаслик қоидаси, ҳар қандай бузилган оилавий-ҳуқуқий муносабатни фуқаролик иш юритиш тартиби қоидасига биноан тикланиши мумкин. Бу оила ҳуқуқида узоқ муддат давом этадиган шахсий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, уларни ҳамма вақт ҳимоя қилиш табиатидан келиб чиқади. Шундай қилиб, оила муносабатини иштирокчилари амалда бузилган оила ҳуқуқини ҳимоя қилишда

вақтингалик ўткинчи вақт билан чекланмаган. Шундайларга никоҳдан ажралиш талаби; никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш талаби, оталикни белгилаш талаби никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш талаби; алиментни олиш ҳуқуқи уни ҳамма муддат давомида ундириш талаби ва бошқалар киради.

Оила муносабатларида даъво муддати қатъий аниқ белгиланган ҳолатларда татбиқ этилади. Хусусан, бузилган оила ҳуқуқлари ОКни ўзида кўрсатилинган бўлиши лозим. Бундай ҳолатлар бир қанча.

Биринчидан, бир йиллик даъво муддати ОКнинг 24-моддасини 3-бандида кўрсатилинган. Эр (хотин) ўзининг мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр) нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

Иккинчидан, уч йиллик даъво муддати ОКнинг 27-моддасини 9-бандига биноан, никоҳдан ажralган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан қўлланилади.

Бунда даъво муддатини ўтиши ажralган эр ёки хотинни умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқини бузилганлигини бошқаси томонидан билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошланади (ОКнинг 12-моддасини 2-қисми).

VI Мавзу. Никоҳ

1-§. Никоҳ тушунчаси

Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки маҳсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси 2-қисмида: “Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади” – деб ёзилган. Фикримизча, “томонлар” дейилганда биз кўпроқ Фуқаролик ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқини келтириб чиқарадиган асослардан бири – шартномани тузган шахсларни тушунамиз. Агар унда: “Никоҳ эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлигига асосланади”, деб ёзилса тўғри бўлади, чунки никоҳ мулкий шартнома характеристидаги келишиш бўлмай эркак билан аёл ўртасида тузиладиган, бир умрга мўлжалланган шахсий иттифоқ, аҳдномадир. Шундай ифода “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси”да ҳам берилган. Никоҳ орқали шаърий йўл билан жуфт бўлиб яшашнинг бир қанча фойдаси бор. Биринчидан, никоҳ ахлоқий ва жисмоний покликни талаб қиласи. Никоҳ аҳди инсонларга масъулият юклайди. Чунки оилада эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз вазифалари бор, улардан ҳар бири ўз вазифасини тўла адо этишга масъулдир. Никоҳ туфайли ота-она ўзидан сўнг зурриёд қолдириб, инсон насли давом этишига сабаб бўлади. Расулуллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом мусулмонларни оила қуриб, ўзларидан сўнг зурриёд қолдиришга бежиз тарғиб этмаганлар. Республикадаги иқтисодий қийинчиликлар, бозор иқтисодиётига ўтишга қарамай, никоҳга ўтиш, оила қуриш бошқа минтақаларга нисбатан барқарор бўлиб турибди. 1991 йили 286208, 1992 йили 234105, 1993 йили 223003, 2005-2006 йиллар мобайнида эса 535679 та никоҳ рўйхатга

олинди. Ёшларнинг никоҳга маънавий тайёрлик даражаси оила мустақиллигининг муҳим гаровидир. Ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш муҳим ижтиёж эканлигини унутмаслик, оиласда ва мактабда бу масалага эътиборни кучайтириш керак. Ёшлар: аёллар 17 ёшдан, эркаклар 18 ёшдан 30 ёшгача никоҳга ўтиб оила қуришлари мақсадга мувофиқ, бунинг учун улар аввало 18 ёшгача оила қуришга тайёр бўлишлари, амалдаги эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқуқий қоидалар мазмунини ўзлаштириб, уларга қатъий риоя қилишлари лозим, шундагина булар тузган оила мустаҳкам ва барқарор бўлади. Қизларнинг турмушга чиқишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Уларни меҳнатсевар, эпли қилиб тарбиялаш зарур. Оила қуришда энг зарур сифатлар: эрга, қайнин-бўйинга м uomала қилиш, бола боқиш (алла, эркалаш, овутмачоқларни билиш), таом пишириш, саранжом-саришталик, меҳмон кутиш кабиларни қизларимизга ўргатиб, шу яхши фазилатта эга қилиб узатиш зарур. Йигит ва қизнинг никоҳгача бир-бирини яхши билиши оила мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Мұхабbat туйғулари структурасини англамаслик 38 процент никоҳнинг бузилиб кетишига олиб келади.¹ Никоҳ тўғрисидаги қоидалар Оила кодексида атрофлича ифодаланган. Никоҳ тушунчаси амалдаги оила қонунчилигида эмас, фақат ҳуқуқий адабиётларда берилган. Никоҳ тушунчаси мусулмон ҳуқуқ илмида ҳар тарафлама ишланган. Ҳуқуқ илмининг вакиллари никоҳга ҳар хил тушунчалар берадилар. Аммо бу тушунчалар шаклида фарқланиб, мазмунида эса ўз маъносини сақлаб қолади.² Бу таърифларда уни юридик далолатнома деб ҳисоблаб, биринчи навбатда оиланинг табиий-биологик томонига эътибор

¹ Мираҳмедов У.М., Раҳматов Б.Р. Жинсий тарбия масалалари, Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, Матбаа бирлашмаси, 1994, 62-бет.

² Хидоя. Комментарии мусульманского права. Т., "Узбекистан", 1-том, 1994., 121-бет. Торнау Н. Мусульманское право, СПБ., 1950, 147-бет.

берилиб, асосий моддий иқтисодий вазифаси четлаб ўтилади.

Махсус ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан никоҳга таъриф берилган.¹

Бу таъриф асосида ўша даврда мавжуд бўлган тузум ва мафкура ғоялари ётади. Республикаизда бозор иқтисодиётига ўтилаётган даврда ва мустақиллик ва миллий истиқлол мафкура ғояларига асосланиб биз ҳам никоҳга янгича таъриф беришга ҳаракат қилдик: бу тушунча, никоҳ ёшига етган, бир-бирини севадиган ва қонунга мувофиқ оила қуришни истаган эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланган, қонуний расмийлаштирилган, ўзаро шахсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оиласий турмушда туғилган болаларни миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида муносиб тарбиялашга хизмат қиладиган, умуминсоний қадриятлар ва шарқона ањаналарга асосланган мустаҳкам, бир умрга тузилган иттифоқи тушунилади.²

2-§. Никоҳ тузиш тартиби

Амалдаги оила қонунчилиги никоҳнинг тузилиш тартибига, яъни уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор беради. Оила кодексининг 13-моддасига биноан, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида

¹ Свердлов Г.М. Советское семейное право. М., Госюриздан., 1958, 96-бет, Тархов В.А. Советское семейное право, изд. Саратовского университета, 1963, 28-бет, Юркевич Н.Г. Заключение брака по советскому праву., Минск, 1965, 8-бет., Шахматов В.П. Новое советское законодательство о браке и семье, ч.1, Томск, 1969, 24-бет., Оридорога М.Т., Брачное правоотношение., Киев, 1971, 30-бет. Маслов В.Ф., Подопригора З.А., Пушкин А.А. Действующее законодательство о браке и семье. Харьков, 1972, 33-бет. Белякова А.М., Воражейкин Е.М.. "Советское семейное право", М, "Юридическая литература", 1974, 87-бет; Поссе Е.А, Фаддева Т.А. Проблемы семейного права ЛГУ, 1976, 5-бет. Советское семейное право. Под редакции проф В.А. Рясенцева, М., "Юридическая литература", 1982. 45-46-бетлар. Матвеев К.Д. "Советское семейное право" М "Юридическая литература", 1985. 45-46-бетлар.

² Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши., Т., "Ўзбекистон", 1995., 164-бет.

тузилади. Шундай никоҳгина ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради. Никоҳнинг тегишли давлат органида қайд этилиши унинг вужудга келганлигини исботловчи бирдан-бир далилдир. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳни тегишли давлат органларида расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари”¹, билан тартибга солинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи ариза қабул қилганида уларни никоҳни қайд этиш тартиби ва шартлари билан таништириши, келгусидаги эр-хотин ва ота-она сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини уларга тушунтириши, бир-бирларининг соғломлик ҳолатларидан ва оила қоидаларидан хабардор эканликларига ишонч ҳосил қилиши керак. Никоҳга киравчилар никоҳга тўсқинлик қиласиган ҳолатларни яширганликлари учун жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантириладилар. Никоҳни тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида, ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай муддатни белгилашдан мақсад бир-бирлари билан яхши таниш бўлмаган шахсларнинг енгилтаклик қилиб, шошмашошарлик билан никоҳдан ўтишларига йўл қўймасликдан иборат. Бир ой муддат ичida никоҳга киравчилар никоҳ тузишга бўлган ўз хоҳишларини яна текшириш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, бу муддат давомида никоҳни қайд этишга монелик қиласиган баъзи ҳолатлар ҳам аниқланиши мумкин. Бу даврда ёшларни никоҳга ўтишга тайёрлаш учун маҳсус маъruzалар ташкил

¹ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари. Т., “Адолат”. 1999.

этиши лозим. Улар ахлоқий, ҳуқуқий ва тиббий мавзуларда бўлиши, никоҳ тўғрисидаги қонунни, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга қаратилиши керак.

Махсус адабиётларда бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини яrim йилдан бир йилгача билиш энг мақбул муддат деб кўрсатилади¹.

Оила қонунчилигига никоҳдан ўтиш учун ариза бергандан сўнг ўтиш лозим бўлган бир ойлик муддатни зарур ҳолларда қисқартиш ҳуқуқи берилган. Ушбу нормада, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатнамаларини қайд этиш ҳақидаги қоидаларда қандай ҳолат узрли ҳисобланиб, белгиланган бир ойлик муддатни қисқартириш учун асос бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бу ҳол амалиётда турлича ҳал қилинишига сабаб бўлмоқда. Фикримизча:

- агар никоҳни қайд эттириш учун ариза берганлар узоқ вақт амалда бирга яшаган бўлсалар;
- никоҳни қайд эттириш учун ариза берганларнинг эр-хотинлик муносабатларидан туғилган болалари бўлса ёки хотин ҳомиладор бўлса;
- куёв ёки келиннинг яқин қариндошларидан бири оғир касал бўлса;
- ариза берганлардан бири узоқ муддатга чет элга ёки келиб-кетиш қийин бўлган жойга хизмат сафарига кетаётган бўлса;
- никоҳни қайд эттириш учун ариза берган куёв армия сафига чақирилган ёки никоҳни қайд этиш учун белгиланган муддатни қисқартиришга асос бўладиган бошқа сабаблар узрли сабаб ҳисобланиб, бир ойлик муддатни қисқартиришга асос бўлиши мумкин.

¹ Оила психологияси. -Т., "Шарқ", 2000. 107-6.

Қандай сабабларни узрли деб ҳисоблаш масаласини ҳал этиш ҳуқуқи қонун бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудирига берилган.

Турмушда эр-хотиннинг узоқ муддат никоҳни қайд эттирмай амалда бирга яшаганлиги, боласи борлиги ёки хотиннинг ҳомиладорлиги узрли сабаб бўлиши мумкин. Чунки кўп вақт бирга турган шахсларни, айниқса, чол-кампирларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари ва оила қуришга бўлган қарорларини синаш ва текширишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Ҳуқуқий расмийлаштирилмаган эр-хотинлик муносабатидан ҳомиласи ёки боласи бўлган шахслар никоҳини қайд этишни ҳам кечиктириб бўлмайди. Лекин чет элга ёки бошқа жойга узоқ муддатга хизмат сафарига кетаётганлар, яқин қариндоши касал бўлганлар, армия сафига чақирилганлар никоҳнинг қайд этилиши муддатини қисқартиришни сўраганларида ҳамма вақт ҳам талабни қаноатлантириш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Никоҳни қайд этаётган мансабдор шахс узрли сабаб бўлаоладиган ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиши лозим. Жумладан, узоқ муддат эр-хотин бўлиб турганлик факти, бир турар-жой, бир оилада турганлклари ҳақида берилган маълумотлар, умумий болалари борлиги, бу ҳақдаги маълумотнома ва боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (оталиги белгиланган ҳолларда), қариндошларининг касаллиги-яқин қариндошликтни тасдиқловчи ҳужжат ва касаллик ҳақида врачларнинг тегишли маълумотномалари, узоқ муддатга чет элга кетиш ва бошқа жойга хизмат сафарига бориш бу ҳақдаги тегишли ҳужжатлар билан исботланиши керак. Ҳарбий хизматга чақирилган шахс армияга кетгунга қадар оила қурадиган бўлсагина никоҳ тузилишига руҳсат

бериши мумкин. Агар у армия сафидан қайтиб келгунга қадар куттириши учун никоҳни қайд эттираётган бўлса, у ҳолда никоҳни қайд этиш ман этилади.

Никоҳни қайд этиш муддатини қисқартириш юзасидан талабнома келин ва куёвнинг ҳар иккиси томонидан ариза билан мурожаат этилган ҳолда топширилиши лозим. Аризага муддатни қисқартиришга асос бўладиган ҳужжатлар илова қилиниши керак. Ариза ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мудири муддатни қисқартириш ёки рад этишлиқ, агар қисқартириш лозим бўлса, неча кунга қисқартиришни аниқ ҳолатга қараб белгилайди. Фикримизча, бу масалани ҳал қилаётган мансабдор шахс ўз хулосасини ёзиб, имзо билан тасдиқлаши лозим. Бундай ҳолат мансабдор шахсларнинг муддатни қисқартиришга бўлган масъулиятини оширади.

Амалдаги Оила кодексида бир ойлик муддатни қисқартириш ҳуқуқи никоҳ саройи ёки баҳт уйи мудирига берилмаган, аммо улар томонидан бу муддатни қисқартириш ҳоллари тажрибада ҳамон тез-тез учраб турипти. Фикримизча, бунга чек қўйиш лозим, чунки биринчи никоҳни тузиш вақтида бир ойлик муддатни қисқартириш мақсадга мувофиқ эмас.

Никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳланувчиларнинг биргалиқдаги аризаларига биноан кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда етарли асослар бўлган тақдирда, шунингдек, ФҲДЁ органининг ташаббуси билан узайтириши мумкин, лекин бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Эндиликда, мамлакатимиз мустақил бўлганлиги туфайли унинг фуқаролари чет эл фуқаролари билан никоҳ тузишлари тажрибада тез-тез учраб турғанлиги сабабли фуқаролик ҳолати

далолатномаларини қайд этиш органининг мудирига бу ҳуқуқни берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айрим вақтларда никоҳ аҳдномасини тузувчилар бу муносабатнинг оқибатини ва масъулиятини етарлича тасаввур этмай, шошма-шошарлик билан никоҳдан ўтишга ариза беришлари мумкин. Бу муддатни узайтириш туфайли уларда яна бир бор ўйлаб кўриш имконияти пайдо бўлади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиши органига ариза беришнинг ўзигина аризага имзо чеккан шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқмайди. Бундай ҳолат фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ва ариза берганлар ўртасида фақат маъмурий-ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқаради. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига никоҳга кириш учун ариза берган шахслар ундан воз кечсалар, унда ҳеч қандай оиласвий ҳуқуқий оқибат келиб чиқмайди. Маъмурий-ҳуқуқий муносабат эса ўз навбатида тугайди.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар) да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишга кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, биринчи никоҳ эса баҳт ўйлари, никоҳ саройлари томонидан амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда объектив тегишли асослар бўлганида никоҳни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади.

Никоҳни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин. У фақат никоҳланувчиларнинг хоҳишлари билангина ўтказилади. Никоҳланувчиларнинг истакларига биноан никоҳ уларнинг қариндош-урұғлари, ошна-оғайнилари, танишлари, жамоат ташкилотлари вакили иштирокида қайд этилади. Никоҳни қайд этиш учун маҳсус хоналар ажратилади, у лозим даражада жиҳозланади. Никоҳни қайд этишда гувоҳларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тугатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиши лозим.

Башарти, белгиланган тартиб бузилиб, шунингдек, ғаразли мақсад кўзланган никоҳ тузилса, у вужудга келмаган никоҳ ҳисобланиб, у суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади. У тузилган вақтидан бошлаб никоҳ тузувчиларда ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтирмайди.

Оила кодексининг 217-моддасида никоҳ тузилганлигини қайд этишнинг алоҳида ҳоллари белгиланган. Тергов изоляторларида, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассаса жайлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар республика қонунида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиласидан ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътираф этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ташкил этилмасдан олдин шариат ва одат қоидаларига мувофиқ тузилган никоҳ рўйхат қилинган никоҳга тенглаштирилган. Эркак ва аёлнинг никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида қайд этилмасдан эр-хотин бўлиб яшаши, улар қанча вақт бирга яшаганликлари ва фарзандлари бор-йўқлигидан қатъи назар низо келиб чиқсан ҳолларда оила қонунларида белгиланган эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтирмайди.

СССР Олий Совети Президумининг 1944 йил 8 июль Фармонида фақат рўйхатга олинган никоҳгина ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши белгиланган. Бу фармонга биноан никоҳни қайд эттирмай туриб эр-хотинлик муносабатларида бўлиб келган шахслар ҳақиқатан ҳам бирга турган вақтларини кўрсатиб, рўйхатдан ўтишлари мумкинлиги

кўрсатилган. Бундай ҳолларда уларнинг эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўша муддатдан бошлаб юзага келади.

Агар эр-хотин бўлиб яшаган шахсларнинг никоҳи бир томоннинг ўлими ёки уруш даврида фронтда бедарак йўқолганлиги туфайли қайд этилиши мумкин бўлмаса, у ҳолда иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, ўзини ўлган деб топилган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинган шахснинг эри ёки хотини деб ҳисоблашни сўраши мумкин.

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 10 ноябрдаги «Эр-хотиндан бирортасининг фронтда ўлиши ёки бедарак йўқолиши туфайли амалий никоҳ муносабатларини тан олиш тартиби ҳақидаги» Фармонида¹ эр-хотинлик муносабатларини белгилаш учун судга мурожаат этиш муддати кўрсатилмаган. Шунинг учун ўлган ёки бедарак йўқолган деб топилган шахснинг эри ёки хотини бу фактни тасдиқлаш учун ҳар қачон судга ариза билан мурожаат этиши мумкин.

Никоҳ давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг ва болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида қайд этилади.

Никоҳ вужудга келганлигини исботлайдиган никоҳни қайд этиш далолатномаси эр ва хотиннинг ҳамда никоҳдан туғилган болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини қўриқлашни таъминлайди. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома бола туғилишини қайд этишда, алимент ундирилишида, мерос ва пенсияга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштиришда тақдим этилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари, баҳт үйлари, никоҳ саройлари малакали ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминланиши лозим, раҳбар ходимлар ҳуқуқшунослик бўйича олий,

¹ СССР Олий Советининг Ведомостлари, 1944., 60-сон.

инспекторлар эса ўрта махсус юридик маълумотига эга бўлишлари керак.

Ёш оиланинг мустақиллиги тўй оқшомидан бошланади. Шунинг учун тўйнинг яхши ўтказилишига кўп нарса боғлиқ. Тўй икки ёшнинг бошини қовуштириш, янги оиланинг мустаҳкам пойдеворини яратиш учун ўтказилади.

Олтин ҳалқа-никоҳ тўйининг мажозий белгиси, оилавий баҳтиқбол, ёрқин истиқбол рамзи сифатида кўзларни қувонтиради, тўй аҳлларида кўтаринки, шодиёна кайфият уйғотади. Тўй-катта авлод билан ёш авлод ўртасидаги олтин кўприк. Катта авлод бу кўприкни қуришда ёшларга ёрдам беради ва уларнинг қўлидан тутиб, ҳаётнинг мустақил йўлига бошлаб боради. Бинобарин, тўй ҳаётимизнинг кўрки, файзли маросимгина бўлиб қолмай, ижтимоий, маънавий, ворисийлик аҳамиятига эга бўлган муҳим ҳодиса ҳамdir.

Тўй урф-одатимизнинг гўзал намунаси сифатида, кишиларга завқшавқ берадиган, эзгу тилаклар ва ниятлар асосида ёшларга бирон-бир тарбия берадиган шаклда ўтиши керак: унинг мазмуни эса баҳтли, мустаҳкам оила қуриш, соғлом авлодни ўстириш ва тарбиялашдан иборат.

Ҳозирги тўйларимиз ўзгача бир замонавий мазмунга эга бўлмоқдаки, уни янада такомиллаштириш, гўзаллаштириш керак. Масалан, куёв-келиннинг табаррук ва муқаддас саналмиш Мустақиллик майдони, Хотира ҳиёбони, ҳалқлар дўстлиги рамзи бўлган ҳайкаллар пойига гулдасталар қўйиш сингари, удумлар замонамизнинг гўзал, янги одат ва анъаналариdir. Замонамиз талабига жавоб берадиган ихчам, гўзал тўй намуналарини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш, уни такомиллаштириб бориш лозим. Бу ишга этнография, иқтисод, статистика, психология, оила педагогикаси,

тиббиёт ва ҳуқуқшунослик фани вакиллари жалб этилиб, улар ўзбек ҳалқининг бой урф-одатлари ичидан замонавий никоҳ тўйига мос келадиган расм-русумларни саралаб, ижодий ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда никоҳ тўйининг бир бутун яхлит сценарийсини ишлаб чиқсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тўйни тартибли ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Тўй ҳам катта тарбия воситасидир. Тўй кечаларини обрў-эътиборли, ёши улуғ табаррук устозлар, ўқитувчилар, уруш ва меҳнат ветеранлари очиб бериши, келин ва куёвга қўша-қўша тўйлар, невара, эваралар кўрган отахонлар ва онахонлар яхши тилак билдиришлари тантанага янада завқ-шавқ ҳамда файз бағишлиайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти тобора чуқурлашиб, иқтисодий қийинчилик бўлаётган даврда никоҳ тўйи масаласига ҳам бироз ихчамлик киритмоқ лозим. Чунки ўзбек ҳалқи-ғурурли, ор-номусли ҳалқ, қўли етгани ҳам, етмагани ҳам қарз қавола қилиб бўлса-да одат бўлиб бораётган дабдабали тўйларни қилишаяпти.

Тўйларни имкони борича спиртли ичимликсиз ўтказмоқ маъқул.

Тўй-ҳашам ва маъракаларни ўтазишни тартиба келтириш тўғрисидаги Президентнинг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида¹ жуда тўғри кўрсатилганидек, кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишида мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпараслик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўяётган эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимай, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларни ҳол-аҳволини инобатга олмай, эскидан қолган асоратларга ёпишиб олган, лавозимини суистеъмол қилаётган раҳбарлар, манманликка берилиб кетган

¹ «Ҳалқ сўзи» 1998 йил 29 октябрь.

ҳавоий мансабдорлар, пулдорлар соғлом турмуш тарзимизга доғ туширмоқдалар.

Тўй ва маросимларни ўтказишнинг мақбул тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишига жиддий эътибор бермоқ зарур.

3-§. Никоҳ тузиш шартлари

Никоҳдан ўтаётган эркак ва аёл оила қуришга тайёр бўлишлари керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчилар фарзандларини соғлом, одобли, мард, иродали, ғурурли, эркаклиқ масъулиятини сезадиган меҳнатсевар қилиб тарбиялашлари лозим.

Ўғил болалар аёллар ҳақида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлишлари керак.

Йигитларнинг уй-рўзғор ишларини, бозор-ўчар қилишни билишлари, оиланинг қадрига етадиган вафодор, аёлманд, болажон бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаб, уларни соғлом, одобли, катталарни ҳурмат қиласиган, иффатли, номусли, ҳаё-иболи, меҳнатсевар, уй-рўзғор ишларини олиб борадиган, меҳмондўст уй бекаси даражасига етказиш баҳтли турмушнинг кафолатидир.

Ўзбекистон Республикасида никоҳни унинг ижтимоий моҳияти ва мақсадига кўра ҳамда оилани мустаҳкамлаш эҳтиёжини, ёш авлоднинг ахлоқи ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олиб, бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда тузиш зарурлиги белгиланди. Бу талаблар никоҳдан ўтиш шартлари деб юритилади. Улар қўйидагилардан иборат:

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир.

“Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади”. (Оила кодексининг 14-моддаси).

Биз қураётган адолатли фуқаролик жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан биридир.

Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти унинг ихтиёрийлик ва тенглик тамойили асосида вужудга келганлигини таъминлаш билан бирга, оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади. Никоҳнинг эркин тузилиши учун берилган розилик чинакам бўлиши, у қўрқитиш, зўрлаш, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига рухан таъсир этилган ҳолатда берилган бўлмаслиги лозим.

Тажрибада зўрлаш, қўрқитиш ёки алдаш каби хатти-ҳаракатлар кўпроқ тор ва ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги оқибатидан келиб чиқади. Никоҳга кирувчиларнинг, кўп ҳолларда қизларнинг розилигини олмай, олдиндан фотиҳа қилиш, қалин олиш ҳоллари, ёшларни севмаган кишиларига турмушга чиқишга мажбур қилиб, уларнинг баҳтига зомин бўлиш бунинг мисолидир. Бундай хатти-ҳаракатлар кўпинча мулоҳазалари тор, турли хил салбий қарашлар онгида чуқур ўрнашиб қолган шахслар орасида учрайди. Зўрлаш, қўрқитиш, алдаш ким томонидан содир этилган бўлмасин, бари бир, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Никоҳга киришнинг ўзаро розилик асосида бўлиши шартининг бўзилиши унинг ҳақиқий эмас деб топилишигагина эмас, балки

ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Бу жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 136-моддасида қўйидагича белгиланган: “Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум этиш билан жазоланади.”

Агар никоҳга кирувчилардан бири никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўла олмайдиган бошқа бирор ҳолатни (масалан, касали ёки олдинги турмушдан боласи борлигини) яширса, бундай ҳолат никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмаса-да, аммо никоҳдан ажратиш вақтида суд томонидан ҳисобга олиниши мумкин;

Никоҳ тузишликнинг навбатдаги шарти-амалдаги қонунда никоҳ ёшининг белгиланиши.

“Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат руйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин”. (Оила кодексининг 15-моддаси).

Оила кодекси лойиҳаси матбуотда эълон қилинганида никоҳ ёши масаласи бўйича жуда кўп фикр-мулоҳазалар ва таклифлар бўлди. Асосан никоҳ ёшини эркаклар учун 20 ёш, аёллар учун қатъий равишида 18 ёш этиб белгилаш тўғрисида таклифлар бўлди. Сабаби:

биринчидан, 17-18 ёшдаги йигит ва қизларнинг кўпчилиги физиологик ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ ривожланиб етилмаган бўлсалар, тиббий мутахассисларнинг кўрсатишича, иккинчидан, республикамизнинг “Таълим тўғрисида”ги қонунида кўрсатилганидек, бу ёшлар умумий таълимдан сўнг З йиллик академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқишлари ва маълум соҳалар бўйича билим, хунар ва касб эгаллаб, ишлаб чиқариш жараёни учун мутахассис бўлиб чиқишлари керак. Худди 17-18 ёшлик давр ўғил-қизларининг академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқиётган вақтига тўғри келади. Қизик, 17-18 ёшда турмушга чиқсан қизлар ҳомиладор ҳолда академик лицей ёки касб-хунар коллежи парталарида ўтириб билим оладиларми ёки фарзанд кўриш билан шуғулланадиларми?! Шунингдек, 17-18 ёшдагилар оила қуриш учун ҳам тайёр эмаслар, маълум касб-хунар эгаллашлари зарур. Мустақил ҳаёт кечириш учун тайёрланишлари керак.

Бунга яна бир асос шуки, ўн саккиз ёшга кирган йигитларнинг оилани боқиши учун қўлида бир ҳунари бўлмаса, бу ёшда у ўқиётган бўлса, у қандай қилиб оиласини боқади. Ҳаётда хотини-ю, болаларини ота-онаси боқаётган йигитлар кўп бўлса ҳам, аммо ўз оиласини ўзи мустақил боққани маъқул.

Мутахассисларнинг фикрича, мўътадил оналик даври 19 ёшдан бошланади. Биринчи бола она 19-26 ёшга тўлганда туғилса, мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт хulosаси шуки, қизлар фақат 18 ёшдан кейин турмушга чиқишлари лозим. Шундагина баркамол онадан соғлом бола туғилади.

Қонунда никоҳ ёшининг эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланиши бу ҳали мукаммал ёш фақат никоҳ тузиш учун бўлган хуқуқ. Неча ёшдан никоҳга ўтишликни уларнинг ўзлари ҳал қиласидилар. Никоҳ хуқукий муносабати табиий жараён бўлганлиги учун

янги қонун илгари амалда бўлган никоҳ ёшини, яъни эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёшни сақлаб қолди.

Оила кодексида фақат неча ёшдан бошлаб никоҳга кириш мумкинлиги белгиланган, аммо неча ёшдан бошлаб никоҳ тузиш мумкин эмаслиги белгиланмаган. Шунга кўра, никоҳдан ўтувчиларнинг ёшларидаги, катта фарқ никоҳ тузишга монелик қилмайди. Бизнинг мамлакатимизда никоҳдан ўтувчиларнинг ёшлари ўртасидаги катта фарқ камайиб бораётгани сезилмоқда¹

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ никоҳ муносабатида бўлган аёллар бола тарбиялаш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади, бундай ҳолда улар, гарчи вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) бўлсалар ҳам, қонун бўйича муомала лаёқатига тўлиқ эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига биноан, вояга етгунга қадар турмуш қурган шахс қонуний асосда никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати 18 ёшга тўлмасдан туриб никоҳдан ажralган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топганида вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб муомала лаёқатини тўла йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Амалдаги оила қонунларида белгиланган никоҳ ёшига риоя қилмасдан ғайриқонуний равишда никоҳ муносабатида бўлиш турли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай никоҳ ҳақиқий бўлмаган никоҳ деб топилиб, оила қонунларида белгиланган

¹ Труд, семья, быт советской женщины, М., 1990., 38-бет.

тегишли шахсий ва мулкий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Никоҳ тузишга монелик қиласидиган ҳолатлар:

А) Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолат никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи шарт деб ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилган қонуний никоҳда бўлиш никоҳга киришга монелик қиласидек, қонун билан тан олинадиган диний никоҳлар ҳамда 1944 йил 8 июль Фармони асосида суд томонидан тан олинган никоҳ муносабатлари ҳам бунга монелик қиласиди. Шунинг учун кейинги никоҳларни қайд этишда олдинги никоҳдан ажралганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилади.

Айримлар Қуръони Каримда эркакларга тўрттагача уйланишга рухсат берилган, деган гапни пеш қиласидар. Бу масалада уламо Мухторжон ҳожи Абдуллоҳ Бухорийнинг шарҳи диққатга сазовордир.

“Нисо” сурасининг учинчи оятида тўрт нафаргача уйланишга рухсат бера туриб, дарҳол орқасидан “агар улар ўртасида адолат ва тенгликни барқарор қилаолмаслиқдан кўрқсангиз, фақат битта хотин билан кифояланинг”, дейилади. Яна шу суранинг 129-оятида: “Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар”, деб Аллоҳ таоланинг ўзи гувоҳлик беради.

Демак, шариатда кўп хотинлиликка ҳеч қандай шарт-шароитсиз, тўғридан-тўғри рухсат берилган эмас. Кўп хотинлиликка қўйилган шартларни бажариш эса қийин. Зоро, бизнинг мамлакатда якка никоҳлилик қонун йўли билан қарор топдирилган.

Республикада ҳар бир фуқаро фақат якка никоҳда бўлиши мумкин. Якка никоҳлик тамойили бизнинг жамиятимизда мавжуд бўлган юксак ахлоқий қоидалардан келиб чиқади. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичдаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу қоиданинг бузилиши никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126-моддасида қуидагича белгиланган: "Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш-энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Б) Никоҳ тузишга:

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка оловчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида йўл қўйилмайди.

Оила кодексининг III бўлими "Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш" деб номланган (57-64-моддалар). У икки боб, (9-боб "Қариндошлик, қайнин-бўйинчилик ва қуда-андачилик", 10-боб "Болаларнинг насл-насабини белгилаш"), саккиз моддадан иборат. Бу бўлим оила қонунчилигига бутунлай янги бўлим бўлиб кирди. Унинг ўз олдига қўйган мақсади қон-қариндошлик оила ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келишига асос бўлгани учун ҳам қонунчилиқда ўз ечимини топиши лозим эди. Бу вазифа ҳам бажарилди. Ундан ташқари никоҳдан ўтишда уни ман этадиган ҳолатларидан бири никоҳ тузувчиларнинг қариндошлигидир. Унга

бундай деб ном беришдан мақсад қон-қариндошлиқка түғри илмий асосланған тушунча бериш лозим эди, чунки ҳозирга қадар бу масалада чалкашликтар мавжуд. Қонун бүйича кимларни қариндош деб атайды да улар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар қандай вужудга келади, деган масалалар ўз ечимини топди. Эндилиқда бу масала бүйича ҳам оила қонунчилигига аниқлик киритилди.

Яқин қон-қариндошлиқ ўз ичига түғри туташған, ёnlама, туғишиған да үгай қариндошлар, ақа-укалар билан опа-сингиллар тушунчаларини олади.

Түғри туташған қариндош бўлиб, бири бошқасидан дунёга келган шахслар, яъни бобо-ота-ўғил-невара-эвара-чевара-дуборалар тушунилади.

Ақа-ука ва опа-сингиллар ёnlама қарандош ҳисобланади. Умумий ота-онага эга бўлишлик тўла қариндош, ота бир, она бошқа ёки она бир ота бошқалар үгай қариндош деб тушунилади.

Болаларни эмизиш туфайли вужудга келган сут қариндошлар, яъни кўкалдошларнинг ҳам никоҳ тузишлари мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳақда меъёрий ҳужжатларда тегишли қоидалар берилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни қонун йўли билан тақиқлаш ахлоқий ҳамда биологик нуқтаи назарга, тиббиёт фани ютуқлари ва холосаларига асосланади.

Бошқа қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш қонун билан ман қилинмайди. Шунинг учун ён чизик бүйича қариндош бўлган, амакивачча, тоғавачча, ҳолаваччалар, аммаваччалар ва бошқа узоқ қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин. Аммо бу мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қариндошлиқ никоҳи туфайли одатда жисмоний ва ақлан носоғлом, яъни нимжон, касалманд, ақли заиф, кар-соқов,

ортиқ, қүшок, пакана ёки нұқсонли, майиб болалар туғилади. Улар үсишда тенгдошларидан орқада қоладилар. Бундай оиласардан күпинча юрак, буйрак хасталиги касаллигига йўлиққан бола туғилиши кузатилмоқда. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод шунча соғлом бўлади.

Амалдаги оила қонунчилигига ака-укалар ва опа-сингиллар фарзандларининг никоҳланиши тақиқланмаган, ваҳоланки, ҳозирги замон генетикаси ютуғи ва хулосаларига кўра, бундай никоҳ номақбулдир. Хўш, генетика нима? Ген-ирсият белгиларини наслдан-наслга ўтказувчи омилдир. Инсон аъзосининг ҳар бир белгисини, кўринишини ва хусусиятларини ген белгилайди. Ана шу генлар, бинобарин, барча хусусиятлар ота-онадан фарзандга ўтади. Бирор генning ўзгариши натижасида келиб чиқувчи ва наслдан-наслга ўтувчи касалликлар ирсий касаллик ҳисобланади. Касал ген келгуси авлодларнинг бирида шу хасталикнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларда бу хасталик генетик қонуниятлар асосида осонгина юзага чиқади. Бундан кўринадики, қариндош-урӯғлар никоҳидан хаста болалар туғилиши кўп бўлади.

Айни чоғда қариндошлар ўртасидаги никоҳ аҳолининг географик яшаш шароитига ҳам боғлиқ. Тоғли ва орол жойларда яшовчи, ташқи дунё билан алоқаси бирмунча чекланган ижтимоий групкаларнинг барини, шубҳасиз, қон-қариндош дейиш мумкин. Бу ердаги барча аҳоли ўз хоҳишидан қатъи назар, заруратдан келиб чиқкан ҳолда, қон-қариндошга айланган. Олиб борилган кузатишлар қон-қариндошлик никоҳининг келгуси авлодга таъсири оқибатларини тасдиқлади. Аввало, бундай никоҳдан туғилган болалар касалликка тез чалинади. Статистика маълумотларига кўра, АҚШда қон-қариндошлар никоҳидан

туғилган болаларнинг 22,5 фоизи, қариндош бўлмаганлар никоҳидан туғилган болаларнинг эса 16 фоизи нобуд бўлган.

Қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳ, ҳатто, фарзандсизликка ҳам олиб келмоқда. Булар ҳаммаси тиббиёт фанининг асосли хуносаларидир.

Академик К.Н.Бочковнинг фикрига кўра, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга чек қўйилса, аҳоли ўртасидаги касалга чалиниш анча қисқаради. Чунончи, баъзи ҳолларда, касалга чалинишни тенг ярмига камайтириш мумкин.

Умуман, қариндош-уруғлар никоҳи келгуси авлодлар саломатлигига путур етказиши шубҳасизdir.

Агар никоҳ тузишга монелик қиласидиган ҳолларга тўла риоя қилиниб, оила қурилса, у мустаҳкам бўлади, келажак авлод баркамоллигига, қолаверса, келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг соғломлигини таъминлашга катта ҳисса қўшилади.

Мусулмон ҳуқуқи бўйича, ҳар хил оилада туғилган болаларни бир она эмизиши туфайли сут қариндошлиги вужудга келади.

Туғруқхоналарда она-бола ётадиган алоҳида хоналар бўлишлиги лозим. Бошқа аёлдан туғилган болани эмизган аёл ўша болага иккинчи она ҳисобланади. Демак, гўдак бошқа онанинг сутини эмса, бу бола ўша сут берган аёлнинг фарзанди билан турмуш қуриши мумкин эмас. Бу ҳам ўз туғишиган укаси, ё синглиси билан турмуш қургандай бир гап. Ҳозир ҳам баъзилар эмизган аёлни туқсан онаси янглиф кўриб, уни ҳам “она” дейди. Қадимда сут эмишганлар аро акука, опа-сингиллик, яъни кўкалдошлиқ бўлиб, улар ўзаро турмуш қурмаганлар. Шунинг учун бундан буён ана шундай бошқа аёлнинг манзили, насл-насаби ўша сути кам онага расман ёзиб берилиши, унга таништириб қўйилиши шарт. Бу маънавий жиҳатдангина эмас, балки

келажак авлодимизнинг қон мусаффолигига эришиш учун ҳам жуда зарур. Бинобарин, миллий қадриятларимизни тиклаб, меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш киритиб, бир онани эмган болалар ўртасида вужудга келган кўкалдошлиқ туфайли ҳам уларнинг бир-бири билан никоҳдан ўтишлари ман этадиган қоида киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, бу ҳолат ислом шариатида ҳам қайд этилган.

Фарзандликка олиш муносабатлари ҳам тўғри туташган қариндошликка тенглаштирилади. Оила кодексининг 16-моддасига биноан фарзандликка оловчилар билан фарзандликка олинганлар ҳамда уларнинг авлодлари бир-бирлари билан никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга эмаслар. Чунки фарзандликка оловчи шахс ота-онанинг ўрнини босади, агар улар ўртасида бошқача туйғу ва муносабат бўлса, у фарзандликка олиш ва ахлоқ табиатига зид бўлиб чиқади.

Маълумки, ҳар хил оилаларда, ҳар-хил миллат вакилларидан туғилган турли жинсдаги бир қанча болалар фарзандликка олиниши мумкин. Улар бир оиласида ака-ука ёки опа-сингил бўлиб ўсадилар. Аммо балогатга етганларидан сўнг ўзаро никоҳдан ўтишлари мумкинми ёки йўқми, деган савол туғилади. Бу масалага амалдаги қонун тегишли жавоб бермайди, чунки улар ўртасида қон-қариндошлиқ муносабати йўқ. Шунинг учун улар никоҳдан ўтишлари мумкин. Ҳаётда бундай мисоллар талайгина. Кўпгина болларни ўз бағрига олиб тарбиялаган оилалар бор. Жумладан, рус, ўзбек, қозоқ, қирғиз, яхудий, татар, малдаван ва бошқа миллатларнинг 15 боласини ўз бағрига олиб, уларнинг бир-бирига дўст, меҳрибон, ака-уқадек қилиб ўстирган оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акромованинг оиласини келтириш мумкин. Улар оиласида ака-ука, опа-сингилдек ўсадилар. Кейинчалик уларнинг

айримлари никоҳ тузиб, оила ҳам қурдилар. Бу ахлоқий нуқтани назардан мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, агар мободо оила бузулиб қолса, катта бир оиласа зарар келтиради. Биологик нуқтани назардан уларнинг никоҳга ўтишлари наслга ҳеч қандай таъсир қўрсатмайди. Аммо бир хил ижтимоий маънавий шароитда ака-ука ва опа-сингил бўлиб ўсганлар, бинобарин, уларнинг ўзаро никоҳдан ўтишлари ахлоқ ва тарбия нуқтани назардан мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун меъёрий ҳужжатларда тегишли қоидаларни белгилаб, фарзандликка олингандарнинг ўзаро никоҳдан ўтишлари тақиқланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

В) Лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди (Оила кодексининг 16-моддаси). Чунки бундай шахслар ўз ҳаракатларининг оқибатига тўла жавоб бера олмайдилар ва никоҳ тузишга онгли равишда ўз хоҳишиларини изҳор эта олмайдилар. Бу қоида никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва ўз хоҳишига кўра никоҳ тузиш тамойилидан келиб чиқади. Амалдаги қонунчиликда бундай тартибининг белгиланиши келажак авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида давлат ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Шахсни руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза топширгандан сўнг, никоҳни қайд этиш муддатигача юз берган бўлса ҳам, никоҳга ўтишга монелик қиласди.

Агар никоҳ қайд этилгандан сўнг эр хотиндан бири белгиланган тартибда муоамалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилмайди. Аммо бу ҳолат никоҳни маъмурий тартибда

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида никоҳдан ажралиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 230-моддасига биноан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига атайин ёлғон маълумотлар бериш ёки тегишли органларга қонун хужжатларида назарда тутилган фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик - фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Г) Оила кодексига янгилик сифатида "Никоҳланувчи шахсларни таббий кўриқдан ўтказиш" (17-модда) қоидаси кириб келди. Унда эътироф этилишича, "Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади"¹.

4-§. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари

Никоҳни қайд этишга ҳуқуқи бўлган ҳар бир давлат органи, туман ҳокимияти бўлими, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи, никоҳ саройлари, баҳт уйлари, қишлоқ (овул) ва посёлка кенгашининг ижроия ҳокимиятида қайд этилган ҳар бир никоҳ қонуний тузилган никоҳ ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2002 йил 13 декабрдаги таҳририда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда.

Оила кодексида белгиланган шартларнинг бузилиши суд томонидан ушбу никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

Оила кодексининг 49-моддасига кўра, Кодекс 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда (яъни, никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги, белгиланган никоҳ ёши бузилганда, никоҳ тузишга монелик қиласидаги ҳолатлар рўй берганда), сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади. Бундан ташқари, никоҳ қуйидаги ҳолатлар бўйича ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

- а) якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши;
- б) никоҳ насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилган бўлса;
- в) муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳ;
- г) никоҳга ўтиш вақтида оила қуриш мақсадининг сохталиги;
- д) фарзандликка олган билан фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган никоҳ.

Айрим ҳолатларда оила қонунларининг бир қанча шартларини бузиб ҳам тузилиши мумкин, бундай ҳолларда у ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, фуқаро олдинги никоҳдан ажрашмасдан туриб, вояга етмаган шахс билан никоҳдан ўтган ҳоллар фикримизнинг далилидир.

А) Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги бузилиши. Никоҳ уни тузувчи ҳар бир томоннинг эркин, ўзаро розилиги асосида тузилиши лозим. Розилик ўзга (ота-она, қон-қариндош, мансабдор шахс)ларни мажбур этиши ёки алдаши оқибатида берилган бўлса, ихтиёрийлик тамойили бузилгани учун, бундай никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.¹

Юқорида кўрсатилганидек, никоҳ тузишка никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги йўқлиги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Бунда фуқаро (кўпинча аёллар) қўрқитиш ёки зўрлаш (мажбуrlаш), алдаш туфайли никоҳдан ўтган бўлади. Фуқаронинг эркига ва онгига қонунсиз таъсир этиш натижасида у никоҳга ўтишга мажбур бўлади, аммо ҳақиқатда эса у буни мутлақо хоҳламайди. Натижада никоҳ тузилишининг асоси ҳисобланган ўзаро хоҳиш ва розилик тамойили бузилган бўлади. Кўрсатилган асос бўйича бундай никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қўрқитиш учинчи шахс ҳамда мансабдор шахс томонидан ҳам бўлиши мумкин. Шунингден, Республика Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги қарорида кўрсатилишича: “Агар никоҳга кирувчининг никоҳни қайд этиш вақтида ўз ҳаракатларининг моҳиятини тушунмаганлиги ва уларни идора қила олмаганлиги, шу сабабли никоҳга киришга ҳақиқий розилигини ифода эта олмаганлиги аниқланса ҳам никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин”.²

Республикада хотин-қизларни турмушга чиқишига мажбур этиш ёки, аксинча, ўзи хоҳлаган шахсга турмушга чиқишига тўсқинлик қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда.

¹ ЎзССР Никоҳ ва оила кодексига шарҳлар. Т., “Ўзбекистон” 1975, 67-68-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998.-Т.: «Шарқ», 1999, 146-бет.

Эски тузумдан қолган маҳаллий жойларда шундай ҳолатларга қарши курашиш учун махсус қонунларда тегишли қоидалар белгиланган. Бундай ҳолатлар никоҳга ўтишнинг ўзаро розилик шартини бузишга қаратилган ҳаракат деб тушунилади.

Аёлни эрга тегишга мажбур этиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш жиноят ҳисобланади.

Адашиш ва алдаш ҳам никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин. Бироқ бундай ҳолатлар зўрликка нисбатан камроқ учрайди. Бу мақсад йўлида куёв ёки келиннинг шахсий сифатларига тегишли бўлган ҳолатлар бўйича адашиш, хусусан, уларнинг характеристи, соғлиғи, маълумоти, хизмати, мулкий, оиласвий ҳолатлари юзасидан бепарволик оқибатида йўл қўйган хатоси ёки алдаш билан боғлиқ бўлса ҳам, унинг аҳамияти бўлмайди. Муҳим томони шундаки, янгилишиш никоҳнинг ўзи бўйича бўлмай, балки никоҳ тузишнинг сабаби бўйича бўлади. Масалан, куёв келиннинг кўз ўнгида ўз мавқеини кўтариш учун ўзини катта мутахассис сифатида кўрсатиши фикримизга асос бўлади.

Б) Никоҳ ёшига қўйилган шартнинг бузилиши.

Оила кодексининг 51-моддасига биноан никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг ота-онаси ёки ҳомийси, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир.

Эр-хотиндан бири никоҳ ёшига етмаганлиги туфайли никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш, агар эр-хотин (улардан бири)

иш судда кўрилаётган пайтда никоҳ ёшига етмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади.

Иш судда ҳал қилиниш пайтигача эр ёки хотин никоҳ ёшига етган бўлса, никоҳ фақат унинг талаби билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳ ёши шарти кўпинча фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи хизматчилари ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ёки никоҳ тузувчиларнинг ўзи томонидан ёши тўғрисида қалбаки ҳужжат берилиши натижасида бузилади.

Никоҳ ёшига тўлмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳамма вақт ҳам суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилмайди. Ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳоллардагина суд бундай никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

В) Якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши ҳам ушбу никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин. Бундай асос суд амалиётида бошқа асосларга қараганда кўп учрайди. Баъзи маълумотларга кўра, ҳақиқий эмас деб топилган никоҳлар ичida 97-98 фоизини якка никоҳлилик тамойилига риоя этилмаган ҳолларда юзага келган ишлар ташкил этади. Фақат якка никоҳда бўлиш, ахлоқ-одоб нормалари талабларига риоя қилиниши ҳар томонлама мустаҳкам оила қуриш имконини беради. Оилавий қонунлар никоҳланувчилардан ҳар бирининг фақат якка никоҳда бўлиб, бошқа никоҳда бўлмаслигини талаб этади. Бу талаб жамиятдаги ахлоқ-одоб, шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси ғояларидан келиб чиқади. Шунинг учун бу ахлоқий қоида қонун даражасига кўтарилиб, амалдаги қонунлардан тегишли ўрин олган.

Якка никоҳлилик тамойили бузиб тузилган никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза биринчи никоҳдан ажратилмаган

эр ёки хотин, шунингдек, иккинчи никоҳдаги томонлардан бирининг талабига асосан кўриб чиқилади. Ҳақиқий бўлмаган никоҳда бўлган шахснинг ўлимидан сўнг судга даъво билан мазкур шахснинг ворислари (вафот этганинг биринчи никоҳдаги фарзандлари, унинг ака-укалари, опа-сингиллари, ота-оналари ва бошқалар), шунингдек, ўлган шахснинг никоҳини ҳақиқий эмас, деб топишдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар (молия, ижтимоий таъминот органлари) мурожаат этиши мумкин. Чунки никоҳда бўлган шахс, агар у ҳақиқий никоҳда бўлса, ўзига пенсия тайинлашни ёки уй-жойга бўлган ҳуқуқини белгилашни талаб қилиши мумкин.

Якка никоҳлилик тамойилини тўла ва ҳар томонлама таъминлаш мақсадида оила қонунларида бир қатор қоидалар белгиланган. Илгари никоҳда бўлган шахслар қонуний кучга кирган никоҳдан ажралиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қароридан нусха ёки никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини кўрсатган ҳолдагина янги никоҳни қайд этишлари мумкин;

Г) Никоҳ насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилган бўлса ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Оила қонунлари билан ман этилган яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилса, у ҳақиқий эмас деб топилади. Бундай асос билан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд амалиётида жуда кам учрайди. Буни тасдиқлайдиган ҳолат қонунда никоҳ тузиш учун жуда чекланган қариндошлиқ босқичини белгилайди. Умуман ҳар хил босқичдаги қуда-андачилик эса никоҳ тузиш учун тўсиқ бўлмайди.

Д) Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Никоҳ тузувчилар руҳан соғлом, мумомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 30-моддасига биноан руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда мумомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Мумомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади.

Бундай руҳий ҳолат никоҳдан ўтувчида ҳуқуқий расмийлашувига қадар бўлиши лозим. Агар бундай ҳолат никоҳда турувчиларда никоҳ даврида рўй берса, бу ҳол никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос эмас, балки никоҳдан ажралиш учун асос бўлиб, никоҳ маъмурий тартибда ажратилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тажрибасида шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, баъзан никоҳдан ўтувчилардан бирининг тўла мумомала лаёқатига эга эмаслиги тўғрисида гумон қилиниб, уни мумомалага лаёқатсиз деб тан олганлик тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори ва, шунингдек, бу шахсга васий ёки ҳомий тайинланганлиги тўғрисида ижроия ҳокимиятнинг қарори бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органи ходимлари ўзларининг гумонлари тўғрисида суд органларига хабар беришлари (уларни бу ҳолдан огоҳ этишлари ва мумомалага лаёқатсиз эканлигини белгилаш ҳамда никоҳни қайд этишни тўхтатиб туришлари мумкин), бу ҳаракат жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши, асосли бўлмаган шубҳа билан

никоҳ тузувчи ҳар икки шахс ҳам маънавий изтироб чекмасликлари лозим.

Никоҳга кирувчилардан бири руҳий касал ёки ақли заиф бўлган ҳолда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилмаган бўлса, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида манфаатдор шахслар даъво қилишлари мумкин.

Е) Никоҳдан ўтиш вақтида оила қуриш мақсадининг бўлмаслиги, яъни сохта никоҳ, ҳақиқий бўлмаган никоҳ деб топилади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг таърифи бўйича, сохта никоҳ қандайдир моддий манфаатларни, яъни уй-жойли бўлиш (прописка қилиш) ва бошқаларни мақсад қилиб тузилади.

Хорижий мамлакатларга бориб ишлаш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам қалбаки никоҳлар ҳақидаги гувоҳномаларни қўллаш учрамоқда. Агар мутахассис уйланмаган бўлса, узоқ муддатга, яъни бир неча йилга хорижий мамлакатларга бориб ишлаш имкониятига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам у чет мамлакатда ишлаб топган даромадининг 20-25 фоизини ҳақиқий бўлмаган никоҳга кирган аёлга юбориш шарти билан никоҳ битими тузади.

Сохта никоҳ тузиш жамиятдаги мавжуд ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келмайдиган ҳаракат эканлиги шубҳасиз. Сохта никоҳни ахлоқсиз ҳаракат деб ҳисоблаб, уни юридик жиҳатдан тан олмаслик қоида билан мустаҳкамлаган.

Агар иш судда кўрилгунга қадар сохта никоҳ тузган шахслар амалда оила қурсалар, у ҳолда бу никоҳ ҳақиқий эмас деб ҳисобланмайди.

Ж) Фарзандликка олган билан фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Фарзандликка олган билан фарзандликка олинган ўртасида никоҳ тузишни ман этиш ахлоқ-одоб қоидаларидан келиб чиқади. Чунки улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқиши бўйича ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга тенглаштирилади.

Фарзандликка олиш, агар бола амалдаги қонунларда белгиланган ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармаслик мақсадида (сохта фарзандликка олиш) ёки қонунда белгиланган шартларни бузиб фарзандликка олинган бўлса, у ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Фарзандликка олинган болалар ўзаро никоҳга ўтишлари мумкинми, деган саволга янги қонун рад жавобини беради. Демак, улар ўзаро никоҳга ўтишлари мумкин. Аммо ахлоқ-одоб қоидалири юзасидан қараганда, улар ўзаро никоҳга ўтишлари мақсадга мувофиқ эмас, чунки улар оилада ака-сингил бўлиб ўсадилар. Шунинг учун улар ўртасидаги никоҳни ман этиш лозим. Бу ҳақда янги Оила кодексида тегишли қоида берилмади, эндиликда бу ҳолатни тўлдириб, мъёрий ҳужжатларда тегишли қоида берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

3) Никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг орттирилган иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Бу қоида қонунчиликда янгилик ҳисобланади. Ўзида таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги борлигини бошқасидан яширган вақтда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш масаласи бу касал кимдан яширилган бўлса, ўшанинг ташаббуси билангина кўрилади. Бу билан

давлат, биринчидан, касалликнинг олдини олиб, бошқасини касалликдан сақлаб қолиш, иккинчидан, оила вазифасини бажара олмайдиган шахс пайдо бўлишининг олдини олиш, учинчидан, келажак авлодни хавфдан сақлаш мақсадини қўяди.

5-§. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ва унинг оқибатлари

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибida амалга оширилади. Бундай муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди.

Амалдаги қонунлар ҳар бир ишнинг аниқ мазмuni ва бузилган шарт, монелик қиладиган ҳолларнинг характеристига қараб даъво қилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони шахсий ёки жамоат манфаати бўлган шахс қилиши мумкин. Улар доирасига никоҳ тузилиши туфайли хуқуқи бузилган эр ёки хотин, никоҳланувчиларнинг ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор киради.

Келтирилган асосларга кўра ҳақиқий саналмаган ҳар бир никоҳда аниқ ҳолатда бу тўғрида даъво қилувчи шахслар доираси белгиланади.

Никоҳ тузиш туфайли ўзаро розилик шартининг бузилиши натижасида мажбур этилган аёлнинг шахсий манфаати бузилади. Шунинг учун мажбуrlаш кимга нисбатан қўлланилган бўлса, бу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин. Аммо, ушбу ҳолатда жамоат манфаати бузилганлиги учун даъво прокурор томонидаги ҳам қилиниши мумкин. Никоҳ тузган аёл никоҳ ёшига етган бўлса, унинг ўзи, ота-онаси ёки васий (ҳомий) ва

прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Сохта никоҳ тузилганда, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида прокурор ёки эр-хотиндан бири даъво қилиши, оила қуришни мақсад қилмай никоҳга ўтилган ҳолатда эса алданган томон никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Руҳий касал ёки ақли заиф шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони муомалага лаёқатсиз шахснинг ота-онаси, васийлик ва ҳомийлик органи ёки пракурор қилиши мумкин. Чунки уларга муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Амалдаги қонунларга асосан, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўрилади.

Фарзандликка олинганларнинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилишга йўл қўйилади.

Оила кодексининг 155-моддасига биноан ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича кўриладиган иш никоҳдан ажралишдан ишнинг кўрилиши тартиби бўйича ҳам фарқ қиласи.

Юқорида айтилганидек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ҳал қилинса, никоҳдан ажралиш эса суд ва маъмурий тартибда ҳам ҳал қилинади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида эр-хотинларнинг ўзлари (ёки улардан бирортаси), шунингдек бундан манфатдор бўлган шахслар бир қатор асосларга кўра (биринчи никоҳдаги эр-хотиндан биттаси ёки унинг номидан прокурор ва васийлик органи) даъво қилиши мумкин.

Бу белги билан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш никоҳдан ажралишдан фарқ қиласди, чунки никоҳдан ажралиш ҳақида иш фақат эр-хотинларнинг ёки улардан бирининг ташаббуси билан қўзғатилади. Бундан ташқари никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш эр-хотиннинг тириклик вақтида ҳамда (никоҳдан ажралишдан фарқ қилиб) уларнинг ўлимидан сўнг (айниқса, агар даъвонинг мақсади мерос ёки пенсия олиш бўлса) йўл қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига юборилади.

Никоҳни тузишдаги амалдаги оила қонунчилигига белгиланган шартлар бузилган ва монелик қиладиган ҳолатларга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ажралиш йўли билан тугатилгандан кейин ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Чунки ҳақиқий бўлмаган никоҳ оқибатлари ажралиш йўли билан тугатилган никоҳ оқибатларидан бир қатар масалаларда фарқ қиласди. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда унинг кучи тугалланади, деб айтиш тўғри бўлмайди. Бу ибора давлат томонидан тан олинган ҳуқуқ билан тартибга солинган никоҳ иттифоқига нисбатан ўринлидир. Ҳақиқий бўлмаган никоҳ қонунни

бузиг тузилган никоҳ ҳисобланиб, унинг натижасида бир қатор ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Амалдаги қонунлар никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг аниқ ҳуқуқий оқибатларини белгилайди.

Оила кодексининг 55-моддасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибати шахсий ва мулкий ҳуқуқлардан иборат бўлади.

Инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтда танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Шундай қилиб, вужудга келган баъзи бир мулкий муносабатлар эр ёки хотиндан бири инсофли бўлганда у тўла бекор қилинмай, фақат ўзининг икки тарафлама мажбур этувчи характеристини йўқотади. Улар инсофли эр ёки хотиннинг ҳуқуқи бўлиб қолиб, айборда эса мажбурият бўлиб қолади.

Оила кодекси 56-моддасининг 3-бандига биноан никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичидага туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Ҳақиқий бўлмаган никоҳнинг вужудга келмаган никоҳдан фарқини билмоқ лозим.

Никоҳ тузиш учун белгиланган тартиб бузилиб, никоҳ қайд этилса, бундай никоҳ вужудга келмаган никоҳ ҳисобланади ҳамда унинг вужудга келмаганилиги ва ҳақиқий эмаслиги суд томонидан

белгиланади. Ариза берилгандан сүнг бир ойлик муддатга риоя қиласлик, никоҳни расмийлаштириш ҳуқуки бўлмаган шахс томонидан никоҳни расмийлаштириш ва бошқалар. У тузилган вақтидан бошлаб никоҳ тузувчиларда ҳеч қандай ҳуқук ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Масалан, никоҳ тузувчи эр хотиндан биттасининг иштирокисиз, ариза бергандан сүнг бир ойлик муддатга риоя қиласлик, никоҳни расмийлаштиришга ҳуқуки бўлмаган шахс томонидан никоҳни қайд этиш ва бошқалар.

VII Мавзу. Эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга

келиши

Эр-хотин ўртасидаги муносабат қанчалик барқарор бўлса, оила ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади, болаларни тарбиялаш иши тўғри олиб борилади. Бинобарин, мамлакатимизда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни қуришга ўтиш даврида никоҳ муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти тобора ошиб бораётгани табиийдир.

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб никоҳ тузувчилар эр-хотин ҳисобланадилар ва шу пайтдан бошлаб улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Энди улар ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб қоидалари билангина эмас, балки қонунлар, ҳуқуқий қоидалар билан ҳам тартибга солинади. Бунда хотин-қизлар сиёсий масалаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлганларидек, оиласида ҳам барча шахсий ва мулкий масалаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва баб-баравар мажбуриятларга эгадирлар. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Эр-хотиннинг қайд этилган никоҳи натижасида вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлари икки хил-шахсий ва мулкий бўлади. Шахсий ҳуқуқларнинг кўпи эр-хотиннинг никоҳ туфайли юзага келадиган ҳуқуқи каби, никоҳга ўтгунга қадар ҳам уларга тегишли бўлади. Масалан, фамилия танлаш ҳуқуқи, болалар тарбияси ва оила-турмуш масалаларини ҳал қилиш, машғулот тури, касб ва тураг жой танлаш ҳуқуқлари шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларда уларнинг меҳнат ва фуқаролик ҳуқуқи муюмала

лаёқатининг элементи бўлиб, оила ҳуқуқи соҳасига кирмайди. Никоҳ қайд этилган пайтдан бошлаб шахсий ҳуқуқлар эр ва хотиндан ҳар бирининг субъектив оила ҳуқуқини ташкил этади ҳамда фақат оилавий-ҳуқуқий муносабатда намоён бўлади. Демак, у, фақат шу маънода оилага оид қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинади. Эр хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар фақат оила ҳуқуқи билангина эмас, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ҳам тартибга солинади.

Фуқароларнинг шаъни ва қадр қиммати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 20-моддасига мувофиқ қўриқланади.

Оилавий муносабатларда эр хотиннинг шахсий ҳуқуқлари мулкий ҳуқуқларига нисбатан устувор аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳажми, мазмuni, характеристери эр ва хотиннинг оилавий ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини белгилаб беради.

2-§. Оилада эр ва хотиннинг teng ҳуқуқлилиги

Бизнинг жамиятимизда улар аёл билан эркакнинг оилавий муносабатларда teng ҳуқуқлилиги белгиланган. Бу тамойил тўла амалга оширилади ва моддий таъминланган. Эр хотин мулкий ҳуқуқقا тегишли бўлмаган шахсий ҳуқуқларига оид барча масалаларни биргаликда ҳал қиласидар. Улар оилада ҳамма шахсий ҳуқуқларда tengдирлар.

Амалдаги қонунлар турмушга чиқсан аёлни муомала лаёқатида ҳеч қандай чекламайди, уни эрига бўйсундириб, қарам қилиб ҳам қўймайди. Барча ҳуқуқий муносабатларда эр хотин ҳуқуқнинг teng субъекти ҳисобланиб, уларга баб-баравар ҳуқуқлар берилади ва тегишли мажбуриятлар ҳам юкланади. Ўзбекистонда эр ва хотин расмий жиҳатдангина эмас, балки оилада ҳам teng ҳуқуқقا эгадир.

Оила ҳуқуқига асосан эр хотин умумий хўжалик ишларини биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида олиб борадилар. Улар бир-бирларига маънавий ёрдам бериб, кўмақдош бўлиб яшайдилар, ҳамма масалаларни бамаслаҳат ҳал қиласидилар. Бироқ эр хотиндан бирининг шахсий ҳуқуқини амалга оширишга мунтазам ҳалақит бериш (масалан, эрнинг ёки хотиннинг машғулот тури, касб танлашига ҳалал етказиш), шахсий ҳуқуқларни амалга оширишни суистеъмол қилиш, оила манфаатларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар никоҳдан ажралишга олиб келиши мумкин.

3-§. Эр ва хотиннинг фамилияси

Фамилия танлаш ҳуқуқи эр хотиннинг муҳим шахсий ҳуқуқларидан ҳисобланади.

Оила кодексининг 20-моддасига биноан, "Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади.

Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди".

Кейинчалик фамилияни ўзгартиришга фақат умумий асосларда, қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Агар никоҳни рўйхатдан ўтказиш вақтида никоҳга ўтувчилар ўзларининг никоҳга қадар бўлган фамилияларида қолган бўлсалар, кейинчалик эса улар эри ёки хотиннинг фамилиясига ўтишни хоҳласалар, бу масала қонунда белгиланган тартибда - фуқароларнинг фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш тартибида ҳал қилинади¹.

¹ "Халқ сўзи", 1991 йил 16 июль.

Никоҳга ўтувчиларга уларнинг фамилия танлаш ҳуқуқларини тушунтириб бериш никоҳни қайд этувчи мансабдор шахснинг мажбурияти ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибиға кирган давлатлар қонунчилик тажрибасида эр-хотинлар қўш фамилияда, яъни эр ва хотиннинг фамилиясида бўлиши ҳам бор. Бироқ қўш фамилия унча тушунарли бўлмаганлиги ва ноқулайлиги, бундай фамилияни, айниқса туғилиш, никоҳ, ўлимни қайд этиш вақтида ёзиш қийинлиги, бунинг устига қўш фамилия оммалашмаганлигини ҳисобга олиб, бу тажрибадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас деган фикрга келинди¹.

Демак, Республика ҳудудида никоҳни қайд этувчи фуқаролар эр-хотиннинг қўш фамилиясини умумий фамилия қилиб танлаб олмайдилар, чунки, амалдаги қонунда бундай қоида мавжуд эмас.

4-§. Эр ва хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилиши

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр-хотин томонидан биргаликда ҳал қилинади. Эр-хотин никоҳдан ўтар экан, оила қувончи ва ташвишларини бирга тортишга, ва оила баҳт-саодати учун биргаликда меҳнат қилишга аҳдлашадилар.

Эр-хотин ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдир. Оилавий турмушнинг ҳамма масалалари, - умуман, оила манфаатлари ва, айниқса, вояга етмаган болалар манфаатларини назарга олган ҳолда, эр-хотин томонидан ўзаро розилик асосида биргаликда ҳал этилади.

¹ Мұхамедов Р. Оиласда эр-хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари., Т., 1975., 97-бет.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳомиладор аёл ҳамда касал эр ёки хотиннинг манфаатларини қўриқлаш ва таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Болалар тарбияси ва оиласидаги турмушнинг айрим масалалари ҳал қилишда розилик бўлмаса, эр-хотиндан ҳар бири ёки уларнинг иккаласи биргаликда вужудга келган низони ҳал қилиш учун тегишли давлат органига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Вужудга келган низонинг қайси орган томонидан ҳал қилиниши қонунда белгиланган. Низонинг характеристига қараб, бундай органлар таркибига суд, васийлик ва ҳомийлик органи киради.

Эр-хотин ўртасида болалар тарбиясига оид низолар, болаларга фамилия ёки исм бериш масаласидаги келишмовчилик васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал қилинади.

Республика судлари ота-оналар ўртасидаги болаларга доир низоларни тўғри ҳал қилишга амалдаги оила қонунлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 1998 йил 11 сентябрда чиқарган “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғисида”ги 23-сонли қарори¹ дастурий кўргазмасига асосланиши лозим. Бу ҳужжат болаларнинг тарбияси билан боғлиқ низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилишини, ота-оналар ва болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялашдаги масъулиятлари оширилишини таъминлашга имконият туғдиради, ота-оналарнинг болалари манфаатларига зид келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан фойдаланишларига барҳам беради, вояга етмаганларнинг қонун-бузарликлари олдини олиш чораларидан ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. Т.: «Шарқ», 1999., 110-127-бетлар.

5-§. Эр ва хотиннинг машғулот тури, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқлари

“Эр-ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эрклидир”.

Оила кодексининг 22-моддасида белгилаб қўйилган мазкур қоида эр-хотиннинг биргаликда оилавий масалаларни ҳал қилишдаги ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Оилада машғулот тури, касб танлаш масалалари келишилган ҳолда ҳал қилинади. Аммо бу масалаларни үзил-кесил ҳал қилиш ҳуқуки эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлади.

Эр-хотин ўртасидаги, улардан бирининг ҳуқуки ва шаънини камситадиган хатти-ҳаракатлар ҳуқукий аҳамиятга эга бўлмайди. Эр-хотиндан ҳар бири қизиқиши, хислати, ижодий қобилияти, жисмоний ривожланишига қараб, ўзига мос келадиган фаолият турини танлайди. Эр ёки хотин танлаган касб уни қаноатлантириб, оила таъминоти учун маблағ топишга хизмат қилиши лозим. Эр-хотиндан бирининг текинхўрлик билан кун кечириши, оиланинг моддий таъминотида ўз меҳнати билан иштирок этмаслиги ҳам никоҳдан ажралиш учун асос бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг эркин касб танлаш ҳуқуки қонун билан мустаҳкамланган. Бу эр-хотин ўз касби масалаларини (ўқув юртида ва курсларда ўқиши, тўғаракларда иштирок этиши ва бошқалар) мустақил равишда ҳал қилишни англатади. Бу масалалар вояга етмаган болалар манфаатларини ҳисобга олиб ҳал қилинади.

Эр-хотиннинг бирга яшashi болаларни тарбиялаш, мустаҳкам оила қуриш учун асос бўлиб хизмат қилади. Қонун ҳар бир эр-хотинга қаерда яшашни эркин ҳал қилиш ҳуқуқини бериб, бир йўла уларни

рағбатлантиради. Қонунчилик бундай мақсадларга құмаклашиб, улардан бирортаси асосий иш жойидан күчадиган бўлса, йўл пули тўлаш, ўқув юртини тамомлаган мутахассисларни ишга тақсимлашда уларни яшаб турган жойида ишда қолдириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

Никоҳда бўлиш асло эр-хотиннинг бирга туриш мажбуриятини вужудга келтирмайди. Ундан ташқари, эр-хотиндан бирортасининг, иккинчи томон учун ҳам, - агар у бунга рози бўлмаса, - шундай ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирмайди.

Эр-хотиннинг турар жойига қараб, уларнинг вояга етмаган фарзандлари турар жойлари белгиланади.

VIII Мавзу. Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Эр ва хотиннинг умумий мулки

Эр ва хотиннинг оиласи муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги ва баб-баравар мажбуриятларга эга эканлиги мулкий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига иқтисодий мазмундаги масалалар киради. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотиннинг ҳар бирини алоҳида хусусий мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро моддий таъминотдаги алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлиши, унинг бозор иқтисодига ўтиши, тадбиркорлик фаолиятига кенг ўрин берилиши бу масалада ҳам амалдаги оила қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритилишини тақозо этди. Чунки қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши лозим.

Оила кодексининг 23-моддасига биноан "Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек маҳсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб

бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзфор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган такдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан teng ҳуқуқقا эга бўлади”.

Эр-хотиндан ҳар бирининг совға сифатида никоҳ тузишдан кейин олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан ёки тўйдан кейин олган совғалари, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулки таркибиға киради.

Никоҳни тегишли тартибда қайд эттирмасдан туриб эр-хотин бўлиб яшаш уларнинг мулкини биргалиқдаги умумий мулк деб топиш учун асос бўлмайди.

Никоҳни қайд эттирмаган ҳолда бир оила бўлиб яшаган шахсларнинг мулкий муносабатлари фуқаролик қонунлари нормалари билан тартибга солинади.

1944 йил 8 июлга қадар эр хотин бўлиб яшаганларнинг орттирган мулкларига нисбатан бўлган муносабатлар бу қоидадан мустаснодир.

Эр хотиннинг текинга олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан олган совғалар (тўйдан кейин ўтказиладиган маросимлардан олган совғалари), агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркибиға киради.

Агар эр хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган мулкига никоҳлари давомида шу мулкнинг қийматидан анча ошиқ маблағ сарфланганлиги (қайта таъмирлаш, қўшимча қурилиш қилиш, қайта ўзгартириш ва ҳ.к.) аниқланса, бу мулк эр хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкини бўлиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Эр ва хотиннинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш фақат унинг мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда

қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сон қарорида¹ кўрсатишича, “Эр ва хотиннинг умумий мол-мulkини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мulkдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болаларнинг манфаатини ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга сазовор манфаатларини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга қўра даромад олмаган бўлса ёки эр ва хотиннинг умумий мол-мulkини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мulkидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир”.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 210-моддасига мувофиқ, суд мол-мulkни натура тарзида ундириш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қарорида, агар ҳал қилув қарорини ижро этиш вақтида мазкур мулк нақд бўлмаса, жавобгардан ундириб олиниши лозим бўлган мулк қийматини кўрсатади.

2-§. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг хусусий мулки

Оила кодексининг 25-моддасига мувофиқ эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мulkи, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мulkи улардан ҳар бирининг ўзининг хусусий мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мulkи ёки эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мulkнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998., Т.: «Шарқ», 1999. 142-бет.

қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин”.

Эр ёки хотиндан фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк ҳисобланади.

Хусусий мулкка қўйидагилар киради:

эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзларига тегишли бўлган мулки (масалан: уй, уй жиҳозлари, омонат кассасига қўйилган пул, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар);

никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари;

тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно);

эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (масалан, олтин соат, мотоцикл, машина ва бошқалар);

эр-хотиннинг никоҳ тузишга қадар олган ҳадялари (келиннинг сепи ва ҳоказолар), бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишдан қатъи назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки таркибиغا кирмайди;

эр-хотиннинг бирига никоҳга қадар тегишли бўлган ёки у никоҳ давомида ҳадя ёхуд мерос тарзида олган кўчмас мол-мулк, жумладан, уй-жой никоҳ давомида эр-хотиндан бирининг ёки иккаласининг маблағлари ҳисобига капитал равишда таъмиранганлиги ёки қайта қурилганлиги суд томонидан аниқланган тақдирдагина эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб ҳисобланиши мумкин.

3-§. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда аввало эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулк белгилаб олинади. Кейинчалик эса умумий мулқдан қайсилари эр-хотиндан қайси бирига тегишли эканлиги аниқланади. Шундай ҳолларда, улар ўртасида мулк teng ҳиссада бўлинса, эр-хотиндан биттасига қиммати бошқасига тегишли бўлган мулқдан ошиқроқ ашё берилса, иккинчи томонга фарқи доирасида тегишли пул суммаси берилиши лозим. Қонун судни масалани бундай асосда ҳал қилишга мажбур этмайди. Пул суммасини ундириб бериш масаласини кўраётганда суд ишнинг аниқ шароитига қараб (эр-хотин ҳар бирининг моддий ва бошқа оиласиий ҳолатларини инобатга олиб) ҳал қиласди. Бундай ҳолатда эр-хотиндан биттасига биргалиқдаги умумий мулк таркибиға кирган уйнинг қисми учун пул тўлаш белгиланса, у эгаллаган хонани бўшатиб бериши лозим.

Мулқдор ўз мулкига нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқларига эга. Агар эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулки никоҳдан ажralиш вақтида бўлинмаган бўлса, бунда эр-хотиндан бири амалда фақат мулкка нисбатан эгалиқдан маҳрум бўлмасдан, ундан фойдалана олмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, ажralиш эр-хотинларга ёки улардан бирига уларнинг қонуний ҳуқуқини амалга оширишга муқаррар равишда таъсир қилиши мумкин. Бу тўғрида у билганлиги учун, эр-хотинларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддати никоҳ тугаган вақтдан, яъни ажralиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ҳисобланиши лозим.

4-§. Эр ва хотиннинг шахсий ва умумий қарзлариға жавобгарлиги

Эр-хотиндан бирининг қарзи учун ҳақ унинг ўз хусусий мулкидан, эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулки бўлганида эса унга тегишли бўлган ҳиссадан ундирилиши мумкин.

Умумий қарз эр-хотиннинг иккаласи ёки улардан биттаси (иккинчи томон билан келишилмаган бўлса-да), ёки бутун оила манфаатига қаратилган бўлади.

Шахсий қарзлар эса бундай белгиларга эга бўлмайди. Қарзлар бўйича жавобгарлик эр-хотиннинг умумий мулкини бўлишда, ундан ташқари ҳам бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг вояга етмаган болалари ҳаракатлари туфайли зарар кўрган томоннинг талаби эр-хотиннинг мулкидан ҳақ ундиришнинг алоҳида тури ҳисобланади. Ота-оналарнинг моддий жавобгарлик масаласи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари асосида ҳал қилинади.¹

Келтирилган зарарни эр-хотиндан биттасини хусусий мулкидан, шунингдек уларнинг биргалиқдаги умумий мулкидан ундириш мумкин. Масалан, агар эр-хотин қайд этилган никоҳда бўлиб, алоҳида яшаётган бўлсалар, уларнинг вояга етмаган болалари моддий зарар келтирса, бу ҳолат улардан бирининг айби билан бевосита боғлиқ бўлса, унинг хусусий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулкидан ҳақ ундириш мумкин. Бироқ эр-хотиннинг никоҳдан ажralиб алоҳида яшashi ёки ота-оналарнинг болалардан алоҳида яшashi эр-хотиннинг ёки улардан бирининг вояга етмаган ўз болалари келтирган зарарни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

¹ Кузнецова Л.Г., Шевченко Я.Н. "Гражданско-правовое положение несовершеннолетних", "Юридическая литература". М., 1969, 109, 122-125-бетлар.

Агар низо чиқса, суд бола келтирган заар үчун ота-онанинг ҳар иккаласини ҳам жавобгар қилиб, етказилган моддий заарни уларга тўлатиши мумкин. Аксарият ҳолларда эса бола келтирган заар үчун бола билан бирга яшайдиган ота ёки она жавобгар ҳисобланади. Эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулки ҳисобланган мулкидан ҳақ ундиришга, улардан биттаси томонидан содир қилинган жиноят туфайли келтирилган заарни ундиришга, агар бу мулк жиноят содир қилиш йўли билан топилган маблағга олингандиги аниқланса ва бу жиноят содир қилишда айбланган эр ёки хотиннинг айбдорлиги жиноят иши бўйича суднинг ҳукми билан аниқланган бўлса, йўл қўйилади.

Заарни ундириш тўғрисидаги даъвони кўраётган суд эр-хотиндан ҳар бири келтирган заарнинг аниқ микдорини белгилаш масаласини ҳал қиласи.

Суд бундай ишларни кўришда, аввало, эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мулқдаги тегишли қисмини аниқлаб, қарздорга тегишли бўлган мулкни белгилайди. Шундан сўнг, агар бунга етарли асос бўлса, иккинчи томонга тегишли мулклар хатдан чиқарилади.

IX Мавзу. Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби

1-§. Никоҳ шартномаси тушунчаси

Оила кодексида эр-хотинларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи нормаларда ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлди.

Аввало, бу ўзгаришлар, янгиликлар мулкий муносабатларни тартибга солувчи тамойилларда ифода этилади.

Эр-хотиннинг қонуний тартибдаги мулки уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган императив нормалар билан тартибга солинган мулкидир.

Императив нормалар билан тартибга солинадиган, эр-хотиннинг келишуви билан ўзгартириб бўлмайдиган уларнинг мол-мулкининг қонуний тартиби билан бирга уларнинг диспозитив нормалар билан тартибга солинадиган мол-мулкининг шартномавий тушунчаси ҳам мавжуд.

Янги Кодексга эр-хотинларнинг қонуний мулкидан ташқари II бўлим 6-бобни 29-36-моддаларида белгиланган “Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби” ҳам кириб келди. Бу қоидани қонунчиликка кириб келишининг сабаби бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулкчилик мавжудлиги билан боғлиқ.

Никоҳ шартномаси деб, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишувига айтилади.

Янги Оила кодекси лойиҳасини тайёрлашда эр хотин мулкининг қайси бири тўғри деган масала туғилди. Шунда ҳеч қандай шубҳасиз биргаликдаги умумий мулк энг мақбул деб топилди.

Эр хотиннинг қонуний мулк тартибининг мавжудлиги эр хотиннинг никоҳ шартномасини тузишлари шарт эмаслигини англатади. Статистика маълумотлари шундан далолат берадики, ҳатто никоҳ шартномаси анчадан бери мавжуд бўлган давлатларда ҳам никоҳ шартномасини кўпчилик аҳоли тузаётгани йўқ.

Барча фуқаролар учун бир хил ҳуқуқ ва эркинликларни ифодалаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси никоҳ шартномасининг асоси ҳисобланади. Унинг бирдан-бир шарти, уни амалга оширишнинг кафолати бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўймаслиkdir.

Эр хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкига шартномавий муносабатлар татбиқ этилиши умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 216-моддаси 1-бандида белгиланган. Оила ҳуқуқининг нормалари эса уларни ҳар тарафлама кенгайтириб берган- никоҳ шартномасининг ҳуқуқий табиати; уни тузиш шакли; никоҳ шартномасининг мазмуни; уни ўзгартириш, тасарруф этиш, ҳақиқий эмас деб топиш асосларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353 -моддаси 1-бандига асосан “Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади”. Умумий кўринишда бундай таъриф никоҳ шартномасига ҳам тегишлидир. Аммо бу шартноманинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Шундай қилиб Никоҳ шартномасининг шаклига тегишли ҳисобланган ўзаро боғланган икки тараф ҳам: ўз ҳуқуқидан ўз хоҳиши

бўйича эркин тасарруф этиш ҳуқуқи; эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулкий ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш; меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотиннинг мулкий ҳуқуқи бузилишини бартараф этиш; эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқини таъминлаб, маълум барқарорликни сақлаб қолиш; нафақат жисмоний шахснинг, ҳатто давлатнинг ҳам мулкий манфаати кафолатиланишига риоя қилишга имкон беради.

Никоҳ шартномасининг ўзига хос хусусияти нафақат унинг шаклида, ҳатто ички мазмунидаги ҳам ифодаланган. Улар Оила кодексининг 31-моддасида келтирилган умумий қоидалар билан белгиланиб, эр-хотин қонун билан белгиланган эр-хотиннинг биргаликдаги мулки тартибини ўзгартириб, унинг ўрнига эр-хотин шартномаси тартибини белгилаш ҳуқуқига эгадирлар.

Никоҳ шартномаси Оила кодексининг 31-моддаси 5-бандига биноан “Эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди”. Акс ҳолда, биринчидан, эр-хотиндан биттасининг ҳуқуқини чеклашга, иккинчидан, Оила кодекси 1-моддаси талаблари бузилишига йўл қўйилади.

Никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмаслик эр-хотиннинг ўзларига тегишлидир. Агар улар никоҳ шартномасини тузмасалар, у

ҳолда мулкий ҳуқуқий муносабатлари қонуний тартибда белгиланган ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулки илгариgidек кўпчилик эр-хотинларнинг манфаатларига жавоб беради. Кейинги вақтларда мұхим иқтисодий ўзгаришлар содир бўлишига қарамай аёлларнинг даромадлари эркакларнинг даромадларига нисбатан камроқдир, чунки уларнинг кўпроқ вақти оиласда уй-рўзғор ишлари ва болалар тарбиясига кетади.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини никоҳ даврида топилган мулк ташкил этади. Никоҳ даврида топилган ҳамма мулкни эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб ҳисобласа бўлади.

Янги қонунчилик эр-хотиннинг алоҳида ажратилган мулкига нафақат уларни никоҳгача бўлган мулкини, яъни ҳадя ёки мерос асосида олган мулкини, шу билан бирга ҳақсиз битимлар асосида вужудга келган мулкини ҳам киритади. Бу турдаги мулклар доирасига биринчи навбатда ҳақсиз равишда эр-хотиндан биттаси томонидан хусусийлаштириш асосида олинган квартира ҳам киради.

Шартноманинг етакчилик роли ва мулкий муносабатларнинг янги тамойиллари ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилган.

Никоҳ шартномаси фуқаролик шартномасининг алоҳида тури сифатида кўрилиши лозим, чунки унда эр-хотиннинг мол-мулки ҳуқуқий табиатини белгилаш ва ўзгартиришни назарда тутади. Никоҳ шартномасининг ўзига хос хусусияти шундаки, у комплекс характерга эга эканлиги, ўзида нафақат эр-хотиннинг мол-мулкини вужудга келтириш ёки унинг ҳуқуқий тартибини ўзгартириш, шу билан бирга эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот беришини ҳам тартибга солишни белгилаб бериши мумкин.

2-§. Никоҳ шартномасини тузиш

“Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради” (Оила кодексининг 30-моддаси).

Агар никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган бўлса, бундай никоҳ шартномаси кечиктириб бажариладиган шартли битим ҳисобланади. У фақат никоҳ тузилгандан сўнг кучга киради.

Никоҳ шартномасини унинг субъектлари фақат эр-хотин бўлганлиги муносабати билан, уларнинг никоҳга кириши билан боғламоқ даркор. Агар шахс никоҳ ёшига тўлмаган бўлса, у ота-онаси ёки ҳомийсининг розилигисиз никоҳ шартномасини тазаолмайди. Вояга етмаган эр ёки хотин никоҳ тузиши билан тўла муомала лаёқатига эга бўлиб, мустақил никоҳ шартномасини тузиши мумкин. Никоҳ шартномасини тузиш учун эр-хотин муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим. Агар эр-хотиндан биронтаси муомала лаёқатига эга бўлмаса, у ҳолда унинг номидан никоҳ шартномасини унинг ҳомийси тузади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 31-моддасига биноан фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш никоҳ шартномасини тузишга ҳам таъсир кўрсатади. Чунки муомала лаёқати чекланган шахс фақат майда майший битимларни тузиш ҳуқуқига эга.

3-§. Никоҳ шартномасини мазмуни

Никоҳ шартномаси мазмунининг асосий элементи эр-хотин мулкининг ҳуқуқий тартибини белгилашдир. Никоҳ шартномаси билан белгиланган бундай тартиб эр-хотин мулкининг шартномавий тартиби деб аталади.

Никоҳ шартномаси тартибини белгилашда эр-хотинларга жуда кенг ҳуқуқлар берилади.

Никоҳ шартномаси эр-хотинлар бир-бирларини моддий таъминлаш ёки бири иккинчисини моддий таъминлашини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шартномада белгиланган шартлар алимент мажбуриятининг умумий қоидалариға мос келмоғи керак. Хусусан, муомалага лаёқатсиз эр ёки хотиннинг ҳуқуқлари бузилмаслиги лозим. Аммо никоҳ шартномасида қонун бўйича алимент олиш ҳуқуқига эга бўлмаган эр ёки хотинга алимент тўлаш белгиланиши мумкин. Биринчи навбатда бу ўз хоҳишлири билан, оила манфаатини ўйлаб иши ёки ўқишини қолдирган эр-хотинларга тааллуқли бўлади.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши мумкин (Оила кодексининг 31-моддасининг, 4-банди). Масалан, уларнинг мулки бир йил давомида бўлинган, бу муддат ўтиши билан умумий бўлиб қолиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин, Эр-хотиннинг никоҳ шартномаси билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари муайян шарт-шароитнинг вужудга келиши ёхуд келмаслигига ҳам боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Бу шартлар кечиктириш ҳамда бекор қилиш шартлари билан ҳам тузилиши мумкин. Масалан, эр-хотин шартнома тартибига кўра мол-мулкининг алоҳидалигини белгилаб, агар оиласда бола туғилса, умумий тартибда ҳал бўлишини кўрсатишлари мумкин. Ёки эр-

хотиндан биттаси ўқиши тамом бўлишига қадар иккинчиси томонидан моддий таъминланиш шартини белгилаш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий битимларида ҳақиқий бўлиши учун қандай шартлар белгиланса, никоҳ шартномасида ҳам шундай шартлар қўйилиши мумкин. Субъектлар муомала лаёқатига эга бўлиб, уларнинг хоҳиши эркин ифодаланиши лозим.

Шунингдек, никоҳ шартномаси эр-хотинларнинг шахсий номулкий муносабатларини тартибга сола олмайди. Бу масала шу билан боғлиқки, никоҳ шартномасига фақат шундай ҳуқук ва мажбуриятлар киритилиши мумкин, улар бажарилмаган ҳолда уларнинг бажарилиши мажбурий равишда амалга оширилади. Юқорида бир неча бор таъкидлаб ўтганимиздек, фақат шахсий характерга эга бўлган мажбуриятлар мажбурий равишда амалга оширилиши мумкин эмас.

Эр-хотинлар ўз шахсий муносабатларини келишиш асосида ҳал қилишлари мумкин, аммо бу келишиш ҳуқуқий характерга эга бўлмайди.

Шунингдек, никоҳ шартномаси меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотиннинг алимент олиш ҳуқуқини чеклашга қаратилган шартни белгилай олмайди.

Никоҳ шартномасида татбиқ этилиши мумкин бўлган яна қўйидаги маҳсус чеклаш мавжуд: никоҳ шартномаси эр-хотиндан биттасини оғир ноқулай аҳволга солиб қўйилиши мумкин эмас. Акс ҳолда бу битим баҳсли битим бўлиб, ҳуқуқи бузилган эр ёки хотиннинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай маҳсус асос киритилишининг зарурияти шу билан боғлиқки,

никоҳ шартномаси тарафларнинг шахсий муносабатлари билан боғлиқ.

Никоҳ шартномаси оила қонун ҳужжатларининг бошланиш асосларига қарама-қарши бўлмаслиги лозим. Қонуннинг бу қоидаси суд томонидан кўрилишига кенг кўламда йўл очиб беради. Бундай ҳужжатларда оила қонунчилигининг асосий бошламаси, Оила кодексининг 1-моддасига мувофиқ, оиланинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, оилада эр-хотиннинг тенглиги, оилада меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларга устунлик беришдан иборат. Никоҳ шартномасида бу бошланишлардан биронтасининг бузилиши манфаатдор томонидан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш масаласини қўйиши мумкин. Оилани давлат томонидан ҳимоя қилиш тамойили бузилиши никоҳ шартномаси шартларини ҳақиқий эмас деб топиш, никоҳдан ажралишни рағбатлантириш, масалан, никоҳдан ажралишда эр-хотиндан биттасига мулкий манфаатдорликни бериш, эр-хотинлар тенглиги тамойили бузилишлиги улардан бирининг оғир ноқулай шароитга тушириб қўйилишида ифодаланиши мумкин.

4-§. Никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Бундай ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда бўлиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

Агар никоҳ шартномаси бекор қилинган бўлмаса, у ҳолда у никоҳ тугатилишига қадар амалда бўлади. Никоҳ шартномаси эр-

хотиндан бирининг талаби билан Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Оила кодекси 32-моддасининг 3-қисмига биноан “никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди, никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно”.

5-§. Никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш

Никоҳ шартномаси ҳар қандай битимга ўхшаб суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси фуқаролик қонунчилигига назарда тутилган асослар ва тартиб бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар никоҳ шартномаси оила ёки фуқаролик қонунлари нормаларини бузиб тузилса, у ҳолда бу шартноманинг мазмуни бузилиб, қонунга қарши тузилган ҳисобланади.

Бироқ Ўзбекистон қонунчилиги билан никоҳ шартномаси институти киритилгач, эр-хотинлар ўртасида суд низолари кўпаяди, деган фикрга бориш нотўғри. Аксинча, мазкур шартнома кўпчилик масалалар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилиниб, суд муҳокамасига бормасликка имконият яратади.

Бундай турдаги шартномани тузиш амалиёти маълум асосда вужудга келиши туфайли никоҳ шартномаси эр-хотиндан биттасининг ёки учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳоллари сўзсиз камайишига олиб келади, чунки мазкур шартнома ҳар қайси эр-хотин уни тузишни (ўзи учун) маъқул деб топса, унга мулкий ҳуқуқий тартибни белгилаш имкониятини яратади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилса, беихтиёр равишда никоҳ шартномаси ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Никоҳнинг мавжудлиги никоҳ шартномасининг элементи ҳисобланади. шунинг учун никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда у тузилган вақтидан бошлаб бекор қилиниб, никоҳ шартномаси ҳам тузилган вақтидан бошлаб ўзининг юридик кучини йўқотганлигини билдиради.

Никоҳ шартномасини тузувчи қайд этилган никоҳда турувчилар деб ҳисобланади. уларнинг келишуви никоҳ шартномаси ҳисобланмайди, чунки, қонунчилик юридик расмийлаштирилмаган амалдаги никоҳ муносабатларига ҳуқуқий оқибат бермайди.

Никоҳ шартномаси албатта ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим (Оила кодексининг 30-моддаси 3-банди). Қонун билан белгиланган тартибда риоя қилмаслик бундай шартномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Шаклга нисбатан бундай талабларни белгилаш никоҳ шартномасининг эрхотинга, шунингдек учинчи шахсларга нисбатан ҳам алоҳида аҳамиятини кўрсатади. Бу шартнома қоида тариқасида узоқ муддат амалда бўлади ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни келажак вақтга қараб белгилайди. Шунинг учун бундай ҳуқуқларни аниқ ва қатъий белгилаш унга нотариал шакл бериш туфайли эришилади.

Х Мавзу. Никоҳнинг тугатилиши

1-§. Эр ва хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳни тугатилиши

Оила никоҳ, қон-қариндошлиқ, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни унга жойлаштириш асосида вужудга келади.

Асосан оилани никоҳ вужудга келтиради ва у бир умр яшашни мақсад қилиб тузилади. Бу аҳдномани тузишдан асосий мақсад табиий биологик эҳтиёжни қондириш, наслни давом эттириш ва оила қуришдан иборат.

Афсуски, ҳаётда ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Турмушда содир бўладиган бир қатор ҳодисалар, юридик фактлар никоҳнинг тугатилишига асос бўлади.

Никоҳнинг тугатилиши деганда, маълум юридик фактлар туфайли эр-хотин ўртасида вужудга келган никоҳ ҳуқуқий муносабатларининг тугалланиши тушунилади.

Никоҳ ҳуқуқий муносабатига қандай юридик фактлар таъсир этишига қараб никоҳ:

а) эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб, эълон қилиши оқибатида;

б) эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муюмалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин (Оила кодексининг 37-моддаси).

Вафот этиш юридик факт бўлиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатини тугаллайди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан эр-хотиндан бирининг вафот этган деб, эълон қилиниши ўз ҳуқуқий оқибати бўйича ўлимга tengлаштирилади. Шунинг учун вафот этган

деб эълон этилган шахс билан унинг эри ёки хотини ўртасидаги никоҳ ҳам тугалланади.

Эр-хотиндан бири вафот этган ёки суд тартибида вафот этган деб эълон қилинган ҳолларда улар ўртасидаги никоҳ ҳуқуқий муносабати тугалланади. Бундай ҳолда тирик бўлган томон янги никоҳга ўтиш ҳуқуқига эга. Фуқарони қонунда белгиланган тартибида вафот этган деб эълон қилиш уни вафот этган, деган эҳтимолга асосланади. Баъзи ҳолларда бу фуқаро тирик бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 37-моддасига биноан, “Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади”. Шундай ҳолатни ҳисобга олиб, қонунчиликда бўлган камчиликни тўлдириб, янги Оила кодексининг 48-моддасида “Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари бекор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкин.

Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас”.

Никоҳдан ажралиш юқорида келтирилган икки асосдан фарқ қилиб, фақат эр-хотиннинг ҳаётлигига рўй беради.

2-§. Никоҳдан ажралиш учун асослар

Бизнинг жамиятда никоҳ бир умрга тузилган аҳднома ҳисобланади.

Маълум ҳолатларда, агар оила амалда бузилган, уни тиклаш учун асос йўқ деб топилса, у ажралиш асосида тугатилади. Никоҳдан ажралиш эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни келажак вақт учун тугатишга асос бўлади. Бундай ажралиш никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан фарқ қиласи. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда никоҳ вужудга келган вақтдан бошлаб ҳуқуқий муносабатлар тугалланади. Бироқ никоҳдан ажралиш билан ҳамма ҳуқуқий муносабатлар қонунда белгиланган шартлар (Оила кодексининг 15-бобидаги “Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари” 117-121-моддалар)нинг мавжудлиги туфайли тугалланмайди..

Оила кодексида никоҳдан ажралиш учун аниқ асослар кўрсатилмаган ва буни кўрсатиш мумкин ҳам эмас, чунки эр ёки хотин келтирган бир асос айрим ҳолларда никоҳдан ажратиш учун етарли бўлиши мумкин, алоҳида ҳолатларда эса ажратиш учун асос бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун суд амалиётини ҳисобга олиб Оила кодекси амалда бўлган қоидани сақлаб қолиб, уни қўйидагича белгилади: “Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади”(Оила кодексининг 41-моддаси).

Суд амалиётини ўрганиш натижасида никоҳдан ажралиш учун эр-хотинлар қўйидаги асосларни келтирганликларини аниқладик:

- эр-хотиндан биттасининг доимий равишда спиртли ичимлик ичиб, оилада жанжал чиқариши;
- эр-хотинлик муносабатига ҳиёнат қилиш;
- оилада бола туғилмаслиги;

- оилавий ишларга қариндошларнинг аралашиб жанжал чиқариши (айниқса, қайнона-келин можаролари) ва бошқалар.

3-§. Суд тартибида никоҳдан ажратиш

Оила кодекси никоҳдан ажралишнинг асосига қараб ундан ажралиш тартибини белгилади. Никоҳдан суд ва маъмурий тартибда, яъни Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД҄) органида ажратилади.

Ҳозирги вақтда жамиятда оиланинг аҳамияти ўсаётганлигини, унинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрнини ҳисобга олиб, судлар тузилган оилаларни сақлаб қолиш оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикцияли судларнинг фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтирди. Судларнинг ихтисослашуви ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Оила ва Фуқаролик процессуал кодексларида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Аксарият кўпчилик ишлар судлар томонидан амалдаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пеленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорларининг тўплами, 1991-1998. -Т.: «Шарқ», 1999.-127-148-бетлар.

қарорининг дастурий кўрсатмаларига амал қилинган ҳолда тўғри ҳал этилмоқда.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво эр хотин яшаб турган жойдаги туман (шахар) судида қўзғатилади. Агар эр хотин алоҳида яшаса, даъво жавобгар эр ёки хотиннинг турган жойидаги судда қўзғатилади, унинг турадиган жойи номаълум бўлса, никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ариза жавобгар охирги яшаб турган жойдаги судга топширилади.

Аризада никоҳдан ажралиш учун асос кўрсатилиши керак. Ажралишни келтириб чиқарган сабабларни батафсил келтириш лозим. Ариза бериш билан бир вақтда давлат божи тўланиши керак. Никоҳдан ажралиш ишлари очиқ суд мажлисида кўрилади. Ажралиш тўғрисидаги иш эр хотиннинг аризасига мувофиқ, зарур ҳолларда суднинг ажримиға асосан ёпиқ суд мажлисида кўрилиши ҳам мумкин.

Суд тажрибасини ўрганиш айрим ҳолларда даъво аризаларини қабул қилиш, ишларни судда кўриш учун тайёрлаш тартибини белгиловчи қонунлар талаблари бажарилмаётганлиги, вояга етмаган фарзандлари ва мулкий низолари бўлмаган тақдирда никоҳдан судсиз ажралиш тартиби мавжудлиги тарафларга тушунтирилмаётир. Баъзи судлар бундай низоларни ҳал қилишда шошма-шошарликка ва эътиборсизликка йўл қўймоқдалар, эр хотинларни яраштириш чораларини кўрмаётирлар.

Никоҳдан ажралиш ишларини кўришда, суд ўз фаолиятини эр хотинни яраштиришга ва оиласвий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўришга қаратиши лозим.

Оила кодексининг 40-моддасига биноан суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр хотинга ярашиш учун олти ойга муҳлат тайинлашга ҳақли.

Суд яраштириш учун берилган муддатни, эр хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолатларда, ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-қизлар қўмиталарига, ўзини-ўзи бошқарув органи - маҳалла оқсақоллари кенгашига, улар ҳузуридаги яраштириш комиссияларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Ишни кўриш бошқа вақтга қолдирилаётган муҳлат эр хотиннинг ўзаро муносабатларини ва уларнинг яшаб кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Оилани сақлаб қолиш манфаати юзасидан суд ишни кўришни иккинчи марта қолдиришга ва эр хотиннинг ярашиши учун қонунда кўрсатилган олти ойгача бўлган муҳлатни белгилашга ҳақли.

Аниқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд, эр хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, уларга ярашишлари учун берилган муҳлатни ўзгартиришга ва бу муҳлат ўтгунга қадар ишни кўришга ҳақли.

Ярашиш учун муҳлат бериш ҳақидаги ажрим, иш ҳолатлари текширилганидан ва судга мурожаат қилишга олиб келган ҳақиқий асослар аниқланганидан кейин чиқарилади.

Фуқаролик процессуал кодекси 237-моддасига биноан, ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади.

Аммо академик Ҳ.Раҳмонқулов жуда асосли равишда таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир кишининг оилавий ёки шахсий ишлари бошқаларнинг манфаатларига даҳл этмаса, аралашувга йўл қўйилмайди. Чунки Оила кодексининг 1-моддасида таъкидлаб ўтилганидек, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралashiшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя

қилинишини таъминлашдан иборат. Лекин, афсуски, турғунлик йилларида оилавий ишларга давлат ва жамоат ташкилотлари орқали худа-бехуда аралашув, эр ёки хотинга тазийқ ўтказиш ҳолларига йўл қўйилган. Шу сабабли ҳам шоир Э.Воҳидовнинг қуидаги киноясида жон бор:

Кўнглим орзу қилар танҳо осойиш,
Менинг ҳам биргина хоҳишим бўлсин.
Ақалли ёримни бағримга босиш,
Давлат иши эмас, ўз ишим бўлсин.

Шахсий ва оилавий ишларда мустақиллик ҳар қандай ахлоқий чораларни инкор этиш, ўз кўнгил кўчасига қараб иш кўриш эмас. Бу хатти-ҳаракатларни қонун, одоб-ахлоқ доирасида эркинлик билан содир этишдир¹.

Никоҳдан ажralиш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар ажralишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаб, ўзининг бутун фаолиятини оилани сақлаб қолишга ва уни мустаҳкамлашга, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора ва тадбирларни кўриши лозим. Никоҳдан ажратиш ҳақида даъво қўзғатишга эр-хотиндан бирининг спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиши сабаб бўлган бўлса, судлар сурункали ичқиликбозлик касалига дучор бўлган шахсни мажбурий даволашга юбориш чорасини кўришлари керак.

Агар эр ёки хотин томонидан келтирилган асослар етарли бўлмаса, у ҳолда судлар никоҳдан ажralиш даъвосини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарадилар.

Амалиётда қонуний расмийлаштирилган никоҳнинг олтитадан биттаси никоҳдан ажralиши билан тугалланмоқда.

¹ Ҳ. Раҳмонқулов. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар. Т., "Ўзбекистон" 1991, 58-бет.

Республика бўйича ўрта ҳисобда ҳар йили судлар томонидан минглаб никоҳдан ажратиш ишлари кўрилмоқда.

Судга асосан 30 ёшгача бўлган ёшлар никоҳдан ажралиш даъвоси билан мурожаат этмоқдалар. Ажralаётган эр-хотинларнинг никоҳда яшашининг ўртacha кўrsatкичи беш йилдан ўн йилгачадир. Энг ачинарли томони шундаки, никоҳдан ажралиш даъвоси билан кўпроқ аёллар судга мурожаат этмоқдалар.

Суд амалиётини ўрганиш суд фаолиятида судга тааллуқли қонун талаблари ҳамма вақт ҳам тўла бажарилмаётганлигини кўrsatмоқда.

Иш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида кўрилиши лозим бўлса ҳам, айrim ҳолларда иш судга олиниб, асоссиз ҳал қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Суд жараёнида никоҳдан ажралишнинг ҳақиқий сабаби ҳамма вақт ҳам даъво аризасида келтирилган сабаб билан мос келмаётир. Шунинг учун суднинг асосий вазифаси никоҳдан ажралишнинг ҳақиқий сабабини аниқлашдир. Шундагина иш бўйича асосли адолатли ҳал қилув қарорини чиқариш мумкин. Бундай тоифадаги ишларни кўришда кўпчилик судлар оиланинг дахлсизлигига, миллий хусусиятларга етарли эътибор бермаётиrlар.

Айrim ҳолларда никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризалар судларда қисқа муддатда кўрилиб, эр-хотинни яраштириш чоралари етарли асосда кўрилмасдан, оиланинг бузилиш сабаблари атрофлича ўрганилмасдан ҳал этилмоқда.

Судлар чиқарган айrim ҳал қилув қарорлари жуда қисқа ёзилиб, даъвогарлар томонидан келтирилган асослар атрофлича таҳлил қилинмаётир.

Қонунлар никоҳдан ажралишнинг суд тартибида бўлишини умумий қоида тариқасида белгилаб, судга эр-хотинларни яраштириш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

Баъзи ҳолларда фуқароларнинг ўз шахсий ҳуқуқларини нотўғри амалга оширишлари, жамоат, давлат манфаатлари, юксак ахлоқ нормалари ва болалар манфаатларининг бузилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда давлат ҳуқуқий норма воситаси билан кишиларнинг оилавий муносабатларини маълум даражада тартибга солиш ва низоли масалаларни суд томонидан ҳал қилиш тартибини белгилаш билан мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди.

Қуйидаги ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида кўрилади:

- эр-хотиндан бири никоҳдан ажралишга рози бўлмаса;
- улар ўртасида вояга етмаган умумий болалари бўлиб, уларни кимда қолдириш ва таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида низо бўлса;
- эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз, муҳтоҷ эр ёки хотинга алимент ундириш ва унинг миқдори ҳақида масала туғилса;
- биргаликда умумий мулкни бўлиш бўйича низо бўлса.

Суд ҳукми билан уч йилдан кам бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар судловга тегишлилиги бўйича умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда кўрилишини судлар назарда тутмоғи лозим. Озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ариза, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 145-маддасига кўра, суднинг иш юритишига қабул қилинадиган бўлса, бунда унинг ҳукм қилингунига қадар охирги яшаш жойидан келиб чиқиш лозим бўлади. Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддаси 11-қисмига биноан уч йилдан кам бўлган муддатга озодликдан маҳрум

қилинган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар, даъвогарнинг хоҳишига қараб, у яшайдиган жойда кўрилади. Уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва Оила кодексининг 44-моддасида кўрсатилган бошқа низолари бўлмаган шахслар билан никоҳдан ажратиш Оила кодексининг 43-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ эр хотини ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сон қарорида кўрсатилишича, “Боланинг отаси деб қайд этилмаган ҳолларда ҳам эр бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажралиш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшгача яшамай, вафот этган ҳолларда ҳам татбиқ қилиниши лозим. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун хотинининг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юргизишни тугатади. Хотин судда иш қўзғатишдан олдин эрининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишга розилик бериб, ишни кўришда унга қаршилик билдиrsa ҳам ишни юргизишни тугатиш лозим бўлади. Кўрсатилган ҳолатлар хотинининг ўзи никоҳдан ажратиш масаласини қўйишига тўсқинлик қилмайди”¹. Бу кўргазмадан кўзланган асосий мақсад она ва боланинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишdir. Шунинг учун аёлнинг бошқа эркақдан ҳомиладор бўлиши ва ундан бола туғилиши ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорларининг тўплами. 1991-1998.-Т: «Шарқ», 1999. 130-бет.

эркакка бу хотиндан ажралиш учун даъво қилишга тўсиқ бўлиши мумкин. Сўзиз, бундай ҳолатда эр оталик тўғрисида ҳамма вақт даъво қилиши мумкин. Агар хотин ҳомиладорлик вақтида ёки бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида бундай даъвога рози бўлса, шундай ҳуқуқ эрга ҳам тегишли бўлади. Хотин ҳомиладорлик вақтида ёки бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида эрнинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъвосига хотиннинг розилигини олишнинг бир қанча усуллари мавжуддир. Бу - никоҳдан ажралиш учун биргалиқда ариза бериш, эрнинг аризасига унинг рози бўлиши ва, ниҳоят, бундай аризанинг хотин томонидан берилишидир.

Никоҳдан ажралиш ишини қўзғатишда хотини рози бўлмаса, суд даъво аризани қабул қилишни рад этиши, агар ариза қабул қилинган бўлса, иш тўхтатилиши лозим. Кассация тартибида ишни кўриш вақтида ҳам аёлнинг ҳомиладорлиги ва никоҳдан ажралиш учун рози эмаслиги маълум бўлса, у вақтда иш тўхтатилади. Шу билан бирга хотин фарзанд кўргандан сўнг ва бола бир ёшга тўлгандан кейин эр яна никоҳдан ажралиш тўғрисида даъво билан мурожаат этишга ҳақли. Иш бўйича мавжуд бўлган ҳаракатни тугатиш унга тўсиқ бўлолмайди.

Мамлакатимизда суд ислоҳотларини амалга ошириб судларни икки турдаги ишларни кўрадиган судларга бўлиниши яъни жиноят ишларини, фуқаролик ишларини кўрадиган судларга бўлиниши жуда тўғри иш бўлди.

Эндилиқда, оилавий низолар бўйича маҳсус ихтисослашган судлар ташкил этилишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Никоҳдан ажралиш, алимент ундириш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ишлари бўйича статистика маълумотларига кўра, агар оиласда болалар бўлса, у ҳолда бу ишлар маҳсус ихтисослашган судлар томонидан

кўрилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, маълум бўлишича, бундай ҳолатларда ота-оналардан ҳам кўпроқ болалар изтироб чекмоқдалар. Амалдаги қонун эса уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳимоя эта олмаяпти.

Кўпинча никоҳдан ажralиш ишлари асос етарли бўлмаган ҳолларда ҳам пайдо бўлмоқда (ўзаро ҳақоратлаш, шубҳаланиш ва бошқалар). Суд амалиётини умумлаштириш натижасида оилавий низоларни кўрадиган судларни алоҳида ажратиш лозим, деб топилмоқда. Уларга ёрдам сифатида хотин-қизлар қўмитаси, муаллифлар ва руҳшуносларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Натижада оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ҳар бир низони кўриб чиқиша фақат юридик нормаларни татбиқ этишга эътибор бериш билан чекланиб қолмай ҳар бир иш кўриб чиқилаётганда низонинг келиб чиқиши сабабларини атрофлича аниқлашга эришмоқ лозим..

Мустақил республикада оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўрадиган Оила судлари ташкил этилиши лозим. Улар маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлган, никоҳдан ажralиш ишларини кўришга маънавий ҳуқуқи бўлган катта ёшдаги шахслардан ташкил топиши керак¹.

Никоҳдан ажralиш кўпинча шу никоҳдан туғилган вояга етмаган болаларнинг жиноят йўлига кириб кетаётганлигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун болани дунёга келтириб, унга меҳр-муҳаббатнираво кўрмай ташлаб кетаётган ота-оналарга нисбатан ҳуқуқий тадбир ва чоралар кўрилиши лозим.

Оиланинг жамиятдаги мавқеи ошаётганлигини, келажак авлодни соғлом тарбиялашдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда судларнинг

¹ Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва ажralиш, Т., 1991, 74-бет, "Ҳалқ сўзи" 1991 йил 19 июл.

оилавий муносабатларни мустаҳкамлашдаги, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва масъулиятини ошириш мақсадида бир қатор амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир.

4-§. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш

Амалдаги оила қонунчилиги никоҳдан ажралишнинг суд тартиби билан бирга маъмурий тартибини, яъни Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органида никоҳдан ажратиш тартибини белгилайди.

Оила кодексининг 42-моддасига мувофиқ, вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ажратилади.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз, муҳтоҷ эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки чиққан мол мулкни бўлиш тўғрисида низо чиққан тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожат этишга ҳақли.

Никоҳдан ажралиш ариза берувчиларнинг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза берилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгач қайд этилади.

Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ, агар эр-хотиндан бири:

- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- суд томонидан рухияти бузилиши (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли мўомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

- содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

Бунда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- эр (хотин) нинг бедарак йўқолган деб топилганлиги ёки муомалага лаёқатсизлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори;
- эр (хотин) уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирма, шунингдек судланган эр (хотин)нинг ўртадаги болалари ва мол-мулки юзасидан низоси йўқлиги тўғрисидаги тилхат.

Никоҳдан ажралишга эр-хотиннинг ўзаро розилиги уларнинг ҳар иккаласи томонидан берилган ёки ҳар бири мустақил берган аризаларида ифодаланиши мумкин.

ФҲДЁ органлари никоҳдан ажралиш учун асос бўлган ҳақиқий сабабларни аниқлаш билан, ҳатто бу сабаблар эр-хотин томонидан санаб ўтилган бўлса ҳам, шуғулланмайди.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризани қабул қилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ажралиш тўғрисида ариза берган кундан уч ой ўтгандан кейин ажралишни расмийлаштириб, уларга никоҳдан ажралиш тўғрисида гувоҳнома беради. Уч ойлик муддатни белгилашда ҳам худди судда эр-хотиннинг ярашиб кетиши

учун берилган муддатдан кўзда тутилган мақсад бўлади. Шу давр мобайнида эр хотин ўз хатти ҳаракатларини яна бир ўйлаб кўриб, унинг тўғри нотўғрилигини аниқлаб олиш мумкин.

Бу учта асос бўйича никоҳдан ажратиш осонлаштирилган тартибда амалга оширилади, чунки бунда ажралиш учун иккинчи томоннинг розилиги талаб этилмайди ва эр хотинда вояга етмаган болалар бор йўқлиги ФХДЁга мурожаат учун тўсиқ бўлмайди.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 113-бандига биноан никоҳдан ажратишни қайд этишда эр ва хотиннинг ўзаро келишувига кўра, уларнинг биридан ёки иккаласидан белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

Суддан фарқли ўлароқ, ФХДЁ органлари никоҳдан ажralувчиларнинг моддий ва оилавий аҳволига қараб давлат божи миқдорини камайтира олмайдилар ёки уни тўлаш мажбуриятидан озод этолмайдилар. Никоҳдан ажralувчи шахсларнинг ўзлари бу суммани тўлашлари лозим.

Ажралишни расмийлаштириш ва эр хотинга никоҳдан ажралиш тўғрисидаги гувоҳнома ариза берган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин берилади. Шу вақтдан бошлаб никоҳи тугалланган эр хотин янги никоҳга ўтиш ҳуқуқига эга.

5-§. Никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий оқибатлари

Никоҳдан ажралиш бир қатор ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Никоҳланувчилар никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан суд томонидан

никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқараётганда унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин (Оила кодексининг 46-моддаси).

Оила кодексининг 44-моддасига биноан, никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалар ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек, ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

- никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;
- вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;
- эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргалиқдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;
- эр (хотин) дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр) нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Оила кодекси 44-моддасининг охирги бандида ўз ифодасини топган, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиқсан мұхим янгиликлардан бири никоҳдан ажратиш иши кўриб чиқилаётганда тўйни ўтказишга кетган сарф-ҳаражатларни ундириш ҳақидаги талаблар қондирилмайди.

Янги қонунда суд эр-хотиннинг ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божи миқдорини белгилаши лозим. Агар суд бу

божни эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ундириш лозим деб топса, уларнинг ҳар бири тўлайдиган бож миқдорини белгилайди.

Суд уларнинг ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг барбод бўлишидаги айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан, вояга етмаган болаларнинг эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади.

Юқорида кўрсатилган низолар, никоҳдан ажралиш жараёнида эр-хотиндан биттаси ёки иккаласининг талабига мувофиқ суднинг ташаббусига асосан, агар буни вояга етмаган болаларнинг ёки меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг манфаатларини мұхофаза қилиш тақазо этса, кўрилади.

Бироқ, бу низолар суд никоҳдан ажралиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган ҳолдагина кўрилади. Агар суд никоҳдан ажралишни рад этса, кўрсатилган низолар мустақил иш тартибида кўрилиши лозим.

Тарафларнинг хоҳишига биноан санаб ўтилган талабларнинг ҳар бири, агар никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъво суд томонидан қаноатлантирилса, у мустақил масала сифатида кўрилиши мүмкін.

Оила кодексига никоҳдан ажратилганда никоҳнинг тугатилиши вақти масаласига мұхим янгилик киритди. Эндиликда никоҳдан судда ажратилганда, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб никоҳ тугатилади. Ўн кун ичida суд никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига ушбу қарордан кўчирма юбориши шарт.

Никоҳдан ажралиш эр-хотиннинг шахсий, шунингдек, мулкий ҳуқуқий муносабатларининг келажак вақт учун тугалланганлигини англатади. Никоҳ фақат оила ҳуқуқи билангина тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди. Никоҳ тузилиши билан

маълум юридик фактларнинг мавжудлиги туфайли фуқаролик, меҳнат ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Никоҳдан ажралиш ўз муносабатларининг тугалланишига қаратилгандир.

III БҮЛИМ

ОИЛА

ХI-Мавзу. Отa-оналар ва болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Боланинг насл-насабини белгилаш

Отa-она ва болаларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари боланинг насл-насабига қараб белгиланади.

Отa-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни келиб чиқишига асос бўлиб боланинг отадан пайдо бўлганлиги ва онадан туғилганлик юридик факти қонун билан белгиланган тартибда бўлишлиги лозим.

Оила кодексининг 60-моддасига биноан, боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органи томонидан, бола тиббий муассасанинг ҳужжатларига асосан агар, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда бошқа далилларга асосан белгиланади.

Агар бола тиббий муассасададан ташқари жойда туғилган бўлса, у ҳолда бу юридик факт гувоҳлар кўргазмалари ва бошқа далиллар билан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг вафоти, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичida туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Бола билан уни онаси ўртасида ҳуқуқий муносабат уни қонуний никоҳда бўлган ёки бўлмаслигидан қатъи назар туғилиш фактига асосланади.

Боланинг отадан бунёд бўлганлигини белгилаш анчагина мураккаб.

Агар бола қайд этилган никоҳда туғилган бўлса, онаси билан никоҳда бўлган шахс уни отаси деган эҳтимолга асосланилади. Бу шахсни оталиги эҳтимолликка асосланиб, ушбу фактни исботлаш шарт эмас.

ФҲДЁ органи томонидан берилган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда кўрсатилган ота-онадан боланинг пайдо бўлганлигини исботловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Агар никоҳ тугагандан кейин уч юз кун ичидан туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳда кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган бўлиб ҳисобланади. бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқий отаси, оталикни ўз хоҳиши билан тан олишлиги мумкин, агар у буни инкор этса, у ҳолда оталик суд тартибида белгиланади.

Оталикни тан олиш факти алоҳида суд тартибида белгиланади. Манфаатдор шахс оталикни тан олиш мақсадида ариза билан судга мурожаат этиши мумкин. Манфаатдор шахслар боланинг онаси, унинг васийси (ҳомийси), вояга етгандан сўнг боланинг ўзи ҳамда прокурор ҳисобланади. ариза бошқа манфаатдор шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин.

Оталикни тан олиш фактини белгилаш тўғрисидаги ишда муайян фактни белгилаш унда қандай мақсадлар учун зарур эканлиги аризада кўрсатилиши лозим. Қоида бўйича оталикни тан олиш факти боқувчисини йўқотган вақтда унга пенсия тайинлаш, мерос олиш, яъни мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида белгиланади.

Суднинг оталикни тан олиш тўғрисидаги ажримиға асосан боланинг туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувига ота

тўғрисидаги маълумот ёзилиб, болага туғилганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

2-§. Ота-онанинг аризаси бўйича боланинг насл-насабини белгилаш

Амалдаги қонунларга асосан айрим ҳолларда ота-оналар ўзаро юридик жиҳатдан расмийлаштирилган никоҳда бўлмасалар, у ҳолда қонун билан белгиланган тартибда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажара олишлари мумкин.

Оила кодекси 61-моддасининг 1-қисмига мувофиқ боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзининг боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Оталикни тан олиш боланинг онаси билан никоҳ тузиш вақтида ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда оталикни қайд этишга фақат унинг розилиги бўлгандагина йўл қўйилади. Боланинг ота-онасини бошқа шахслар билан никоҳда бўлиши оталикни ихтиёрийлик тан олиш учун тўсиқ бўлмайди.

Никоҳдан ташқари туғилган болага нисбатан фақатгина муомала лаёқатига эга бўлган фуқаро томонидан эмас, вояга етмаган шахс томонидан ҳам оталикни тан олиш мумкин. Аммо бу тўғрисида қонунда аниқ қоида белгиланмаган. Қонун олдига қўйилган мақсад вояга етмаганларнинг оталиги ва оналигини белгилаб, фавқулодда ҳолларда уларга никоҳ тузиш учун йўл қўйиб, алоҳида ҳолатларда уларга никоҳ ёшини камайтириш учун имкон яратишдан иборат. Бироқ ёши 17 ёшдан кам бўлмаган шахснинг оталиги тан олиниши мумкин,

чунки никоҳ ёши камайтирилганда шунга тўғри келади. Оталикни тан олиш қатъий бўлиб ҳисобланади. У тўғрисида низолашишга фақат суд тартибида йўл қўйилади.

Оталикни тан олишлик ота ва бола ўртасида, шунингдек боланинг ота томонидан қариндошлари билан ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқаради.

Оталикни ихтиёрий тан олишиликда фақат отанинг розилиги етарли эмас. Одатда бунинг учун она ҳам ўз розилигини билдирса, ота ва бола ўртасида ҳуқуқий муносабат вужудга келади.

Оила кодекси 61-моддасининг З-бандига асосан, боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар эр-хотин бола туғилгандан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишни кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида ҳам фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс судга шикоят қилиши мумкин.

3-§. Оталикни суд тартибида белгилаш

Оталик ҳамма вақт ҳам ихтиёрий равишда белгиланавермайди. Никоҳсиз туғилган боланинг отаси ундан воз кечиб, оталикни қайд этишни инкор этадиган ҳолларда ҳам бўлади. Бундай ҳолатда болалар

манфаатини ҳимоя қилиб, суд тартибида оталикни белгилашга йўл қўйилади. Оила кодексининг 62-моддасига биноан оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризасига мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаш билан боғлиқ масалалар даъво ишини юритиш тартибида кўрилади. Суд оталикни белгилаш вақтида жавобгарнинг боланинг отаси эканлигини аниқ тасдиқловчи далилларга асосланади.

Оталикни белгилашда судлар амалдаги қонунлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2001 йил 1 июндаги «Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида»¹ чиқарган Пленум қарорига асосан тўғри ҳал қилмоқдалар.

Қарорда кўрсатилишича, «Оталикни белгилаш, оталик факти ва оталикни тан олганлик факти тушунчаларини суд амалиётида фарқлаш олиш зарур.

Оталикни суд тартибида белгилаш - 1968 йилнинг 1 октябридан кейин туғилган болаларга нисбатан отаси деб тахмин қилинаётган шахс ҳаёт бўлгандагина йўл қўйилиши тушунилади ва бундай талаблар даъво юритиш тартибида ҳал этилади.

Оталик фактини белгилаш - 1968 йилнинг 1 октябридан кейин туғилган болаларга нисбатан боланинг отаси, деб тахмин қилинадиган шахс вафот этган тақдирда манфаатдор шахснинг аризаси билан қўзғатилган иш тушунилади ва бундай талаб алоҳида

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги қарорлари. -Т., 2001, 30-38 6.

иш юритув тартибида кўрилади. Мазкур фактни белгилаш жараёнида манфаатдор шахслар ўртасида низо (мерос, боқувчисини йўқотганлик ҳолларида) келиб чиқса, у ҳолда ариза судда кўрилмасдан қолдирилади ва манфаатдор шахсларга умумий асосларда даъво қўзғатиш ҳуқуқлари тушунтирилади.

Бундай факт аниқ иш ҳолатларини инобатга олган ҳолда боланинг онаси ҳомиладор бўлган даврда ўзини туғилажак фарзандининг отаси деб тан олган шахс вафотидан сўнг туғилган болага нисбатан ҳам белгиланиши мумкин.

Оталикни тан олганлик факти - 1968 йилнинг 1 октябригача туғилган болаларга нисбатан боланинг отаси деб тахмин қилинадиган шахс вафот этган тақдирдагина манфаатдор шахснинг аризасига биноан қўзғатилган иш тушунилади ва бундай ариза алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади. Бундай болаларга нисбатан оталик суд тартибида белгилашга йўл қўйилмайди¹.

Оила кодексининг 62-моддасига мувофиқ бундай далилларга қўйидагилар киради: боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини, ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далиллар.

Амалдаги қонунда санаб ўтилган ҳолатлар эркак ва аёл ўртасидаги муносабатда амалий оиласвий муносабатни назарга олмасдан, фақат асосида қонуний оила қуришга қаратилган мақсад бўлишлигини қўриқлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги қарорлари. -Т., 2001, 32 6.

Шу билан бирга, оталикни белгилашда санаб ўтилган барча ҳолатларнинг биргаликда бўлиши талаб этилмайди, балки улардан фақат бирортаси бўлса ҳам кифоя.

А) Боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги. Ушбу ҳолатда боланинг ота-онаси доимо бирга турганлиги эътиборга олиниб, қоида бўйича онанинг ҳомиладорлик даврида умумий-рўзғор ишларини биргаликда олиб борганликлари назарда тутилиб, биргаликдаги даромадлар ва ҳаражатлар, уй-рўзғор буюмларини олишлик, турмушда ўзаро ёрдам ва бошқалар тушунилади (баъзи вақтда улар бир турар жойда яшамасликлари ҳам мумкин). Масалан, талабалар ёки ёш ходимлар ҳар хил ётоқхоналарда ёки хоналарда яшасаларда катта бўлмаган умумий «уй хўжалигига» эга бўлишлари мумкин. Муҳими шундаки, боланинг онаси ва жавобгар ўртасидаги оиласвий-маиший алоқалар бола туғилганига қадар, аниқроғи она ҳомиладор бўлиши даврида бўлиши лозим. агар бу алоқалар бола пайдо бўлгунига қадар тугаган бўлса, улар оталикни ўрнатиш учун асос бўла олмайди.

Б) Улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликлари. Агар биринчи шарт икки зарур факт - бирга яшаш ва умумий рўзғор юритишнинг қўшилишидан таркиб топган бўлса, иккинчи шарт эса фақат болани биргаликда тарбиялаганлик ёхуд таъминлаб турганлик ҳолатларини ўз ичига олади. Болани тарбиялаш уни таъминлаш билан бирга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу фақат отаси томонидан бўлмасдан (у олий ўқув юртида ўқийди), онаси томонидан ҳам бўлиши мумкин, масалан, агар онани ва унинг боласини ота-онаси таъминлаб турган бўлса (бува ва буви). Оталикни белгилаш низосини кўришда суд учун отани болани тарбиялашда иштирок этганлиги етарлидир. Тенг асосда фақат таъминотни беришлик (тарбиялашда

иштирок этмаса ҳам) оталикни белгилаш учун етарлидир. Бироқ боланинг онаси учун берилган ҳар қандай моддий ёрдам ҳа оталикни исботлаш учун тегишли асос бўла олмайди (моддий ёрдам боланинг онаси билан самимий муносабатда бўлган дўстининг хотираси учун берилган ёрдам ҳам бўлиши мумкин. Моддий жиҳатдан таъминлаб юрган шахс бола ўзиники эканлигини билиши ва боланинг отаси сифатида ҳаракат қилиши лозим. Таъминот бераётган шахс бола ўз фарзанди ва у ота сифатида ҳаракат қилаётганлигини билиши лозим.

Қоида бўйича таъминот деганда боланинг доимий таъминоти учун вақти-вақти билан бериб турилган моддий ёрдам тушунилади.

Оталикни суд тартибида белгилаш ҳуқуқи даъво муддати билан ўтиб кетмайди, шунинг учун қанча вақт ўтмаслик, бу тўғрисида даъво қилиш мумкин.

В) Жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олиш.

Бу асоснинг олдингиларидан фарқи шундан иборатки, жавобгар оталикни рад этса ҳам, оталикни тасдиқловчи объектив фактлар мавжуд бўлади. Жавобгар томонидан оталикни тан олишлик субъектив (яъни, онгли ва эркли) ҳолат бўлиб, маълум ҳаракатларда ифодаланади: сўзлаб бериш, хатлар ва ҳужжатларда бунда эҳтимол қилинаётган ота ўз боласи эканлигини тан олади. Бундай тан олишлик онанинг ҳомиладорлик даврида, шунингдек бола туғилгандан кейин ҳам бўлиши мумкин. Унинг қариндош-уруғлар, дўстлар, қўни-қўшнилар, бирга ишловчилар ва мансабдор шахслар билан бўлган сұхбатларда боланинг отаси эканлигини тан олиши жавобгар томонидан оталикни тан олувчи далил бўлиб ҳисобланади.

Оталикни белгилаш ишлари даъво ишини юргизиш ва алоҳида тартибида кўрилади.

Ишда иштирок этиш учун ариза берувчи, боланинг онаси ёки унинг васийси ва манфаатлар фуқаролар ҳамда ташкилотлар жалб этилиши мумкин. Ўлганнинг хатини ва қариндош-уруғлари манфаатдор шахслар бўлиб ҳисобланади.

4-§. Ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Амалдаги оила кодексининг 61 ва 62-моддаларида назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Никоҳсиз туғилган болаларнинг ҳуқуқлари билан никоҳда туғилган болаларнинг ҳуқуқларини тенглаштиришга интилиш қонунчилик сиёсатининг энг тўғри ва демократик йўналишидир. Бироқ ижтимоий тараққиёт шароитидаги табиий сабаблар оқибатида бундай болаларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўла тенглигини таъминлаш имконияти деярли йўқ¹.

Махсус ҳуқуқий адабиётларда тўғри таъкидлаб ўтилганидек ёлғиз аёлдан туғилган болаларнинг ҳуқуқий ҳолати биргина алоҳида хусусиятга эга: бундай болалар фақат онанинг қариндошлари сирасига кирадилар, ота ва унинг қариндошларига нисбатан эса, ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлмайдилар.

Никоҳда бўлган ва сунъий ҳомила ҳосил қилиш ёки эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахсларда шу усулларни қўллаши натижасида бола туғилса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига улар шу боланинг ота-онаси деб ёзилганда бир қатор муаммолар юзага келади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т., "Адолат", 2000. 125 б.

Меъёрий ҳужжатларда ҳаётдан келиб чиқадиган саволларга жавоб берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

XII Мавзу. Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Боланинг оиласидаги ҳуқуқий ҳолати

Инсоният тарихини маълумот беришича, болалар оиласа туғилганлар ва яшаганлар ва тарбияни биринчи навбатда ота-оналаридан ва бошқа оила аъзоларидан олганлар. Жамоат тарбиясини қўни-қўшнилардан, маҳалла аҳолиси ва қариндош-урӯзлардан олганлар.

1917 йил давлат тўнталишидан сўнг Россияда шунингдек, Туркистонда «болаларнинг Олий васийси» деб оила тарбиясини ўрнига биринчи бўлиб «жамоат тарбияси» эълон қилинди.

Шунинг учун оиласа бола тарбияси муаммолари етарли вужудга келмади. Шу билан бирга ота-онасиз қолган болаларни жамоат муассасаларига жойлаштириш масаласи жуда муҳим масала бўлиб қолди.

Болаларга бўлган муносабатни бошқача талқин этиш кўпроқ Европа давлатларида пайдо бўлди ва улар ўз ифодасини 1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»¹да ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi 1992 йил 9 декабрида «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»га қўшилиш ҳақида қарор қабул қилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 41-модда.

Бу қарорда болалар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимоя ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилди.

Шунга ҳам алоҳида эътибор бериш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган тамойилларга мувофиқ жамиятнинг барча аъзоларини қадр-қимматини, тенг ва дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этиш инсон эркинликларини таъминлашнинг асоси эканлигини эътиборга олинганлиги ҳам қайд этилган. Бундай тарихий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган Конвенцияга қўшилиш Ўзбекистон Республикасининг Мустақилликка эришганлигининг шарофатидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 46-моддасида белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, оилани жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши тўғрисида давлат ғамхўрлиги Республикасининг Фуқаролик, Оила, Меҳнат ва Жиноят кодексларида, Соғлиқни сақлаш, Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида хотин-қизларнинг меҳнат қилиш, унинг учун ҳақ олиш, дам олиш каби ҳуқуқий муносабатларини амалга оширишдаги кенг имтиёзлари берилиши билан бирга уларни ҳаётга татбиқ қилиниши ҳам кафолатланган.

Болалар дейилганда амалдаги кодексларда қўйидаги иборалар ишлатилади: «бола», «гўдак», «эмизадиган бола», «кичик ёшдаги бола», «ўспирин» (14 ёшдан 18 ёшгача), «вояга етмаган болалар» (18 ёшга тўлмаган).

Шарқда болалар тарбиясида оила тарбияси, ота-оналар тарбияси биринчи бўлиб турган.

Болаларнинг жамиятдаги ўрни ва ҳолати ота-онасининг мақоми билан белгиланган. Жамоат тарбияси бу иккинчи ўринда бўлган.

2-§. Вояга етмаган болаларнинг шахсий ҳуқуқлари

Вояга етмаган болалар дейилганда ўн саккиз ёшга тўлмаган болалар тушунилади. Амалдаги қонунлар билан белгиланган Болаларнинг ҳуқуқлари уларни туғилиши билан вужудга келади. Уларнинг муомала лаёқати Фуқаролик кодексини 22-моддаси ва Оила кодексини тегишли моддалари билан белгиланади.

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Болалар ҳуқуқи дейилганда Оила кодекси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясида» ифодаланган терминлардан фойдаланган. Қонунчиликда фойдаланилган «болаларнинг шахсий ҳуқуқлари» йиғилган характерга эга бўлиб ҳар хил мазмунни ифодалайдиган бир хил бўлмаган мақсадларни назарда тутади. Вояга етмаганларнинг шахсий ҳуқуқлари биринчи даражадаги ва мустақил қуидаги шахсий ҳуқуқларга бўлиш мумкин: оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи; ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи; ўзини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи; ўз фикрини эркин ифода эзтиш ҳуқуқи; исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи.

Санаб ўтилган ҳуқуқларни ҳар бири болага давлат томонидан берилган бўлиб, оилада тарбияланиши, ўзини ҳимоя қилиш мумкин. Оила кодекси бу ҳуқуқларни 11-бобда белгилаб, давлат ўз навбатида биринчидан, уларни аҳамиятини кўрсатади, иккинчидан уларни амалга оширишлигини кафолатлайди. Аммо шуни билмоқ керакки вояга

етмаганларнинг ҳар қандай шахсий ҳуқуқлари ўз мазмунига эга бўлиб кодекснинг тегишли моддаларида аниқ ифодаланган.

Оила кодексининг 65-моддасида белгиланган болани яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи аввало бола ўз ота-онаси билан бирга яшашлиги мумкин эканлигини англаатади.

Фуқаролик кодексининг 21-моддасига биноан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади. Табиий, улардан катта бўлган ёшдаги вояга етмаган болалар ҳам улар билан яшайдилар.

Боланинг оиласида яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи ўз ота-онасини билиш ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқдир. Бу ҳақда «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»ни 7-моддасида тўғридан-тўғри белгиланади. Ҳақиқатда бироқ қўшимча шарти билан «агар бу мумкин бўлса» бундай ҳолат вояга етмаган боланинг ҳуқуқи суд тартибида оталик белгиланаётган вақтда назарга олинади.

Оила кодекси 66-моддасининг биринчи қисмига биноан бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ота-онасининг никоҳдан ажралиш, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшashi бунга таъсир этмайди.

Ота ва она алоҳида яшаётган бўлсалар у ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Ота-она турли давлатларда яшаётган бўлсалар ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Оила кодекси 66-моддасининг 3-қисмида фавқулодда вазиятларда тушиб қолган болани учрашиш ҳуқуқини амалга ошириш муаммоси масаласига алоҳида тўхтаб ўтилади. Оила кодекси уларга қараб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, давлат муссасасида бўлиш ва бошқа ҳолларни назарда тутади. Бу санаб ўтилган ҳоллар мутлоқ бўлиб ҳисобланмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу фавқулотдаги ҳолатлар вояга етмаганни ташқи дунёдан, оиладан, ота-онадан, яқин қариндошлардан ажратилганлиги билан боғлиқдир. Улар билан учрашиш унга берилган бу ҳуқуқ нафақат ўз мазмуни бўйича инсонпарварлик шу билан бирга тарбиялаш, зарур ҳолларда эса қайта тарбиялашга хизмат қиласиди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 37-моддаси вояга етмаган маҳкумларга яқин қариндошлари билан ҳар ойда бир марта муддати уч соатгача бўлган қисқа муддатли учрашув имкониятини беради.

Оила кодексининг 67-моддасига биноан бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), амалдаги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла мумомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Болани ҳимояга бўлган ҳуқуқини белгилаб, Оила кодекси янада кенгроқ янгиликни олиб кирди.

Эндиликда вояга етмаган бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган суистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Маълумки, ҳар қандай фуқаронинг ҳуқуқи шу билан бирга вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқи суд тартибида ҳимоя қилинади.

Оила кодексининг 68-моддаси боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқини белгилайди; бу ҳуқуқни ҳаракат доирасини аниқлайди; қандай ҳолатларда вояга етмаганларнинг фикри ҳисобга олинади.

Оила кодексининг 69-моддасига биноан, бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга.

Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми эса отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлсалар ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиқсан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

3-§. Вояга етмаган болаларнинг мулкий ҳуқуқлари

Вояга етмаган болаларнинг мулкий ҳуқуқлари илгари амалда бўлган қонунларда ўзининг ифодасини топмаган эди. Эндиликда улар Оила кодексини 90-моддасида ўзининг тегишли ўрнига эга бўлди. Бу ҳолат яна бир бор болага нисбатан унга ҳуқуқни субъекти сифатида кенг ҳуқуқлар белгиланганлигини англатади.

Амалдаги қонун вояга етмаган болаларнинг мулкий ҳуқуқларини тўпловчи тушунча характерига эга эканлигини инобатга олиб уларни ҳар бирiga алоҳида эътибор беради.

Оила кодексининг 90-моддасига биноан вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, алимент унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Вояга етмаган болаларнинг мол-мulkини тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилаётганда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Булардан ташқари болалар қуйидаги мулк ҳуқуқига эга: совға тариқасида олинган мулкка. Бу анъанавий ва жуда кўп тарқалган мулк олишликни усули бўлиб хисобланади. Бундай мулк нафақат қариндошлардан шунингдек бошқа жисмоний шахслар ҳатто юридик шахслардан ҳам олинган мулк бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодекси томонидан белгиланган мерос тартибида олинган мулклар. У қонун ёки васиятнома тартибида олинишидан қатъий назар, улардан олинган даромадлар.

Фуқаролик кодексининг 29-моддасига биноан, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузишлари мумкин.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар: майда майший битимлар; текин манфаат кўришга қаратилган,

нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар; қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка оловчилари ёки васийси, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкий жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

4-§. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 45-моддасига биноан вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ҳар бир шахсга шу билан бирга вояга етмаган болаларни ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашади. Шу билан бирга қўйидагини назарга олиш лозимки, вояга етмаган болалар ўзларини жисмоний, руҳий ва ижтимоий ривожланишига кўра ҳамма вақт ҳам у ёки бошқа ҳаётий вазиятни тўғри баҳолай олмайдилар.

Шунинг учун Оила кодекси 67-моддасининг 2-қисмига биноан, боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини боқувчи шахслар) амалга оширадилар.

XIII Мавзу. Отa-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Отa-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги

Оила кодексининг 71-моддаси отa-онанинг ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини белгилайди (отa-оналик ҳуқуқлари).

Отa-оналик ҳуқуқлари болаларнинг келиб чиқишларига асосланиб, тегишли қонун билан белгиланган тартибда бола туғилганлиги ФХДЁ органида ёзилишига асосланади.

Агар отa-оналар болалари билан бирга яшасалар у ҳолда қоида асосида отa-оналарининг ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари эр хотинларининг иккаласи билан ҳал қилинади (масалан, болани ўқиш жойини танлаш ва бошқалар).

Ҳар бир отa-она фарзандини бевосита болаларига исм бериш уни тарбиялаш, унга таълим-тарбия бериш, шунингдек уларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

2-§. Вояга етмаган отa-онанинг ҳуқуқлари

Оила кодекси биринчи маротаба отa-оналик ҳуқуқларини вояга етмаган отa-оналарга берилишини белгилайди. Унда бошқа янгиликлар тўғрисида сўз юритилиб, отa-оналарнинг ҳуқуқий мақомини юқори кўтариб уларнинг ўз болаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлади.

Вояга етмаган отa-она ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзаро никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-она улардан бола туғилганда ҳамда уларнинг оналиги ва (ёки) оталиги белгиланганда ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар. Вояга етмаган ота-она билан биргаликда тарбиялаш учун болага васий тайинланиши мумкин. Боланинг васийси билан вояга етмаган ота-она ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Вояга етмаган ота-она ўз оталиги ва оналигини умумий асосларда эътироф этиш ёки унга эътиroz билдириш ҳуқуқига эга.

3-§. Отa-онанинг болаларга таълим -тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Оила кодексини 73-моддаси ота-оналарни ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқларини белгилайди. Шу билан бирга ушбу моддада ўз болаларини тарбиялаш мажбурияти ҳам аниқланган.

Шундай қилиб, ота-оналик ҳуқуқлари бирйўла болаларни тарбиялаш мажбурияти ҳам бўлиб ҳисобланади.

Бу ҳақда Конституциянинг 64-моддасида шундай дейилади: ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва аҳлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан үстунлик ҳуқуқига эга.

Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши керак.

4-§. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Оила кодексининг 74-моддаси ота-оналарга болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни уларни зиммасига юклайди.

Ота-оналар ўз болаларининг қонуний вакиллари. Уларнинг ҳар бири шундан фойдаланади.

Ота-она ўз болаларининг вакиллари бўлганлиги учун ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласидилар. Бунинг учун боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки пасортини кўрсатиши етарли, чунки бундан боланинг ҳуқуқий отаси ёки онаси эканлиги билиниб турди.

Никоҳсиз туғилган боланинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, қоида асосада она томонидан амалга оширилади. Бундай болани ҳуқуқини ҳимоя қилиш амалдаги отага агар ота ўз оталигини ўз хоҳиши билан тан олса ёки оталик суд тартибида белгиланган бўлса унга юклатилади.

Боланинг ёши катталашиб борган сари фуқаролик м uomала лаёқати ҳам кенгайиб боради. Шунинг учун масалан, Фуқаролик кодексини 27, 29-моддаларида ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар)ни м uomала лаёқатини аниқ белгилаб беради.

Буларни ҳисобга олиб ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар учун фуқаролик-ҳуқуқий битимларни (ФКнинг 28-моддаси 2-қисмида

кўрсатилган ҳоллардан ташқари улар номидан фақат уларни ота-оналар, яъни ўз болаларининг қонуний вакили сифатида қатнашадилар.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари ҳақиқий эмас деб топилади. Бироқ агар битим кичик ёшдаги болалар манфаатини кўзлаб тузилган бўлса, уни ота-онаси, фарзандликка олганлари ёки васийнинг талаби бўйича у суд йўли билан ҳақиқий деб топилади. 14 ёшга тўлган болалар учун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ота-оналар ўз болаларининг ҳомийлари сифатида қатнашадилар (ФКнинг 32-моддасига қаранг).

Вояга етмаган болани ўн саккиз ёшга тўлиши ёки уни никоҳ тузиши ва бошқа ҳолларда вояга етганни тўла муомалага эга бўлиши алоҳида қарорсиз вояга етмаган устидан бўлган ҳомийликни тугатади.

5-§. Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш

Ўз болаларига нисбатан (Оила кодексининг 75-78-моддаларига қаранг) ота-оналарга кенг ҳуқуқларни бериб умумий қоида бўйича давлат уларни амалга ошириш жараёнига аралашмайди. Бироқ бунда давлат ўз шартларини қўяди. Асосий эътибор ота-оналик ҳуқуки болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас (Оила кодексини 75-моддасининг 1-банди).

Амалдаги қонунчиликка асосан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигига, аҳлоқий камолотига зарар етказмасликлари лозим. Болаларни тарбиялаш усулларини менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик, инсоний қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлардан, болаларни

ҳақоратлаш ёки уларга тайзиқ ўтказишдан ҳоли бўлишларини таъкидлайди.

Агар ота-оналар ўзларининг ота-оналик ҳуқуқларини болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратиб амалга оширсалар бунинг учун уларнинг жавобгарлиги қонун томонидан белгиланган тартибда вужудга келади. Жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий, маъмурий бўлишлиги мумкин. Бунда аниқ ота-онанинг ўз боласига нисбатан қандай ҳуқуқни бузганлигига яъни жиноий ножӯя иш ва бошқа турдаги ҳуқуқ бузилишига боғлиқ бўлади.

Ота ёки она томонидан вояга етмаган болани тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идроқига таъсир қиласиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан содир этилган бўлса жиноий оқибатни келтириб чиқаради (Жиноят кодекси 127-моддасининг 1-банди).

Ота-оналарнинг жавобгарлиги оила қонунчилиги нормалари асосида ҳам вужудга келишлиги мумкин. Маълум шартларни мавжуд бўлишлиги ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиши учун асос бўлишлиги мумкин (Оила кодексини 79-моддасига қаранг).

Оила кодексининг 75-моддаси 4-бандига мувофиқ, болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиқади ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар (улардан бири) бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ота-оналик ҳуқуқларини муваффақиятли амалга ошириш учун болалар ўзларини ота-оналари ёки улардан бири билан яшашликлари мақсадга мувофиқ. Агар ота-оналар алоҳида яшасалар боланинг яшаш жойи ота-оналарни келишуви билан ҳал қилинади. Агар ота-оналар ўртасида келишув бўлмаса у ҳолда низо болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг аҳлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оиласиий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

6-§. Боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириши

Оила кодексини 76-моддасида боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш асосий тамойиллари мустаҳкамланган. Боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиши, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиш масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бунда бола билан яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишга, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, аҳлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилик қилмаслиги керак.

Ота (она) томонидан кўришишликни баҳолаш албатта мезони ҳар қил бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниши лозим. Алоҳида яшаётган

боланинг кўришишлиги болага жиддий таъсир этиб шундан сўнг асабийлашиб, жиртаки қўпол бўлиш ҳоллари ҳам кам эмас. Шу асосда рухий касаллик ривожланиш ҳоллари бўлиши мумкин.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналиқ ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан суд томонидан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

Боланинг ота-онани биттаси билан алоҳида яшашлиги суд мажлисидан ҳоли, ўқитувчиси, синф раҳбари иштирокида болага савол бериш орқали аниқланади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки 10 ёшдан ошган болани хоҳишини олмасдан суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини бажариш мураккаб. Масалан, А.Петрова Н.Сидоровага даъво билан мурожаат этиб, никоҳдан ажрашгандан сўнг 10 ва 11 ёшдаги болаларини уни тарбиясига олиб ўзига олиб беришни сўрайди. Даъво қаноатлантирилади. Бироқ бу ҳал қилув қарорини бажариш имкони бўлмади, чунки болалар отасидан кетишликни хоҳламадилар¹. Шунинг учун болалар отасида қолдирилади.

7-§. Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш

Оила кодексининг 79-моддасига биноан, ота-она ўзларининг ота-оналиқ мажбуриятларини бажармасалар у ҳолда улар ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этишлик сўнгги чора бўлиб ҳисобланади. Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга таъсир қиласиган ҳамма чора-тадбирлар тегишли натижа бермаганидан сўнг қўлланилади.

¹ Бюллетень Верховного Суда РСФСР. 1973. №5, с.5.

Оила кодексини 79-моддасида санаб ўтилган ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари янги оила қонунчилигида уларнинг доираси янада кенгайди.

Ота-она (улардан бири) қўйидаги ҳолларда: ота-оналиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа; узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғриқхона ёки бошқа даволаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса; ота-оналиқ ҳуқуқини сунистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки рухий таъсир кўрсатса; муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсан[№] ўз болаларининг ҳаёти ва соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Амалдаги Оила кодексининг 80-моддаси ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибини белгилайди.

Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Республика судлари томонидан 2000 йилда 330 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, шулардан 310 таси бўйича ҳал қилув қарор қабул қилинган, 20 таси бўйича суд ажримлари билан ишлар ҳаракатдан тугатилган... кўрилган ишларнинг 97,2 фоизида прокурор, 95,7 фоизида васийлик ва ҳомийлик органи иштирок этган¹.

Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2001 йил 1-ярим иш режасининг 4 бўлим 4-бандига асосан мамлакат миқёсида ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишларини.... умумлаштириш материаллари 2001 йил 2 май. -Т., 1-бет.

мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларининг) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишида боланинг таъминоти учун ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси умумлаштириш жараёнида қонун талабига зид равишда ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан алимент ундириш масаласи ҳал этилмай қолиши, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмаслик ҳоллари ҳам аниқланди.

Жумладан, Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман суди томонидан туман прокурори даъвоси билан жавобгар А.Шкилевичнинг бир нафар фарзандига оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида 2000 йилда ҳал қилув қарори қабул қилинганда, жавобгардан алимент ундириш масаласи ҳал этилмаган.

Шунингдек, Тошкент вилояти Охангарон шаҳар суди томонидан 2000 йил 8 ноябрда шаҳар прокурорининг жавобгар Л.Бранделесга нисбатан оналий ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилган, аммо жавобгардан алимент ундириш масаласи ҳал этилмаган.

Шу каби жавобгарлардан болалар таъминоти учун алимент ундиримаслик ҳолатини Сурхондарё вилояти Термиз туман суди томонидан 2000 йил 30 декабрда кўрилган даъвогар Термиз туман

прокурори жавобгар И.Гайбуллаевага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги фуқаролик ишида ҳам кўриш мумкин¹.

Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда ота-она (улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар бериши лозим.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичидаги ушбу қарорнинг кўчирмасини боланинг туғилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

XIV Мавзу. Отa-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Отa-она ва болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Илгари амалда бўлган Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила коедксига (1969 йил 1 октябр) болаларнинг мулкий ҳуқуқлари тўғрисида тегишли нормалар йўқ эди. Болаларнинг мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда айрим мураккаб қийинчиликларни вужудга келарди. Фақат янги Оила кодексини қабул қилиниши билан бу муаммо оила қонунчилигида ўзининг ижобий ечимини топди.

Отa-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги Оила кодексининг 13-боби, 90-95-моддалари билан тартибга солинади. Бу қоидалар оила қонунчилигида янгилик бўлиб ҳисобланади.

¹ Унинг Бош прокуратураси 2001 йил 1-ярим иш режасининг 4 бўлим 4-бандига асосан мамлакат миқёсида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишларини... умумлаштириш материаллари 2001 йил 2 май. -Т., 5-бет.

Оила кодексининг 90-моддасига биноан ота-она ҳаётлигига болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулқдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулқдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-она ва болаларнинг улар ўртасидаги умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 18-боби 216-227-моддалари билан тартибга солинади.

Аввалги кодексда умумий икки хил: ҳиссаларга бўлинадиган (ҳиссалик мулк) ёки ҳиссаларга бўлинмайдиган (биргалиқдаги мулк) деб ажратилган эди (128-моддасининг 2-қисми). Янги кодексда бундай ажратиш сақлаб қолинди. Лекин «ҳисса» - «улуш» деган атама билан алмаштирилди.

Умумий мулк тушунчаси фақат атамани ўзгартириш билан чекланмади, мулк эгаларининг таркибий қисми, унинг вужудга келиш асослари, унга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф қилиш ҳуқуқларини белгилашга қаратилган янги қоидалар билан тўлдирилди.

Вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиш учун сарфланиши керак.

Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилаётганда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Вояга етмаган болалар ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш, фан, адабиёт, санъат бобидаги

асарлари, ихтиrolари ёхуд ўз интеллектуал фаолияти самараларини, шунингдек, қонун билан қўриқланадиган бошқа муаллифлик ҳуқуқини амалга ошириш, қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш ҳамда қонунда белгиланган (ФКнинг 29-моддаси 2-қисми) майда майиший битималарни тузишни мустақил амалга оширишлари мумкин¹.

2-§. Ота-она ва болаларнинг алоҳида мол-мулки

Оила кодексини 91-моддасига биноан, ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгалик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Болалар мулкдорлик ҳуқуқига эга. Бу ҳолат болага бўлган эътибор уни ҳуқуқининг мустақил субъекти эканлигини англатади.

Вояга етмаган болаларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари йиғма характерга эга бўлган ҳуқуқлар бўлиб, уларни ҳар бирига Оила кодексида алоҳида эътибор берилади. Буларни ичиди биринчи навбатда ҳар бир вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги ётади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64-моддасига биноан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Бундай ҳуқуқларни берилиши болаларни муҳим ҳаётий эҳтиёжи (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва бошқалар) биринчи навбатда от-оналари, оиласи ёки уни ўрнини босувчи оила аъзолари томонидан бажарилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т., "Адолат", 2000. 183-бет.

Оилада болаларга таъминот беришликни бир қанча манбалари мавжуд. Уларга вояга етмаган болаларни нормал ҳаётий эҳтиёжини қондириш учун ота-онасини, фарзандликка оловчиларга иш ҳақини маълум қисмини қаратиши; уларга тегишли бўлган алиментлар, агар ота-оналар (улардан бири) уни моддий таъминотидан хабар олмаса; қонун йўли билан болаларга тегишли бўлган пенсиялар, ҳар хил нафақалар ундирилади.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Қўйидаги асослар болаларнинг мол-мулкка ҳуқуқларини келиб чиқишига асос бўлишилиги мумкин : майда майший битимлар тузиш, кичик тадбиркорлик юритиш; ҳадя шартномасини тузиш; иш ҳақидан; стипендиясидан; фан, санъат ва адабиёт бўйича қўлга киритилган ютуқлари ва ихтиро яратган бўлса, ундан фойдаланишдан тушган даромаддан; меросдан; банкларга қўйилган омонатлардан мол-мулк орттириш мумкин.

Вояга етмаган болалар ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни ўзлари тасарруф қилолмасликлари мумкин. Бундай ҳолларда уларга ота-оналари ва бошқа қонуний вакиллари ёрдам берадилар. Демак, ота-оналар оилада болаларини мулқдорлик ҳис-туйғуси асосида тарбиялашлари лозим. мулқдор ўз мол-мулкидан фойдаланаётганда бошқаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, ўзининг устунлик мавқеини суистеъмол қилмаслиги, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-табиий муҳатга зарар етказмаслиги керак.

3-§. Ота-она ва болаларнинг умумий мулки

Амалдаги Оила кодексини 92-моддасига биноан, ота-она ва ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган болалар ўртасида қонунда белгиланган тартибда умумий мулк ҳуқуқи вужудга келиши мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғорисида келишув тузишлари мумкин.

Ота-она ва вояга етмаган болаларнинг умумий мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Оилада ота-она ва болаларнинг бирга яшаганлиги турмуш тарзи туфайли улар ўртасида умумий мулк бўлишлиги мумкин.

Умумий мулк ҳуқуқи фақат ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаган болалар билан ота-оналари ўртасида тузилган битим ёки келишув асосида вужудга келади.

Умумий мулк бўйича болалар ва ота-оналар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатлар Фуқаролик кодексининг 216-227-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида тартибга солинади.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

1) майда майший битимлар;

2) текин манфаат қўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка оловчилар ва ҳомийларнинг розилигисиз қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;Ф

2) фан, адабиёт ва санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;

3) қонунга мувофик, кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

ота-она билан болалар ўртасидаги мол-мулк мулқдорлардан ҳар бирининг мулкий ҳуқуқига кўра, уларнинг луши аниқланиб қўйилган бўлиши ёки бундай улушлар аниқланмай қўйилган бўлиши мумкин.

4-§. Болаларнинг оиладаги хусусий мулки

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига асосан, ҳар бир шахс мулқдор бўлиш ҳуқуқига эга. Шахснинг мулқдорлик ҳуқуқи чекланмайди, унга мутлоқ ҳуқуқ сифатида берилади. Бу ҳуқуқ шахснинг ёши билан чекланмайди. Кўпчилик қатори вояга етмаган болалар ҳам хусусий мулк эгаси бўлишлари мумкин.

Мамлакатимизда барча фуқароларга амалдаги қонунлар билан ман этилмаган ҳар қандай шартномаларни тузиш ҳуқуқи берилган. Ота-оналар ҳам ўз болалари билан шундай шартномалар тузишлари мумкин. Ҳаётда ота-оналар билан болалар ўртасида кўринча ҳадя шартномаси тузилади.

Бола ўзига тегишли бўлган мулқдан олган даромадига ҳам мулқдор бўлиши мумкин.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган болалар меҳнат шартномаси бўйича ишлаб ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилар ёхуд ҳомийсининг розилигида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб хусусий мулк орттиришлари мумкин.

Бола хусусийлаштириш туфайли олган уйга, квартирага (уларни қисмига) хусусий мулқор бўлиши мумкин. Хусусийлаштириш туфайли берилган уйлар нафақат вояга етган болаларга шунингдек, оила аъзолари ҳисобланган 14 ёшдан 18 ёшга тўлмаган вояга етмаган болаларга ҳам ўтиши мумкин. Агар уйда фақат вояга етмаган болалар яшасалар у ҳолда васийлик ва ҳомийлик органлари уларни болаларни номига ҳужжатлаштириб беришга ёрдам берадилар.

Вояга етмаган болаларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласидиган шахсий фойдаланишдаги буюмлари, кийим-бош, пойабзал, ишлаб чиқариш қурол ва аслаҳалари, ўқув анжомлар ва бошқалар уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

5-§. Вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкини бошқариш ва тасарруф этиш

Фуқаролик қонунчилиги болаларга ўз мулкидан мустақил равишда тасарруф этиш ҳуқуқини беради. Болаларнинг бу имкониятлари уларнинг ёшига ҳам Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда айрим вояга етмаган болалар мурувват уйларида истиқомат вақтларида уларнинг номларига жамғарма банкларига пул маблағлари қўйиш анъанага айланиб бормоқда. Уларнинг бу маблағларини муҳофаза қилиш, уларни бошқариш ва тасарруф этиш масалалари васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал қилиниши лозим.

Вояга етмаган болалар номига ота-оналари ва бошқа шахслар томонидан қўйилган маблағларни бошқариш ва тасарруф этиш Фуқаролик кодекси қоидалари асосида амалга оширилади.

Вояга етмаган болалар номига қўйилган пул маблағлари, болалар ўн тўрт ёшга киргунга қадар уларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари томонидан тасарруф этилиши мумкин. Улар ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, фақат ўзлари томонидан ота-оналари ёки бошқа қонуний вакилларнинг розилиги билан тасарруф этилиши мумкин.

Кичик ёшдаги болалар (14 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар) олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлганлар: майда майший битимлар тузиш, текин манфаат қўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимларни тузишлари мумкин.

Майда майший битимлар тушунчаси аниқ бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки уларнинг ҳар гал айниқса бизнинг давримизда ашёни қадри ва унинг баҳоси тез ўзгариб турмоқда. Сўзсиз ҳар бир оиласда болани моддий таъминлаш даражаси ўзгариши туфайли уни қондириш ҳам ўзгариб бормоқда. Уни белгилашда ота-онанинг маданияти, оила педагогикаси ва уларни мақсади охирги ўринда турмайди. Шунинг учун кундалик ҳаётда майда майший битимлар тушунчаси кам учрамоқда.

Ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиққан мулкий низолар суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган кичик ёшдаги вояга етмагн болалар ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қила олмайдилар. Уларнинг ота-оналари эса, низо муносабати билан ишда тараф сифатида иштирок этганликлари туфайли, вояга етмаган болаларнинг қонуний вакили сифатида иштирок эта олмайдилар. Шунинг учун, кичик ёшдаги болаларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан қонуний вакил сифатида амалга оширилади.

XV Мавзу. Алимент мажбуриятлари

1-§. Алимент мажбуриятларининг умумий қоидалари

Алиментлар - (лотинча *alimentum* - «озиқ-овқат», «нафақа», «таъминот», «боқиш учун маблағлар» - деган маъноларни англатади) бир шахснинг иккинчи шахсга мажбуран тўлайдиган моддий нарсаси.

Алимент мажбуриятлари оила аъзолари ўртасида содир бўлади.

Амалдаги қонунчиликда бир томонда давлат иккинчи томонда жисмоний шахс иштирок этса ёки ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар содир бўлса, у ҳолда «нафақа» сўзи ишлатилади. Агар оиласи ҳуқуқий муносабат бўлиб унда оила аъзолари иштирок этсалар у ҳолда «алимент» сўзи ишлатилади.

Алимент мажбуриятлари мулкий ҳуқуқий муносабатлар дирасига кириб шу билан бирга ўзининг баъзи бир маҳсус белгиларига ва хусусиятларига ҳам эга. Алимент мажбуриятининг фуқаролик ҳуқуқидаги мажбуриятдан фарқ қиласидиган томонлари ҳам бор¹.

Бу белгилар қўйидагилардан иборат: алимент мажбуриятларини келиб чиқиш асослари биринчидан қонунда императив асосда белгиланган (қон-қариндошлиқ, меҳнатга лаёқатсизлик, меҳтоҷлик) иккинчидан, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув; алимент мажбуриятлари шахсий характерга эга. У мажбур бўлганнинг, шунингдек талаб қилувчи шахснинг вафоти туфайли тугалланади, мерос бўйича бошқа шахсларга ўтмайди. Уларга талаб қилишни бошқаларга ўtkазиш ва қарз қоидаси татбиқ этилмайди: алимент мажбуриятлари бепулдир. Агар хатоликка йўл қўйиб ундирилган бўлса ҳам қайтарilmайдi. Ёлғон маълумотларга ва қалбаки ҳужжатларга асосланган ҳоллар бундан мустаснодир; алимент мажбуриятлари

¹ Қаранг: А.И.Пергамент. Алиментные обязательства по советскому праву. Автореферат кандидатской диссертации. -М., 1951г.

давомли бўлади. Алимент келажак вақт учун олиниб даъво қилинган кундан бошлаб ҳар ойда ундирилади. Болалар учун алимент улар вояга етгунларига қадар ундирилиши мумкин.

Амалдаги қонунда алимент мажбуриятларида бар қатор янги қоидалар белгиланган.

Янги оила қонуни алимент ундиришни уч тартибини белгилайди:

1. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тузиш (17-боб, 130-134-моддалар), Алиментни ихтиёрий тўлаш (18-боб, 135-модда), алиментни суд тартибида ундириш (18-боб, 136-модда).

Амалдаги қонунчилик бу уч тартиб ўртасидаги фарқларни аниқ белгилаб беради. алимент тўлаш тўғрисидаги келишиш мавжуд бўлганида суд тартибида алимент ундиришга йўл қўйилмайди.

Алимент мажбурияти бу шундай ҳуқуқий муносабатни улар қонунда белгиланган юридик фактлар содир бўлганида содир бўлади.

Тарафлар ўзаро келишганда ёки суднинг ҳал қилув қарори мавжуд бўлганида бир хил оила аъзолари бошқа оила аъзоларига тўлашга мажбур бўлади сўнгиси эса уни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жамиятда алимент тўғрисидаги тушунчалар бар қатор ўзгариб турди. Совет даврининг 20 йилларида алиментлар «Ижтимоий таъминотининг ясама, сунъийси»¹, - деган тушунча мавжуд эди. Ижтимоий таъминотнинг ривожланиши билан алимент мажбуриятини аста-секин йўқ бўлиб кетишига олиб келади деган назария мавжуд эди. Кейинчалик бу назария ўз ўрнини йўқотди. Бироқ алимент мажбурияти билан ижтимоий таъминотни ривожланиш тизими ўртасида сўзсиз боғланиш бор, чунки улар умумий бир мақсадни у ҳам бўлса вояга етмаган муҳтож шахсларга моддий таъминот беришни ўз

¹ Гайхберг А.Г. Брачное, семейное, опекунское право советских республик. -М., 1920, с.62.

олдига мақсад қилиб қўяди. Бизнинг мамлакатда олдингидек бошқа мамлакатларга нисбатан қараганда моддий таъминот берувчилар доираси кенг. Бу кўпчилик ҳолатларда давлат ҳамма мухтож, меҳнатга лаёқатсиз шахсларга ижтимоий таъминот ҳисобидан зарур маблағлар билан боғлиқ эканлигини билдиради.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув, суд йўли билан алимент ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ўртасида ҳам (Оила кодекси 18-боби 131-моддасига биноан), бундай ҳуқуққа эга бўлмаганлар ўртасида ҳам тузилиши мумкин, чунки бу ҳолатда алимент тўлаш мажбуриятини ихтиёрий равишда ўз заммасига олиш тўғрисида гап боради. Масалан, Оила кодексининг 16-бобига кўра, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи меҳнатга лаёқатли эр ёки хотинга, амалдаги хотин ёки эр, васий, ҳомий ва уларнинг ҳомийлигидагилар, амакитоғалар, амма холалар ва жиянлар ҳамда қонун билан суд тартибида алимент талаб қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига киритилмаган бошқа шахслар томонидан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Оила кодексининг 130-моддасига биноан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш учун муомалага лаёқатли бўлиш талаб этилмайди.

14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳамда суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар номидан келишув уларнинг қонуний вакиллари (вояга етмаганларнинг ота-оналари, васийлари, ҳомийлари) томонидан тузилади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳамда муомала лаёқатлилиги суд тартибида чекланган шахслар ўз қонуний вакилларининг розилиги билан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузадилар.

Оила кодексининг 131-моддасида келишувни ёзма равища тузиш ва уни нотариал тарзда тасдиқлаш шартлиги белгиланган Нотариал тартибда тасдиқланмаган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий ҳисобланмайди. Бироқ алимент тўлаш тўғрисида (оддий ёзма шаклда) келишув тузган томонлардан бири амалда уни ижро этишга киришган бўлса-ю, иккинчи томон уни нотариал тасдиқлашдан бўйин товлаётган бўлса, Фуқаролик кодексининг 12-моддасига мувофиқ келишув суд тартибда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ҳолатда кейинчалик келишувни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

Нотариал тасдиқланган келишув ўз ижро кучига кўра ижро варақасига тенглаштирилади. Бу эса алимент ушлаб қолиш учун бошқа ҳужжатларни кўрсатиш талаб қилинmasлигини билдиради. Нотариал тасдиқланган келишувни жўнатиш, ҳисобга олиш ва сақлашга нисбатан ижро варақаларини жўнатиш, ҳисобга олиш ва сақлаш қоидалари қўлланилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган даъво қўзғатиш муддати доирасида эътиборсиз қолдирилиши ҳам, рад этилиши ҳам мумкин.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг томонларнинг ўзаро келишувларига биноан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ёзма равища амалга оширилиб нотариал тасдиқланиши зарур.

Оила кодексининг 16-бобига биноан алимент келишувларини қўйидаги шахслар тузишлари мумкин:

А) ота-оналар ўзларининг вояга етмаган болаларини таъминлаш тўғрисида. Агар алимент 14 ёшга тўлмаган болаларга бериладиган бўлса, у ҳолда келишув алимент тўловчи ота ёки она билан она ёки ота ўртасида тузилади, бунда иккинчи томон сифатида фарзандликка

олувчи ота ёки онаси, васийси ёки фарзандликка олувчисининг розилиги билан келишув тузадилар;

Б) ота-оналар ёрдамига мұхтож, меҳнатга лаёқатсиз вояга етган фарзандларини таъминлаш түғрисида ота-оналар бундай келишувни ўзларининг меҳнатга яроқли, вояга етган фарзандлари билан ҳам тузишлари мумкин;

В) меҳнатга лаёқатли фарзандлари ўзларининг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга мұхтож ота-оналарини таъминлаш түғрисида. Бундай ҳолатда келишув вояга етган ҳар бир фарзанд билан ота ва онанинг ҳар бири ўртасида, томонлардан бири муомалага лаёқатсиз бўлган ҳолларда эса унинг қонуний вакили ўртасида тузилади. Бундай битим ота-оналар меҳнатга лаёқатсизлиги ва мұхтожлигидан қатъий назар тузилиши мумкин;

Г) эр-хотиндан бири меҳнатга лаёқатсиз, мұхтож бўлган ҳолларда, масалан, хотин ҳомиладорлиги даврида ҳамда умумий фарзанд туғилганидан кейин уч йил давомида ёки эр ёхуд хотин ногирон умумий фарзандни парвариш қилаётганида у 18 ёшга тўлгунича ё бўлмаса 1-гуруҳ ногирони бўлган умумий фарзандни парвариш қилаётганида эр-хотинлар алимент келишуви тузишлари мумкин. Битимда, алимент олувчи эр ёки хотин меҳнатга лаёқатсизлиги ёки мұхтожлигидан қатъий назар, улардан бирини таъминлаш назарда тутилиши мумкин;

Д) собиқ эр-хотинлар, никоҳ мавжудлиги даврида ҳам, улар никоҳдан ажралганидан кейин. Улар собиқ эр ёки хотин меҳнатга лаёқатсизлигидан ёки мұхтожлигидан қатъий назар, бундай келишувни тузишлари мумкин;

Е) шундай битим тузишлари мумкин бўлган ака-укалар ва опасингиллар;

Ж) боболар ва бувилар. Улар набиралари билан ўзларини таъминлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин;

3) боболари ва бувиларини таъминлаш тўғрисида келишув тузиш ҳуқуқига эга набиралар;

И) вояга етган амалдаги тарбияланувчилар. Улар ўзларининг собиқ амалдаги тарбиячиларини таъминлаш тўғрисида келишув тузиш ҳуқуқига эгадирлар;

К) вояга етган асранди ўғиллар ва қизлар. Улар ўгай оталари ёки ўгай оналарини таъминлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Оила кодексининг 145-моддасида хорижий давлатга доимий истиқомат қилиш учун жўнаб кетаётган шахс билан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мумкинлиги назарда тутилган. Бу келишувда томонлар алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни таъминлашнинг ҳар қанақа усулини қўзда тутишга ҳақлидирлар.

Келишувга мувофиқ вояга етмаган болалар учун белгиланадиган алимент миқдори улар суд тартибида ундирганда олиш мумкин бўлган алимент миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Бу миқдор Оила кодексининг 99-моддаси билан белгилаб қўйилган ва бир бола учун иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромаднинг 4/1 қисмини, икки бола учун 1/3 қисмини ва учта ҳамда ундан ортиқ бола учун 1/2 қисмини ташкил қиласди.

Алиментлар алимент тўлашга мажбур шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан ҳиссада мунтазам (ҳар ойда, ҳар чорақда ва шу каби) тўланадиган қатъий пул миқдорида мулк бериш йўли билан, шунингдек бўлакчи усулларда тўланиши мумкин. Келишувда тўлашнинг турли усулларини аралаш қўлланиш назарда тутилиши мумкин;

Алимент миқдорини индекслаш тартиби:

Индекслашнинг энг кенг тарқалган усули-алимент миқдорини энг кам иш ҳақига ёки чет эл валютасига боғлиқ қилиб қўйиш.

Келишув, томонларнинг ўзаро келишувига биноан, исталган пайтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу иш ҳам келишув тузилган тартибда амалга оширилиши керак.

Томонларнинг моддий ёки оилавий аҳволи жиддий равища ўзгарган ҳамда алимент келишувини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида келишувга эришилмаган ҳолатларда манфаатдор томон ушбу келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Алимент келишувидаги томонлардан бири, одатда, меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож шахс бўлиб, унинг манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилиш талаб этилади. Шу муносабат билан Оила кодекси алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни, уни ўзгартиришнинг Фуқаролик кодексининг 383-моддасида белгиланган умумий тартибига қараганда анча ихчам тартиб бўлиб, суд назорати остида ўзгартиришни назарда тутади.

2-§. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари алимент мажбуриятларини биринчи тоифасига киради. Ота-оналар ва болалар бошқа қариндошлари бўлиш бўлмасликларидан қатъий назар бир-бирларига моддий таъминот беришга мажбурлар.

Ота-оналарни вояга етмаганларга алимент тўлаш мажбуриятни асоси бўлиб, ота-оналар ва болалар ўртасидаги қон-қариндошлик ва вояга етмаган болаларни мавжуд бўлишлиги. Ишлашлиги ёки

ишламаслигидан қатъий назар 18 ёшга тўлмаган болалар вояга етмаган бола бўлиб ҳисобланадилар.

Оила кодексини 96-моддасига биноан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан биортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир¹.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳамда ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми; икки бола учун учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақини учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак (Оила кодексининг 99-моддаси).

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2003 йил 12 декабрдаги қонуни таҳририда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда.

3-§. Болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 64-моддасига мувофиқ ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мужбурдирлар.

Амалдаги қонунда вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига биноан, моддий ёрдамга муҳтоҷ бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатси шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳар қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баробаригача миқдорда эарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтоҷ болаларига нисбатан тегишли мажбуриятлари Оила кодексининг 100-моддасида белгилаб қўйилган.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ болаларига алимент тўлаш ота-онанинг мажбуриятидир. Тўланадиган алимент миқдори тарафларнинг моддий ва оиласвий аҳволини ҳисобга олиб қатъий суммада белгиланади. бундай алимент ойма-ой тўланади.

Амалдаги қонунда вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ болаларига алимент тўлашдан бош тортган ота-онанинг жавобгарлиги белгиланган.

4-§. Болаларни ўз ота-оналари учун алимент тўлаш мажбуриятлари

Оила кодексининг 109-моддасига биноан, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Қонун билан мустаҳкамланган, меҳнатга лаёқатли вояга етган болаларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиш мажбурияти, биринчи навбатда, болаларнинг маънавий бурчи ва вазифаси ҳисобланади. Мамалакатимизда ўзбек халқида ота-оналарга ғамхўрлик қилиш болаларни муқаддас бурчи ҳисобланади. бу мажбуриятни болалар ўз хоҳишлари билан бажариб келмоқдалар.

Моддий ёрдамга муҳтоҷ меҳнатга лаёқатсиз ота-она фойдасига алимент ундирилиши вақтида ота-онанинг ҳам, болаларнинг ҳам моддий, оилавий шароитлари, шунингдек тарафларнинг эътиборга лойиқ барча ҳолатлари ҳисобга олиниши лозим.

Ёрдамга муҳтоҷ меҳнатга лаёқатсиз ота-онага алимент тўлаш тўғрисидаги даъво оиласидаги барча меҳнатга лаёқатли вояга етган болаларга нисбатан қўзғатилиши мумкин.

5-§. Ота-оналар ва болаларнинг ёрдамчи ҳаражатларда иштирок этишлари

Оила кодексининг 111-моддасига биноан, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ва бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган қўшимча ҳаражатларда иштирок этишлари шарт. Бу қоида қонунчиликда янгиликдир. Ҳар бир вояга етган боланинг зиммасига юклатиладиган қўшимча ҳаражатларни

қоплаш суммасини белгилашда үларнинг моддий шароитлари ҳисобга олинади.

6-§. Низо судда ҳал этилгунга қадар алимент ундириш

Умуман амалдаги қонунларга кўра, алимент судга мурожаат қилинган кундан бошлаб суднинг ҳал қилув қарори билан ундирилади. Аммо Оила кодексининг 112-моддасига биноан, алимент ундириш тўғрисидаги низо узил-кесил ҳал этилгунга қадар судья шу низо бўйича ундан белгиланган миқдорда вақтинча алимент ундириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Бунда моддий таъминот уни миқдори, суднинг ажрими билан, таъминот бериши гумон қилинаётган шахсдан маълум суммада ундирилиши мумкин.

XVI Мавзу. Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари

1-§. Эр-хотин ўртасидаги алимент мажбуриятлари

Эр-хотиннинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яъни бир-бирларига моддий таъминот бериш мажбуриятлари мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар турларидан бири ҳисобланади. Бу масала бўйича жинсий ҳолат ҳеч қандай имтиёз белгиламайди.

Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари Оила кодексининг 15-боб, 117-121-моддалари билан тартибга солинади.

Агар эр ва хотин хоҳласалар, Оила кодексининг 31-моддасига мувофиқ никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаши ёки алимент тўлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин (Оила кодексини 130-моддаси).

Оила кодексининг 117-моддасида эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот бериш мажбуриятлари белгиланган. Унга мувофиқ, «Эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1-гуруҳ ногирони бўлган ўртасидаги болага қараган ёрдамга муҳтоҷ эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга».

Эр ёки хотинга бериладиган таъминот маблағининг миқдори суд томонидан таъминот тўловчининг ва олувчининг моддий ва оиласи ҳақволини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда тўланадиган қатъий суммада

белгиланади. Бироқ бу сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Эр ёки хотинга алимент, агар умуман яшаши учун маблағи бўлмаганда, шунингдек маблағи бўлса ҳам, муҳтоҷ бўлса тайинланиши мумкин.

Ушбу турдаги низоларни кўришда суд қуийдаги ҳолатларни аниқлаши лозим, чунончи: муҳтоҷ (эр (хотин)нинг яшаши учун маблағга эга ёки эга эмаслигини ва бу маблағ унинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун етарли ёки етарли эмаслигини; эр (хотин)нинг болалари ва бошқа боқимандалари бор йўқлигини; муҳтоҷ эр (хотин)нинг вояга етмаган болаларидан моддий ёрдам олиш ёки олмаслигини ва шу каби бошқа ҳолатларни аниқлайди.

Алимент тўловчи ёки оловчи эр ёки хотиннинг моддий ва оилавий аҳволидаги ўзгариш уларнинг ҳаётига катта таъсир этиши мумкин. Бу эса манфаатдор эр ёки хотинга судга мурожаат этиб алимент миқдорини ўзгартириш ёки уни камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Эр ёки хотинни таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ёхуд бу мажбуриятни маълум муддат билан чеклаш суднинг ҳал қилув қарорига асосан йўл қўйилади. Суд ҳал қилув қарорини чиқаришда: никоҳда қисқа вақт турган бўлсалар; ўзига нафақа талаб қилаётган эр ёки хотин оиласда ўзини номуносиб тутган бўлса; агар ёрдамга муҳтоҷ эр ёки хотин спиртли ичимликлар, наркотик моддаларни суистеъмол қилиш ёки қасдан жиноят содир этиб, уч йилдан кам бўлмаган муддатга суд томонидан ҳукм қилинган бўлса, бундай ҳолатларни назарга олиш мумкин. Эр ёки хотинни таъминот беришдан озод этиш ёки бу мажбуриятни муддат билан чеклаш учун юқорида келтирилган шартлардан биттаси бўлиши лозим. Аммо бундай ҳолатлар мавжуд

бўлганда ҳам ҳар бир вазиятда суд ишнинг аниқ ҳолатига қараб даъвони қондириши ёки уни рад этиши мумкин.

Масалан, никоҳда бўлиш муддатининг узоқ ёки қисқалигига қараб суд томонидан ҳал қилинади. Эр ёки хотиннинг оилада ўзини номуносиб тутганлигини аниқлаш ҳам судга тегишлидир. Аммо бошқа томон бу шароитни исботлаши лозим. Шу мақсадда ҳужжатлар (масалан, суд ёки бошқа органларнинг қарорлари, тавсияномалари ва бошқалар)дан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, эр ёки хотиннинг номуносиб ҳулқини тасдиқлайдиган фактлар ва бошқа исботлар талаб этилади. Қонун номуносиб ҳулқ-атворни фақат никоҳ давридаги ҳаёт билан боғламайди. Никоҳдан ўтгунга қадар ва никоҳдан кейин ҳам меҳнатга лаёқатсиз ёки муҳтожлик вужудга келиши мумкин.

Эр ёки хотиннинг моддий таъминот бўйича нафақа олиш ёки бериш мажбурияти, алимент ундириш учун зарур бўлган шароитлар тугаши билан; эр ёки хотиннинг меҳнат қобилияти тикланиши (агар меҳнатга лаёқатсизлик ногиронлик туфайли содир бўлган бўлса); муҳтожлик тугаши (масалан, давлатдан пул ёрдами олиш, пенсия, мерос олиш ҳамда бошқа манбалардан яшаш учун маблағ олиш туфайли алимент олаётган томоннинг катта пул ютуғини олиши) билан, шунингдек, алимент тўловчи томоннинг таъминот бериш имконияти бўлмай қолиши билан тугайди.

Никоҳдан ажralиб алимент олаётган шахснинг янги никоҳга ўтиши ҳам алимент тўлашнинг тугашига асос бўлади. Чунки никоҳ тузиш муносабати билан у иккинчи томонга моддий таъминот бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-§. Собиқ эр-хотинлар ўртасидаги алимент мажбуриятлар

Амалдаги Оила кодексининг 118-моддасига мувофиқ, етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан:

Собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида;

Ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1 гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ эр (хотин);

Никоҳдан ажralган пайтдан бошлаб беш йил ичida пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Никоҳдан ажralгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтилаётганини ҳисобга олиб, эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори суд томонидан эр ёки хотиннинг (собиқ эр ёки хотиннинг) моддий ва оиласиий аҳволини ҳамда тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини эътиборга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади, бироқ бу сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Оила кодексини 120-моддасига мувофиқ, эр ва хотинни бир - бирларига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ёки бу

мажбуриятни муайян муддат билан чеклаш ҳолларини белгилаб беради.

Суд қуидаги ҳолларда:

Агар эр-хотин никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлган бўлса;

Агар ўз таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг нолойик ҳулқ атвори туфайли никоҳдан ажратилган бўлса;

Агар ёрдамга муҳтоj эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши унинг спиртли ичимликларни, гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни суистеъмол қилиши ёки қасдан жиноят содир этиши оқибатида юз берган бўлса, эр (хотин)ни ёрдамга муҳтоj меҳнатга лаёқатсиз ҳолат (эр)га таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин.

Амалдаги қонунда никоҳнинг қисқа вақт давом этганлиги эр ёки хотинни таъминот беришдан озод этиш учун сабаб бўлиши мумкин деб кўрсатилган. Аммо моддий таъминот беришни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган никоҳнинг давомийлик муддати белгиланмаган. Бу масала ҳар бир фуқаролик ишида суд томонидан ҳал этилади. Тажрибада эса, қоида тариқасида, 5 йилгача бўлган давр қисқа давом этган никоҳ ҳисобланади.

Фарзандларни тарбиялаш ва уларга таъминот бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларни бажармаслик, шунингдек спиртли ичимликларни, гиёхванд моддаларни суистеъмол қилиш эр (хотин) нинг оиласидаги нолойик ҳулқ-атворига мисол бўла олади.

Оила кодексини 146-моддасига мувофиқ, суд улардан ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини

ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахсни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли.

Амалдаги қонунчиликда суд тартибида ундириладиган алимент ва уни тўлаш мажбуриятининг бекор бўлиши асосларининг рўйхати берилган: бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда; фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда; суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган деб топганда; меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда; алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда тугатилади.

Умуман олганда, эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар улар ўртасидаги мулкий муносабатларни барқарор бўлишига, оилани мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Эр-хотин ўртасида вужудга келадиган низоларни тўғри ҳал қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу низолар судлар томонидан адолатли асосда ҳал қилиниши лозим.

XVII Мавзу. Қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари

1-§. Бобо ва бувининг ўз невараларига алимент тўлаш мажбурияти

Амалдаги Оила кодексининг 123-моддасига биноан, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин.

Бобо ва буви набиралари билан уларга моддий таъминот тўлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин. Бундай келишувга Оила кодексини 17-бобини қоидалари татбиқ этилади. Келишув тузилган тақдирда, алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби белгиланади.

Бобо ва бувининг алимент мажбуриятлари алимент тўловчиларнинг иккинчи навбатдаги аъзоларига кириб, агар улар алимент тўловчиларнинг биринчи навбатдагиларидан, ота-онасидан таъминот оломайдиган бўлса уларга юклатилади.

Агар вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин. Набираларга алимент ундириш учун иккала ота-она томонидаги бобо ва бувисини жалб этишлик мумкин. Уларга ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент ундирилаётган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

2-§. Невараларни бобо ва бувилариға алимент тўлаш мажбурияти

Амалдаги Оила кодексини 124-моддасига мувофиқ, ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҷ бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли неваралар зиммасига юклатилиши мумкин.

Бобо ва бувиларни неваралар билан яқин қон-қариндошлик муносабатларини ҳисобга олиб улар ўртасидаги алимент мажбуриятларини белгилайди. Кўпинчи ўзбек оилаларида набиралар дастлабки тарбияни ва моддий таъминотни ўзларининг бобо ва бувиларидан оладилар ва улар билан мустаҳкам боғланган бўладилар. Уларни бола тарбиясидаги тажрибалари ас қотади. Бобо ва бувилар набираларини ҳатто ота-оналарини ўринларини босадилар.

Бобо ва бувиларга алимент тўлашлик мажбурияти етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли неваралар зиммасига юклатилади. Илгари амалда бўлган никоҳ ва оила кодексининг 112-моддасига мувофиқ невараларнинг вояга етишидан қатъий назар моддий таъминот ундирилиши мумкин эди. Янги Оила кодексини қабул қилиниши муносабати билан бундай мажбурият фақат вояга етган неваралар зиммасига юклатилиши мумкин.

Набираларнинг алимент мажбуриятлари шу турдаги ҳуқуқий муносабатларни иккинчи навбатига киради. Бобо ёки буви фақат биринчи навбатдаги алимент мажбуриятдаги шахслардан: ўзларининг

вояга етган болаларидан, эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинлардан ундира олмасалар у ҳолда улардан ундирилади.

Бобо ва буви учун ундириладиган моддий таъминот набираларни моддий ҳолатини пасайтириб қўймаслиги лозим.

Алимент тўловчи набиралардан бирига даъво қилинганда даъволар бошқа алимент тўловчи набираларни, шунингдек бошқа иккинчи навбатдаги алимент тўловчиларни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Бобо ва буви билан набиралар ўртасида алимент тўлаш тўғрисида ўзаро келишув бўлмаган тақдирда бобо ва буви фойдасига набиралардан алимент ундириш суд тартибида қонун асосида ҳал қилинади.

3-§. Ака-ука ва опа-сингилларнинг алимент мажбурияти

Амалдаги Оила кодексининг 125-моддасига биноан, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган ака-ука ва опа-сингилларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган ака-ука ва опа-сингиллар зиммасига юклатилиши мумкин.

Ака-ука ва опа-сингиллар алимент тўлаш тўғрисидаги ўзаро келишув тузишлари мумкин. Бундай келишувга Оила кодексининг 17-боби қоидалари татбиқ этилади. Келишувни шартлари, тартиби ва алиментнинг миқдори бу келишув билан белгиланади.

Келишув бўлмаса алимент вояга етган меҳнатга лаёқатли ака-ука ва опа-сингиллардан фақат алимент ундириш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган муҳтож ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз муҳтож ака-укалар ва опа-сингилларда сақланади. Алимент ундиришга тўла ва тўла бўлмаган ака-ука ва опа-сингиллар эга бўлганлар.

Илгари амалда бўлган никоҳ ва оила кодексида ака-ука ва опа-сингилларнинг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз вояга етган ака-ука ва опа-сингилларга таъминот бериш мажбурияти юклатилган эди.

Янги қонунни қабул қилиш муносабати билан эндиликда фақат меҳнатга лаёқатли ака-ука ва опа-сингилларга юклатилинади.

4-§. Доимий тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига алимент бериш мажбурияти

Оила кодексини 126-моддасига биноан, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаган ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, амалда уларни тарбиялаганларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг доимий тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин. Бундай мажбурият васийликда (ҳомийликда) турган шахслар зиммасига юклатилмайди.

Доимий тарбияловчи бу васий (ҳомий) ёки шартнома асосида болаларни тарбияга олмаган (патронат) бўлмасдан балки бегона вояга етмаган болаларни ўз тарбиясига ва таъминотига олган шахслардир. Улар боланинг қариндошлари, шунингдек бошқа бегона шахслар бўлиши мумкин. Оила кодексининг (116-моддаси) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаган ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмайдиган, амалда уларни тарбиялаганларга таъминот бериш мажбурияти уларнинг доимий тарбияси ва таъминотида бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин. Бундай мажбурият васийликда (ҳомийликда) турган шахслар зиммасига юклатилмайди. Меҳнатга лаёқатли доимий тарбияда бўлганлардан доимий тарбияга

олганларга ундириладиган алимент тартиби ва уни ҳажми тарафларнинг ёзма келишуви билан белгиланади (Оила кодексининг 130-моддаси).

Доимий тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига таъминот бериш тўғрисида келишув бўлмаса вояга етган доимий тарбияда бўлганлардан суд тартибида ундирилади. Доимий тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига таъминот бериш мажбурияти учун алимент ундириш учун асос бўлиб, қариндошлик ёки қайнубўйинчилик бўлмасдан юридик факт ҳисобланиб, бола фарзандликка олинмасдан васийлик (ҳомийлик) расмийлаштирилмасдан, болани оиласа тарбияга олиш (патронат) бўлмасдан балки болани тарбиялаш ва таъминлашга олишдир.

Суд тарбияда бўлганларни, агар улар тарбиячиларнинг тарбияси ва таъминотида беш йилдан кам турган бўлса қонунда кўрсатилган мажбуриятдан озод қилишга ҳақли.

Тарбияланувчини алимент тўлашдан озод қилиш суднинг мажбурияти бўлмасдан балки хуқуқидир. Шунинг учун суд ишни кўришда ҳамма ҳолатларни ҳисобга олиб уни ҳал қиласи.

5-§. Ўгай ота ва ўгай онанинг ўгай ўғил ва ўгай қизларига алимент бериш мажбурияти

Оила кодексини 127-моддасига биноан, ўгай ота ва ўгай онанинг тарбиясида ёки тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёхуд ўз ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ота ва ўгай она зиммасига юклатилиши мумкин.

Бу алимент мажбурияти қон-қариндошлик муносабатига асосланган бўлмай, ўгай ота ва ўгай она томонидан ўгай болаларни тарбиялаганлик ёки таъминлаганлик юридик фактига асосан келиб чиқади.

Ўгай болаларга ўгай ота ёки ўгай она томонидан тарбия ва таъминот берилганлик юридик факти уларнинг бир оиласда бирга яшаганликлари билан тасдиқланиши мумкин. Алимент мажбуриятини белгилаш учун ўгай ота ва ўгай она билан бирга ўгай болаларнинг узоқ вақт бирга яшаган бўлишлари шарт эмас.

Ўгай ота ва ўгай она билан ўгай болалар ўртасидаги алимент мажбурияти таъминот бериш учун мажбур бўлган бошқа қариндошлар бўлмаган ҳолда вужудга келади.

Хусусан, вояга етмаган ўгай болаларга таъминот бериш мажбуриятини ўгай ота ва ўгай онага юклаш учун боланинг ўз ота-оналари бўлмаслиги ёки у ота-оналаридан таъминот учун етарли таъминот оломаслиги лозим.

Вояга етган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, ўгай ота ва ўгай онанинг зиммасига уларга нисбатан ҳам алимент мажбуриятини юклатилиши мумкин.

Ўгай ота ва ўгай онанинг вояга етган меҳнатга лаёқатсиз таъминотга муҳтож ўгай ўғил ва ўгай қизларни ихтиёрий равишда моддий таъминлашга рози бўлиши улар ўртасда тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

6-§. Ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ўгай ота ва ўгай онага алимент бериш мажбурияти

Оила кодексини 128-моддасига биноан, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўгай ота ва ўгай онанинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ёки вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ўғил ва ўгай қизлар зиммасига юклатилиши мумкин.

Ўгай болаларнинг ўгай ота, ўгай онага алимент бериш мажбурияти белгиланган бўлиб, у ўз мазмуни билан амалдаги Оила кодексининг 127-моддасида белгиланган болаларнинг ўз ота-онасига таъминот бериш мажбуриятларига ўхшайди.

Ўгай болаларда ўгай ота-онага алимент тўлаш мажбуриятининг келиб чиқиши учун биринчидан - ўгай ота ва ўгай онанинг ўз ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ҳамда вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаслиги ёхуд улардан қандайдир сабабларга кўра таъминот учун маблағ олишлари мумкин бўлмаслиги, иккинчидан, таъминот талаб қилувчи ўгай ота, ўгай она меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлиши шарт.

Алимент тўловчи болаларнинг ўзи вояга етган меҳнатга лаёқатли ва таъминот бериш имкониятга эга бўлишлари шарт. Бу талаблар ҳам алимент мажбуриятини белгилашда зарурӣ шарт бўлиб ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолларда судга ўгай ўғил ва ўгай қизни меҳнатга лаёқатсиз ёрдамга муҳтож ўгай ота ва ўгай онага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ҳуқуқи берилган. Булар жумласига ўгай ўғил ва ўгай қизнинг тарбияси ва таъминоти унча узок давом этмаган (яъни, 5 йилдан кам муддатни ташкил этган) бўлиши, шунингдек ўгай

ота ва ўгай она ўгай ўғли ва ўгай қизини тарбиялаш ёки үнга таъминот бериш борасидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги киради.

XVIII Мавзу. Алиментларни тўлаш ва үндириш тартиби

1-§. Алиментни тўлаш тўғрисида келишув тузиш

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув Оила кодексини 130-134-моддалари билан тартибга солинади. Бу қоидалар оила қонунчилиги тажрибасида биринчи бўлиб янгилик ҳисобланади.

Аввалги Никоҳ ва оила кодексига биноан, алимент тўлаш бўйича ота-оналар ҳамда болаларнинг қариндошлари ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгиланган.

Оила кодексининг 130-моддасига мувофиқ, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (алимент микдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент оловчи ўртасида тузилади. Агар алимент оловчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади.

14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳамда суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар номидан келишув уларнинг қонуний вакиллари (вояга етмаганларнинг ота-оналари, васийлари, ҳомийлари) томонидан тузилади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояге етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатли суд тартибида чекланган шахслар ўз қонуний вакилларининг розилиги билан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузадилар.

Келишувни ёзма равишда тузиш ва уни нотариал тарзда тасдиқлаш шарти белгиланган. Нотариал тартибда тасдиқланмаган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий ҳисобланмайди.

Нотариал тасдиқланган келишув ўз ижро кучига қўра ижро варақасига тенглаштирилади. Бу алимент ушлаб қолиш учун бошқа ҳужжатларни кўрсатиш талаб қилинмаслигини билдиради. Нотариал тасдиқ-ланган келишувни жўнатиш, ҳисобга олиш ва сақлашга нисбатан ижро варақаларини жўнатиш, ҳисобга олиш ва сақлаш қоидалари қўлланилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни тузиш, ижро этиш, бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувлар Фуқаролик кодексининг 150-моддасида белгиланган даъво қўзғатиш муддати доирасида эътиборсиз қолдирилиши ҳам, рад этилиши ҳам мумкин.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг томонларнинг ўзаро келишувларига биноан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ёзма равища амалга оширилиб, нотариал тасдиқланиши зарур.

Оила кодексининг 16-бобига биноан алимент келишувларини қўйидагилар тузиши мумкин:

А) ота-оналар ўзларининг вояга етмаган болаларини таъминлаш тўғрисида. Агар алимент 14 ёшга тўлмаган болаларга бериладиган бўлса, у ҳолда келишув алимент тўловчи ота ёки она билан, она ёки ота қатнашиши мумкин. 14 ёшга тўлган болалар ўз отаси ёки онаси, васийси ёки фарзандликка олувчисининг розилиги билан келишув тузадилар;

Б) ота-оналар ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз вояга етган фарзандларини таъминлаш тўғрисида. Ота-оналар бундай келишувни ўзларининг меҳнатга яроқли, вояга етган фарзандлари билан ҳам тузишлари мумкин;

В) меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўзларининг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарини таъминлаш тўғрисида. Бундай ҳолатда келишув вояга етган ҳар бир фарзанд билан ота ва онанинг ҳар бири ўртасида, томонлардан бири муомалага лаёқатсиз бўлган ҳолларда эса - унинг қонуний вакили ўртасида тузилади. Бундай битим ота-оналар меҳнатга лаёқатсизлиги ва муҳтожлигидан қатъий назар тузиши мумкин;

Г) эр-хотиндан бири меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож бўлган ҳолларда, масалан, хотини ҳомиладорлиги даврида ҳамда умумий фарзанд туғилганидан кейин уч йил давомида ёки эр ёхуд хотин ногирон умумий фарзандни парвариш қилаётганида у саккиз ёшга тўлгунича ё бўлмаса 1-гуруҳ ногирони бўлган умумий фарзандни парвариш қилаётганида эр-хотинлар алимент келишуви тузиши мумкин. Битимда, алимент олувчи эр ёки хотин меҳнатга лаёқатсизлигидан ёки муҳтожлигидан қатъий назар, бундай келишувни тузишлари мумкин;

Е) шундай битим тузишлари мумкин бўлган ака-укалар ва опасингиллар;

Ж) боболар ва бувилар. Улар набиралари билан ўзларини таъминлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин;

З) боболари ва бувиларини таъминлаш тўғрисида келишув тузиш ҳуқуқига эга набиралар;

И) вояга етган амалдаги тарбияланувчилар улар ўзларининг собиқ амалдаги тарбиячиларини таъминлаш тўғрисида келишув тузиш ҳуқуқига эгадирлар;

К) вояга етган асранди ўғиллар ва қизлар. Улар ўгай оталари ёки ўгай оталари ва ўгай оналарини таъминлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Л) ўгай ота ва ўгай онанинг ўгай ўғил ва ўгай қизларига, шунингдек ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ўгай ота ва ўгай онага таъминот тўлаш тўғрисида келишув тузишлари мумкин.

Оила кодексининг 145-моддасида хорижий давлатга доимий истиқомат қилиши учун жўнаб кетаётган шахс билан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мумкинлиги назарда тутилган. Бу келишувда томонлар алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни таъминлашнинг ҳар қанақа усулини қўзда тутишга ҳақлидирлар.

Алимент миқдори ва уни тўлаш усули ва тартиби

Келишувга мувофиқ вояга етмаган болалар учун белгиланадиган алимент миқдори улар суд тартибida ундирганда олиши мумкин бўлган алимент миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Бу миқдор Оила кодексининг 99-моддаси билан белгилаб қўйилган ва бир бола учун иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромаднинг 1/4 қисмини, икки бола учун 1/3 қисмини ва учта ҳамда ундан ортиқ бола учун 1/2 қисмини ташкил қиласди.

Алиментлар алимент тўлашга мажбур шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан ҳиссада мунтазам (ҳар ойда, ҳар чоракда ва шу каби) тўланадиган қатъий пул миқдорида мулк бериш йўли билан, шунингдек бўлакча усулларда тўланиши мумкин. Келишувда тўлашнинг турли усулларини аралаш қўлланиш назарда тутилиши мумкин.

Алимент миқдорини индекслаш тартиби

Индекслашнинг энг кенг тарқалган усули-алимент миқдорини энг кам иш ҳақига ёки чет эл валютасига боғлиқ қилиб қўйиш.

Алимент келишувини ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби. Келишув, томонларнинг ўзаро келишувига биноан, исталган пайтда

ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мүмкін. Бу иш ҳам, келишув тузилган тартибда амалга оширилиши керак.

Томонларнинг моддий ёки оилавий аҳволи жиддий равища үзгарган ҳамда алимент келишувини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида келишувга эришилмаган ҳолатларда манфаатдор томон ушбу келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Алимент келишувидаги томонлардан бири, одатда, меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож шахс бўлиб, унинг манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилиш талаб этилади. Шу муносабат билан Оила кодекси алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни, уни ўзгартиришнинг Фуқаролик кодексининг 383-моддасида белгиланган умумий тартибига қараганда анча ихчам тартиб бўлган суд назорати остида ўзгартиришни назарда тутади.

2-§. Алиментни ихтиёрий тўлаш

Оила кодексининг 135-моддасига биноан, алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равища шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўланади.

Вояга етмаган болалар учун олинадиган алимент аризага мувофиқ Оила кодексининг 99-моддасида белгиланган миқдорларда ушлаб қолинади.

Алиментнинг ихтиёрий равища тўлаб турилиши алимент ундирувчини алимент ундириш ҳақидаги даъво ёки ариза билан ҳоҳлаган вақтда суда мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2003 йил 12 декабрдаги қонуни таҳририда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда.

Амалдаги оила қонунчилигига алимент бўйича низо бўлмаган ҳолларда, уни ихтиёрий равишда тўлашнинг умумий тартиблари белгиланган

Алимент тўлашнинг бу тартиби бирчи марта СССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 21 июлдаги «Болаларни боқиш учун алимент тўлаш ва ундириш тартибини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонда белгиланган эди¹. Бу Фармонда алимент тўлашдан бош тортгани учун пасортига белги (ёзиб) чораси биринчи маротаба белгиланган.

Қонунга асосан ихтиёрий тартибда маблағ, болалар билан бир қаторда, қонун билан белгиланган ҳолларда эр-хотиндан бирига, отоналарга, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндошларга ҳам берилиши мумкин. Қонун вояга етмаган болаларнинг манфаатларини алоҳида ҳимоя қиласи.

Алимент тўловчининг аризасига мувофиқ иш жойидаги ёхуд у пенсия, нафақа, стипендия олаётган жойдаги маъмурият орқали тўланиши мумкин.

Ихтиёрий тартибда тўланаётган алимент нафақат болаларга, эр хотинларга шунингдек қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади.

Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундирувчини хоҳлаган вақтда алимент ундириш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

¹ СССР Олий Советининг Ведомостлари, 1967 йил, 30-сон, 418-модда.

3-§. Алиментни суд тартибида ундириш

Оила кодексининг 96-129-моддаларида белгиланганидек, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади¹. Қариндошлар ва бошқа шахслардан вояга етмаган болалар учун, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахслар таъминоти учун ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент ундирилаётган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ва оиласиий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари тўғрисида алимент тўлаш тўғрисида келишув бўлмаса у ҳолда алимент тўлаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиш мумкин.

Оила кодексининг 136-моддасида алиментни суд тартибида ундиришга оид қоидалар берилган.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъий назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Мазкур шахс, низо бўлмаган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, бу ариза буйруқ тартибида иш юритиш тарзида кўриб чиқилади.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2003 йил 12 декабрдаги қонуни таҳририда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда.

Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганли суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин¹.

4-§. Алимент қарзини ундириш

Оила кодексини 139-моддасига биноан, алимент қарзи алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан ундирилади. Иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромад етарли бўлмагандаги, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида турган пул маблағидан, тижорат ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга шартнома асосида ўtkазилган пул маблағидан ундирилади, мулк ҳуқуқининг ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустасно.

Маълумки, аввалги Никоҳ ва оила кодексига мувофиқ алимент ундириш уни тўлашга масъул бўлган шахснинг иш ҳақи (даромади)дан ундирилади.

Бу қоида бозор иқтисодиётига ўтишида замон талабларига жавоб бермай қолди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2003 йил 12 декабрдаги қонуни таҳририда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда.

эркинлигининг, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Алимент қарзи алимент тўлашга мажбур шахснинг ҳамма даромадидан ундирилади. Аммо ундириш тартиби бирмунча ўзгарди.

Оила кодексининг алимент ундиришга қаратилган тартиби Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда ҳамда Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартиб ва навбат асосида амалга оширилади.

Дастлаб алимент ходимнинг асосий иш жойида оладиган маошидан, кейин унинг банклари ёки бошқа кредит муассасаларидаги маблағларидан ундирилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув ёки ижро варақаси асосида ўтган даврдаги алимент қарзи ижро ёки алимент тўлаш тўғрисидаги келиув алимент ундириш учун тақдим қилингунга қадар ўтган уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун ундирилади.

Амалдаги қонун ундан ортиқ учун ҳам истисно тариқасида алимент ундирилиши мумкинлигини белгилайди.

Алиментлар ижро варақаси ёки алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан ундирилмаган бўлса қонунда кўрсатилган уч йиллик муддатдан қатъий назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

5-§. Алиментни ўз вақтида тўланмаганлик учун жавобгарлик

Оила кодексининг 142-моддасига мувофиқ алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган

шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тузувчи тарафлар мустақил равища алиментни тегишли равища бажармаганлик учун жавобгарлик белгилашлари мумкин. Агар келишувда алимент тўлаш тўғрисида тегишли равища бажармаганлиги тўғрисида жавобгарлик белгиланган бўлмаса у ҳолда амалдаги қонунлар асосида ҳал қилинади.

Алимент мажбуриятини бажармаганлиги учун белшгиланган жавобгарлик жавобгарни ўз вақтида алиментни бажаришлик ва уни тўхтаб қолишлиги билан боғлиқ ҳолатларни тезлаштиради. Алиментни ўз вақтида бажармаслик учун жавобгарлик Фуқаролик кодексини 24-боби қоидалари билан тартибга солинади. Келтирилган зарарни ва неустойкани тўлашлик учун асос бўлиб алимент тўловчини айбли аҳлоқи хисобланади. Қарз пайдо бўлишида уни айби бўлмаса бундай тадбирлар қўлланилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечикирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлайди (Оила кодексининг 142-моддаси 2-қисми).

XIX Мавзу. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш

1-§. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасининг 2-қисмига биноан, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг

vasiyligidan maҳrum bўlgan bolalarni boқish, tarbiyash va ўқитишни taъminlайди, bolalarga baғishlanган ҳайрия фаолиятларни рағbatlanтиради.

Оила кодексини маҳсус 6-бўлими ота-она қарамоғидан маҳrum bўlgan bolalarni жойлаштириш шакllariiga бағishlanган. 19-боб, 148-150-моддалар.

Оила кодексининг 148-моддасига мувофиқ, ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳrum этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал bўlganда, узок муддат bўlmagандан, ота-она болаларни tarbiyash ёки уларнинг ҳуқуқ ва manfaatlarini ҳimоя қилишдан bўйин tovlaganda, shu jumladan она tarbia, даволаш, aҳolinи ijtimoiy ҳimоялаш muassasalari ва shunga ўxshaш boшқa muassasalardagi bolasini oliшdan boш tortganda, shuningdek ота-она қарамоғидан маҳrum bўlgan boшқa ҳollarda bolalarning ҳуқуқ ва manfaatlarini ҳimоя қилиш vasiylik va ҳomiylik organlari zimmasisiga юklatiladi.

2001 йил мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳrum қилиш ҳaқидagi iшлар юзасидан суд-прокурор амалиёти ҳамда мазкур ҳуқуқлардан маҳrum қилинган шахсларнинг фарзандлари manfaatlarini ҳimоя қилишга қaratilgan қонунлар ижроси аҳволи umumlashтирилди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳrum қилиш iшлари Оила кодекси 80-моддасининг талаблariiga биноан vasiylik ва ҳomiylik органи iштирокида kўriлиши лозим.

2000 йилда Республикаизда судлар томонидан кўрилган 330 та фуқаролик ишларининг 14 тасида васийлик ва ҳомийлик органлари иштирок этмаганлар.

Оила кодексининг 148-моддасида назарда тутилган ҳолатлар юз берганда васийлик ва ҳомийлик органларида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти вужудга келади. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳам ҳуқуки ва мажбуриятидир. Чунки бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ваколти давлат томонидан васийлик ва ҳомийлик органларига берилган. Шунинг учун ҳам боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлик факти қачон рўй берганлиги ва бу фактнинг мавжудлигини нималар тасдиқлашини билиш муҳим аҳамиятга эгадир¹.

Маъмурий органлар фаолиятида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги қонуний кучга кирган суд қарорлари ўз вақтида ижрота қаратилсада васийлик ва ҳомийлик органлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, қарорлар ижросини ўз вақтида бажармаслик ҳолатлари ҳамон учраб турмоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар судининг 1998 йил 24 июндаги ҳал қилув қарори билан Багаутдинова Г. оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Лекин шаҳар ҳокимининг 1993 йилда туғилган вояга етмаган Руслан Багаутдиновни болалар уйига жойлаштириш тўғрисидаги қарори 1999 йил 26 марта, яъни 8 ойдан кейин қабул қилинган ва у бир ойдан кейин болалар уйига жойлаштирилган. Натижада бола 9 ой аҳлоқи яхши бўлмаган онаси билан бирга яшаган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т., "Адолат", 2000, 282-бет.

Шу каби, 1986 йилда туғилган Леонид Добренконинг онаси 2000 йил 2 февралда оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганды. Чирчиқ шаҳар ҳокимининг қарори 2000 йил 19 апрелда чиқарилган, Болалар уйига йўлланма эса 9 ойдан кейин, яъни 2001 йил 15 январда олинган. Ушбу ҳолат бўйича васийлик ва ҳомийлик органи ҳодимларининг совуққонлиги ва болалар тақдирига бефарқлиги оқибатида бола 11 ой давомида ҳуқуқидан маҳрум қилинганды онаси билан яшashi давом этган.

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар судининг 2000 йил 31 июлдаги ҳал қилув қарори билан Ж.Сапаева оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Унинг фарзанди, 1991 йилда туғилган Азиз Сапаевни, меҳрибонлик уйига жойлаштириш ҳақида ҳоким қарори чиқарилиши учун 6 ой вақт кетган (2000 йил 12 декабрда). Бу давр ичida бола хулқи яхши бўлмаганды онаси тарбиясида бўлган.

Ота-онасидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойлари улар voyaga етгунга қадар сақланиши лозим бўлсада, лекин айрим ҳолларда бундай болаларнинг уй-жойлари сотилишга ёки уларнинг бошқа моддий ва ижтимоий ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан Оила кодексининг 182-моддасига биноан васий ва ҳомийлар ўз вазифаларини бажаришлари устидан назорат етарли даражада ўрнатилмаганлигидан далолат беради.

2-§. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш

Оила кодексини 149-моддаси васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом»да белгилаб қўйилган.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Оила кодексини 149-моддасини 3-қисмига биноан қўйидагилар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришга мажбурлар:

Мактабгача тарбия муассасасининг мансабдор шахслари;

Умумтаълим муассасаларининг мансабдор шахслари;

Даволаш муассасаларининг мансабдор шахслари;

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларининг мансабдор шахслари;

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғини, маҳалла қўмиталари ва бошқалар)нинг мансабдор шахслари;

-қаровсиз қолган боланинг яқин қариндошлари;

-фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари (ФҲДЁ) нинг мансабдор шахслари (агар шахснинг ўлганлигини ёки ўлган деб

эълон қилинганигини қайд этишда боланинг қаровсиз қолганлиги маълум бўлиб қолса);

- суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида ва боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум қилинишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида ҳал қилув қарори чиқарганда;
- ўз фаолияти турига мувофиқ оила ва болалар билан боғлиқ бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари;
- шундай болалар ҳақида маълумотга эга бўлган бошқа мансабдор шахслар ва фуқаролар.

Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низомнинг 7-бандига биноан Оила кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан васийлик ва ҳомийлик органлари қўйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

А) ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайдилар, уларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириш шаклларини танлайдилар (Оила кодексини 149-моддаси)

Б) бола манфаатлари учун зарур ҳолларда унга васий ёки ҳомий тайинлайдилар (Оила кодексини 177, 179-моддалари);

Вақтинчалик болаларни жойлаштириш уларни қариндош-уруғларига ёки болаларга яқин бўлган шахсларга беришдан иборат. Ўзбек оилаларида болалар тоғаси, аммаси, амакиси ва холасига берилади. Қадимдан маҳаллий халқларда етим болалар яқин қариндошлари тарбиясида қолдирилган. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қариндош-уруғларида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланиб болалар яқин кишиларидан узоқлашиб кетмаган. Болалар яқин қариндошларида қолдирилса ота-онасидан ажралиб

қолганликларини үнчалик сезмайдилар. Агарда болаларни бундай шахсларга беришиликни иложи бўлмаса ундан ҳолатда улар болалар муассасаларига жойлаштирилган. Бундай жойлаштиришдан асосий мақсад болаларга оила тарбиясини беришдан иборат. Болаларни оиласда тарбиялашнинг устунлигини кўрсатади.

Ота-она ҳомийлигидан маҳрум бўлган болалар, тарбияланиш учун оиласа жойлаштириладиган болалар албатта ҳисобга олиниши керак.

Ҳисобга олишни бундай тартиби болалар манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилишга қаратилинган. Ундан мақсад бундай болалар тўғрисидаги маълумотномани марказлаштирилган ва ҳаммабоп бўлиб ҳар бир бола осонликча жойлаштирилиши учун имкониятга эга бўлиб ўзига тегишли шароитлар бўлиши керак. Бирйўли болаларни бундай қайд этиш тизими уларни оиласа тарбиялаш учун беришда суистеъмол қилишликка йўл қўймасликдан иборат.

Оиласа болаларни тарбиялаш учун беришда дастлабки маълумотномани биринчи навбатда уларни даволаш ва тарбиялаш муассасаларининг раҳбарларига топширилади. Қоида асосида биринчи навбатда уларга болаларни тарбияга бериш тўғрисида у нима билан боғлиқ эканлиги тўғрисида хабар берилади. Масалан, болани ота-онасилининг вафот этиши ушбу муассасадан болани олиб кетишиликни рад этиш, ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш. Етти кун ичida бундай болалар тўғрисида васийлик органларига бундай бола оиласа тарбияга бериш тўғрисида болалар муассасаларини раҳбарларига маълум бўлганлиги тўғрисида хабар беришлари лозим.

Ота-онасиз қолган болалар тўғрисида биринчи ҳисоб болалар яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан

амалга оширилади. Васийлик ва ҳомийлик органлари бир ой давомида болаларни оиласа жойлаштириш маълум бўлгандан сўнг хабар берилади.

3-§. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш

Оила кодексини 150-моддасига, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оила (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасалар (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар)га тарбияга берилиши лозим.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари ҳар хилдир.

Амалдаги оила қонунчилиги болаларни жойлаштиришда уларни оиласа тарбияга олинишини таъминловчи шаклларга (фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оиласа бериш) афзаллик беради.

Болани оиласа яшаши ва тарбияланиши унинг «Бола ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенцияда ва Оила қонунчилигига назарда тутилган энг мухим ҳуқуқлари дандир. Бу ҳолатда, одатда боланинг ўз ота-онаси оиласида яшаши ва тарбияланиши тушунилади.

Болаларни жойлаштиришда уни этник келиб чиқиши, маълум дин ва маданиятга тегишли эканлиги, она тили, тарбиялаш ва маълум олишда изчиллик ҳолати ҳисобга олиниши керак.

Оила кодексини 150-моддасини 2-қисмига биноан, ... оилага ёки муассасаларга тарбиялаш учун жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар васийлик (ҳомийлик) мажбуриятларини бажариш вақтинча васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

XX Мавзу. Фарзандликка олиш

1-§. Фарзандликка олиш тушунчаси

Фарзандликка олиш Оила кодексининг 20-боби, 151-172-моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларга оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом» билан тартибга солинади.

Фарзандликка олиш муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ота-онаси бўлмаган ёки ҳар хил сабабларга кўра улар тарбиясидан маҳрум бўлиб қолган болаларга оиласа тарбияни таъминлаб, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашга қаратилингандир.

Фарзандликка олиш ҳуқуқий далолатнома бўлиб, бунга асосан фарзандликка оловчилар билан фарзандликка олинувчилар ўртасида ота-оналар билан болалар ўртасидаги каби ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради.

Фарзандликка олиш туфайли болалар янги ота-оналарга ва бошқа қариндош-уруғларга эга бўлиб ўзларининг ота-оналари ва қариндош-уруғлари билан ҳуқуқий муносабатни тугаллади.

Фарзандликка олиш бу ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи ва бекор қилувчи акт бўлиб ҳисобланади.

Оила кодексини 151-моддасини 1-қисмига биноан, фарзандликка олишга фақат voyaga eтмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина қўллаб йўл қўйилади.

Ўзининг белгиланган мақсади бўйича фарзандликка олиш институти жуда инсонпарвар институтдир. У ўз ота-оналаридан маҳрум бўлган ёки айрим сабабларга кўра ота-она тарбиясини

олаолмайдиган болаларга нормал оилавий тарбияни таъминлашга қаратилгандир. Фарзандликка олиш туфайли ота-онасини йўқотган бола бошқа оиласа жойлаштирилиб, унга оилавий тарбия берилади. Фарзандликка олинувчилар фарзандликка олиувчилар туфайли ҳамма масалаларда ота-онасини ўрнини босадиган шахсларга эга бўладилар.

Фарзандликка олиш туфайли болалари бўлмаган шахслар оталик ва оналиқдан иборат бўлган табиий эҳтиёжларини қондирадилар. Фарзандликка олиш айниқса Иккинчи жаҳон уруши йилларида жуда кўп тарқалган бўлиб, фуқаролар ота-онасидан етим қолган болаларни ўз бағриларига олиб уларга нисбатан меҳрибонлик қиласадилар.

Ўзбекистондаги кўпгина болаларни ўз бағрига олиб тарбиялаган оиласар жуда кўп. Жумладан, рус, ўзбек, қозоқ, қирғиз, яхудий, татар, молдаван ва бошқа миллатларнинг 14 боласини ўз бағрига олиб, уларни бир-бирига дўст, меҳрибон, ака-уқадек қилиб ўстирган оддий темирчи Шомаҳмуд Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамованинг ватанпарварлиги жуда юксакдир. Ватан ва халқ олдидағи бу олижаноб ишлари учун улар давлат томонидан юксак рағбатлантирилди. Тошкент шаҳри Халқлар дўстлиги майдонида уларга ҳайкал ўрнатилди. Бундай меҳрибон ота-оналар жамиятимизнинг фахридир¹.

Фарзандликка олиш - бу ўзганинг фарзандини ўз фарзандига тенглаштириб олишдир. Фарзандликка оловчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида тукқан ота-она билан болалар ўртасидаги каби ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.

Фарзандликка олиш фарзандликка оловчи (ва унинг қариндошлари) ҳамда фарзандликка олинганлар (ва уларнинг бўлғуси авлодлари) ўртасида қонунда ота-она ва болаларга нисбатан

¹ Ф.Отахўжаев. Оила ва қонун. -Т., 1983й, 29-бет.

белгиланган қонун ҳужжатларида маҳсус кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъий назар, барча шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтиради.

Фарзандликка олиш жуда қадимий ҳуқуқий институт бўлиб, ҳозирги замон ҳуқуқ тизимида ўз ифодасини топган, ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болаларни оиласа жойлаштиришдан иборат.

2-§. Фарзандликка олиш шартлари ва тартиби

Фарзандликка олиш шартлари дейилганда, фарзандликка олиш учун қонун билан белгиланган шахсларнинг розиликлари тушунилади. Улар доирасига қўйидагилар киради: а) боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларнинг розилиги, б) ўн ёшга тўлган болани ўзининг розилиги; в) агар эр-хотиндан биттаси томонидан фарзандликка олинаётган бўлса фарзандликка олаётганни эри ёки хотини.

Бу шартларни моҳияти нималардан иборат. Бу шартлар мазмунини нималарнинг англатади.

Оила кодексини 159-моддасига биноан, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб этилади.

Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён этилиши керак.

Оила қонунига кўра қўйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга йўл қўйилади;

Ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

Ота-она ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

Ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

Ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидағи болалардан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Фарзандликка олишни навбатдаги шарти бўлиб, ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади (Оила кодексини 155-моддаси).

Фарзандликка олишда болани фарзандликка олишга бўлган муносабатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб уни ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашга қаратилинган.

10 ёшга тўлиш билан бола бўлаётган ишга ўз эркини онгли равишда изҳор қилишлиги мумкин. Бу мақсадларни назарда тутиб васийлик ва ҳомийлик органлари тушунарли асосда фарзандликка олишни моҳиятини ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни: бола ва фарзандликка оловчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг қариндошлари, ота-оналари (ака-укалари, па-сингиллари ва бобо-бувилари) ўртасидаги муносабатларни тугалланиши); фамилия, ота исмини, ота-оналар тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўзгартиришдан иборат.

Фарзандликка оловчини шахсияти тўғрисида бола шахсан хабардор бўлишлиги керак.

Оила кодексини 156-моддасига мувофиқ агар бола фарзандликка оловчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Бу қоида болани кутилмаган ҳис-туйғу ва рұхий таъсирлардан холи қилиб, фарзандликка олинаётганни туғишиган ўғил (қиз) сифатида ўсаётганлигига таъсир этади.

Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади (Оила кодексини 157-моддаси 1-банди). Кўпинча амалиётда эр-хотинларни иккаловлари томонидан болалар фарзандликка олинади.

Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олиш маъмурий тартибда белгиланади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ва васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Оила кодексини 163-моддасига биноан туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олишни рад этганлиги устидан фарзандликка олиш ҳақидаги ариза берган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

Фарзандликка олишни истовчи шахслар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Фарзандликка оловчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳда қачондан бериб турганлиги, уларнинг бирга ёки алоҳида яшashi, агар фарзандлари бўлса уларнинг сони ва ёшлари фарзандликка олинадиган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши ва жинси кўрсатилган аризаси;

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

Никоҳ тузилганлиги (никоҳдан ажралганлик) ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси;

Оила аъзолари кўрсатилган қоида турар жойдан маълумотнома;

Иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

Фарзандликка олишни истовчи шахснинг соғлиғи тұғрисида таббий маслаҳат комиссиясининг хulosаси, психиатрия, наркология муассасалари, тери-таносил касалліклари диспанверининг маълумотномаси.

Фарзандликка олиш тұғрисидаги тұман, шаҳар ҳокимининг қарори чиқарылғаннан кейин ўн кун ичидә фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка олинаётгандарнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзgartиришлар киритилиши лозим.

Фарзандликка оловчилар боланинг туғилғанлығы тұғрисидаги ёзувлар дафтарига унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмігіна эмас, балки туғилған санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзgartирилади.

3-§. Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш

Оила кодексининг 168-моддасида фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўладиган ҳолатларнинг тугалланган рўйхати берилган.

Фарзандликка олиш қўйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади, агар:

Фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса;

Фарзандликка олиш сохта бўлса;

Вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса;

Фарзандликка оловчи Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;

Меъёрий ҳужжатда фарзандликка олишни истовчи шахслар томонидан тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати берилган. Шу рўйхатда кўрсатилган ҳужжатлардан бирининг фарзандликка оловучи томонидан қалбакилаштирилганлиги аниқланишининг ўзи белгиланган тартибда фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб судга мурожаат қилишга асос бўлади.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш масаласини ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ва бола манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда суд ҳал қиласади¹.

4-§. Фарзандликка олишни бекор қилиш

Оила кодексининг 169-моддасида фарзандликка олишни бекор қилиш асослари берилади.

Фарзандликка олишни бекор қилишни асосий асослари қўйидагилардан иборат:

Фарзандликка оловчилар ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар;

Ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилаётган бўлсалар;

Фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар;

Муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар бекор қилиниши лозим.

Фарзандликка олинувчининг ҳулқ-атвори фарзандликка оловчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т., "Адолат", 2000, 316 б.

ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етганиданкейин фарзандликка олиш бекор қилинишига йўл қўйилади.

Суд бошқа асосларга кўра ҳам боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

Фарзандликка олишни бекор қилиш бирйўли ҳуқуқни бекор қилиш ва ҳуқуқни тикловчи юридик факт бўлиб ҳисобланади.

Фарзандликка олишни бекор қилишда фарзандликка олишдаги бутун ҳуқуқий оқибатларни келажак вақт учун тугаллатади. Агар бу болалар манфаатига мос келса бир вақтда унинг ҳуқуқий алоқилари ота-оналари ва бошқа қон-қариндошлари билан ҳам тикланади.

Фарзандликка олишни бекор қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади. Фарзандликка олишни бекор қилишни мезони бўлиб шу бекор қилишлик болалар манфаатига қаратилиши билан белгиланади.

Умумий қоида бўйича фарзандликка олишни бекор қилиш бола тўла муомала лаёқатига тўлишига қадар содир бўлади. Бу эса уларни муомала лаёқатига тўлиши билан ота-оналарни ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тугалланиши билан боғлиқ бўлиб фарзандликка олишни бекор қилиш учун ҳам зарурият қолмайди.

Фарзандликка олишни бекор қилиш фарзандликка олинганни фарзандликка олиувчиларни ва фарзандликка олинганларни ота-оналарини розилиги мавжуд бўлганида йўл қўйилиши мумкин.

Агар фарзандликка олинувчини ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлсалар уларни розилигини олмасдан фарзандликка олишлик бекор қилинади.

Агар фарзандликка олиш фарзандликка олинувчиларни ота-оналарини розилигисиз ёки мажбурлаш йўли билан олинган бўлса

болаларни ота-оналари фарзандликка олишни бекор қилишиликни талаб этишлари мумкин.

Одатда кўпинча фарзандликка нотинч бўлган оилалардан болалар берилади. Кўпинча фарзандликка олиш бекор қилинганда бола вақтинча васийлик ва ҳомийлик органларига топширилади.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда суд фарзандликка олгандан бола манфаати учун алимент ундирилади. Бу масалани ҳал қилишда суд биринчи навбатда бола манфаатларини ҳисобга олади. Агар болани ҳолати алимент олишиликни талаб этса у ҳолда фарзандликка олувчиidan алимент ундирилади. Алимент ундиришлик ўзининг ҳуқуқий табиати бўйича жавобгарлик чораси бўлмасдан балки унинг бирдан бир мақсада боланинг таъминотидир. Агар бола манфаати алимент ундиришликни талаб этса у ҳолда фарзандликка олиувчиidan алимент ундирилади.

Агар бола ўзининг ота-онасига қайтаришса, агар бола ишласа ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб ўзини ўзи таъминласа у ҳолда алимент ундирилмайди.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда бола фарзандликка олинганда унга берилган янги исм, фамилия ва ота исмини ўзгартирган ой-кунлар ва болани туғилган жойи. Агар болани манфаати талаб этса у ҳолда суд болани исми, фамилияси ва ота исмини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат болани туғилган жойи ва ой кунига ҳам тегишлидир. Болани фамилияси ва ота исмини сақлаб қолиш тўғрисидаги фарзандликка олувчини фикри аҳамиятга эга эмас. 10 ёшга тўлган болани исми, фамилияси ва ота исмини ўзгартириш уни розилигисиз мумкин эмас. Бу масала бўйича қонунда тўғри кўрсатилган бўлмаса ҳам бу ҳолат уни тўғилиш жойига ҳам тегишлидир.

Оила кодексини 170-моддасига кўра фарзандликка олишни бекор қилишни талаб қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлганлар доирасига фарзандликка олинганинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола киради.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Суд томонидан фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка оловчиларнинг (фарзандликка оловчиларнинг қариндошлари) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

XXI Мавзу. Вояга етмаган болалар учун васий ва ҳомий тайинлаш

1-§. Васийлик ва ҳомийликнинг мақсади

Ҳаётда баҳтсиз тасодиф ва ҳар хил сабаблар туфайли ота-она тарбиясидан ва уни таъминотидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни оиласи тарбияга яқин бўлган тарбияни таъминлайдиган воситалардан бири васийлик ва ҳомийликдир.

Васийлик ва ҳомийликнинг асосий мақсади ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага жойлаштириш шаклларидан биридир.

Васийлик ва ҳомийлик масалалари фуқаролик ва оила қонунларининг тегишли моддалари билан тартибга солинади. Васийлик ва ҳомийлик масалаларига Оила кодексида ва меъёрий ҳужжат «Низом»да кенг ўрин берилган.

Оила кодексини 175-моддасига биноан васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан - халқ таълими бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар нисбатан - соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлигининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтоҷ муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларига юклатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом»нинг 4-бандига кўра, васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш маҳаллий ҳокимият

органларининг қайси бўлимлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган. Қонун бу масалани ҳал қилишда васий ёки ҳомий тайинлашнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Васийлик ва ҳомийлик Оила кодексининг XXI боби, 179-199-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом» билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Оила кодексини 173-моддасига биноан васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Васийлик 14 ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги ҳолларда белгиланади:

Ота-онаси вафот этган бўлса;

Ота-онаси суд қарори билан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилганида ёки уларнинг ота-оналиқ ҳуқуқи чекланганда;

Ота-онаси касал бўлганда;

Ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

Ота-онаси 6 ойдан ортиқ муддат бўлмаган ҳолларда, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса;

Ота-онаси бедарак йўқолганда;

Ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш мұассасалари, ахолини ижтимоий ҳимоялаш

муассасалари ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда.

2-§. Васийлик ва ҳомийликни белгиловчи органлар

Амалдаги қонунларга мувофиқ васийлик ва ҳомийлик васий ва ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда белгиланади. Яшаш жойи дейилганда вояга етган шахснинг доимий рўйхатдан ўтган турар жойи тушунилади. Вояга етмаганларнинг яшаш жойи уларнинг ота-оналари яшайдиган жой ҳисобланади.

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Ҳокимнинг васий ёки ҳомий тайинлаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ҳақиқий ҳисобланиб, барча юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Амалдаги Оила кодексини 176-моддасида васийлик ва ҳомийлик белгиланадиган шахслар кўрсатилган. Илгари амалда бўлган Никоҳ ва оила кодексининг 169-моддасида васийлик ўн беш ёшга тўлмаган болаларга нисбатан белгиланиши назарда тутилган бўлса, янги Оила кодексига кўра ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларга нисбатан белгиланади.

Васий ўзининг васийлигида шахснинг нафақат мулкий, балки шахсий номулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳимоя қиласи.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга нисбатан ҳомий тайинланади.

3-§. Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш

Фуқаролик кодексини 32-моддасига биноан васийлик ва ҳомийлик мұомалага лаёқатсиз ёки мұомалага түлиқ лаёқати бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга васийлик ва ҳомийлик уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан судларда ҳам маҳсус ваколатсиз ҳимоя қиласидар.

Вояга етмаган болаларга васий ва ҳмоий белгиланганды унинг олдига қўйилган мақсад уларга оилавий тарбияни таъминлаш, улар болалар билан бир оиласда яшаашлари лозим.

Васийлик ёки ҳомийлиқдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсиясига асосан мол-мулк жойлашган ҳудудда ўрнатилади.

Васийлик ва ҳомийлиқдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийлиқдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли бўюмларни сақлаш, мол-мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек васийлик ва ҳомийлиқдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни таъминлаш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида белгиланади.

Васий 14 ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга, ҳомийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган вояга етмаганларга ва суд томонидан муомала лаёқати чекланган шахсларга нисбатан қўйидаги ҳолларда белгиланади:

Ота-онаси вафот этган бўлса;

Ота-онаси суд қарори билан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилганида ёки уларнинг ота-оналиқ ҳуқуқи чекланганда;

Ота-онаси касал бўлганда;

Ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

Ота-онаси 6 оёдан ортиқ муддат бўлмаган ҳолларда, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса;

Ота-онаси бедарак йўқолганда;

Ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда.

4-§. Васий ва ҳомийнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари

Оила кодексини 181-моддасига биноан васийлар ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар.

Ҳомийлар ўз қарамоғидаги шахсларга улар ўз ҳуқуқларини амалга оширишида ва мажбуриятларини бажаришида кўмаклашадилар, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суистеъмол этилишидан ҳимоя қиласидар.

Васийлар ва ҳомийлар васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча муассасаларда, шу жумладан, судда ҳам алоҳида ишончномасиз ҳимоя қиласидар.

Васий ва ҳомий:

Турар жойи ўзгарганлиги тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиши;

Васийлиги ва ҳомийлигидаги болаларни тарбиялаши, уларнинг таъминоти, саломатлиги, жисмоний, рухий, маънавий ва аҳлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

Ўз қарамоғидаги вояга етмаган болалар билан барча яшashi шарт. 16 ёшга тўлган ҳомийликдаги боланинг ўз ҳомийсидан алоҳида яшашига башарти бу унинг тарбиясига ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан йўл қўйилади.

Васий ва ҳомий қўйидаги вазифаларни бажариш ҳуқуқига эга: васийлиги ва ҳомийлигидаги боланинг фикри, шунингдек, васийлик ва

ҳомийлик органининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда болани тарбиялаш усулларини мустақил равишда белгилашга;

Васийлиги ёки ҳомийлигидаги болани қонуний асослар бўлмасдан туриб, ўз қарамоғида сақлаб турган ҳар қандай шахслардан, шу жумладан, боланинг яқин қариндошларидан суд тартибида қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилишини васийлик ва ҳомийлик органлари назорат қиласи.

Васий ёки ҳомий ўз зиммасига қонун билан юкланган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганида васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман (шаҳар) ҳокими васий ёки ҳомийни бу мажбуриятларни бажаришдан четлатади.

Васий ёки ҳомий мажбуриятларни сифатли бажармаганида бу мажбуриятларни бажаришдан четланиш масаласи судга тегишли бўлса мақсадга мувофиқ бўлади, чунки суд низоли масалани адолатли ҳал қилиб ўз фаолиятида фақат қонунга асосланиб ҳал қиласи.

Васийлик қўйидаги ҳолларда тугайди:

Васийликдаги шахс ёки ва васий вафот этганда;

Вояга етмаганларга нисбатан - улар 14 ёшга тўлганда ёки улар ота-онаси тарбиясига қайтарилилганда;

Қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилгандар учун - уларнинг муомала лаёқати суд томонидан тикланган ҳолларда.

Ҳомийлик қўйидаги ҳолларда тугайди:

Ҳомийликдаги шахс ё ҳомий вафот этганда;

Ҳомийликдаги шахс вояга етганда;

Ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилилганда;

Ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;

Вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);

Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

Ҳомийликдаги вояга етган шахснинг соғлифи яхшиланганлиги туфайли у мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш мумкин бўлганда.

XXII Мавзу. Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат)

1-§. Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тушунчаси ва тартиби

Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат), Оила кодексининг 22-боби, 194-200-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги Низоми»ни иккинчи бўлими билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Оила кодексини 194-моддасига биноан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузилган маҳсус шартнома асосида амалга оширилади.

Ўн ёшга тўлган болаларни уларнинг розилиги билан оилага тарбияга бериш мумкин.

Болани оилага тарбияга бериш шартномаси васийлик ва ҳомийлик органи ва тутинган ота ва она билан тузилади.

Боланинг оилага тарбияга олиш уларга оилада оилавий тарбияни олиш учун имконият бериб, қонун унга сўзсиз афзаллик беради.

Васийлик ва ҳомийлик органи болаларни тарбияга олишни истовчиларнинг оилавий шароити, моддий таъминоти ахволини ўрганиб чиқади ва уларни ҳисобга олади.

Оилага болани тарбияга олиш шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома эса васийлик ва ҳомийлик органлари ва болани

оилага олмоқчи бўлган тутинган ота-оналар (эр-хотинлар, алоҳида фуқаролар бўлиши мумкин).

Оилага болаларни тарбияга олиш учун шартномада кўрсатилган вояга етмаган болалар бўлишлиги лозим. Васий (ҳомий)лар тутинган ота-оналардан фарқ қилиб васийлик ва ҳомийлик органлари билан шартнома муносабатларида бўладилар.

Оилага болаларни тарбияга олиш одатий болалар уйидан фарқ қилиб унда болаларнинг кам сонлиги билан фарқ қиласди. Бу эса унда жамоат тарбиясидан фарқ қилиб оилавий тарбияни таъминлайди. Бу эса ота-оналар учун болалар билан бевосита муносабатда бўлишлиги учун имкон яратади. Қонун билан болаларни оилада энг кам сони кўрсатилмаган. Шунинг учун уни сони бир боладан иборат бўлиши мумкин. Қоида бўйича болаларни сони 8 боладан ошмаслиги керак.

Оилага болани тарбиялаш учун олиш васийликдан фарқ қилиб, тутинган ота-оналар васийлик ва ҳомийлик органлари билан шартнома муносабатларида бўлиб ўзларини мажбуриятларини бажармаганликлари учун ҳақ оладилар. Болалар ва тутинган оналар ўртасида васийликка олинганлар ва васий ва ҳомийларга нисбатан яқинроқ муносабатларда бўладилар.

2-§. Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув ва унинг мазмуни

Оила кодексини 195-моддасига биноан болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга

олган тутинган ота-онанинг ҳуқук ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оиласатан мажбуриятлари, шунингдек бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилади.

Болаларни оиласат тарбияга олаётган тутинган ота-оналар албатта вояга етган ва муомалага лаёқатли бўлишлари керак. Оиласат бола олаётган ота-оналарга ота-оналий ҳуқуқи уларни никоҳда бўлган шунингдек ёлғиз фуқароларга берилади. Фарзандликка оловчиларни шахсиятидан нимани талаб этилса, тутинган ота-оналар шахсиятидан ҳам шуларни талаб этади. Ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум этилганлар ёки ота-оналий ҳуқуқлари чекланганлар; васийлик ва ҳомийлик мажбуриятидан озод этилганлар; илгари фарзандликка олиб айблари фарзандликка олишдан четлатилганлар; соғлиқлари туфайли болаларга тарбия бералмайдиганлар; тутинган ота-она бўлаолмайдилар. Тутинган ота-оналар билан васийлик ва ҳомийлик органлари шартнома тузиш вақтида уларни маънавий қиёфалари, моддий-маиший шароитлари, ёши ва бошқа шароитларини ҳисобга олади.

Болалар ёшларидан қатъий назар шартнома тузиш вақтида иштирок этмайдилар. Тутинган оиласатарга ота-оналий ҳомийлигидан маҳрум этилган болалар қабул қилинади. Агар ака-укалар, опасингиллар бир оиласада тарбияланган бўлсалар уларни ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Фақат болаларни манфаати талаб этса шундагина унга йўл қўйилиши мумкин. Кўпинча бундай ака-ука, опасингилларни ажратишлик уларни бири касал бўлиб бола қабул қилиб олаётган оиласат хавф туғдирса.

Шартномада кўрсатиладиган мажбуриятлардан бири васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-оналар ўртасидаги болани

оилага олиш муддати, тарбиялаш, таълим бериш ва уларни моддий таъминлаш шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органини болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) олдидаги мажбурияти.

Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларни бир йўли кийим-бош ва пойабзал билан таъминлайдилар.

Васийлик ва ҳомийлик органлари болани оилага тарбияга олган тутинган ота-онага қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

Келишув муддатидан олдин қўйидаги сабаблар бўлганда тутинган ота-онанинг ташабbusи билан бекор қилиниши мумкин:

Касаллиги;

Оилавий ёки мулкий мавқеининг ўзгариши;

Болалар билан ўзаро бир-бирини тушунмаслик ва бошқалар.

Васийлик ва ҳомийлик органининг ташабbusи билан ёки болалар ота-оналарга қайтаришган ёхуд улар фарзандликка олинганда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

3-§. Оилага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари

Оила кодексини 197-моддасига мувофиқ оилага тарбияга олинган болалар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзларига тегишли бўлган алимент шунингдек, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;

Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй жойлардан фойдаланиш;

Қолган ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Оиласа тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Боланинг манфаатига даҳлдор ҳар қандай масала оиласа ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақли.

Ушбу моддада оиласа тарбияга бериладиган болалар (патронат_рўйхати берилган. Булар биринчи навбатда ота-она ҳомийлигидаги бутунлай маҳрум бўлган ёки муддати белгиланмаган узоқ муддатли болалардир.

Болаларни оиласа тарбияга олган ота-оналар ўртасидаги низолар васийлик ва ҳомийлик органлари, зарур ҳолатларда эса суд томонидан кўрилади.

Оила кодексини 200-моддасига биноан васийлик ва ҳомийлик органлари оиласа тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб борадилар.

4-§.Тутинган ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Оила кодексини 198-моддасига биноан, вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин.

Қуйидаги шахслар тутинган ота-она бўлаолмайдилар:

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

Суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган шахслар;

Қонун билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

Фарзандликка бола олган лекин кейинчалик ўз зиммалариға юклатилған мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки уларни лозим даражада бажармаганлиги учун суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилингандан шахслар;

Қасддан қилған жиноятлари учун илгари ҳукм қилингандан шахслар;

Соғлигининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдигандан шахслар.

Амалдаги оила қонунчилигига мувофиқ, тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Тутинган ота-она тарбияга олингандан болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир.

Ушбу моддада тутинган ота-она оиласига тарбияга олингандан боланинг қонуний вакили ҳисоблани, унга нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир. Тутинган ота-она оиласига тарбияга олингандан боланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз ҳимоя қиласиди¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар, -Т., "Адолат", 2000, -3656.

XXIII Мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш

Фуқаролик-шахснинг ҳуқуқий мақоми сифатида қатор белгиларга эга. У биринчидан, шахснинг маълум бир давлатга мансублигини билдиради. Иккинчидан, бу мансублик давлат билан ўша шахс, фуқаро ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий боғлиқликни, алоқани билдиради.

Собиқ иттифоқни парчаланиб кетиши унинг ҳудудида бир қатор мустақил давлатларни вужудга келишлиги, аҳолини кўчишини кучайиши туфайли кўпгина чет эл фуқароси билан боғланган оилавий муносабатларни вужудга келишлигига олиб келди.

Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл элементи билан иштирок этган муносабатлар дейилганда, унда чет эл фуқароси иштирок этган бўлади. Масалан, чет эл фуқароси томонидан болани фарзандликка олиш. Чет эл элементи билан боғлиқ ҳолат яна шундай бўлишлиги мумкин, агар юридик фактга асосланган ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ёки уни бекор қиласиган ҳолат чет эл ҳудудида содир бўлса. Оилавий муносабатларда чет эл элементи пайдо бўлса уларни ҳуқуқий тартибга солишда қайси мамлакатни ҳуқуқи татбиқ этилиб ва тартибга солишда қайси орган ваколатли бўлиб масала ҳал қилинади. Бу муаммоларни ҳаммаси халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлади.

Мамлакатимизда очиқ фуқаролик жамиятига ўтиш туфайли халқаро алоқалар тобора кенгайиб бораверади. Хусусан, чет давлатлардан туристлар, шунингдек талабалар, ишбилармон одамлар

(банкирлар, тадбиркорлар ва бошқалар) ни келишлиги. Илгари йўқотилган шахсий алоқада бўлган қариндошлар ўртасидаги алоқаларни тиклаш учун имконият яратилди. Ўз навбатида бизнинг фуқароларни чет мамлакатларга боришлиги у ерда яшашлиги кам учрайдиган ҳолат бўлмасдан тез-тез учрайдиган ҳолат бўлиб қолди.

Демак, Оила кодексини 234-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг худудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Фуқароликка оид қоидалар Халқаро шартномаларда ҳам кўзда тутилади. Умумий қоидага кўра, башарти, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномада мамлакатимиз қонунларидан бошқача қоида белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ халқаро шартномадаги қоида қўлланилади.

1-§. Никоҳдан ажратиш

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги, шунингдек чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси қоидалари асосида амалга оширилади.

Икки чет эл фуқароси никоҳдан Ўзбекистонда ажрашган бўлса, уни тан олиш ёки олмаслик масаласи тегишли давлатнинг қоидалари ва фуқаролик процессуал қонунларига риоя қилинган ҳолда кўрилиб ажратилган бўлса, у ҳақиқий деб ҳисобланади. Аммо никоҳни

ажратишга йўл қўйган давлатларнинг нормалари (яъни, коллизион нормалар) бу масалага турлича ёндошади. Бундай ҳолларда никоҳдан ажратиш фуқароликка эга бўлган шахслар давлатининг ёки шахслар доимо яшаб турган давлатнинг қонунларига итоат этади.

Никоҳдан ажратиш ишлари халқаро шартномага асосан тартибга солинса (Оила кодексининг 9-моддаси), бундай ишга нисбатан шартномада эр-хотин фуқароликка мансуб бўлган тегишли давлатнинг қонунлари татбиқ этилиши шарт. Масалан, Санкт-Петербургда яшаб турувчи Ўзбекистон фуқароси (даъвоси бўйича) Самарқандда яшаб турувчи Ўзбекистон фуқароси билан никоҳдан ажралар экан, суд даъвогар яшаб турган жой - Россия қонунини эмас, балки Ўзбекистон қонунини қўллаши шарт.

Оила кодексининг 236-моддасининг 3-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш мумкин бўлган ҳолларда бундай никоҳдан ажралиш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида амалга оширилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда қайд этилган никоҳдан ажратиш ҳақидаги қарорнинг Ўзбекистонда тан олиниши ушбу қарор Ўзбекистон судининг ёки фуқаролик ҳолати далолатномалари органининг қарори юридик кучга эга деб тан олинади. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги чет эл давлатида қабул қилинган қарор эр-хотинни никоҳдан ажрашган деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

2-§. Фарзандликка олиш

Оила кодексининг 237-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда ҳам амалдаги Кодекс 151-167-моддаларининг талабларига риоя қилиниши лозим.

Мазкур қоидада Ўзбекистон фуқароси бўлган болани ёки чет эл давлати фуқароси бўлган болани Ўзбекистон ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлган болани чет элда фарзандликка олиш масалаларига оид қоидалар назарда тутилади.

Ҳаётда фарзандликка олинган боланинг чет элга олиб кетилиши ҳоллари ҳамон учраб турмоқда. Бундай ҳолда боланинг фарзандликка олинганлигини исботловчи аниқ далиллар талаб қилинади.

Чет эл оила ҳуқуки нормаларининг мазмунини аниқлаш. Оила кодексининг 238-моддасига мувофиқ суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ва бошқа маъмурий органлар чет эл оила ҳуқуқининг нормаларини қўллашда мазкур нормаларининг мазмунини уларнинг тегишли чет эл давлатида расмий шарҳланиши ва амалиётда қўлланишига мувофиқ тарзда аниқлайди.

М У Н Д А Р И Ж А

I Бўлим Умумий қоидалар
I-мавзу Оила тушунчаси ва унинг асосий вазифалари ...
1-§ Оила тушунчаси
2-§ Ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари
3-§ Оиланинг асосий вазифалари
4-§ Оила жамият ва давлат муҳофазасида
А) Оила жамият ҳимоясида
Б) оила давлат муҳофазасида
II-Мавзу Оила ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллари ва тизими
1-§ Оила ҳуқуқи тушунчаси
2-§ Оила ҳуқуқининг тамойиллари (принциплари
3-§ Оила ҳуқуқи тизими
III-Мавзу Ўзбекистон Оила ҳуқуқининг тарихи
1-§ Туркистонда ислом дини ёйилгунга қадар никоҳ ва оила ҳуқуқий масалалари
2-§ Туркистонда ислом дини ёйилгандан сўнг никоҳ ва оила муносабатларининг одат ва шариат қоидалари билан тартибга солиниши
3-§ Собиқ Совет ҳокимиятининг 1917 йилдаги никоҳ ва оила масалалари бўйича декретлари
4-§ РСФСР (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси) Фуқаролик ҳолати далолатномалари, никоҳ, оила ва васийлик ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар кодекси (1918 йил) ва унинг ТАССР (Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси) ҳудудида татбиқ этилиши

5-§ БХСР (Бухоро Халқ Совет Республикасида) никоҳ	
ва оила муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши	
6-§ XXСР (Хоразм Халқ Совет Республикаси)да никоҳ	
ва оила муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши	
7-§ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг никоҳ	
ва оила ҳамда васийлик ва фуқаролик ҳолати	
далолатномаларини ёзиш ҳақидаги қонунлар кодекси	
(1928 йил) ва унинг асосий қоидалари ва аҳамияти	
8-§ ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг	
никоҳ ва оила қонун Асослари (1968 йил)	
9-§ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг	
Никоҳ ва Оила кодекси (1969 йил)	
10-§ Мустақил Ўзбекистон Республикасининг	
Оила тўғрисидаги қонунлари	
IV-Мавзу Оила ҳуқуқининг манбалари	
1-§ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	
2-§ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси	
3-§ Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби	
тўғрисида Йўриқнома	
4-§ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш	
Қоидалари	
5-§ Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик	
тўғрисида Низом 2-қисм.	
6-§ Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва	
тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом.	
7-§ Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар	
тўғрисида қоидалар	
8-§ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг	

оила ҳуқуқи масалалари бўйича қарорлари

V-Мавзу Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар

1-§ Оиланинг умумий (ижтимоий) ва маҳсус (юридик) тушунчалари

2-§ Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг турлари. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан фарқи

3-§ Оила ҳуқуқида ҳуқуқ ва муюмала лаёқати

4-§ Оила ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари ва обьектлари

5-§ Оилавий субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар

6-§ Оилавий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш асослари

7-§ Оила ҳуқуқида қон-қариндошлиқ, қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик тушунчаси ва уларнинг аҳамияти

8-§ Фуқаролик ҳолати далолатномалари

9-§ Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш

10-§ Оила ҳуқуқида даъво муддати

VI Мавзу. Никоҳ

1-§. Никоҳ тушунчаси

2-§. Никоҳ тузиш тартиби

3-§. Никоҳ тузиш шартлари

4-§. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари

5-§. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ва унинг оқибатлари

VII Мавзу. Эр ва хотиннинг шахсий

ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1-§. Эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши

2-§. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги

3-§. Эр ва хотиннинг фамилияси.....	
4-§. Эр ва хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилиши	
5-§. Эр ва хотиннинг машғулот тури, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқлари	
VIII Мавзу. Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари	
1-§. Эр ва хотиннинг умумий мулки	
2-§. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг хусусий мулки	
3-§. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш.....	
4-§. Эр ва хотиннинг шахсий ва умумий қарзларига жавобгарлиги	
5-§. Никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш	
X Мавзу. Никоҳнинг тугатилиши.....	
1-§. Эр ва хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳни тугатилиши	
2-§. Никоҳдан ажралиш учун асослар	
3-§. Суд тартибида никоҳдан ажратиш	
4-§. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш	
5-§. Никоҳдан ажралишнинг ҳуқуқий оқибатлари	
III БЎЛИМ ОИЛА	
XI-Мавзу. Ота-оналар ва болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари	
1-§. Боланинг насл-насабини белгилаш	
2-§. Ота-онанинг аризаси бўйича боланинг насл-насабини белгилаш	
3-§. Оталикни суд тартибида белгилаш	
4-§. Ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	
XII Мавзу. Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари	

1-§. Боланинг оиладаги ҳуқуқий ҳолати.....
2-§. Вояга етмаган болаларнинг шахсий ҳуқуқлари
3-§. Вояга етмаган болаларнинг мулкий ҳуқуқлари
4-§. Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....

**XIII Мавзу. Ота-онанинг шахсий номулкий
ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

1-§. Ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги
2-§. Вояга етмаган ота-онанинг ҳуқуқлари.....
3-§. Ота-онанинг болаларга таълим -тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари
4-§. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
5-§. Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш
6-§. Боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириши.....
7-§. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш

**XIV Мавзу. Ота-она ҳамда болаларнинг
мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....**

1-§. Ота-она ва болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....
2-§. Ота-она ва болаларнинг алоҳида мол-мулки.....
3-§. Ота-она ва болаларнинг умумий мулки
4-§. Болаларнинг оиладаги хусусий мулки
5-§. Вояга етмаган болаларнинг хусусий мулкини бошқариш ва тасарруф этиш

XV Мавзу. Алимент мажбуриятлари.....

1-§. Алимент мажбуриятларининг умумий қоидалари
2-§. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....
3-§. Болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш
4-§. Болаларни ўз ота-оналари учун алимент тўлаш мажбуриятлари

5-§. Ота-оналар ва болаларнинг ёрдамчи	
ҳаражатларда иштирок этишлари	
6-§. Низо судда ҳал этилгунга қадар алимент ундириш	
XVI Мавзу. Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг	
алимент мажбуриятлари	
1-§. Эр-хотин ўртасидаги алимент мажбуриятлари	
2-§. Собиқ эр-хотинлар ўртасидаги алимент мажбуриятлар.....	
XVII Мавзу. Қариндошлар ва бошқа шахсларнинг	
алимент мажбуриятлари	
1-§. Бобо ва бувининг ўз невараларига	
алимент тўлаш мажбурияти	
2-§. Невараларни бобо ва бувиларига	
алимент тўлаш мажбурияти	
3-§. Ака-ука ва опа-сингилларнинг алимент мажбурияти.....	
4-§. Доимий тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига	
алимент бериш мажбурияти	
5-§. Ўгай ота ва ўгай онанинг ўгай ўғил ва ўгай қизларига	
алимент бериш мажбурияти	
6-§. Ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ўгай ота ва ўгай онага	
алимент бериш мажбурияти	
XVIII Мавзу. Алиментларни тўлаш ва ундириш тартиби.....	
1-§. Алиментни тўлаш тўғрисида келишув тузиш	
2-§. Алиментни ихтиёрий тўлаш	
3-§. Алиментни суд тартибида ундириш.....	
4-§. Алимент қарзини ундириш	
5-§. Алиментни ўз вақтида тўланмаганлик	
учун жавобгарлик	
XIX Мавзу. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган	
болаларни аниқлаш ва жойлаштириш.....	
1-§. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни	
хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш	
2-§. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган	
болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш	

3-§. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш
XX Мавзу. Фарзандликка олиш
1-§. Фарзандликка олиш тушунчаси.....
2-§. Фарзандликка олиш шартлари ва тартиби
3-§. Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш
4-§. Фарзандликка олишни бекор қилиш
XXI Мавзу. Вояга етмаган болалар учун васий ва ҳомий тайинлаш
1-§. Васийлик ва ҳомийликнинг мақсади.....
2-§. Васийлик ва ҳомийликни белгиловчи органлар.....
3-§. Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш
4-§. Васий ва ҳомийнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари
XXII Мавзу. Болаларни оиласага тарбияга олиш (патронат)
1-§. Болаларни оиласага тарбияга олиш (патронат) тушунчаси ва тартиби.....
2-§. Болаларни оиласага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув ва унинг мазмуни.....
3-§. Оиласага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари
4-§. Тутинган ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....
XXIII Мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оиласавий муносабатларни тартибга солиш.
Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш.....
1-§. Никоҳдан ажратиш
2-§. Фарзандликка олиш